




«ЖАХОН АДАВИЁТ» КУТУБХОНАСИ

ДОН  
КРИСТОБАЛНИНГ  
ХАТОСИ



2016/82 - 1815





«ЖАХОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

ДОН  
КРИСТОВАЛНИНГ  
ХАТОСИ

қиссалар ва ҳикоялар



ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2012

УДК: 821.512.133-3

ББК 84(0)


Д71

Русчадан

Алишер САЙДУЛЛА таржималари

Курраи заминимизда яшаб турган ҳар бир инсоннинг орзу-умидлари жамият кс-  
лајагига, башарият тараккиётгига муайян таъсир кўрсатишига тарихда мисоллар кўп.  
Зоро, эзгу ниятлар инсониятни фаровонликка бошлани, бузғунчи исгаклар жамиятни  
таназзул томон етаклаши ҳам кечмиша кўп бор ўз тасдигини топган.

Мазкур «Дон Кристобалнинг хатоси» китобидан ўрин олган кисса ва ҳикоялар  
турли мамлакатларда яшаб ижод килган адаблар қаламига мансуб бўлса-да, уларни  
бир-бирига боғлаб турувчи бир канча жиҳатлар мавжуд. Уларнинг энг асосийси – Ода-  
мийлик туйғуси, Инсоннинг ўз-ўзини англашта, камолга етишга интилиши гоясидир.  
Ўзининг ва демак, кишилик жамиятининг баҳтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун инти-  
лиш, бу йўлда сабот билан или арилац, китобга киргап барча асарлар қаҳрамонларини  
бир-бирига рухан яқинлаштириб, бирлаштириб туради.



## ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Жамият хаётида, инсониягнин таракқиёти жараёнларида хар бир кишининг орзу-умиллари, интилишлари – у бола бўладими ё кексами, подшоҳми ёки ночорми – қайсиdir жиҳатдан сайёрамиз келажагига таъсир кўрсатиб боради. Лекин келажакнинг қандай бўлиши орзу-ниятларнинг соғлигига, эзгулигига ҳам боғлик. Зоро, кишилик жамияти истиқболининг хар бир лаҳзаси ғоялар курашининг якунларидан таркиб топиб боради. Демак, келгусида ахли башарнинг баҳтли-саодатли ҳаёт кечириши бутунги истакларимиз, тилакларимизнинг қанчалик яхшиликка, маънавий покликка хизмат қилишига боғлик.

Мазкур тўпламдан жой олган асарларда муаллифларнинг келажакка қаратилган нигоҳи, инсоният истиқболи ҳақидаги мушоҳадалари, эртанги кун ҳақидаги тасаввурлари акс этган. Улар шу жиҳати билан бир-бирига бениҳоя яқин.

Америкалик ёзувчи Чэд Оливернинг «Юлдуз шуъласи» қиссаси билан россиялик Олег Костман каламига мансуб «Дон Кристобалнинг ха-тоси» гарчи жанр жиҳатидан бир-биридан фарқланиб турса-да, уларни битта мавзу бирлаштириб туради ва уларда муаллифларнинг Америка қитъасининг кашф этилиши ҳақидаги ўз тасаввурлари ёритилган, ўз шахсий дунёқарашлари ифодаланган. Бу ҳар икки қиссанинг асосий ғояси талкинида ёзувчиларнинг нуқтаи назарлари бир-биридан тубдан фарқ килади. Бунда қитъанинг кашф этилиши воқелиги сайёрамиз ҳалқлари ҳаётида қандай аҳамият касб этгани борасида бир-бирига ўхшамаган мулоҳазалар илгари сурилган.

Украиналик адаб Лев Вершининнинг ilk ижод намуналаридан бўлган «Қиролнинг қайтиши» фантастик қиссасини, назаримизда шартли равишдагина «фантастика» деб аташ мумкин. Чунки асарда баён этилган воқеалар гўёки олис галактикалардан биридаги «Ерсимон» сайёрада юз берса-да, ўқувчига ўрта асрлар Европасидаги аниқ мамлакатлар тарихини эслатади. Сайёра аҳолисининг турмуш тарзи, эътиқод-мағкуралари, орзу-истаклари, исёнлар, урушлар, кўзғонлар, жамият ҳаётининг барча жабҳалари узоқ ва якин ўтмишимиздаги воқеликни

ўзида акс эттирган. Асарнинг ғояси эса «Юлдуз шуъласи» билан мазмунан якин. Ҳар икки киссада ҳам бирор бир мамлакатнинг, жамиятнинг бошқа бир жамият хаётига аралашуви кўнгилсиз оқибатларга ва ҳатто ўнглаб бўлмас фожиаларга олиб келиши мумкинлиги ҳакида муаллифларнинг муштарак фикрлари ифодасини кўриш мумкин.

Америкалик адид Ж. Рожер Бейкернинг «Тошибирхли орол» хикояси ва полъшалик олмон ёзувчиси Эмил Лудвигнинг «Митти айбор» хикоясини ҳеч бир муболагасиз «эгизак ҳикоялар» деб аташ мумкин. Лекин бу «эгизаклик»нинг кўчирмакашликка ёхуд адабий таклидга ҳеч қандай алокаси йўклигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу хикояларнинг шаклан, мазмунан, моҳиятан бир-бирига ўхшаш жиҳатлари ўкувчини ҳайратга солади. Ҳатто қаҳрамонларнинг танланишида ҳам муштаракликлар мавжуд: уч кишилик кичик бир оила – беш-олти ёшлардаги ўғил, ота ва она. Лекин ҳар икки хикоянинг ва ҳар бириданги қаҳрамонларнинг бир-бирларига худди қуйиб қўйгандай ўхшаш эканлиги, воеалар ривожи ҳар икки асар давомида бир хилда кечиб боришига қарамасдан, уларнинг ниҳоясида муаллифлар бир-бирига ўхшамаган, ўзгача услуб, ўзгача ечимдан фойдаланганлар. Бу хикоялар мавзу жиҳатидан эгиз бўлса-да, ҳар бири ўз рухиятига, ўз кайфиятига, ўз табиатига ва ўзигагина хос бўлган бадиий ифодага эга. Объектлардан бири табиатдан олинган, иккинчиси жамиятдан.

Тўпламни тузишда тасодифий асарлар танланмасдан, балки мақсад моҳиятига кўра бир яхлитликда мушоҳада этиладиган, фикрлашга чорлайдиган адабиёт намуналари бир жилд таркибига жамланди. Мақсаднинг жиддийлиги уларни ўзаро боғлаб туради. Шу жиҳатдан ҳам китобхон тўпламни яхлит бир асар сифатида қабул қиласди. Тўпламни мутолаа этиш давомида ўкувчи сатрлар ортидан бормайди, балки фалсафий мазмун сингдирилган фикрлардан маънавий озука олади.

Алишер Саъдулла

## құссалар



Ақындың атасы Абай мен Аманжолдан көп жағынан әдебиеттегі өзінің өмірінде ол мемлекеттік әкімшілікке да қарастырылған. Абай мен Аманжолдайның өзінің өмірінде ол мемлекеттік әкімшілікке да қарастырылған. Абай мен Аманжолдайның өзінің өмірінде ол мемлекеттік әкімшілікке да қарастырылған. Абай мен Аманжолдайның өзінің өмірінде ол мемлекеттік әкімшілікке да қарастырылған.

## ЮЛДУЗ ШУЛЬСАИ

*Тепасида юлдуз порлаб  
турмаган бирорта йўл  
дунёда йўқ.*

Эмерсон

### I

Улар ўтирган хона каттагина, салобатли мебель билан жихозланган, файзли эди. Қизил, кора ва кулранг накшлари бир-бирига уйғунлашиб кетган бир неча қадимий асл навахо гиламлари, қаттиқ зарант ёғочидан ишланган паркет полни анчайин жонлантириб турарди. Серкўз қарагай оғочларидан тикланган хона деворларида бешта ажойиб суврат илинганд бўлиб, тўрттаси замонавий ва биттаси Гоген қаламига мансуб икки юз йиллик расм эди. Ўша жойнинг ўзида маҳобатли ёзув столи ва иккита қулагина оромкурси ўрин олган.

Оромкурсилардан бирида ўтирган Вэйд Драйден олдинга эгилди. Илк лаҳзаларда у хамсухбатини янгиш тушунди, аммо кўнглининг бир чеккасида ҳеч бўлмаганда хонанинг ортиқча ҳашаматсиз жихозланганидан мамнун эди – бу унинг эсанкираб колмаслигига ёрдам берарди, зеро у ҳозир тетиклик ўзига нихоятда зарур эканлигини хис этиб турарди.

– Улар кимни... топишибди? – деб сўради у, вахоланки, биринчи мартадаёқ тўғри ўшиганини ўзи яхши англаб турарди.

– Отларни, – яна кайтарди Ҳейнрик Шамиссо. Унинг озғингина кўли стол устида харакатсиз қотган, бармоклари стол сиртини асабий ва тез-тез чертмоқда эди. Вэйд бунга аллақачон кўнишиб кетган бўлса ҳам, аммо бугун бармокнинг бетўхтов тақиллаб туриши унинг асабларини тинчлантириши даргумон. – О – Т – Л – А – Р – Н – И. Эквус кабаллус.

Вэйд тинмай гапиришда давом этарди, нима бўлганда ҳам оғир жимлик унинг вужудини қайта эзмаса бас.

– Ҳэнк, мен балки санасида адашгандирман. Уларни қачон пайкаб колишибди дединг?

– Агар сен бизнинг тақвим тизимимиздан фойдаланишни маъқул кўрсанг, у ҳолда июнь ойида.

Шамиссонинг кўзлари остида кора доиралар кўриниб турар, аммо кўзлар тиник ва хушёр эди. Бош бармоғи столни тақиллатишдан тўхтамасди.

– 1445 йилда. Кулок сол, Вэйд, давр бүйича хеч қандай хато бўлиши мумкин эмас – тадқиқотчи гурухлардан бири отлар ҳакида хабар берини биланоқ, биз шу заҳоти у ерга Замонлар хавфсизлиги бошқармаси вакилларини жўнатиб, бу маълумотни қайта текширувдан ўтказдик. Дэйв Тоуни – сен уни яхши танийсан – якуний хисоботни тақдим этди.

– Ҳа, мен уни биламан, – Вэйд бошини кимиirlатиб қўяркан, ошқозонида худди бир пима «чирт» этиб узилгандай бўлди.

– Энди эса кейинги саволингга ўрин қолдирмаслигимга ижозат берсанг, – давом этди Шамиссо сезилар-сезилмас табассум билан. – Отлар Мексикада топилган. Аникроғи, Марказий Мексикада. Илтимос, мендан, ҳазиллашашсанми, деб сўрама. Бутунжаҳон Кенгаши аъзоларининг тенг ярми ҳозир бўғзимга пичок қадаб турибди, мен ҳозир майнавозчилик киладиган аҳволда эмасман.

– Сен нима чора кўрдинг?

Шамиссо елка кисиб кўйди.

– Мен нима ҳам кила олардим? Бошкарма гурухлари 1300 йилдан шу кунгача бўлган вақтни текширувдан ўтказишяпти. Замон оша саёҳатлар бўйича барча янги илтимосномаларни кўриб чиқиши ишлари тўхтатиб кўйилди. Бугунги кунгача тўрт юз нафардан зиёд олим давр чегарасининг нариги томонида туришибди, улардан айримлари мезозой эрасидан, уч киши эса палеозой давридан қўним топган; биз уларни у ёқдан осонгина суғуриб ололмаймиз, аммо ҳаммасини кузатиб турибмиз.

– Ҳаммаси жуда соз, зўр, – дея гап қўшли Вэйд, – аммо муаммони булар ҳал этмайди, шундайми?

– Бу ишларни биз виждонни поклаб олиш учунгина киляпмиз, – тасдиқлади Шамиссо. – Кенгаши аъзоларида яхши таассурот қолдиришга уриняпмиз, холос.

– Улар бунинг қанчалик жиддий эканини тушунишадими?

– Билмадим. Менимча, йўқ. Очиги, бу ёгини энди вақт кўрсатади. Илтимос, бу кутилмаган чалкашлик учун мени кечир.

– Энди мен ғалвалинг давомини топишга уриниб кўраман, – деди Вэйд юзини буриштириб. – Сизлар Замонлар хавфсизлиги бошқармасинини' павбатдан ташқари йигилишини ўтказгансизлар. Шунингдек, сенатор Вайненс икковингиз мени бу ишни ихтиёрий равишда бажаради, деган фикрга келгансизлар.

– Рости, ҳаммаси худди сен айтганингдай, Вэйд. Агар тирик қайтиб келолсанг, балки маошинг ҳам ошиб қолар.

– Қўринишдан мен ёлғиз жўнайман шекилли?

– Кечирасан, лекин шундай қилинса, яхши бўлади.

Вэйд Драйден пиджагининг чўнтағига қўл солиб ва ғоятда кўримсиз чубугини олди. Чубукка арzon тамаки бўлагини солди-да, ўт олишини

беш сония кутиб турди, сўнгра чека бошлади. Кейин у ўрнидан туриб, хона бўйлаб юра бошлади, вақти-вақти билан паркет устида сирпаниб кетаётган навахо гиламларини оёги билан у ёқ-бу ёққа суреб қўярди. Унинг бўйчан, дароз вужуди бўшашиб қолгандай кўринар, озғин козида эса зўрикиш аломати сезилиб турар эди.

– Отлар? – унинг пешонасидан муздек тер чикиб кетди. – Бундай ҳазил кимнинг калласига кела қолдийкин?

Шамиссо стол ичидан бир жилд олди, ундан рангли фотосуратни чикариб, бирор сўз айтмасдан Вэйдга узатди.

Вэйд Драйден фотосуратга каради-ю, сесканиб кетди.

У Вакт саёҳатчиси паспортидан олинган яхшигина фотосурат эди. Суврагдаги одамнинг чехрасида қатъият ва кибр яққол кўзга ташлашиб турарди; Драйден ўзини шу тобла худди қўлида одам калласини ушлаб тургандай хис килди.

Фотосуратдан Вэйдга салгина захарханда киёфа тикилиб турарди. У кучли кишининг киёфаси эди – жиддий юз бичими, тиник кўк кўзлар, ўтқир нигоҳ. Оппок соchlари бир текис таралган.

Агар мана шу юзда қандайдир ёвузилик яширинган тақдирда ҳам, ҳеч қандай асбоб уни илғаб ололмаган бўларди. Ўзининг оддийлигига қарамасдан, бу чехра ёқимли эди.

Айнан ана шундан Вэйд титраб кетди.

– Унинг исми нима?

Бош бармоқ столни чертишдан чарчамас эди.

– Очиги, унинг исми бирор ёвузиқдан дарак бермайди – Дэниэл Ҳюз; боз устига уни ҳамма шунчаки Дэн деб атайди. У олтмиш ёшда, ўтмишга саёҳат килиш учун рухсатномани ҳам оддий тартибда Цинциннатидаги бўлимимиз орқали олган. Албатта, текширувлардан ўтган ва уни нихоятда ижобий шахс сифатида қабул килишган, ҳатто ҳаддан ташкари ижобий баҳо ҳам бериб юборишган, аммо биз буни энди тушиуниб етаямиз. Касби бўйича у тарихчи, Ҳарвардда фалсафа фанлари доктори даражасини олган, одатдагидай бир неча илмий асарлар муаллифи ва ҳоказо. Бирор марта кўнгилсиз ишларга аралашмаган. Ҳамкаслари у ҳакда яхши фикрдалар. У Марказий ва Жанубий Америкадаги, айниқса, Марказий Мексикадаги юкори даражада ривожланган дастлабки жамиятлар бўйича ихтисослашган.

– Ҳм, – Вэйд яна фотосуратга тикилди. – Ҳар ҳолда унинг эси жойидар, деб умид қиласман.

– Ақли жойида, – Шамиссонинг ковоги солинди. – У оғир-босик одам сифатида танилган – нихоятда беозор, қобил, меҳнаткаш.

– Ха, у ташки кўринишидан бунақа ўйин кўрсатишга кодир одамга ўхшамайди.

— Сен қаёқдан биласан? — деди Шамиссо юзига совук табассум югуриб. — Ахир ҳали ҳеч ким бундай томоша уёқда турсин, шунга якинрөгига ҳам кўл уришга уриниб кўрган эмас. Турли хил жиноятлар ҳар турли жиноятчиларни ўзига жалб этади.

— Демак, сен буни жиноят деб хисоблар экансан-да?

— Ҳукукий нұктай назардан шундай. Буни яна қандай аташ мумкин?

Вэйд кулиб юборди.

— Дунёга ўт қўйган кишини ҳам мушакбозлик бўйича техник, деб атайсан шекилли.

— Балки.

Вэйд Шамиссога тикилди, у эса бу нигохни киприк қокмай кузатди. Вэйд бошини кимиrlатиб қўйди. У Шамиссони ўттиз йилдан бери билади, аммо бу одам унинг учун барибир жумбок бўлиб колаверади.

Вэйд фотосуратни йиғмажилдга қайтариб солиб қўйди, ўз оромкурсиси ёнига келиб ўтирди. У чубугини яхшилаб қўздан кечириб, тамаки буткул ёниб тугаганига ишонч ҳосил килгач, чўнтағига солиб қўйди.

— Ҳоз отларни қаердан топган? — деб сўради у. — Ўзи унда нечта от бор?

— Тахминан элликтacha, — дея жавоб берди Шамиссо. — Байталлар ҳам, айғирлар ҳам бор. Уларнинг айнан элликта эканига кафиллик беролмайман, чамаси, шунинг атрофида. Уларни қаердан топа қолгани бизга номаътум. Албатта, биз буни аниклашига ҳаракат қиляпмиз, аммо хозирча барчаси бехуда.

— У ўтмишга саёҳат килганида, отларни ўзи билан бирга олиб кетган бўлиши мумкин эмас, тўгрими? Менимча, Цинциннатидаги бўлимимизда, шубҳасиз, элликта отдан иборат уюрии пайқаган бўлишарди.

Шамиссо энди ўнг кўлинни тинч қўйиб, чап кўлиннинг бош бармоғи билан столни черта бошлади.

— Йўқ, у жўнаган пайтда унинг отлари йўқ эди, ўтмишга ўтиш йўлида кимdir уни қўздан кочирган ва бунинг учун ўша кимdir калласи билан жавоб беради, лекин бунинг сенга дахли йўқ. Чамаси у – 1900, ё 1800 йилдами ёки яна бошқа қаердадир тўхтаб ўтган ва уларни ўзи билан олиб кетган. Бу қандай юз берган, билмадим, лекин албатта аниклайман.

— У отларни 1445 йилда Европадан келтирган бўлиши ҳам мумкин, — деб сўз кистирди Вэйд.

— Эҳтимол, аммо ларгумон. У вактда Колумбнинг саёҳатига ҳали ярим аср бор эди, шу боис, ишончим комилки, у отларни уммон оркали олиб ўтмаган.

Вэйднинг қовоги солинди.

— Қачонлардир Америкада ҳам отлар бўлган, шундай эмасми? Айтмоқчиманки – маҳаллий отлар.

— Ёмон фикрмас! Ҳакиқатан ҳам, Янги Дунёда қачонлардир отлар яшаган, бирок улар тош асли охирида қирилиб кетишган. Албатта, у отларни тош аслидан олган бўлиши ҳам мумкин, аммо бунинг деярли имкони йўқ – у бир ўзи ёввойи отлар тўдасини кўлга ўргатиши ва уларни йигирма минг йил мобайнида тош асли охиридан 1445 йилга қадар ҳайдаб келиши лозим бўларди. Очигини айтсам, мен бунга ишонмайман. Энди нима бўлганда ҳам гап унинг отларни қаердан олганида эмас. Сен билишинг керак бўлган нарсалар шу холос.

Шамиссо Вэйд томонга энгашди.

— Биз юз йилдан зиёд кобалът бомбаси таҳдида остида яшадик, – деди Шамиссо. Унинг озгин танаси ҳозир яна ҳам кичрайиб кетгандай туюларди. – Ҳайриятки, биз унинг портлаши оқибатларини бошдан кечирмадик. Аммо у ҳар лаҳзада портлаши мумкин эди. Бу отлар ҳам, Вэйд, – бомбанинг ўзи, факат замонга даҳлдор, мен бу агамани атайнин кўлладим. Эҳтимол бу бомба вишиллаб-вишиллаб, ҳатто Дэниэл Ҳюзнинг олов пуркаб турганига ҳам қарамай, ўз-ўзидан ўчиб колар. У портлаган тақдирда ҳам, упинг таъсири факаттина кичик кўламда бўлиши ва ҳар кандай излари бизнинг давримиздан анчагина олдин ўчиб кетиши мумкин. Аммо 1445 йил Марказий Мексикада 1520 йилдан унчалик ҳам орқада эмас – бу эса Кортес сузуб келган йилдир. Агар биз дархол бу хавфнинг олдини олмасак, бизнинг бутун тамаддунимиз ва ўзимиз ҳам бир лаҳзада асфаласофилинга караб кетишимиш мумкин. Мана буниси энди, ўта жиддий масала.

Шамиссонинг сўзлари Вэйдни баттар ташвишга солиб қўйди.

— Сенинча, бу вазифани гурух яхшиrok бажармайдими? Мен хатога йўл кўйсам нима бўлади?

— Янглишмасликка ҳаракат қил, – хотиржам маслаҳат берди Шамиссо. Бош бармок яна столни черта бошлади. – Рўй берган воқеа қанчалик камрок овоза бўлса, омад имконияти шунчалик кўпроқ бўлади. Дастреб, ҳеч бўлмаганда, бир кишини жўнатиш лозим. Бу ўйинга инсоилар ҳаётни тикилган, Вэйд, ҳозир кимга нима маъкуллигини ҳал қиласидиган пайт эмас. Буни ўзинг ҳам тушуниб турибсан.

Вэйд чукур хўрсииди.

— Яхши, Ҳэнк, сен айтганча бўла қолсин. Ишни нимадан бошлайман?

— Мана бундан. Шамиссо йигма жилдга имлади. — Сен, аввало, Ҳоз ҳакида бизга нималар маълумлигини хулоса тарзида тақдим этишинг лозим. Кейин эса, уни билган одамлар билан учрашишингни

хохлардим, дарвоқе, унинг хотини хали ҳам шу ерда, кейин у ҳақда тасаввурга эга бўлишинг керак. Дэниэл Ҳюз – ҳамма нарсанинг калити, сен у билан қандай муносабатда бўлишингни ҳал килиб олишинг шарт. Тайёргарлигинг ҳақида аник қарорга келиб ол, факат шошма, сенинг ихтиёрингда икки ҳафта вакт бор – биз сени 1445 йилга, нак унинг томи устига гашлаймиз, агар унинг устида томи бўлса албатта. Шундан сўнг, сен ўзинг мустакил ҳаракат килишни бошлайсан. Бизда Ҳавфсизлик бошкармасининг агентлар гурухи тайёр туради, аммо сен уларни фавқулодда зарур вазиятдагина чакиртира оласан. Агар сен қаердадир ҳато килсанг, биз ҳамма ишни тинччишиб учун бутун бошли экспедицияни юбориб, бутун бир ҳалқ маданиятини ўзгартиришимизга тўгри келади, бунинг эса доим ҳам уддасидан чиқиб бўлмайди.

Вэйд яна бир бор фотосуратдаги кулими сираб турган оксоҷишига кўз кирини ташлаб қўйди.

Шамиссо бош ирнаб қўйди.

– Агар зарур бўлса, уни ўлдир, – деди у. Вэйд йиғмажилдни олиб, хонадан чиқди ва ўз вертолёти томон шошди.

## II

Апрель осмони гаройиб бир нафис мовий рангда, ҳатто бир парча булат ҳам Аризонанинг илиқ қуёшини тўсмасди. Вэйд вертолётни беш минг фут баландликкача кўтарди ва автобошқарув тизимини ишга солиб қўйди. Анча пастда сугориш аrikлари кесиб ўтган далалар елиб ўгар, бутун дашт байрамона либосга – кўкламнинг илиқ яшиллигига бурканган эди. Табиат қишининг совук шамолларини унугиб улгурган, ёзнинг жазирама саратонлари эса узок хотира бўлиб қолган эди, холос.

Вэйд олдидағи столча устига йиғмажилдни қўйиб очди ва саҳифаларни шошмасдан вараклай бошлади. У ҳужжатларга кўз юргутиаркан, ҳамма нарсани бирма-бир эслаб колишга уринмас, шунчаки таассуротларни онгига сингдириб борар эди. Кўёш тафти уни анча бўшаштириди; офтобнинг илиқ нурлари Вэйднинг куракларини китиклар, елкаларини ёқимли киздиради. У нафис бир яшилликка бурканган, сойларию кўллар соҳилидаги кумларнинг намчил иси узокларданок димокка уриб турувчи олис ерлар исини туйди. Атрофда сокинлик ҳукм сурар, факат вертолётнинг моторигина бўғиқ гувиллаб турар эди.

У отлар ҳақида ўйлай бошлади. 1445 йилги Мексикадаги отлар.

Инсон томонидан яратилган ҳар бир буюк ихтиро, чамаси инсонига тамаддуни ажалининг куртакларини ўзида ифодаларди. Вэйд буни ҳамиша хис қилган: ҳар бир кашфиётнинг окибати учун албатта, уни

кашф этган шахс жавобгар ва масъулдир. Мана, кирк йилдирки, одамлар 2040 йилда Калифорния технология университетида бир хафтани «йўқотган» вактларидан бошлаб, замонлар оша саёҳат килишмоқда ва энди антика ҳолат учинчи бор тақрорланмокда.

Аввал ҳам бу ҳолат икки марта тасодиф туфайлигина юз бермай қолди. Бу сафар эса таҳдид касдан уюштирилди.

Хужжатда Дэниэл Ҳюз тўғрисида анчагина матъумот жамланган бўлиб, ҳатто унинг бир неча монографиялари мазмунини ҳам ўз ичига олган эди. Бири «Теотихуакандан сўнг Марказий Америкада шаҳарлаштиришнинг халқ жамиятига таъсири» деб номланарди. Бошқасининг сарлавҳаси «Маданий бирлик ва мумтоз даврда тольтеклар». Ҳар икки монография ҳам жиддий илмий тадқиқот бўлиб, уларнинг муаллифи бир телба одам эканини тасаввур килиш анчайин мушкул.

Шубҳасиз, Дэниэл Ҳюзни заарарсизлантириш осон бўлмайди.

Вэйд бошқаларнинг Ҳюзга берган баҳоларини фикран яна бир бор сарҳисоб қилди. У Дэниэл Ҳюзни унинг рафикаси, қўшилари, ҳамкаслар хизматдошлари назари билан кўриб, англашга ҳаракат қилди. Тасаввурлар бир-бирига ўхшашиб бўлиб, бунда гайриоддий ҳеч нарса кўзга ташланмасди.

Бинобарин, улар ҳаммаси янглиш фикрлар эди.

Уларниг ҳеч бири ҳақиқий Дэниэл Ҳюзни билмасди – чунки у килган иш йигмахужжатда таърифланган нотавон, омадсиз бир одам томонидан ўйлаб чиқилиши, боз устига, амалга оширилиши мумкин эмасди. Вэйд, бу кишилар билан бўладиган учрашувларда кўпроқ нарса билиб олиши лозимлигини тушунарди – йигмажилдила унга керакли маълумот йўқ эди.

У яна фотосуратни олиб, қархисига кўйди.

Вэйдга фотосурат ичидан ёқимли, жилмайган чехра караб турарди.

У Огайога парвоз килиш учун автобошқарувни ишга туширди ва ҳавога кўтарилди.

Вэйд пастга, истикболига югуриб келаётган уфкка каради, аммо унинг нитохини бошқа уфклар ўзига жалб этганди. Бу – замонларнинг сирли кўланкасидаги тасаввурга сиғмас даражада тубсиз, яширин, но маълум вакт сарҳадлари эди.

### III

Колумбус шахри Вэйдга таниш бўлган шаҳарлардан унчалик катта фарқ килмасди, лекин у кўшни Кливленд ва Цинциннати каби Вэйдда бу қадар оғир таассурот ўйғотгани йўқ. Ҳар қандай катта шаҳар каби,

у кимсасиз ва ташландик күринарди, илгари ўрта буржуазия яшаган бутун бошли ҳудудлар ҳозирда вакти-вакти билан бир ташландик шаҳардан бошкасига күчиб юрувчи ярим дайди скваттерлар томонидан эгаллаб олинганди.

Барча шаҳарлар, албаттa, эскиликка айланиб бўлган. Электрон ҳисоблаш машиналари билан бошқариладиган, тўлиқ автоматлаштирилган саноат ҳамда Куёш кувватидан кучланалиган арzon, тезкор транспортларнинг пайдо бўлиши шаҳарларга қакшаткич зарба берди.

Шаҳарларнинг пайдо бўлиши мажбурий ҳол эди – улар одамларни иш билан таъминлар ва муҳофаза этарди. Уларга эхтиёж йўқолгач эса, одамлар янада табиийрок турмуш тарзига қайтдилар. Қишлоқ жойларда кўримсиз, аммо озода кўргонлар барни бўлди. Уларда одамлар ҳамжиҳатликда елкама-слка меҳнат қилиб, турмуш кечирдилар. Бўш ер майдонларида уйлар курилди, одамлар ер ва осмонни кўрдилар, музлай сойлар ҳамда бекарор шабадаларнинг куйларини тингладилар.

Шаҳарлар балки яна бир муддат сакланиб қолар, аммо улар барабири ўлиб боради. Қачонлардир рухсиз бетон ва пўлат томонидан сиқиб чиқарилган ларажтлар ҳамда майсалар қадам-бақадам шаҳарларга ўрмалагандай кириб кславерди – қаровсиз кўчаларда яшил ниҳоллар ерни ёриб чиқа бошлади, илдизлар тупроқ томон интилиб, шаҳарларнинг кулранг пойdevорларини қоплаб олди.

Колумбус аввалги кўринини саклаб қолишга муваффак бўлди. У штатнинг пойтахти, ҳамда Огайо штатининг қадимий университети жойлашган шаҳар сифатида яшаб қолди.

Вэйд тарих факультети дескани доктор Фредерик Клементснинг ёқимли чехрасини кўриб, жилмайиб қўйди. «Қизик, – ўйлади у, – шаҳарда ишлаган киши қандай туйғуларни ҳис этаркин?»

– Сиз Дэниэл Хюз ҳакида нималар деся оласиз? – деб сўради у.

#### IV

Доктор Клементс узун бармоқларини бирлаштириди – учбурчак эхромсифат шакл ҳосил бўлди, унинг юзига чукур ўйчанлик соя солди. У сабрли ва паришин хотир киёфага кириб олди, гўёки Драйден билан сұхbatлашиб, аллақандай Ҳакиқатан Мухим Илмий Тадқиқотдан чалғиб, ўзининг кимматли вактини бой бергандай. Аслида эса у тадқиқот ишларини деярли юритмас эди; у факультет декани лавозимини эгаллаб турарди, яхши сиёсатчи ҳам эди, устига-устак мажлисларда қатнашишни яхши кўрарди. Яна у ўзини доим ҳудди ўз илмий ишига содик одамлай тутишга ҳаракат қиласади.

– Доктор Ҳюз қандайдир, күнгилсиз ишга аралашиб колганини тасаввур этолмайман, – деди доктор Клементс.

– Мен ундаи деганим йўқ.

– Бу гапни қўйинг, жаноб Драйден! Сиз Хавфсизлик бошқармасининг шу ҳафта давомида Ҳюз ҳакида менга саволлар берадиган учинчи вакилисиз. Мен сиз ўйлаганчалик нодон эмасман.

«Ажойиб фикр», – деб ўйлади Вэйд.

– Айтинг-чи, Ҳюз билан ўртангизда ҳеч тўқнашувлар бўлганми? Қандайдир... хмм... зиддиятми?

– Йўқ. Доктор Ҳюз ўз ишини ниҳоятда саранжом ва муваффакиятли бажаарди. Барча машгулотларни шахсан ўзи ўтказарди, агар билсангиз. Уни тадқикот ишларида ниҳоятда тиришқоқ эди, деб бўлмайди, чамаси доктор Ҳюзни ташки ютуклардан бегона бўлган нуфузли олим шуҳрати тўла қаноатлантираси эди. Талабалар уни яхши қўришарди.

– Шахсий ҳаёти қандай эди?

– Афсуски, бу борада сизга ёрдам беролмайман. Бизнинг муассаса-самиизда ўқитувчиларнинг шахсий ҳаётига сукилиб кириш одати йўқ. Доктор Ҳюзнинг илмий фаолиятидан бошқа ҳеч қандай маълумотни сизга тақдим этолмайман.

– Назаримда, сиз у билан якин дўст бўлмагансиз, шундайми?

Доктор Клементс иккиланиб колди.

– Мен доктор Ҳюзга нисбатан чуқур эҳтиромда бўлганман.

– Тушунарли. Сиз тарихчи сифатида Ҳюзнинг тадқикотлари ҳакида нима дея оласиз? Сиз Ҳюз тадқикотларининг асосий йўналишлари ҳакида қандай фикрдасиз?

Клементс Вэйдга ажабланиб каради.

– Нимани назарда тутаётганингизни тушунолмаяпман.

Вэйд ҳам таслим бўлмасди.

– Сиз Ҳюз билан узоқ йиллар бирга ишлагансиз, доктор Клементс. Сиз каби мислсиз обрў-эътиборга эга олим шу вакт давомида унинг ишларига нисбатан ўз муносабатини белгилаб олиши лозим эди, тўғрими? Билишимча, сиз тарих фанига қизиқасиз-а?

Клементс тузокка илинди.

– Ҳакикатан ҳам шундай, жаноб Драйден. Менга доим шундай туъюлардики, албатта бу гап иккимизнинг орамизда қолиши керак, доктор Ҳюз илмий ишларининг айрим томонларига ўзи ҳам унчалик ишонмасди. Тарих, билсангиз агар, бошқа нарсалар каби сабаб ва оқибатлар натижасидир. Шу боис унга яхлит жараён сифатида караш лозим. Англайпизми? Бошқа тарафдан эса, биз одамзодга нисбатан бутун коинот бўйсунадиган қонуниятлардан ташқарида, мустақил амал қилувчи ғайритабиий мавжудот сифатида муносабатда бўлишимиз мумкин.

Түгри, доктор Ҳюз бу исботталаб қилмайдыган фаразларга эътиroz билдиримаган, ҳар ҳолда ошкора карши бўлмаган. Унинг илмий асарлари, мен сизга айтсан, бироз... ҳмм... курук ёзилган. Суҳбат чоғларила эса у одамларга нисбатан катта қизикиш билдиради. Тушуняпсизми? У ҳатто роман ёзишига ҳам уриниб кўрган.

■ «Ниҳоят, – деб ўйлади Вэйд, – омадим келди».

– У чон этилганмили? Балки тахаллус билан чикаргандир?

Доктор Клементс бош силтаб кўйди.

– Назаримда ҳали у тугалланмаган эди.

– Сиз уни ўқиганмисиз?

– Йўқ. Мен доктор Ҳюзга... унчалик... якин эмасдим. У ҳеч қачон ўз романи ҳакида мен билан сўзлашмаган.

Клементснинг овозидан унинг ғуурури топталгани сезилиб гуарди ва Вэйд илк бор унга нисбатан ўзида хайриҳоҳлик сезди.

– Сизнингча, унинг энг якин дўсти ким эди, жаноб? Тарихчиларнинг қайси бири?

– Менимча йўқ, – деса Клементс ўзини оромкурси суюнчиғига ташлади. – Назаримда у хизматчи қасбдошлари билан унчалик якин бўлмаган, аммо биз билан ҳамиша мулойим муносабатда бўлған. – Унинг лабида сезиллар-сезилмас табассум найдо бўлди. – Ҳюз канадалик бир йигитдан узундан-узун мактублар оларди. Мактубларни машғулотлар орасидаги танаффусларда ўтириб ўкирди, баъзан шунаканги каттиқ кулар элини, бу бизга бир оз... ҳалиги, бир оз ғалатирок туюларди.

– У йигитнинг исмени биласизми?

– Карпэнтер. Ҳерберт К. Карпэнтер.

– Шоир Карпэнтерми?

– Менимча, шундай. Доктор Ҳюз унинг китобларидан намуна нусхаларни ноширлардан оларди, мен уларнинг бир нечтасини кўрганман.

– Шундай денг? Мен сиздан миннатдорман, доктор Клементс, ўйлашибимча, биз сизни бошқа безовта қилмаймиз. Бизга катта ёрдам бердингиз.

Клементс кулимсираб кўйди.

– Сиз билан суҳбатлашин мен учун ёқимли бўлди, жаноб Драйден.

Ҳаммаси жойида бўлади, деб умид киламан.

– Мен ҳам, – жавоб қилди Вэйд.

## V

■ Эртаси куни Вэйд Канадада эди.

Машхур Фрэнк Ллойд Ройт тақдимотидаги овчи кулбасини эслатувчи, ёгоч холадан тикланган уй Канаданинг поёнсиз қарағайзор

ўрмонларида у ер-бу ерда сочилиб ётган беҳисоб зумрад кўллардан бирдаги кўзгусимон кўрфаз ўртасида турган миттигина оролчада қўним топган эди.

Оролча худди табиийдек туюларди, бирок Вэйд бунга кафолат беролмас эди.

Вэйд вертолётини тош териб кўйилган ҳовли сатхига кўндириди, мум иси сингиган ҳаводан кўксини тўлдириб нафас олди ва кулбанинг ёғоч эшигини тақиллатди.

Уч дакикалар ўтиб, у яна эшик қоқди. Эшик очилди ва остона юзида на қизиқиши, на ҳайронлик ифодаси бўлмаган, жуссадор бир одам пайдо бўлди. Унинг кийими дағал ва ғижим, соч-соқоли эса устараталаб эди. Кўл мушаклари ҳар ҳолда қоғоз-қаламдан бўргиб чиккан эмасди; бу нотаниш кишининг чуқур жойлашган кўк кўзлари гўё совуқ шамолдан ёки кўл сувида акс этаётган офтоб нурларидан ҳимояланишга уринаётгандай бир оз кисикроқ эди.

– Сиз жаноб Ҳерберт К. Карпэнтермисиз? – деди Вэйд.

– Ҳа, менинг исмим Ҳерб. – У баланд овозда, дўриллаб сўзларди. – Агар сизга менинг дастхатим керак бўлса, бу сизга ўн минг доллар ва бир тепкига тушади.

Вэйд иштайиб кўйди.

– Менинг исмим Вэйд Драйден. Кеча оқшом сизга кўнғирок қилгандим.

– А-а. Дэн бўйича. Килинг.

Ҳерб Карпэнтер Вэйдни ўзининг озода, саришта, китобларга тўла уйига олиб кирди. Улар гиштдан терилган ажойиб каминли, деворига буғу калласи илиб кўйилган улкан меҳмонхонани босиб ўтиб, Карпэнтернинг иш хонасига кирдилар. Бу кичиккина, ёзув столи ҳамда бир карашда бир-бирига ҳеч кандай алокаси бўлмаган ҳар хил буюмлар, хусусан, китоблар, магнитофон тасмалари, стерео товушли овоз ускунаси, одамнинг калла суюги, сайкалланган қип-қизил сарв ғўласи, ипи ҳафсаля билан ўраб кўйилган кармок билан жихозланган хона эди.

– Ўтилинг, Вэйд, – дея таклиф этди шоир, офтобда тобланган кўли билан оромкурсилардан бири томон ишора қилиб.

Вэйд курсига чўқди. Хона мухити тамаки тутатишни талаб этарди, шу боис у чубуғини олиб чека бошлади.

– Дэн бирор фалокатга учраган, шундайми? – деб сўради Карпэнтер кулранг тусда товланиб турган сувда акс этаётган яккам-дуккам карағайлар кўриниб турган дераза томон эгилиб. – У нима қилувди?

Карпэнтер илк қарашданоқ Вэйдга ёқди ва унинг шеърларини ўқиб чикиши кўнглига туғиб кўйди. Вэйд бор ҳакикатни Карпэнтерга сўзлаб беришни истар, аммо бунинг иложи йўқ эди. Агар кутилаётган

хавф ҳакидаги овозалар тарқалиб кетса, вахима күтарилади, саросимада эса ҳар нарса юз бериши мумкин.

— Мен афсусдаман, Ҳерб, аммо сизга бор гални айтолмайман – деди Вэйд. Ҳақиқатан Дэниэл Ҳюз кўнгилсизликка учраган. Мен ҳозирда унинг нима учун фалокатта йўлиққанини аникламоқчиман. Балки уни куткаришга муваффақ бўларман.

Карпэнтер пастки лабини тишлади.

— Дэниэл Ҳюзниңг қандай одамлигини ҳеч ким билмайди – деди у ниҳоят.

— У бошқаларга ўхшамайдими?

— Менимча, ха, – Карпэнтер ўзини оромкурсига ташлаб, ўз вазни билан уни гичирлатиб юборди. – Дэн ҳам худди Томас Вулфга ўхшаган тарихчи.

— Томас Вулф дегани яна ким бўлди?

— Ёзувчи, йигирманчи асрнинг ўттизингчи йилларида ижод килган. У катта, кўп варакли, ажойиб китоблар яратган. Унинг романларида ҳаёт бор эди. Эртами, кечми, сиз барибир унинг асарлари билан танишасиз, албатта.

— Ҳмм. Демак Дэн ўша Вулфга ўхшаган экан-да?

— Йўқ, лекин, ўхшаши мумкин эди.

— Тушунарли.

— Ҳеч нарсани тушунганингиз йўқ. Лекин бу аҳамиятсиз. Дэн менинг кўшгина танишларимга ўхшарди. Ўзи хоҳлаган ишини амалга оширишда унда дадиллик етишмасди, шу боис у университет деворлари ичига қамалиб олганди. Натижада касбий илмларни беармон згаллади. Аммо у ҳеч қачон осмондан юлдузларни узуб олишга, айтмоқчиманки, имконидан ортиқ нарсага интилмаган.

— Мен сизни унинг яқин дўсти бўлсангиз керак, деб ўйлагандим.

— Ҳақиқатан ҳам мен унинг қадрлон дўстиман, – деди Карпэнтер резина ўчиригични олиб, деворга қараб отди. – Сизнингча, кишини англаш билан бир вактда, уни яхши кўриш мумкин эмасми?

— Йўқ, шекишли, – деди Вэйд чубугини тутаттанича. Карпэнтернинг дангалиллигига кўникиш осон эмасди.

— У ёзишга иштиёқманд эди, деб ўйлайсизми?

— Билмадим. Баъзила бу хақда ҳам ўйларди.

— Унинг романини ўқиганмисиз?

— Ҳа, у ёзган нарсаларнинг ҳаммасини ўқиганман. Асарнинг номини «Юлдузларга йўл» деб номлаган эди. Дэнга уни ёқиб юборишни маслаҳат бергандим.

— У сизга ёқмаганими?

— Дўстим, бу – расво, бундан багтари бўлмайди.

Alisher Navoiy

– Унинг мазмунини қандай эди?

– Бу шахсий фикрнинг бадиий ифодаси эди. Тафаккур оқими. Мен буни «нима учун»лар деб атайды. Эсингиздадир – одам нима учун керак? Нима учун бизнинг самовий куррамиз кичкина? Нима учун болалар дунёга келади? Митти ўрмон жоноворлари нима учун мавжуд? Нимага? Нима учун? Сафсата.

– Сиз бу ҳақда аниқ бирор нарса айта олмайсизми?

– Йўқ. Бу китобда Дэннинг ўзлиги йўқ эди. Шу боис у бошқача бўлиб чиқди.

– Ҳерб, Дэн ўзи аслида ким эди? Буни билиш мен учун ниҳоятда мухим!

Карпэнтер елка қисиб қўйди.

– У ҳеч қандай таснифга сигмасди. Балки ҳамма гап ана шундадир. У аклли эди – фавқулодда мустакил тафаккур эгаси. У ўринли савол бера оларди. Балиқ овлашни ёқтиради. Уйланган, аммо хотинини яхши кўрмасди; фарзандлари бўлмаган. Деярли ҳамма вакт унинг асабий ҳолда юриши сезилиб турарди. Ишга бепарво муносабатда бўларди. Вакти-вакти билан ичиб ҳам турарди – одатда шу ерда, менинг уйимда. У яхши йигит эди. Дэннинг илдизи йўқ эди, бундай ибора учун мени кечирасиз, албаттга. Ўзи интилган нарсани топа олмасди. Очиги, Дэннинг қандай инсон эканлигини мен билмайман. Ҳар ҳолда у олдий одам эмас эди. Агар билсангиз, одамзод ажойиб хусусиятларга эга – уларни тушунниш осон эмас. Тангрига шукрки, одамлар баъзан бизни ҳайратга солиб турадилар.

– Мен уни қайтариб олиб келишга умид қиласман.

– Эҳтимол у янги жойда бу ергагидан кўра баҳтлироқдир.

– Мен кўлимдан келган барча ишни қиласман, Ҳерб.

Карпэнтер ўринидан турди.

– Сиз уйланмагансиз, тўғрими?

– Йўқ, – ҳайратланиб жавоб берди Вэйд. – Буни қаёқдан билдингиз?

Карпэнтер жилмайиб қўйди. Вэйдни ўзига яқин олиб «сен»лашга ўтди.

– Мен ахир шоирман-ку, оғайни. Энди ошхонага кирамиз. Сени Фэй билан таништираман. Унинг қаҳваси ҳам тайёр бўлгандир.

Карпэнтернинг рафикаси латофатли эди: маълум маънода уни чиройли деб бўлмасди, аммо унинг борлиги уйга жозиба багишларди. У Карпэнтерга бўлган муҳаббати ва садоқатини яширмасди, эри ҳам унга шундай муносабатда эди.

Қаҳва ажойиб тайёрланганди.

Карпэнтер уни эшиккача кузатиб қўйди.

– Ҳаммаси якун топгач, – деди у, – бизникига қайтиб кел. Кўрамиз,

балки күлгө кармок ташлаб, гулмохилардан бир-иккитасини кармокка илнитиармиз.

— Рахмат, Ҳерб.

— Ташрифингдан хурсанд бўлдим.

Улар каттиқ кўл сикишиб кўйдилар.

Вэйд илик, файзли уйчага, шаффоғ кўлга, харсанглар орасида ўсib ётган кирккулоқларга нигоҳ ташлади. Қалбининг қаеридаидир ич-ичидан афсус хиссини туди — кўп йиллардан буён у мана шу туйғуни бу кадар кучли ҳис этмаганди.

У вертолёт кабинасига кўтарилиб, оқшом осмонига парвоз килди ва жанубга, зулмат куюклашиб бораётган томонга йўналди.

Дэниэл Ҳюз сафарда бўлган пайтида унинг хотини Калифорнияга, синглисинганига кўчиб ўтганди. У Вэйд билан самимий саломлашди ва қандайдир бир ички ғурур ила суюқкина чой билан меҳмон килди, аммо Дэниэл Ҳюз хакида сўзлаб берадиган нарсасининг ўзи йўқлиги кўриниб турарди.

У нимжонгина бўлиб, ҳаддан ташқари одми кийинган ҳамда «коинот авлиёлари» — Жанубий Калифорнияга ўришиб олган ҷалатентакларнинг кўп сонли диний тўдаларидан бирининг «таълимот»ига телбаларча эътиқод кўйганди.

— Айтинг-чи, Ҳюз хоним, сўнгги бир неча йил ичida эрингизнинг ҳулк-атворида бирор-бир ноодатийликни сезганмидингиз?

— О, йўқ, йўқ! Шўрлик Дэниэл, — паришонхотирлик билан деди у. — Мен унчалик соғлом эмасдим — безгакка дучор бўлиб қолгандим. Ўша пайтларда билсангиз агар, — жонгинам Дэниэл ниҳоятда хаёлчан бўлиб қолганди, ўзига-ўзи нонушта тайёрлар, яна бошқа ишларни ҳам ўзи киларди. Мен ўша вактларда ҳеч ўзимга келолмаётган эдим...

— Тушунаман, — унинг гапини бўлди Вэйд жилмайганича, унинг ташвишларига қанчалик ачинаётганини кўрсатиш учун. — У баҳтли эди, шундайми?

— Бечора Дэниэл! Баҳтли дейсизми? Ҳа, эҳтимол. У эртадан кечгача ўз китобларига кўмилиб ўтиарди, ахир, сиз олимларни биласиз-ку! У баъзан менинг уйда эканимни сезмасди ҳам. Чунки менинг беззагим бор эди, юришга ниҳоятда кийналардим, деярли ўрнимдан турмай кўйгандим.

— Албатта, албатта! Ҳюз хоним, балки сиз эсларсиз, эрингиз «Юлдузларга йўл» номли асарини ёза бошлиган экан.

— Ҳа, албатта! Азизим Дэниэлнинг романи шундай деб номланганди. Бир канча вакт у, агар хотирам панд бермаётган бўлса, ўша романнiga каттиқ ёпишиб олганди. Бирор бу унга муносиб машғулот эмасди, айтмокчиманки, у бундан ҳам жиддийрок иш билан машғул эди, мени

тушуняпсиз, деб умид қиласан. Лекин мен буни енгиб ўтолмадим – уни борича кабул қилиш кўлимдан келмади. Биз бир-биримиздан совуб борардик, аммо бу ҳақда унга айтманг – ваҳоланки, неча марта турмушишимизни кайтадан бошлашга ҳаракат қилганман!

– Сизга раҳмат, Ҳюз хоним. Бизга гоятда катта ёрдам бердингиз.

Аёл бошини эгганича, дастрўмолини торткилай бошлади.

– Айтинг-чи... Дэниэл... у ҳеч нарса... айтмоқчиманки, у бирор ёмон иш қилгани йўкми?

– Албатта йўқ, бу шунчаки олдий бир текширув. Ундан ташвишланманг, Ҳюз хоним.

– Баъзан у жуда эҳтиётсиз бўлиб коларди. – У четга ўгирилганича, ўз ички дунёсига шўнғиди. – Агар унга керак бўлиб колсан, хабар берасизми, жаноб Драйден?

Вэйд унинг кўлларини ўз кафтига олди. Дэниэл Ҳюз ҳеч қачон хотинининг ёрдамига муҳтоҷ бўлмаган ёки муҳтоҷ эмасман, деб ўйлаганлиги энди Вэйдга аён эди...

– Албатта, – деди у.

Вэйд чойни ичиб бўлгач, хайрлашди.

Вертолёт тепага кўтарилиши биланоқ Калифорния тумани ичидагойиб бўлди. Вэйд Аризона томон учди.

Йигирма биринчи асрда у имкони бўлган барча ишларни килди.

Энди ўтмишга жўнаш вакти стиб келган эди. Ўтмишга, Дэниэл Ҳюз хузурига...

## VI

Аризонадаги ноеб гўзалликка эга бўлган Оук-Крик дараси якинида Замонлар хавфсизлиги бошкармасига тегишли Йўналтириш Маркази жойлашган. Аммо кимдир Марказни шу ном билан атаганини Вэйд бирор маротаба эшитмаган; унга дахлдор ҳар бир одам, ашаддий қоғозбозлар бундан мустасно албатта, уни Тортини Станцияси деб атайди.

Табиийки, ҳеч ким муайян даврни муфассал ўрганмагунинг қадар, замонлар оша саёҳат қилишга жазм этолмайди.

Мабодо кимдир Цицерон давридаги Римга боришни истаса, у лотин тилида мукаммал сўзлай олишни ўрганиши лозим, шунингдек, давримиздан аввалги биринчи аср Италиясининг турмуш тарзи ва маданиятини ҳам билиши керак.

Вакт қаърига саёҳат қилган киши бирор маротаба ҳам хато қилишга ҳаққи йўқ. Биргина ноўрин ҳаракатнинг кутилмаган оқибатлари, бутун бир тамаддуннинг ҳалокатига олиб келиши мумкин ва ўша тамаддун сизники бўлиб чикиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ҳатто майда ҳодисалар ҳам минг йилликлар давомида кор коптотча каби катталашиб бориши мумкин.

Тортиш Станцияси ана шундай хатоларга йўл қўймаслик мақсадида ташкил этилганди.

Унинг ходимлари ҳеч кандай мансабдорларни тан олмайди; номзодларни шартта ёкасидан олиб, мияси тўлгунига кадар зарурий билимларни тикиштираверишади.

Вэйд Марказнинг ертўласида ўн кун ётди ва шу вакт давомида бирор марта ҳам ҳушига келмади. У муҳрлаб қўйилган хонада шифтга караганича ётар ва ҳар олти соатда унинг оғзига озиқлантирувчи хабдори ташлаб, бир стакан сувни томчилатиб ичиришарди. У сунъий уйқуда бўлиб, машиналар унинг бошига ўрнатилган митти электродлар орқали миясига ахборот оқимини жўнатарди.

Бу нарса ёқимсиз таассурот уйғотса-да, аммо айтишларига қараганда, унинг азобли оғриклари хотирангизда сақланиб колмас экан.

Тортиш Станциясида бўлиб қайтганидан кейин ҳам Вэйдни даҳшат ҳисси анчагача таъкиб этиб юрди. Ахборот жўнатувчи машиналар ўн кун давомида тинганий йўк.

Вэйд ўша даврдаги маҳаллий тилни ўзлаштириб олди – бу албатта, нахуатль тили бўлиб, бошка ҳиндуда лаҳжалари ҳам аралашиб кетган эди. У тақвим тизимининг асосий даврлари билан ҳамда муқаддас тақвим – тоналпохуалли билан танишди. У маҳаллий «илоҳ»ларнинг кимлигини ҳам билиб олди: Хитцилопочти – уруш тангриси, Тлалок – ёмғир худоси, Тонатиуха – Қуёш маъбути ва яна минглаб шундай «илоҳ»чалар. У мамлакат пойтахти – Теночтитландаги кўчаларнинг жойлашуви билан танишди ҳамда чинампас, яъни сузуб юрувчи боғларда тановулбоп ўсимликларни стиштиришни ўрганди.

Вэйдинг ўзи ҳам мамлакат ижтимоий тизимининг бир кисмiga айланди, у коҳинларни ҳам, дехқонларни ҳам тушуна бошлади, Бургут суворийси бўлиш нима эканини англаш етди. У обсидианни парчалашни ўрганди ва ёвуз кучлар билан кандай муносабатда бўлмоқликтни ўзлаштириди.

Лекин энг асосийси – у 1445 йилда Марказий Мексикада яашнинг нима эканини хис этди.

У ўзини мағрур ҳамда шафқатсиз, буюк ва сабрли хис эта бошлади.

У ниҳоят инсон кандай килиб лабларида табассум ва қалбидаги кувонч билан ўзини курбон килишини; коҳиннинг қип-қизил қонга беланган ҳолда эҳром коясидан туриб, оломонга назар ташлаган чоғида нималарни хис этишини англади...

Вэйд Тортиш Станциясими тарк эттан вактда, қандайдир ўзгариб қолган эди. Энди эса ўша «ўзгариш» умрининг охирига қадар у билан бирга бўлиши аниқ.

Хейнрик Шамиссо вакт машинаси ёнида унга кўлини узатди.

– Патли ёпинчиқнинг зўрини топибсан! Уни эхтиёт кил.

Вэйд кулимсираб қўйди, унинг мисранг-кизги юзида опиоқ тишлиари ярқираб кўринди. У нихоят даражада гайриоддий кўринарди. Устида узун қора ёпинчик, паҳмоқ соchlаридаги эса қотиб қолган қон излари. Кулогининг солинчаклари тарам-тарам қилиб кирқилган, шокила бўлиб осилиб ётиби.

– Омад тилайман, Вэйд.

– Мени кут, Ҳенк. Зерикма!

Вэйд машина ичига кирди ва эшикни беркитадиган механизмни ишга тушириди.

У курсига ўтираётиб, патларни эзиг қўймаслик учун ёпинчиғини асталик билан тўғирлаб қўйди ва кута бошлади.

2080 йил, 28 апрель.

Чироклар липиллаб, 2080 йил ҳам ортда қолди.

Вэйд оромкурсига чўзилиб, бироз бўшашишга уринди.

У жойлашган машина кичик бир уйчадан унчалик ҳам фарқ килмасди. Кўрғошин деворлар ёқимли оч хаворангга бўялган. Хонага каравот, кўзгу қўйилган, тўсик ортида чўмилиш бурчаги. Деворга осилган сувратлар ҳам кўзга ташланмайдиган қилиб танланган. Жавон мутойибалар рукнидаги китоблар билан тўла.

Машина нима учундир Вэйдга доимо тиш шифокорининг хонасини эслатарди. У ўзи билан чубуғини олмаганига афсусланиб, кўзини юмди. 1445 йилгача ҳали тўрт соат бор, шу боис кутишдан бошқа чора йўқ. Хонага бирорта дераза ўрнатилмаган, бўлганида ҳам барибир томоша киладиган нарсанинг ўзи йўқ эди.

Унинг фикрлари вакт машинасини ҳам ортда колдириб, олға иштиларди.

Ортга, тарихнинг чалкаш йўлаклари оркали, Хиросимани ортда колдириб, президент Линкольнни четлаб, Америкада оқ танли одам пайдо бўлишидан аввалги Буюк текисликлардаги ёввойи ҳўқизларни четлаб ўтиб, Мексика тоғлари ва чангальзорларига – ҳали Мексиканинг ўзи мавжуд бўлмаган даврлар томон олға...

2080 йилдан 1445 йилгача – олти асрдан салгина ортиқрок, борйўги 635 йил, Кўшма Штатлар эса ҳали тасаввурда ҳам йўқ.

Замон йўлаги бўйлаб олға.

Дэниэл Ҳюз сари олға.

Бу хўп галати нарса – замонлар оша саёҳат, – ўйлади у, – гаройиб ва айни пайтда ниҳоят даражада олдий.

Кўплаб йиллар давомида, замонлараро саёҳатлар воқеликка айлангунига қадар, турли йўналишдаги мутафаккирлар, вакт ичига кириб боришида юзага келадиган эҳтимолдаги оқибатлар ҳакила фикрлаб, турли башоратлар қилишарди. Бу башоратларнинг айримлари жилдий, бошкалари шунчаки кулгили, аммо ҳаммаси у ёки бу жумбокларга ва фарагларга асосланганди. Одамлар бу гоя билан мушук-сичкон ўйнагандай ўйнар өдилар.

Фараз киласи, ёндоғи замон йўлаклари, турли имкониятлар мавжуд.

Фараз киласи, кайсиdir бир замонда сиз ўз-ўзингизни учратиб колдингиз.

Воқелик эса ҳам солда, ҳам мураккаб эди.

Агар инсониятнинг ўзи зиддиқоидавий, яъни парадокс бўлмаса, табиатда зиддиқоидавий нарсанинг ўзи йўқ. Зиддиқоидалар факаттана мантикий тизимларда, фалсафий тамойилларда, кискаси, факат кипиларнинг тафаккурида мавжуд.

Башариятнинг энг қадими орзуси армонлигича қолди: инсоният учун келажак мутлақо ўтиб бўлмас тўсикқа айланди. Чунки келажак, том маънода, вактнинг айни даврида мавжуд эмас; айнан шу боисдан ҳам у келажак, деб аталади. Модомики, у мавжуд эмас экан, унга киришининг иложи йўқ. Доимо шундай бўлиши мумкини – кслажак умуман мавжуд эмас.

Келажакка кириб боришининг факат битта йўли бор. Ҳар бир эркак, ҳар бир аёл, ҳар бир гўдак бутун умри давомида келажак бўйлаб саёҳат қиласи – тирикликнинг мазмуни ҳам ана шунда. Ҳамма биргаликда ва бир вактда, ҳар бири алоҳида тарзда одамзол қадам-бақадам, лаҳзамалаҳза, ўзгаришларга бўйсунмайдиган, узлуксиз бир ривожланишида келажак қаърига кириб боради.

Ўтмиш мавжуд, чунки у бўлган. Мана улар, йилномаларга муҳрланган тарих кечмишлари.

Ҳозирги замон ҳам мавжуд: сурилиб бораёттан ўтмишнинг энг чеккасида инсон фаолиятининг янги излари сал-пал кўзга ташланиб қолади ва гойиб бўлади. Албатта, ҳозирги замон бу – шунчаки бир гоя, у шундайин бир тезликда келиб-кеталики, уни ушлаш, тутиб қолини, тўхтатиш ва: «Мана ҳозирда, мана шу онда ҳозирги замон кўз олдимизда турибди!» дейишининг имкони йўқ. Чунки биз шу сўзларни айтаетган вактимизда, ҳозирги замон ўтмишга айланиб улгуради.

Шунга қарамасдан, ҳозирги замон лаҳзасининг оний бир зарраси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Одатда, барча тарихий ҳодисалар бир лаҳзада – ҳозирги замоннинг тутқич бермас сониясида юз беради.

Агар ўтмиш ўзғартирилса нима бўлади?

Фараз қиласлик, масалан, Римни кичик бир қишлоқ пайтидаёқ йўқ килиб юбориши. Айтайлик, этрусклар умуман мавжуд бўлмаган. Борингки, Рим салтанати умуман бўлмаган. У ҳолда нима бўлади?

Бир карашда бунинг жавоби оддий туюлади. Вэйд Драйденни ҳозирги замонга олиб келган ўтмишда Рим салтанати бор эди. Буни ўзғартириб бўлмайди.

Агар бу қандайдир тарзда ўзғартирилса, айни пайтда мавжуд бўлган ҳозирги замоннинг борлиги ҳам имконсиз бўлиб қолади.

Демак, имконсиз нарса – мавжуд нарса эмас.

Ҳакикатан ҳам бу ҳол зиддиқонда бўлиб туюлади. Агар ўтмиш мавжуд бўлса, уни ўзғартириб бўлмайди ва у муайян ўтмишга олиб келувчи ўтмишлигича қолаверади. Аслида бунда нима юз беради?

Электрон-ҳисоблаш машиналаридан жавоб олинди.

Шоҳлаб кетган улкан бир дараҳтни тасаввур қилинг. Шу дараҳтнинг илдизларини ҳам тасаввур этинг, чукур илдизлар, агар уларни кавлаб олсангиз, албатта нобуд бўлади. Ҳар бири ўзича ноёб бўлган новдалар ва баргларни ҳам хаёлнингизга келтиринг.

Энди болта кўтарган ўтинчини тасаввур қилинг. Болта дараҳтнинг танасига ботиб, шу билан уни ўзғартиради.

Вақт муаммоси билан шуғулланувчи давршунос олимлар бу ҳодисани «кесма» деб атайдилар.

Дараҳтнинг кесилган жойидан юқорида бўлган қисми йиқилади. Барча шоҳлар ва барглар аввалгида мавжуд, аммо улар нобуд бўлган. Дараҳтнинг кесилган танаси, қачонлардир тирик эди, энди эса у бир ёғоч хода холос; у янги ўзакда ривожлана олмайди. У ғўла сифатидагина мавжуд; у йўқликка ва чиришга маҳкум.

Кесилган жойдан пастда эса тирик илдиздан янги новдалар ўсиб чиқади. Балки янги дараҳт эскисига жуда ўхшаш бўлар, лекин барибир бу энди бошка дараҳт.

Агар дараҳтнинг юқори шоҳларига уя курган бўлсангиз, у ҳолда хулоса аниқ: «Ўтинчи, бу дараҳтга тегма!».

Вэйд соатга қарали. У икки соатдан бери шу ерда, вақт машинаси ичиди. Ташқарида, агар бу сўз даврийлик майдонида қандайдир мавнога эга бўлса, уч асрнинг шарпалари шитирлаб ўтди. У ҳозир қасрдан ўтяпти экан? 1776 йилдами? Ёки 1700 йилдамикан?

Бу шунчалик мухимми?

Вэйд кулайроқ жойлашиб олди ва ичидан кучайиб келаётган асабий зўрикишни босишга уриди.

Дэниэл Хюз ўз отлари билан 1445 йилга тушгач, ўтмишнинг бир кисмига айланди. Шу боис уни ўтмишга йўл олган вактидан илгари тўхтатишнинг иложи йўқ.

Вақтта бўлган саёҳатларда зиддиқондалар бўлмайди.

Умуман, бу отлар кандай аҳамиятта эга бўлиши мумкин?

Вақт саёҳатчисининг биринчи коидаси шундай: худди ҳамма каби бўл.

Агар сиз Крит оролига, унинг аҳолиси дунё мўъжизаси бўлган даврга сафар килсангиз, сиз улар каби ўйлашингиз, уларнинг киёфасида кўрининшингиз ва энг асосийси, улар каби саъй-харакатда бўлишингиз лозим.

Хеч нарсани ўзгартирмайсиз. Ҳамма нарсани қатъий ўз ҳолича қолдирасиз.

Бу нима – некбинлик майлиданми? Жуда унчаликмас.

Энг аввало, бу – яшаш истаги.

Энди отларга қайтайлик – 1445 йилдаги Мексика уторлари.

1445 йилда на Шимолий, на Жанубий, на Марказий Америкада отлар бўлмаган – Вэйд Драйден яшаётган ҳозирги замонга олиб келувчи ўтмишда отлар бўлган эмас. Америкада отлар тош асрининг охирларидаёқ қирилиб кетган ва фақат 1519 йилда испанлар келгусидаги Вера-Крус шаҳри ўрнига келиб тушганларидағина пайдо бўлган.

Отлар кандай аҳамиятта эга бўлиши мумкин?

Испанлар пайдо бўлгунларига қадар Япги Дунёда камида учта юкори даражада ривожланган тамаддуунлар бўлган. Майялар «ноль» тушунчасини ҳиндулардан илгариrok кашф этганлар, инклар эса Перуда биринж асирида яшаганлар.

Жамиятлар, ҳалклар табиат эҳсонларини ўзлаштириб борганлари сари, ривожланаверади. Бутун Америка бўйлаб, шимолдаги эскимослардан то жанубдаги уналарга қадар ҳинду қабилаларининг ривожи кучли уй ҳайвонларининг йўклиги туфайли тўхтаб қолган.

Давримиздан аввалиги тўрттинчи минг йилликдаёқ ҳиндулар буғдой стиширганлар, аммо уй ҳайвонларидан уларда факатгина итлар ва ламалар, шунингдек, ленгиз чўчқаси ва курка каби гаройиб жониворлар бўлган. Итлар ва ламалар, шунингдек, ламанинг кариндоши – альпаналардан улов ҳайвонлари сифатида фойдаланилган, аммо уларнинг барчаси бундай иш учун мосланмаган эди.

Уловбоп ҳайвонларнинг йўклигини шунчаки билимсизликка ёки маъданиятсизликка ҳам йўйиш мумкин, аммо гап бошқа ёқда.

Агар юртингизда йирик шохли чорва бўлмаса, сигирни хонакилашира олмайсиз. Агар сизда от бўлмаса, отни ҳам бўйсундира олмайсиз.

Янги Дунёда жуда катта микдорда ёввойи ҳайвоnlар – бугу, қуён, айклар, турли мушуклар бўлган. Аммо юк ташиш учун керакли ҳайвоnlар бутун китъада йўқ эди. Бу ишга яроқли бўлган бизонларни эса, ҳатто, XX асрда Кўшма Штатларда бир канча мукаммал илмий услублар кўлланганидан кейин ҳам, хонакилаштириб бўлмади.

Буюк текисликларда ҳаёт кечирган Шимолий Америка ҳиндуларига ётибор берини: Испанлар томонидан Америкага келтирилган отлар, уларнинг кўлларига тушгунинга қадар, Америка гарбининг афсонавий ҳиндулари қашшоқликда кун кечирганлар. 1600 йилга қадар бирорта ҳам америкалик ҳинду от мингтан эмасди. Шейянилар Миннесотада буғдой етиштирганлар. Команчлар, Миссисипи водийсидаги почор қабила бўлган Буюк текисликлар рамзи бўлмиш дакоталик сиукслар Миссисипи дарёси бўйларида зироатчилик билан шуғулланганлар.

Шимолий Америкада отлар пайдо бўлгунинга қадар бизонлар ва хўқизлар озука манбаси бўлган, аммо бу фақатина тасодифий ва ишончсиз манба. Ваҳоланки, Буюк текисликлардаги ҳиндулар ҳаёти бизонларга боғлиқ бўлган. Ҳукумат бизонларни қириб ташлаши билан қайсиdir маънода ҳиндуларни ҳам ҳалок этди.

Отларни Испаниядан Нью-Мексикага келтиришди. Шундан сўнг маданият даражаси ҳам кўтарили. Энди ҳинду қабилаларининг емиши старли эди, улар кўчиб юриш имконига эга бўлдишар. Кўплаб қабилалар Буюк текисликларда кўним топишди. Илгаригидай тош асирида яшаб келаётган европаликларга маълум бўлган жантовар ҳаракатларни юритиш услублари ва техникаси ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган ҳиндулар, Шимол ва Жануб ўргасидаги урушга қадар АҚШга қарши муваффакиятли жанг олиб бордилар.

Агар отлар ҳақикатан ҳам юкори тарақкий этган тузум шароитларida испанлар босқинидан бир неча йил аввалрок пайдо бўлган, деб фараз қилсан-чи?

Дастлабки вактларда Кортесга ва унинг аскарларига ҳеч ҳам осон бўлмаган, аммо улар қабилаларни Монтесума Иккинчига қарши исён кўтаришга кўндирилар. Гарчи Кортес ниҳоятда маккор ва қобилиятли саркарда бўлса-да, у кетма-кет мағлубиятга учради, унинг кўшини тормор килинди, факатгина унга содик бўлган, унинг аскарларидан анчагина кўп бўлган тлакскаланлик жангчиларнинг кўмакларигина Кортесни мукаррар ҳалокатдан асраб қолди. Охир-оқибат у арикларни бўғиб, пойтахтда очликни юзага келтириб, Теночтитланни ўзига бўйсундирди.

Агар 1445 йилда Мексикада отлар бўлганида эди, Монтесуманинг отлиқ лашкари бўларди ва, муҳими, худди Қадимги Римдаги каби тез-

чопар отлар ёрдамида алоқа боғлаб турладиган хакиций ягона салтагатга эга бўларди.

Гилдирак хам оддий ўйинчок бўлмай кўярди.

Янги дунёниг энг барқарор тамаддуни 1521 йилда таг-томири билан кўпориб ташланмаган бўларди. У гоҳида испан кемаларида етказиб турдиган ёрдамчи кучларга қарши юз йиллар давомида муваффақиятли каршилик кўрсатиши, ҳатто зафар козониши хам мумкин эди.

Шуниси равшанки, бундай ўтмиш билан Вэйд яшаб турган 2080 йилдаги дунёниг мавжуд бўлиши амримаҳол бўларди.

Шубоисдан хам отларни, улар хаёт зайлигатасир кўрсагмасларидан аввалрок мусодара килиш керак. Дэниэл Ҳюзни дарҳол тўхтатиш лозим эди.

Вақт машинаси жимиб қолди. Яшил чироқ чакнади. Вэйдинг иккиланиши мумкин эмасди. У эшикни очди ва ташқарига чиқди. У ўзининг қаерда эканини бутун вужуди билан хис этмоқда эди.

Шубҳасиз, унинг қархисида – дунёга маълум энг гаройиб маданиятлардан бири турарди.

Марказий Мексика, 1445 йил. Ацтеклар.

Вэйд Койоаканадан жануброқдаги дарахтзорга келиб тушганди. Барғлар орасидан ёркни куёш нурлари тўкилиб турарди. Кун илик. Аммо кўл тарафдан намлик уфурмоқда. Вэйд кечга бориб ҳаво салқин ва нокулай бўлишини тушунди.

Вэйд дарахтлар панасидан чиқди ва кенг сўқмок бўйлаб кичкина Койоакан кишлокчаси томон йўл олди. У кишлокда тўхтамай, Тескоко кўлидан шимол томонга караб йўналган тўғон бўйлаб юришда давом этди.

Кўл юзасининг у ер-бу ерида нуктадай бўлиб қайиклар кўзга ташланар, тўғоннинг ўзида ҳам йўловчилар анчагина эди. Унинг йўлида учраган хиндуларнинг кўпчилиги сочини узун ўстириб олган, сонига бояч боғлаган, бир елкасига ёпинчик ташлаб олган ҳамда осғига чармдан шиппак кийган эркаклар эди. Улар Вэйдни кўришлари биланоқ ўзларини четга олиб, унга йўл беришар ва у олдинга тикилганича одимлаб бораверарди.

Нефрит ва феруза қадалиб, зеб берилган либосдаги бадавлат бир савдогар у билан саломлашишга журъъат этди; Вэйл унинг саломига совуккина жавоб қайтарди.

Коҳинлик либоси уни ўткинчилар билан сухбатлашиш заруратидан ҳимоя этар ва оддий халқнинг ўзи ҳам имкон қадар унинг назарига тушмасликка ҳаракат киларди.

Тўғоннинг икки томонини эгаллаб ётган сув аста-секинлик билан ўз ўрнини сабзавот экилган кичик, балчикли ям-яшил оролчаларга

бўшатиб бера бошлади. Ергўлаларда яшовчи дехконлар уларни парвариши килишарди.

Бундай сузиг юрувчи полиз ўсимликларининг илдизлари кўл тубига маҳкамрок илингани сари кўпайиб бораверарди ва кўл торайиб бориб, тўғоннинг икки томонидаги иккита ўқариққа айланганди.

Ҳар жой-ҳар жойда лойдан тикланган кулбалар кўриниб қолади, узоқда, олис тоғлардаги вулкон ўймалари атрофида Вэйд йирикрок билоларни ҳам фарқлай бошлади.

Энди тўғонда одамлар яна ҳам кўп эди – патлардан бош кийим кийиб олган мансабдорлар, асо туттган чопарлар. Маҳсулотларга тўла қайиллар, ариклар оркали шаҳар томон асталик билан сузиг бораарди.

Вэйд кўз олдида ястаниб ётган бу шаҳарда уч юз мингдан оптик одам яшашини биларди. Бу асло қишлоқ эмасди, шунга қарамасдан ҳайратланарли даражада сокин эди. Фақатгина ариклардаги сувнинг майин шовуллаши, тоғ қояларидан эсаётган шамолнинг гувури ва шивирлаган товушлар эшитиларди холос. Бу ерда йўллар ўрнига ариклар бўлиб, бутун бошли шаҳарда на битта арава ва на бирорта улов ҳайвони бор.

У кизил-оқ рангли тошлардан тикланган бино томондан келаётган кулигини ва чалпакларни пишириш жараёнидаги кафтларнинг шапати овозларини эшилди.

Энди кохинлар кўпроқ учрай бошларди ва хушбўй ҳавода муаттар хид анкир эди.

Айрим кохинлар Вэйдга ҳайрат билан карашар, аммо уни гапга тутишимас эди. «Шаҳар хаётининг афзалликларидан бири шундаки, – Вэйдинг миясидан ўтди – ҳар бир ўткинчини юзидан таниб олиш мумкин эмас».

Вэйд йўлида давом этаркан, тез орада ёқимсиз, қўланса бир исни туйди.

У бунинг нима эканини биларди, лекин барибир ходаларнинг узун қаторларини кўрганида титраб кетди. Улар тўртта эди – бутхонанинг ёнгинасида срга кўмиб қўйилган найзасимон ходаларнинг тўртта узун қатори. Бу ходаларга минглаб одамларнинг калла суюклари илиб қўйилганди.

Албаттa, хиндулар кохинни кўришлари биланоқ четлашиб, унга йўл берардилар.

Эхромлар күёшга караб бўй чўзган, бир бурчилда эса мамлакат хукмдори Монтесума Биринчининг саройи кўрк очиб турган улкан очиқ майдон оркали ўтиб борар экан, Вэйд арик бўйлаб юрди ва Тлалтеполко бозорига чиқди. Бу – таропланган тошлар терилган майдон эди, четлари бўйлаб қатор айвончалар курилган бўлиб, сотувчилар у

ерга ўз молларини ёяр эдилар. Сабзавотлар, бўйралар, обсидиандан ишланган асбоб-ускуналар, патлар, қимматбаҳо тошлар – бу ерда ҳар бир товарнинг ўз ўрии бор. Сабр-тоқатли ҳиндуда аёллари савдо-сотик ва айирбош килишарди, баъзан какао донларини пул ўринида ишлатишар, гўёки вакт ҳам кечки офтоб нурларидан шуълаланиб турган бозор майдонига ўз хукмини ўтказа олмайдигандай – у шу қадар сокин кўринар эди.

Ҳатто шу ерда ҳам ацтекларнинг турмушини белгилаб берувчи асосий нарса сезилиб турарди. Бозордан сал нарироқда, кўшдевор ортида Тлалтелолко бутхоналари кўзга ташланиб турарди. Улар орасида уруш маъбудининг улкан эҳроми кад кўтарган. Унинг тепасида кўзлари обсидиандан ишланган паст бўйли Хитцилопочти ва Тецкатлинокка бағишиланган жуфт бутхона бор.

Эҳромлар узун, қоп-қора соя ташлаб турарди.

Вэйд замонлар оша кўчиб ўтишнинг ҳайратомуз хиссини тыйди. Унинг теварагидаги шаҳар ғаройиб даражада воқеий эди – Вэйд уни кўриб, эшитиб, хис этиб турарди. Уни ўраб турган одамлар – болалар, аёллар, жангчилар, куллар, хизматчилар – кулар эдилар, сўзлашардилар, кўркувни хис этардилар.

Лекин шунга қарамасдан Вэйдга, у худди мозий асрлар оралаб бораётгандай, бутун атроф эса юз йилликлар гардига кўмилиб кетгандай туюларди. У ҳозир юриб бораётган йўл бўйлаб ацтеклар пойтахти – Тепочтитлан шаҳрига кириб боради. Яна бир неча юз йилликлардан кейин Тлекоко кўли қурийди ва орол бошкент – Теночтитлан Мексиканинг бош шаҳри Мехико-ситига айланади. Запата исмли бошқа бир ҳиндуда эса ҳалкни яна испанларга қарши курашга чорлайди...

Вэйд асрлар мусибаги ҳамда машакқатларини хис этди.

Аммо у қайгули фикрларни шууридан чиқариб ташлади. Агар у қатъий ҳаракат килмаса, ўзи билган тарихи воқееликка айланмайди, ацтек дунёси илдизларидан эса янги тарих ўсиб чиқади.

Вэйд иршайиб турган калла суюклари ёнидан жиљдий киёфада ўтиб, улкан бутхонанинг ярим зимистон қаърига кириб кетди.

## VIII

Ибодатхона ташкаридан маҳобатли кўринса-да, ичкариси ғаройиб бир зулматтга чўмган. Маконининг асосий қисмини улкан деворлар эгаллаган; ацтеклар ҳакикий аркалар ҳакида тасаввурга эга эмасликлари боис, ибодатхонанинг сербезак томини кўтариб туриш учун қандайдир тиргак керак бўлган. Таянч сифатида эса улар қатор-қатор деворларни қуравергандар. Каердандир юкоридан, устунлар ораси-

дан заифгина ёруғлик сизиб кирап, бирок умумий таассурот юракда ғашлик уйғотарди.

Кохинларнинг сир-асрорларидан сабоқ олаётган болалар гурухига аҳамият хам бермасдан, Вэйд бутхонанинг ўнг томонидаги торгина бир хонага кири.

Хонада кохин турарди: қора кўзлари тешиб юборгудай ўткир, паст бўйли семиз одам эди.

Вэйд у билан қуруккина саломлашди, имкон қадар ўзининг бу ерда бўлишига тўла ҳакли экани ҳакида таассурот уйғотишга уринди.

– Хўш? – деди кохин нахуатил шевасида.

Вэйд вазиятни бир оз бўрттиришга карор килди – оргикча ваҳима зарар килмайди.

– Мен – Тескоколик буюк Тецкатлиноклинг хизматкори бўламан, – у хам худди шу тилда жавоб қайтарди. – Мен хузуришга сенга ини сифатида ташриф буюрдим, зеро сенинг заковатинг барчага маълумдир.

Кохин бу хушомадга парво килмасдан, киноя билан томоқ кириб кўйди.

– Бизнинг бутхонамизга нима учун келдинг, тескоканлик одам?

– Сенга хабар келтирдим, – тантанавор тусда давом этди Вэйд, – Менга ёвуз аломатлар рёё бўлди ва мен билан ғаройиб мўъжизалар юз берди.

Кохин кўксига кўлларини чалкаштириди. Кора кўзлари Вэйдга ошкора ишончсизлик билан тикилди.

– Қани, гапир-чи.

Вэйд ваҳимани янада бўрттириди.

– Айни пайтда, Тўрт Зилзила иилида, – Вэйд бетўхтов бидирлашни бошлади, – мен ғалати тушлар кўрдим ва ўз шаҳримда ажабтовор ҳодисотга шоҳид бўлдим. Мен тушимда, ўзи билан даҳшатли тўрт оёкли маҳлукларни олиб келган нотаниш одам пайдо бўлганини кўрдим, бунакасини илгари ҳеч қачон кўрган эмасман. Бугун эса шаҳарда ўша одамни ва у билан элликта жаҳаннам мавжудотларини учратдим. – У диккат билан кохиннинг қандай таъсиrlанишини кузатди, аммо кохиннинг хиссиз юзидан, у гапнинг нима ҳақда бораёттанини билиши ёки билмаслигини англаб бўлмасди. Нахотки у Ҳюзининг пайдо бўлганидан ҳанузгача бехабар бўлса? – О, катта оға, буни мен – буюк Тецкатлиноклинг хизматкори айтмоқдаман, бу иблислар бизга Мурдалар Ҳукмдори – Миктлантекутл томонидан юборилган. Ўша ёт кишининг айтишича, у бизга гўёки дўст эмиш, аслида у барчамизни ўликлар салтанатига олиб кетиш учун келган.

– Бизнинг нима ишимиз бор? – деб сўради кохин хиссиз бир овозда. – Сен Тескоко ҳакида гапиряпсан: биз эса Глалтелолкода яшаймиз.

Вэйд совуқ илжайиб күйди ва қабилалар ўртасидаги азалий зиддиятлардан фойдаланишига қарор қилди. Келажакдан хабардор кишининг имкониятлари чексиз, ўйлади у, чунки коҳин ҳатто хаёлига ҳам келтирилмайдиган нарсалардан Вэйд хабардор эди – бир неча йилдан сўнг Теночтитлан Тлацтелолкони забт этади ва ўз ҳудудига кўшиб олади.

– Мен сенга хабар беряётган одам, – деди у, – фикран Теночтитланнинг ҳукмдори Монтесума билан сўзлашаётib. Бу унинг факатгина орзуси эмас – у Монтесума жангчиларини бу иблислар билан муносабатда бўлишига ўргатяпти ва Тлацтелолкодаги Тецкатлипок ибодатхонасини ҳозирданоқ ўзиники деб ҳисобламоқда.

Коҳин титраб кетди. Вэйд эса ўкнинг нишонга бориб тесканини сезди. Тлацтелолко ва Теночтитлан ўртасидаги рақобат тобора зўрайиб борар ва ўзаро шубҳа-гумонларни алангатлиши ниҳоятда осон эди.

– Максадинг нима? – деб очиқласига сўради коҳин.

Вэйд гапнинг тўгрисини айтиб кўяқолишдан тийилиб, башоратчилик билан гапни чалғитишига уринди:

– Сенга гапим шу, о, катга оға: ўша одам ва унинг иблислари йўқ қилинмоғи лозим. Агар улар Мурдалар Ҳукмдорининг ўзига қайтариб юборилмаса, мамлакат осмонини пўлат тумшуқли қушлар қоплайди. Ва ўшанда, орадан ўн йил ўтиб, Янги Олов Маросимининг вақти келгач, одамлар очликка дучор бўладилар, ерларда умуман буғдой унмайди. Сиз ўз фарзандларинизни курбонликка бағишлайсиз, лекин барибир осмондан ёмғир ёғмайди. Ва шунда Юлдуз Тепалигига Янги Олов ёқилади, олов ўчади ва мамлакат узра абадий зулмат ҳукмронлик қиласди.

Вэйднинг сўzlари коҳинга таъсир этгандай эди гўё; аммо бу аниқ сезилмасди. Вэйд унга 1451 ва 1456 йиллар орасида қаҳратон совуклар ва тўфонлар оқибатида даҳшатли очарчиликларининг рўй беришини айтмади. Аммо ўша ходисалар юз бергач, унинг башоратларини ёдга олишлари Вэйдга маълум эди.

– Менга исбот керак, – деди коҳин. Чамаси, уни ҳар нарсада айблаш мумкин эди-ю, фактат иримчиликда эмас.

Вэйд пичирлашга ўтди:

– Бир кун ичида ўша иблислар Тескокодаги ўз курбонларини ҳалок этдилар. Агар улар тўхтатилмаса, бу ерга ҳам етиб келишади. У коҳинга тикилганича, яна битта омади гапни айтди. – Улар бизнинг ҳудудларимизга таҳдид килишмоқда.

Коҳиннинг кўзлари маъносиз эди.

Вэйд энди хавотирга туша бошлади – унинг сухбатдоши ниҳоят даражада бадгумон эди.

– Сўзларимни бошқаларга ҳам етказ, – гапини тутатди Вэйд. – Менинг кудратимдан шубҳа қилма.

У ўз оргидаги тош тўшама устига иккита гутовчи портлагични ташлади, орқага бир қадам қўйди ва бир зумда бутхона ичини қоплаган қоп-кора тутун парда орасида ғойиб бўлди.

Коҳин кутилмаган бу ҳодисадан ўзига келиб улгурмасидан Вэйд бутхонадан чикиб, майдондаги одамлар тўдаси ичига сингиб кетди. Атрофда шунчалик кўп коҳинлар юрганида яна битта коҳин келиб кўшилгани кўзга ташланмайди.

Демак, биринчи қадам ташланди, аммо унинг қанчалик муваффакиятли бўлгани Вэйд учун коронигу эди. Ацтеклар жамияти беҳисоб коҳинлар тўдаси томонидан бошқариладиган, рухонийлар ҳокимияти эди. Агар коҳинларга ёқмай қолсанг, исмингни ҳам, жисмингни ҳам балчиқка булғаб ташлардилар.

Вэйд Тескоко кўли соҳили томон шошилди, катта қайик оғди ва сокин оқшом коронгусида шимол томон эшкак эшиб кетди. Олдинда эса Тескоко ястаниб ётар, у ерда кирол-шоир Нецахуалкоатл яшарди.

Ўзокларда эса Вэйднинг шу жойларга келишига сабабчи бўлган инсон – Дэниэл Ҳюз бор эди.

## IX

Вэйд кўлнинг шаркий соҳилидан Тескоко шаҳрига етиб келганида, кирмизи оймома тоғ ўркачлари тепасида бамайлихотир сузуб юради. Тун эса рутубатли ва сокин эди, баъзида итлар дарғазаб хуриш билан Вэйдни кузатиб қолардилар.

У Дэниэл Ҳюзнинг уйини қийинчиликсиз топди. Бу – тол новдаларидан тўқилиб, ташқари томонидан лой билан сувалган, Тескоконинг бир чеккасида жойлашган ғарифона кулба эди. Уй орқасида эса оддий ғўлалардан тикланган отхона бор эди.

У отларни кўрди – уларнинг бехаловат шаржалари кўтарилиб келаётган ойнинг кумушранг шуъласида равшан кўриниб туарди. Бу манзарада ёвузликдан ҳеч қандай асар йўқ эди; шунчаки отлар шу ерда, кўтонда туришар, гўёки бу уларнинг доимий жойларидаи. Одатдаги оддий отлар.

Улар, очигини айттанда, кобалт бомбаси каби хавфли эмас эдилар.

Тулпорлар ҳарбий қўшин каби қирғинбарот учун яралган эмасдилар. Аммо нима бўлишидан қатъи назар, улар ўз жойларидан ва ўз давларидан ташқарида бўлиб, бу ажал каби хатарли эди.

Вэйд тараддулланмади. Отларни ҳеч ким кўриқламаётганди ва ҳеч ким Вэйднинг бу ердалигини билмасди. Бундай кулай имконият бошка ҳеч қачон бўлмайди ва у мана шу имкониятдан фойдаланмаса бўлмайди.

Отхонада бир айтирип нимадаңыр безовталаниб, қаттиқ кишинади.

Вэйд өхтиёткорлик билан хода түсікка яқынлашы, сув турған ёғоч новга отларни талвасага солувчи хабдори ташлады. Дори сувни енгилгина чапиллатыб новнинг тубига чўқди. Отлар безовталана бошладилар. Вэйд кескин ҳаракат қиласликка интилиб, асталик билан отхонадан узоқлаша бошлады. Кўзғатувчи хабдорилар ўн беш соатдан кейингина таъсири қила бошлайди. Улар отларни ўлдириш учун эмас, балки талва-сага солиш учунгина керак. Тўғри, агар бирор заҳар танланганда оғу албатта ҳеч бўлмаганда отларнинг бир қисмини ўлдириши мумкин эди. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳозир отхонада эканига Вэйднинг ишончи комил эмасди. – Бошқарма агентларига номаълум бўлган бирор бошқа жойда ҳам Ҳюзнинг отлари бўлиши мумкин эди. Нима бўлганда ҳам Вэйд отларни қандайдир қўрқинчли, ғайритабиий мавжудотларга айлантириши лозим эдики, то Кортес келгунинг қадар Мексика тупроғи томон бир умрга уларнинг йўллари тўсилсин.

Энг яхши восита – ҳавфнинг олдини олиш.

Бунинг учун у барча отлардан қутулиши шарт эмас; уларни сафдан чиқаришнинг ўзи кифоя. Эрталаб отхонадан топиладиган бир нечта айтнишнинг жасади, отлар ҳам бошқа жонзорлар каби ўлувчан эканини исботлаб беради холос. Аммо йигирмата ёки ўттизта ақидан озган отлар эса – бутунлай бошқа, ёддан чикмайдиган иш бўлади.

У уйнинг олдига келди. Уй эшиксиз бўлиб, девордаги тиркишга шунчаки чойшаб тортиб қўйилган эди. Вэйднинг кўзи шундокқина кириш олдига илиб қўйилган, бир уни сиртмоқланган пишик арконга тушди. У сезилар-сезилмас тиржайиб қўйди ва лойсувоқли деворни астагина такиллатди.

Сокинлик. Кейин қадам товушлари эшитилди. Аввал чойшабни чепта сурин гашшаган кўл кўринди, кейин Вэйднинг каршисида Дэниэл Ҳюз пайдо бўлди.

У ўзининг фотосуратларига унчалик ўхшамасди – оқарган сочлари қора рангта бўялган, бадани мисрант-кизил тусга кирган; у сонбогич боғлаб, елкасига эса сингиз чакмон ташлаб олганди.

Аммо ёқимли мовий кўзлари аввалги ҳолица қолган, юзидағи самимиyлик ифодаси ҳам кўпни кўрган киши қиёфасини сақлаб қолганди.

– Салом, Дэн, – леди Вэйд инглизчараб. – Кирсам майлими?

Кўринишдан Ҳюз хечам хайрон бўлмади, мабодо ҳайратта тушганида ҳам, Вэйд буни сезишга ултурмасданоқ ўзини тутиб олди.

– Вакт анча бемахал-ку, – жавоб берди Ҳюз юмшоқ оҳангда хушмуомалалик билан, – модомики келган экансиз, марҳамат. Мен сизни куттандим.

Вэйд бир оз саросимага тушди-ю, буни сездирмасликни улдалади. «Минг лаънат, – ўзича ўйлади у, – агар муваффакият козонишни истасам, демак Ҳюзни ўз куроли билан маҳв этишим лозим».

У кулбага кирди.

Ичкари ҳам худди ташкаридаги каби соддагина эди – бўйралар, ёгоч курси ва хонтахтага ўхшаш яна бир анжом. Ошхона уйга тақаб курилган хужрада жойлашган бўлиб, бинонинг ўзи уй билан ошхонанинг ўртасига курилган ўчокнинг хира шуъласида ёришиброк турарди. Шунга карамасдан уй илиқ, куруқ ва шинам эди.

Аёл кишининг комати – гира-ширадаги заифгина шарпа – енгил одим билан бурчакдан чиқиб келди ва хеч қандай товуши чиқармасдан ошхонага ўтиб кетди. У кўздан гойиб бўлмасидан олдин Вэйд унинг ўзига бир сония назар ташлашга улгурди – у йигирма ёшлиардаги гаройиб ҳуснга эга бўлган хинду кизи эди.

Дэниэл Ҳюз бўйрага чордана куриб ўтириб олди.

– Сизнинг меңдан битта устунлигингиз бор, – деди у хотиржамлик билан. – Мен сизнинг исменингизни билмайман.

– Драйден. Вэйд Драйден.

– Демак, Вэйд. Сиз албатта Замонлар хавфисизлиги бошқармасидан бўлишингиз керак. Ўзингни «вақт» деб аталувчи бир нарсанинг ҳукми остида ҳис этиш ғалати-а, шундай эмасми? Бу ерда мен ўзимни уйдагидай ҳис этаяпман... Марҳамат, ўтиринг.

Вэйд ўтириди. «Унда кишини ўзига тортадиган нимадир бор, – деган фикр Вэйднинг хаёлидан ўтди, – бундан ташқари мана шу ёқимли табассум ортида беназир акл-заковат яширинганди.

Ҳюз кўлларини кўкси устида ковушириди.

– Мен гапни айлантиришни ёқтирмайман, Вэйд, – деди у. – Келинг, яхшиси очиқчасига мақсадга ўтайлик. Умид қиласманки, мен акли иокислар сирасига кирмайман, очигини айтсан, шу боис ҳам Бошқарма вакилининг ташрифини олдиндан кўра билганман. Бир оз изоҳга хушингиз борми?

– Эшитайлик-чи, – розилик билдириди, вазиятни бой берётганини ҳис этганича Вэйд.

– Демак бундай, – сўзини бошлади Ҳюз; унинг мовий кўзлари Вэйдга хотиржам боқиб турарди, – мен эртами-кечми Бошқарманинг қандайдир бирор нозири отларни пайқаб колишини билардим. Бу равшан нарса. Шундан сўнг бизнинг умумий таниппимиз Шамиссо «дунёни кутқариш» деган кулгили бир ном остида ўтмишга сафар уюштиради. Бошқарма мавжуд вазиятни имкон қадар чигаллаштирмасликка тиришгани боис, ўша одам ёлгиз ўзи келади – мен айшон худди шундай бўлиб чиққанидан хурсандман.

— Энди айтинг-чи Вэйд, ўша агент ўтмишга келиб тушгач, қандай чора кўради?

Вэйд жавоб бермади. У кафтларининг терлаб, сув бўлиб кетганини сезди.

Хюз охистагина кулиб кўйди.

— Дўстимиз шундай фикр юритади: ацтеклар жамияти илохий эътиқодда бўлгани боис, ишни коҳинлардан бошлаш керак. Менинг фикримча, у ўзини коҳин қилиб кўрсатади, ибодатхоналардан биринга боради ва коҳинларни отларга қарши қилиб кўйиш учун ирим-сиримлар билан уларни чалғитишга уринади. Кейин, деб ўйладим мен, у отларни кутуртириш учун бирор тадбир қўллайди, ва ниҳоят менинг хузуримга келиб, виждан хақида маъруза ўкиб беради. Хўш, менинг сўзларим хақиқатга яқинми, жаноб Драйден?

— Менимча, унчаликмас, — деб аллади Вэйд.

Хюз хайронлик билан қошларини чимириди.

— Нима бўлганда ҳам, мен ҳақ бўлиб чикишимга амин эдим, — деди у. — Мен барча коҳинларнинг олдига бирма-бир бориб, ҳар биттасига келажақдан башорат қилдим: тез орада ёт киши ташриф буюришини, менинг ҳайвонларим ҳакила уларга ёлғон сўзлар гапиришини айтдим. Сиз мардона равишда яширишга уринаётган кўзларингизнинг ифодасидан кўриб турибманки, менинг башоратларим рўёбга чиқибди ва бу ердаги нуфузим янала ортиби.

Вэйд ўрнидан турди. Унинг юраги кўксидан чиқиб кеттудай зарб билан ура бошлади.

— Илтимос, ўтиринг, жаноб Драйден. Бизнинг қисқа сухбатимиз эндиғина бошланди. Мен Замонлар хавфсизлиги бошқармасининг фаолиятини муфассал ўргандим, бинобарин, сизнинг иш услубингиз менга яхши маълум. Табиийки, сиз мени унчалик менсимайсиз — чунки сизнинг фалсафаигиз ўзингиздан кўра ақллироқ одамлар бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ғояни кабул қилмайди. — У бепарво кўл силтади. — Мен ахмок эмасман, Вэйд. Ўзингиз билан курол олиш сизнинг хаёлингизга ҳам келмайди, аммо менинг ахлоқий қоидаларим сизнидан жиддий фарқ киласди. Сизни ишонтириб айтаманки, менинг хотиним ҳеч иккиланмасдан анави милтиқни ишга солишга кодир.

Вэйд ошхона томонга назар солди. Ҳинду аёли ўчок ортила панага ўтиб олган, кўлида эса эски русумдаги ўқотар милтиқни ушлаб турарди.

— Афсуски, сизни тирик коллиришнинг иложи йўқ, Вэйд, аммо сўнгги сўзларингизни айтиб олишингизга имкон бермай, сизни ўлдириб юборишим инсофисизлик бўлади. Хўш, менга айтадиган бирор гапингиз борми?

Вэйд ўзини ожиз ва ҳимоясиз сеза бошлади – у мағлубият аламини ич-ичидан хис этарди.

Тунги кулба устида ой баланд күтарилиб турар, тоғлар томондан эса муздай шамол эса бошлади.

Вэйд ўзини босиб олишга уринди. У ўз фахм-фаросатига суюни лозимлигини билиб турарди. Унинг ягона куроли мияси эди. Агар у хозир дадиллигидан айрилса, тамом бўлади. Унингчув тушганига ҳеч қандай шубҳа йўқ; унинг босган ҳар бир кадамини Ҳюз олдиндан билib, хавфсизлик чорасини ҳам кўриб кўйганди.

*Яхши, ишини Дэн Ҳюз ҳақида сенга нималар маълум эканлигидан бошлаймиз!*

Биринчидан ўзи тан олиши ё олмаслигидан қатти назар, у тамом бўлган одам. Ҳюз роман ёзмоқчи эди, аммо этиолмади. У ўзи туғилиб ўсган мухитдан ўз ўрнини тополмаган, бирок фавқулодда акл эгаси. У янчилиб бораётган «мен»ини қувватлантириши мумкин бўлган барча нарсага эришишга интилади.

Вакти келгач, бу уни изтиробга солиб кўйиши мумкин.

Хозирча уни гапиришга мажбур килишдан наф йўқ.

Вэйд шолчага чўқди, кўлларини кўринарли қилиб тутишга харакат килди. У Ҳюзнинг қандай ишораси билан хинду аёл милтиқ тепкисини босишини билмасди, аммо бу сафар тутун портлагични кўллаш каби кўпол ўйинлари уни асраб қоломас эди.

– Мен бу ерга сизнинг қотил эканингизни ўзингизга айтиб кўйиш учун келдим, – деди у. – Сиз инсоният тарихидаги энг катта қотилсиз. Бу ерга келишимдан максад – сизнинг жойингиз руҳий касаллар шифохонасида эканини айтиб кўйиш.

Кутилмаганда Ҳюзнинг юзидаги хушмуомалалик ифодаси ғойиб бўлди. Албатта, унинг эс-хуши жойида бўлиб, буни бошқалар ҳам билиши Ҳюз учун муҳим эди.

– Сиз мени қотил деяпсизми, жаноб Драйден? Нима учун бундай деб ўйляяпсиз?

– Бу ахир аник-равшан-ку, шундай эмасми? Агар бу отлар маҳаллий маданиятнинг бир бўлагига айланса, у ҳолда бизнинг келажакда рўй берини лозим бўлган тамаддунимиз имконсиз бўлиб колади. 2080 йилда Америка хиндулар миллии заминига айланади – Колумбдан кейинги барча амалга оширилган нарсалар ғойиб бўлади. Дунёнинг колган кисми ҳам бутқул ўзгача бўлади; бугунлай бошқа одамлар туғилади ва улар ўзгача хаётда яшай бошлашади. Демак, оиз бизнинг замонамиизда туғилажак ҳар бир инсонни ўлдираяпсиз.

Ҳюз лабларини кийшайтирди.

– Хай-хай, сал ошириб юбордингиз, жаноб Драйден, – деди у. –

Ўзингизни жуда саводсиз кўрсатишга уринманг. Сиз ҳам худди мен каби қотил эканингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

Дарҳакиқат, бундай фикр Вэйднинг калласига келган эди. У Ҳюзнинг яна нимадир дейишини кутиб, жим қолди.

— Агар билсангиз, — сабру токат билан сўзида давом этди олим — отлар аллақачон шу срда ва бу воқеликдир. Агар сиз уларни йўқ қиласангиз, ацтекларнинг яшаб қолиш имконини тортиб олган бўласиз. Кортес фаришта эмас эди, жаноб Драйден, ва бу сизга яхши маълум. Албатта, у жанг санъатини барча ацтек саркардалардан кўра кўпроқ билган; бундан ташқари, XV аср Мексикасидаги каби қабилаларнинг бекарор иттифокидан эмас, балки ҳақиқий давлатдан келган эди. Агар Монтесумада ва Куаутемокда отлар бўлса, бу холат тарози палласини Кортеснинг камсонли қўшинига қарши оғдириш учун кифоя килади.

— Демак, буни атайин килибсиз-да?

— Сиз мени умуман тушунмаяпсиз, жаноб Драйден. Эндиги вазиятда ацтеклар ғалаба қозонадилар. Бошкacha килиб айтганда, келажак уларнинг тамаддунига тегишли бўлади, факат сиз жавоб юриши қиласангиз албатта. Тўғри, тарих ривожланишда давом этади — аждодларимизнинг ўтмишда инсонни қурбонлик килишдан ҳам кўра машъумрок саҳифалари бисёр. Агар сиз менинг отларимни нобуд этсангиз ёки улардан фойдаланишимга тўскинлик қиласангиз, бизнинг кунларимиздан то охир-замонга қадар сиз барча ҳиндуларнинг кушандасига айланасиз. Модомики шундай экан, менга ахлоқдан ваъз ўқиманг, Вэйд. Сиз ҳам худди мен каби бир хил вазиятда эканлигинизни яхши биласиз.

— Менга қарант, — деди Вэйд, — ахир бизнинг жамиятимиз 2080 йилда мавжуд, сиз буни инкор килолмайсиз. Сиз олам тақдирини ўзгартирмокчисиз, аммо бу қарорингизни амалга оширишга қурбингиз етмайди.

— Сафсата! — деб гапни бўлди Ҳюз. — Тарихни ўзгартириш мумкин бўлган пайтда, танлаш муаммоси пайдо бўлади. Ҳар сафар, сиз ўз хоҳишингиз билан қандайдир бир маданиятни йўқ қилганингизда, сиз унга нисбатан ўз хукмингизни чиқарасиз. Сиз ўзингизни мазкур маданиятнинг тараққиёт даражасидан анча юқори поғонада турганингизни даъво қиласиз. Мен эса бунинг ўтакетган худбинлик эканига ишонаман.

— Сиз ўз хукмингизни чиқаряпсиз.

— Албатта, мен факатгина сизнинг қандай вазиятда эканингизни кўрсатмоқчи эдим. Бу ишларнинг қайси бири тўғрилиги ҳақидаги саволнинг ечими, кўп жиҳатдан сизнинг қаерда жойлашганингизга

боғлиқ. Шу аср учун түғри бўлған нарса 2080 йил учун ноўриндир. 2080 йил учун түғри холат эса, худди шу каби бу ерда нотўғри.

Вэйд баҳслашмасликка қарор килди. Ҳюз маданият борасида нисбийлик тарафдорларининг ашаддий намояндаси эди ва шу боисдан ҳам уни окилона далиллар билан ишонтириб бўлмасди. Зеро баҳслashiш, вактни зое кетказиш билан баробар эди.

Асосий хавф шунда эдики, Ҳюз асло аҳмоқ эмасди ва унинг мавқеи Вэйднига қараганда анчайин мустахкам эди.

— Дэн, нима учун буларниг маданияти бизнидан юкори, деган қарорга келдингиз? Келинг, вактинча миллий мансубликни унугтайлик. Америка байроғини сизга намуна килиб кўрсатмасликка сўз бераман. Мен шунчаки максадингизни англамокчиман.

Ҳюз жилмайиб кўйди.

— Мен ацтеклар биздан кўра афзалрок, деб ўйлаётганим йўқ, — унинг сўзлари Вэйдни ҳайратга солди. — Бирор бир турмуш тарзи бошкасидан яхшироқ бўлиши мумкинми, йўқми, буни ҳам билмайман. Бу борада «яхшироқ» деган тушунчанинг нимани англатиши ҳақида бирор тасаввурга ҳам эга эмасман.

— У ҳолда бу ишларни нега бошладингиз?

Ҳюз Вэйднинг кўзларига тик боқди.

— Мен севиб қолдим, — деди у. — Ҳиндуда кизини севиб қолдим. Мени тушунмаслигингизни билиб гурибман, аммо сизга бошқа изоҳим йўқ.

Вэйд асталик билан ўгирилиб, ортига қаради. Гўзал хинду аёли кўлида милтиқ ушлаганича, ҳануз ғира-шира коронғуда турарди. «Шу аёл учун — ўйлади Вэйд, — мана шугина учун у бугун дунёни ҳалок этишига тайёр».

Умуман, унинг нуқтаи назари билан қаралса, бунинг нимаси ёмон? Ҳюз ўзининг замонлар оша илк тадқиқот сафарларидан бирида бир кизни кўриб, севиб колганди. Аммо уни ўзи билан олиб келолмаган; уни яширинча Цинциннати станциясидан 2080 йилга олиб ўтишнинг имкони йўқ эди. Ҳюзининг табиятидаги асосий хусусият нима ўзи? У ўз жамиятига мос эмас эди. У ўз касбини ёктирмайди, ўз орзусини амалга оширишда ҳам омадсизликка учради. Хотинига нисбатан бепарво, устига-устак фарзанди ҳам йўқ. Унинг энг якин дўсти, шоир Карпэнтер, ҳалол одам бўлгани сабаб, ёлғон хушомад килмади. Нега энди Ҳюз ўзини шу кўйга солган тамаддунга содик бўлиши керак экан?

— Менга қаранг, — деди Вэйд. — Отларнинг нима кераги бор? Сиз шу ерда колиб у билан яшашингиз мумкин. Сизнинг умрингиз давомида Карпес Америкага лангар ташламайди. Агар сиз менга бошқа бундай тентаклик килмасликка ваъда берсангиз, сизни тинч қўйишларига эришса оламан, деб ўйлайман.

— Айтинг-чи, Вэйл, сиз қачондир севганимисиз?

Вэйл жавоб бермади.

— Мен ўз фарзандларим бўлишини хоҳлайман, — давом этди Ҳюз.

Мен фарзандларимнинг кўз олдида таназзул топадиган дунёга уларни олиб киролмайман, ахир ҳиндулар олами ҳалокатта маҳкум эканини биламан-ку; бу асло тахмин эмас, бу — ишонч. Мен биринчи бор шу ерда ўз хотиним билан баҳтнинг нима эканини хис этдим. Шунинг учун ҳам унинг ҳалқига кўлимидан келган барча ишни қилмоқчиман. Агар сиз буни жиноят деб айтсангиз, сизга факат шуни айтишим мумкинки, фикрингиз мен учун мутлақо аҳамиятсиз.

— Йўқ, — шошмасдан жавоб қайтарди Вэйл, — бу жиноят эмас. Бунинг нима эканини ўзим ҳам билмайман.

Вэйл ўзи ўтирган бўйрага тикилганича ўтиради. У чукур бир ҳавотирда эди; Ҳюзнинг вожларини асоссиз деб бўлмасди. Вэйл сийкаси чиққаи ҳақиқатлар билан ўзини алдашга уринмади. Айни вактда ҳар иккала тамаддун ҳам мавжуд. Уларнинг бироргасини айшан қачондир мавжуд бўлганилиги учунгина бошқасидан яхши, деб эътироф этиш мумкин эмас. Бошка тамаддунда дунё қандай бўлиши мумкишлигини ким билади?

Бу вазиятда тўғри ёки нотўғри нарсанинг ўзи йўқ эди.

Вэйл қаҳрамон бўлмагани каби, Ҳюз ҳам жиноятчи эмасди.

Яхши. У ҳолда вазиятни имкон қадар соддалаштирамиз. Уларнинг ёқтирган ва ёқтиргмаган нарсалари турлича, виждан ҳақидаги тасаввурлари ҳар хил. Вэйл учун 2080 йилдан ташқаридағи ҳаёт маъносиз. Агар у Ҳюзни тўхтатмаса, ўзи ҳам ҳалок бўлади. Ўзини қурбон келтириш истаги эса унда йўқ.

Ҳаммаси ниҳоятда оддий.

У ҳаракат қилиши лозим. Лекин қандай?

Шарқ томонни шафақ эгаллаб келиши билан бир қаторда, кулбага совук кулранг тонгти шафақ сизиб кела бошлиди.

Вэйл хужумга ўтди.

У Ҳюзнинг нафсониятини нишонга олди ва мўлжалдан адашмасликка интилди.

— Сафар олдидан мен доктор Клементени кўрдим, — деди у. — Бошлиғингизнинг айтишича, сизнинг охирги ишингиз — ёдингиздами, шаҳарлаптириш тўғрисидаги тадқикот — шу қадар ҳеч нарсага арзимас эканки, у сизнинг илмий даражангизни бисор қилиш масаласини қўйишга мажбур эмиш.

Бу гап Ҳюзга каттиқ таъсир қилди.

— Нима? Бўлиши мумкинмас! Даража умрбодга берилади. Клементе — эшак. Менинг тадқиқотим фавқулодда муваффакиятли чиқкан ва буни у билади. Сиз қанакасига...

— Хотинингиз ўз жонига касд қиши, — совуққонлик билан унинг галини бўлди Вэйд.

— Сизга ишонмайман.

— Мен Карізтер билан учрашдим. Романингизнинг бир нусхаси унда сакланиб колганидан хабарингиз борми? Мен «Юлдузларга йўл»ни ўкиб чиқдим. Бўлмагур нарса. Лекин биттагина жойи яхши чиккан.

— Нусхаси сакланиб қолибдими? Қайси жойини айтяпсиз?

Вэйд шу пайтда ўзидан газабланиб кетди, аммо Ҳюзни кутуртириш зарур эди.

— Сиз хеч кимни яхши кўрмайсиз, Дэн. Сиз омадсиз ёсанлигинги биласиз ва шу боис ўз-ўзингиздан яширинишига уриняпсиз. Аммо ўзлигидан кочиб кутулиш асло мумкин эмас. Сиз бу ерда хам муваффакиятсизликка учрайсиз. Сиз абадул-абад омадсиз бўлиб коласиз...

Ҳюз ўринидан сакраб турди. Офтобдан корайиб тобланган юзи, оқариб кетди. У оғир-оғир нафас оларди.

— Ёлғон гапиряпсиз! Алдаяпсиз! Мен ҳаммангизга исбот килиб бераман...

Мана у, нажот онлари!

Вэйд чеккага, бўйра томон отилди, бир умбалоқ ошиб, эшикни ёшиб турган чойшабга ёпиши. Ташқарига чикиши биланок, ўзини чётта урди.

Милтиқ карсиллаб, ўқ чойшабни тешиб ўтли.

Вэйд эшик ёнида осилиб турган арқонни олиб, отхонага қараб югурди. Отлар ичкарида бевозта хириллаб, срни тоғтаб туришарди. У бир силтаб дарвозани очиб юборди. Иккинчи ўқ шундоқкина чаккаси ёнидан учеб ўтганини сезди.

Вэйл осилиб, тўсик устига чиқди, ёвнойи ўкириш билан сиртмок ташлаб, тутиб олган айғирининг устига минди. Кейинги лахзада у срга кулади, бироқ яна отнинг устига тирмашиб чиқди ва бор кучи билан унинг ёлига маҳкам ёпиши.

У яна кичкирди ва арқонинг бўш уни билан отларни савалай бошлиди. Отлар ҳар томонга ирғишилай бошлидилар.

Унинг остидаги айғир титраб қолди, лекин жойидан жилмали. Вэйд айғирининг эгарланган ҳолда юришга кўнинканини сезди, унинг танасида кайиш излари кўришиб турарди. Вахимага тушган отлар ўзларини ҳар ёкка ураддилар. Отхонада росмана тўс-тўполон бошлианди. Вэйл ўқ овозини эшилди. Уни четлаб ўтган ўқ бир байталга тегиб, одам чинкириғига ўхшаш овоз эшилди.

Вэйд тиззаси билан айғирининг бикинидан кисди ва бўш қўли билан унинг ёлига янада қаттиқроқ ёпипди. У ҳар кандай суворийнинг

ҳавасини келтирадиган бир чинкириш қилди ва отни елдириб, очик дарвоза томон йўналди. Унинг ортидан деярли барча отлар эргашдилар – улар кўзлари юсасидан чиққудай бўлиб, хириллаган ҳолда тонгти муздай ҳавони юткошиб симиралилар.

Вэйл бир неча дақика айғирнинг уюр бошида чопиб боришига кўйиб берди; отнинг бўйнига ташланган арқон билан уни бошқариш имконсиз эди. Вэйл терга ботиб кетган айғир устида сакраб борар экан, иккимаслик ҳакида ўйлар, ҳилпираб бораётган коҳинлик ёпинчигини ичилади лаънатлаб борарди.

Ниҳоят у титраб бораётган айғирни аста-секинлик билан тўхтатишга муваффак бўлди. Колган отлар ҳам бўнишаган ҳолда оғирликларини у оёкларидан бу оёкларига ташлаб турардилар. Вэйл отдан сакраб тушди ва бир кўли билан ёпинчигини тутиб туриб, унинг бўйнига арқон сиртмогидан юган солди. Кейин у айғирнинг ювош тортанидан кувониб, яна отта тирмацди. У сувга ташлаган асабийлаштирувчи хабдорилар ҳали таъсир кўрсата бошлаганий йўқ, аммо мана бу пойга, жараённи тезлаштирган бўлиши мумкин.

Вэйлнинг ниҳоятда тинкаси куриганди, аммо муздай тонг ҳавоси уни бир оз тетништириди. У кўнгилсизликлар ҳали тугамаганини тушуниб турарди, бу ҳам камлик қилгандай, унинг режаси ўзига қарши ишлай бошлаганди.

Бу талласага солувчи хабдорилар билан ҳали кўп балоларга учрайди шекилли.

Вэйл вақт машинасини фақатгина ўзи кўйиб кетган жойга, Койоакан яқинидагина чакиртириши мумкин. Койоакан тиккасига кесиб борганда, ўн беш чақирик келади – у томонга күш бўлиб учиб бориши мумкин, аммо Вэйл күш эмасди. У Тескоко кўлини ҳам тўсиб ўтолмасди, барча тўғонлар кўлнинг нариги томонида жойлашган эди.

Демак, унинг айланиб ўтишига тўғри келади. Бунинг учун ахоли камроқ бўлган шимол томонга бурилиш керак, яъни нотекис йўл бўйлаб элилек чақирик масофани босиб ўтиш лозим.

Шундай бўлса-да, икки вазият унга ёрдам бериши мумкин эди: кувғин юз берган тақдирла, таъкибчилар пиёда югуришларига тўғри келади, агар Ҳюзнинг ўзида от қолмаган бўлса, албатта. Алоқа воситалари эса шу кадар ёмон эдики, ҳеч ким унинг қаерда эканлигини аниқ айтиб бера олмасди.

Ҳоз ҳам кўзгатувчи хабдорилар ҳакида ҳеч нарса билмасди.

Вэйл айғирни шонимасдан аста йўргалатиб, шимол томонига йўл олди. Деярли барча отлар унга эргашдилар. Ясама жилюв панд бермади, Вэйл ҳам күёшнинг илик нурлари остида бир оз хотиржам эди.

Йўлда унга жуда кўп ҳиндулар учради; баъзилар кўркувдан кулбалар ичига яширинар, айримлари эса у билан ёнма-сан югуришга уринадилар. Аммо кохинлик либоси уни душманлик таҳдилларидан аспар эди.

Жуда ғалати-я, леб ўйлади у, ундаги айғирнинг шошмасдан йўргалаши барча тезликлардан юқори бўлиб, бутун Марказий Америкада бундан тезроқ ҳаракатланишининг имкони йўқ эди. Вэйд ҳаракатда экан, уни кўлга тушириб бўлмасди.

Афсуски, у бетўхтов ҳаракатлана олмасди.

Куннинг ярмига келиб Вэйд айғирининг безовталаниб, қулоқларини диккайтириб, хириллаётганини сезди. Асабийлаштирувчи модда ўз таъсирини ўтказа бошлаганди.

Вэйд дарахтлар сийрак жойга яқинлашди, тўхтади ва сакраб ерга тушди. Кейин у айғирини сугорди ва юганидан дарахтга маҳкам бояглаб кўйди.

Энди фақат кутиш қолган эди, холос.

Вэйд ҳар эҳтимолга карши дарахтга чикиб, қулай жойлашиб олди. Отлар ҳатто кўзгатувчи доридан кейин ҳам чавандозларсиз ўзларича кетиб қолишлари эҳтимолдан узок эди, аммо у таваккал қилишни истамади.

Кечга бориб, унинг бутун танаси чарчоқдан қақшай бошлиди. Тунда яна ҳам баттар бўлди.

Эрталабга яқин асабийлаштирувчи модданинг таъсири тўхтади. Вэйд ўз айғирини миниб, Тескоко кўлининг мовий суви ёқалаб, улкан ярим ҳалка бўйлаб сафарини давом эттириди.

Теночтитландан шимолроқда жойлашган Тикоман ёнидаги дамбага етиб олиш учун, унга уч кун керак бўлди. Йўлда у тўртта балик тутишга ва эгалари каёқладир чикиб кетган дехкон кулбалари олдидан ўтиб кетаётуб, бир нечта зогора нонни ўмариди олишга ҳам муваффақ бўлди. Лекин барибир Вэйд чарчаган, оч-наҳор эди ва очик осмон остидаги ҳаёт гўзалликларидан кўнгли қолганди.

Вакт машинасини чакиртирувчи радиоузаттич Вэйдинг чап сонига, шундоккина тиззасининг тепасига ўрнатиб қўйилган эди. Замонлар саёҳатчиси ҳар қандай ҳолда ҳам уни йўқотмаслиги лозим, шу боис радиоузаттич танага бир умрга тикиб қўйиларди.

Вэйд ускуна тутмачаларини муайян тартибда босиб чиқди, у Койоакнга эсон-омон стиб олишига умил қиласарди. Узокроққа етиб олса бас.

У сўнгги бор кўксини тўлдириб чукур нафас олди ва дарахтлар наласидан чиқди. Унинг ортидан яна олтита от эрғашиб борарди. Вэйд охиста айғирини дамба томонга қараб бурли.

Каршисида йўлиkkан хиндулар уни кўрган заҳоти, вахимада чеккага караб кочардилар. Улар кўркок эмас, шунчаки кохинлардан бирининг гайритабиий кўринишдаги ҳайвонни миниб бораётганидан ҳайратда әдилар. Агар такводорларга тўла ўрта асрнинг бирор-бир черковига руҳоний вертолётда кириб келса, қавм қай ахволга тушса, бу ердаги хиндуларнинг ҳолати ҳам худди шундай эди.

Вэйд йўлида давом этаверди. Бошқа олтита от ҳам безовталик билан унга эргашди.

Ортиқ кутиш мумкин эмасди. Энди унинг қаерда экани маълум эди, агар Ҳюз ҳозир Теночтитланда бўлса, у шубҳасиз ахолини Вэйдга карши оёклантириб бўлган. Агар у шаҳарга етиб келмаган бўлса ҳам барибир кохинлар Вэйдни кўйиб юборишмайди – улар барча гайритабиий нарсаларга ишончсизлик билан қарайдилар.

У ҳақ бўлиб чиқди.

Кун окшомга караб оғиб борарди, олд томондаги кўл йўллар четидаги икки арикка айланар даражада торайиб келиб, сунъий оролларда барпо этилган яшил боғлар ортида, Уздининг қаршисида шаҳар кўриниди. Кўлларига камон ушлаган жангчилар гурухи, дамбага кўндаланг турарди.

Вэйд айғирни йўл четига бурди ва хуштак чалиб уларни ўз ёнига чорлади. У худди далда бергандай отининг бўйнига шапатилаб кўйди.

Кейин вахимали бир хуштак чалганича, отларни арқон билан қамчилай бошлиди ва товони билан айғирнинг бикининг никтади.

Отлар шиддат билан жангчилар сафига бориб урилдилар. Суворийлар хужуми, агар унга карши кураша олсангиз ҳам, барибир кўнгилсиз бир ҳолатдан ўзга нарса эмас. Агар отларни бирор марта ҳам кўрмаган бўлсангиз, инчунун...

Биттадан ўқ узишга улгурган жангчилар ўзларини арикка ота бошладилар. Отлардан бирининг яраланганини хисобга олмаганда, бошқа йўқотишлар бўлмади.

Ҳозир ёки ҳеч қачон.

Вэйд бор овози билан ҳайқирганича отни елдириб, Тлалитетолконинг бозор майдонига бостириб кирди. Шамолнинг зўрлигидан кўзлари кисилиб, қаршисидан чиққанларни ўнгта-чапга улоқтирганича олдинга елиб бораверди. У атайн одамларни топтаб ташлади ҳатто, кўпроқ зиён етказиши мақсадида ҳайқириқ билан бир марта ибодатхона ичига ҳам от кўйди.

Бошқа отлар ҳам каердадир ортда колиб кетишиди, аммо улар ҳам анчагина тўс-тўполон кўтаришли, чунки ҳеч ким уларни кандай эплани билмасди.

Вэйд аргумокнинг бўйнидан қучиб, унинг кулоғига нималарнидири пичирлади ва улар Теночтитланнинг марказий майдонига бостириб кирдилар, Вэйд у ерда ҳам ўз томошасини такрорлади. У шу қадар тез ҳаракатланар эдики, аҳоли бунга қарши бирор чора кўришга ҳам улгуролгани йўқ. Вэйд бир жойи тирналмасдан, жуфтакни ростлаб қолди.

Деярли.

У Койоаканга олиб борувчи дамбага чиккан пайтда, кимдир улоқтирган наиза унинг чап курагига келиб урилди ва унинг отдан ағдарилишига бир баҳя қолди. Бир неча сониядан сўнг, наиза жароҳат етказган жойидан чиқиб кетиб, дамбага тарақлаб тушди. Вэйд белидан илиқ қон окиб тушастганини хис этди.

У айғирнинг кучини асраш учун уни лўқиллатиб кетди, кейин эса уни елдириб, Койоаканга бостириб кирди.

Куёш кўлнинг нариги томонидаги тоғлар ортига ботиб улгурган, сув сиртидан эса совук туман кўтарила бошлаганди.

Вэйд ярим хушсиз ҳолатда, нималарнидири гулдураганича олға елиб борарди. Койоаканда ҳеч ким унинг яқинлашиб келаётганини билмасди, шу боис Вэйд отни елдирганича уйқуга кетган қишлоқдан ҳеч қандай тўсикқа учрамай ўтиб кетди.

У дарахтзор олдида тўхтаб, кийинчилик билан отдан тушди. Айғир бир неча сония тик турди, танасидаги сон-саноқсиз жароҳатлар туфайли бадани қон ва кўпикка ботган эди, ўлар ҳолатта етган от аста ерга кулади. Вэйд унинг ёнига чўйкалади. Ҳолдан тойган Вэйднинг йиглашга мажоли йўқ эди. У айғирнинг жикка ҳўл бўйнига шапатилаб кўйди.

– Хайр, дўстим, алвидо, – тили зўрға айланиб, кийинчилик билан гулдиради. У зўр бериб ниманидири эслашга ва айтишга уринди, аммо бунга кучи етмади.

Вэйд бутазорга судралиб бориб, кийинчилик билан вакт машинасининг ичитга кириб олди, оромкурсига етиб олишга ҳам ҳоли келмай, шундоккина тўшамага чўзилди. Теварак-атрофдаги барча нарса тез-тез айлана бошлади ва ниҳоят зулматга чулғанди.

У оёғи остида қоннинг ҳалқоб бўлиб бораётганини сезиб турарди.

Кейин бу хис ҳам йўқолди ва у бўшликка кулади...

## X

Вэйд шифтга тикилганича, шифохонада узок вакт ётди.

Бир куни, май ойи илик, ям-яшил июнь билан алмашинган пайтда унинг ёнига Шамиссо ташриф буюрди.

Вэйд Шамиссонинг нималар деяётганини тушунишга ҳаракат киларди.

— У отларни АҚШдаги фуқаролар уруши давридан олган экан. — Унинг овози худди узоклардан келаётгандың үшшарди. — Албатта, у Башқарманинг маҳаллий нозирини сотиб олган. Чамаси у шулларини бир умр тўплаган бўлса керак.

Умри давомида. Умр бўйи.

— Сен вазифани айю даражала уллаладинг, Вэйд. Энди кўнглинг тусаганича офтобда тобланиб ётишинг мумкин. Деярли барча отлар ўлдирилди, тушуняпсанми, омон қолганларидан эса, барибир фойдаланишмайди. Ҳиндулар отларни иблиснинг маҳлукни деб билишади. Улар 1519 йилда Кортеснинг отларини кўрганларида ҳам шундай ўйлаганлар. Замонлар оша саёҳат гаройиб ҳодиса, шундай эмасми? Ҳам ғалати.

Ажиг ва гаройиб.

— Дэнга нима бўлди? — пичирлаб сўради Вэйл.

Жимлик.

— Унга нима бўлганини ўзинг биласан.

Вэйл барчасидан хабардор эди. Ацтеклар жамиятида жиноятчи-нинг ҳоли қандай кечиши унга маълум эди. У буни ўзи ётган хонадан кўра аниқрок кўз олдига келтира оларди...

Оқшом гира-ширасида, эхромнинг қоқ устида турган қора тош.

Кора лиbosга бурканган коҳинлар.

Обсидиандан ишланган, наштардан ўткирроқ пичоқ.

Кўтарилиб келаётган қуёшга кўз-кўз килинаётган, қони оқиб турган одам юраги...

— Шундай қилишга мажбур эдик, Вэйл, — деди Шамиссо. — Бу ҳакда ўйламасликка ҳаракат қил.

— Ха. Уриниб кўраман, Ҳэнк.

Кунлар эса узундан-узун эди.

Вэйл шифохонадан август ойидагина чиқди.

У ўша куниёк кузнинг сокин ранглари оғушида баланд-баланд қарагайлар ям-яшил лиbosга бурканган Канадага учиб келди. Бу сафар у вертолётини зумрад кўлнинг ўртасига кўндириди ва машинани асталик билан ёғоч бандаргоҳга яқинлаштириди. Кейин гўладор кулбанинг эшигини чертди.

Херб Карпэнтер эшикни очар экан, хушмуомалалик билан илжайди.

— Дэн ўлди, Херб. Шунда ҳам мени уйингта киритасанми?

Карпэнтер иккиласмади.

— Албатта. Киравер. Биз Шамиссондан мактуб олдик. Ҳой, кира қолсанг-чи, Фэй қаҳва дамлади, агар кўнглинг ўткирроқ нарсанни тусамаса, албатта.

— Қаҳва — энг зўри.

Вэйдга бу уй худди тирик мавжулатдек туюларди. Учокда ўтин

кувнок алангаланар, шинам, китобларга тўла меҳмонхонадаги илиқлиқ кишини аллаларди.

### Илиқлик.

Ҳерб билан Фэйнинг қалблари илиқ эди – хотиржамликка эришганлари ва кўшик айтишни билганлари учун ҳам уларнинг қалблари қайнок.

Улар ўз бахтларини у билан баҳам кўришга тайёр эканликлари учун миннатдорчилик юзасидан Вэйд уларга кўл узатди. У хеч қачон бу қадар бахтли бўлмаган эди; бу туйғу кўпгина кишиларга бегона.

Дэн Ҳюз ҳам баҳт нимада эканини англади-ю, бироқ бу узоқ давом этмади.

Вэйд тунда уйдан чикиб, кўл бўйига борди. Унинг оёғи остига тўлқинлар аста бош уриб келар, унинг нафасидан чиқкан ҳовур эса юлдузларнинг муздек шурига сингиб кетарди. У тун зулматига тикилар экан, унинг қандайдир ноаник шарпаларга тўлалигини ҳис этарди.

### Шарпалар.

Миллионлаб маданиятлар, миллионлаб турмуш тарзлари. Ацтеклар, банту, полинезияликлар, австралийцлар, апачлар, тасманлар. Уларнинг барчаси мана шу жамиятнинг тараккий этиши учунгина топталиб кетди, юз йилликларнинг гардига айланди...

### Соялар. Факатгина шарпалар.

Унинг ҳалқи қўёш тизимининг ўзга дунсларигача етиб борди ва мана шу рангпар сайёralар энди инсониятга тегишли.

Чизмачилик тахталаридаги орзулар каби, янги фазовий кемалар барпо бўлди – барча буюк саргузаштлар ўз вактида орзу бўлгани каби.

Биз нималар эвазига шу даражага етдик, деган саволга жавоб тошиш учун узок кечмишга кириб бормогимиз лозим.

Кўл сукунати узра кутб гагарининг ваҳимали қаҳқаҳаси янгради.

Ҳерб уйидан чиқиб келди ва Вэйдинг ёнидаги тош устига ўтириди.

– Ажаб – деди у чубугини бурукситиб. – Шуларнинг барчаси бир одам туфайли йўқ бўлиб кетиши мумкинлигини ўйлашнинг ўзи ғалати – бизнинг оламимиздан нималарнидир излаган ва истаганини топа олмаган биргина одам туфайли.

Вэйд япалоқ тошни олиб кўлга улоктириди ва у корайиб турган сув юзида иргий бошлади.

– Ошнамиз Дэнга менинг уйим ёкарди, – деди Ҳерб.

Вэйд бош иргаб кўйди.

Улар ўз ўйларига чўмган ҳолда унсиз ўтирадилар.

Хотирлаб, ҳайратланиб.

Ва ўзларида умидга куч топа олдилар. Икковлон кундуз тафтидан ҳали совиб улгурмаган илиқкина тошда ўтирадилар. Тепада эса сонсаноксиз юлдузлар чараклаб турарди...

## ҚИРОЛНИНГ ҚАЙТИШИ

Норгни бекорга Омадли деб атапмайди...

У қийинчилик билан сувдан чиқиб олгач, қамишзор орасида бикинган кўйи узок вакт, аста-секин ўзига келди. Таъқибчилар унинг изини йўқотиб қўйиб, анча ортда қолиб кетишди, ўзларининг мақталган итлари билан Кундуз Оқимининг ғарбий қирғогида ивиришиб колдилар. Енгил шамолнинг кучсизгина эпкини темир совутлиларнинг узук-юлук бакир-чакирларини, итларнинг ақиллашларини, аччик тутун исини элас-элас келтириб туриди. Бу – машъала тутуни эмас, бутегирмондаги ёнгин. У ҳозир куйиб биттан бўлса ҳам керак...

Норг куйган бармокларини кимиirlатиб кўрди. Деворнинг шундоккина тагида, пичан куритилаётган жойда ўрнашиб олгани унинг баҳти бўлди... Ахир Оқсокка айтилган эди-я: тегирмонда жон сақлашғирт тентакнинг иши, деб. Баэл ҳам бу ердан узок эмасди. Атрофда қишиюқликлар изғиб юришади. Кимдир ё қасдан, ё аҳмоқлик килиб вайсаб қўйиши ҳам ҳеч гапмас.

Яширгандан шима фойда – ҳаммага маълумки, агар ўрмон одамидан биттасини тутиб берсанг – аравакашлик солигидан озод бўласан. Агар бир тўлдасини топширсанг-чи?.. Бунга кимнинг ҳам нафси дош бера оларди...

Очиғи, Оқсок мардларча жон таслим қилди. Буни тан олиш керак. У камонни шартта қўлига олиб, энг олдинги бўрибосарни отиб колишга улугурди: камалак или визиллаши биланоқ ингичкагина ўқ итнинг терисини тешиб, этига қадалди ва у ангиллаб, ерда думалаб, типирчилай бошлади. Лекин шу ондаёқ иккинчи, учинчи, бешинчи жундорлар ирилаганича олга ташланишиди, яна ўқ узиш учун эса бир лаҳза ҳам фурсат йўқ эди. Оқсок қочишга уринмади. Йўлбошчилар чекинмайдилар. У қиличини қинидан чиқариб, қўлини чакмони билан ўраб олди – мардана, яхши ўлим топди.

Колганлар эсатиракайлаб қочишиди. Ҳаммаси ҳар ёққа. Куролларини ҳам улоқтиришиди. Норг ҳам ютурди. Оёклари қалиасидан аввал ишлаб колди. Оёклар ўз эгаларини аллақачон эгаллаб бўлинган пичанхонадан

олиб тушишди, сирпапчиқ майсазорда бирор марта ҳам қоқылмаган күйи, кирғок бүйндаги киёсзорда чалишмасдан, ўрмон орқали сой томонга олиб чикишиди.

Үнгда ва чал томонда қичқириклар ва қирсилиашшар эшигила-ди – қочкынларга етиб олган темир совутлилар лаззатланиб ҳайкирган холда, узун ханжарлари билан уларни киймалашмокда. Күпшаклар ҳам ириллаб, хикилдоқларини қўллари билан беркитишга бехуда урин-гандарича, додлаб, ўзларини ҳар томон ташлаётган хушхўр гўштларни бурдалаш билан овора.

Нима бўлганда ҳам Норгни бекорга Омадли деб аташмайди...

Даҳшат ваҳмидан тиришиб қолган мушаклари бўшашиб боргани сайнин бир нарса равшанпроқ аёналаша бошлади: кўп дам олиш мумкин эмас. Энг кўркинчлиси ҳали олдинда. Темир совутлилар унчалик ҳам ахмок эмас: улар тонг отиши биланок сойни кечиб ўтишади ва одам овини чиройли якунлаш учун итларни ҳар томондан ўлжага солишади.

Норг ҳоргин инкиллаб кўйди.

«Абадият Соҳибига ҳамду санолар бўлсинки, кекса графни дорил-фанодан чакириб олди. Ёш хўжайин эса, узунқулоқ галларга қараганда, анча хушфсыъ экан, отасига ўхшамасмиш. У асиirlарни оргикча азоб-ламаса кераг-ов. Баданга чўғ босиш, омбурда этии узиб олиш – булар хисобга кирмайди, бу – бандиларга бериладиган энг сингил жазолар. Ундан кейин эса осон ўлим: дор сиртмоғи – тамом-вассалом. Ёки устунга боғлаш. Курсига ўтқазиб ёндириш. Ва кўм-кўк осмон – жон талвасасида сўнгти кўрганинг олов пардасига ўралган осмон бўлади.

Э, йўқ. Раҳмди соҳибларнинг сингил қатлидан Тангрининг ўзи арасини, уларнинг жазосидан эса камон ўқлари бир амаллаб асрар қолар. Қадрдан музофотта энди кайтиб бўлмайди. У ёқларда ҳатто ҳар бир дайди каламуш ҳам Норгни яхши танийди. Десмак, энг асосийси – ўрмондан кагта йўлга чиқиб олиш. У ёғи анча осон кечади: Дарёбўйи ўлкасидан, Олтингтогдан бирма-бир карвонлар ўтиб туради; шовкин-сурон, одамларнинг бетиним тўс-тўполонлари; оломон ичидагойиб бўлиб, оқимга кўшилиб кетиш мумкин. Агар омади келиб қолса, Шаркий Бошкентта етиб олади. Ана кейин – истаганча излайверишсин. Ғарам ичидан итнани топиб бўларканми?

Агар граф унинг боши учун мукофот ваъда қиласа-чи? Йўқ, яхиси бу ҳақда ўйламаган маъқул».

...Ўрмон устида, баланд-баландларда, ларахтларнинг учларидан хосил бўлган сийраккина шохтўр генасида оймома хирагина яркираб турибди. Сийрак сузиб юрган булувлар унинг юзига ҳарир парда ёниб, бутун латофатини кўз-кўз килишига халакит беради, бу борада ҳам омад кулиб бўқди. Бундай олачипор, жимирилаб турган ойдин шуъла-

сида одамнинг кўланкасини шудринг инган майсазор гиламидан ажратиш қийин, тирик ва жонсиз мавжудотни бир-бираидан ажратиб олиш амримаҳол. Агар жадал олға интилса, тонгтacha катта йўлга чикиб олиш мумкин.

«Лекин ҳар ҳолда: агар граф мукофот эълон қилиб қолса-чи?

Етар. Бу ҳақда ўйламаслик керак. Ҳозирча ўйламагани маъкул».

Норг ўрнидан турди.

Яrim қадам ҳам босишига улгурмай тош котди.

Шундоккина ёнгинасида, сайҳонликда дараҳтзорига орқа ўғирганича бир ҳарбий тўра турарди. У улкан қиличига таяниб, кичикроқ думалоқ қалқон билан кўксини хиёл тўсганича хотиржам турибди. Омадсиз кочқинга тикилганича унсиз, жим турибди.

Шу тунда иккинчи бор Норгнинг жисми яна шууридан чақконроқ чиқди. У ўзини ерга ташлади, чеккага қараб эмаклаб кетди, қамишлар орасига сукилиб, ерпарчин ёттанича, бошини елкалари орасига тортди. Яшириниб олгачгина, онгини даҳшат чулғаб олди. Ҳаммаси бефойда. Оймома орқа томонда осилиб турибди, уни булувлар тўсиброқ турган бўлса-да, ҳатто шу хира, кўқимтири-оқиши ойдинда ҳам кўзга тушмасдан яширинининг имкони йўқ эди. Ақл-хуши бу вазиятни тан олгиси келмас ва тақдирга тан беришни истамасди. Лекин бундан нима фойда? Ҳозир машғъалалар ёқилади, зулматта бурканган дараҳтлар ортидан кичкирик ва ҳайкириклар билан пистирмачилар чикиб келишади. Улар юрганича қуршов доирасига ёйилишиб, камондозни Кундуз Окими томон сикиб борадилар...

Норг кўлига илинган таёқни қаттиқ тутди.

«Таслим бўлмайман. Тириклиайн кўлга тушишдан маъни йўқ. Ёш граф, мулк эгаси хукукининг янги соҳиби сифатида, албатта ўзининг ниҳоятда шафқатсиз эканини, иродаси букилмаслигини қўшниларига кўрсатиб кўйишни истаб колади. У ёқда ажал бўлса, бу ёқда ўлим. Демак Норгнинг паймонаси тўлибди. Ҳечқиси йўқ. Ўлмайдиган одам бор эканми? Аммо сиртмоқда эмас, худди Оқсоқ каби тўс-тўполон билан жон таслим қиласи. Аммо аввалига – ҳеч бўлмаса битта зарбани амаллайди. Битта яхшигина зарба».

Лекин ўрмон негадир тинч. Тиқ этган товуш, кильт этган харакат йўқ.

«О, Абадијат Эгаси, сенга бир шам атадим! Агар мени совутлилар сезиб қолгаи бўлишмаса, Сенга бир тирсак узунлигича шам атайман, Тўрт Нуронийга ҳам худди шундай шамлардан садака киласман! Йўқ, Сенга нақ иккита, Тўртовлонининг эса ҳар бирига биттадан!

Бу умидлари пуч. Уни кўрмаганлари тақдирда ҳам сувни шапиллатиб кирғоққа чикканини эшишишган. Қамишзордаги шитирланшлар

кулоқларига чалингандай. Лекин агар шундай бўлса, нега ҳаммаёк соқин? Нега ўтлоқда чўзилиб нафас ростлаб олишига кўйиб беришиди? Ва нима учун пистирмачиларнинг – тердан сасиб, тор жойда бижғиган қаролларнинг бадбўй хили анқимаяпти?

Абадият Эгаси, ўзинг йўл кўрсат, акл-фаросат ато эт: бу нимаси? Аниви ким? Агар келгинди бўлса, у ҳолда от-улови қани? Гулхан ёқмайдими?»

... Ҳозиргина эриниб, шошмай эсаёттан шабада кучая бошлали, бирданига жонланиб, ўзини ҳар томонга ура кетди, бир-бирига чирмасиб кетган шоҳ-бутокларни ёйиб ажратди; хуштак чалиб, юкорига караб ўрлади ва ой юзидағи хира пардани ҳам тўзғитиб юборди.

Сайҳонликни равишан кумушранг ойдинлик чулғаб олди.

Ва Норг Уни кўрди.

Қалқонида насабий тамға: буғдой доналари билан ҳошияланган бошок.

Кўзлар учун торгина тиркиш колдирилган дубулға.

Пешапасигача тортиб кийиб олган тожи ой нурида жилваланади. Тожининг ҳар бир тиши бошок шаклида ишланган.

Ойдинда рангларни ажратиб бўлмайди. Ҳарбий тўранинг этаги ерга қадар тушиб турган узун чакмони тўқ рангда, деярли қоп-кора кўринади. Аммо Норг унинг ранги аслида қандай эканини билади. У – ол ранг. Қоннинг ранги каби ол. Тўғрироғи – аргувон рангиди. Чакмон остида эса худди шу туслаги зирҳ, елкабанд ханжаркин. Алвон Совутили!

Норг энди кула бошлади. Аввалига товуши чикармасдан, кейин эса бор овози билан...

Эҳ, ёш хўжайин! Қочкиннинг боши учун мукофот тайинлашга хошишлари қандай? Балки иккита мукофот белгиларсиз? Балки ўнтадир, а, лаббай!?

У янгилишидан кўркмайди. Норг энди ҳеч нарсадан қўркмайди. Ҳарбий тўра уни кўрди. У гойиб бўлиб қолгани ҳам йўқ. У кутмокла! Нихоят ўша кун келди...

Норг энди яшириниб ётмасдан, ласт ўрнидан турди, у ёк-бу ёкка ҳам карамай, кўлидаги гудур босган таёгини буталар орасига улоқтириди ва унинг хузурига пешвуз чиқди.

– Соҳибим...

Ҳарбий тўра кимирлаб ҳам кўйгани йўқ. У ҳамон аввалгидек – ҳаракатсиз ва хиссиз, киличига таянганича адл турарли. Факат дубулғасидаги тор тиркиш ортида Норг унинг синовчаш ва оғир нигоҳини сезгандек бўлди.

Унга томон яна бир қадам босди.

Яна. Ва яна.

– Соҳибим, ҳакикатан ҳам бу сизмисиз?

## 1

Мени Ирруах дан-Гоҳҳо деб аташади. Гарбда, Буюк Яйловга чегарадош ўлка ерларида туғилганман: аслида буни исимнинг ўзи ҳам айтиб турибди. Мен табибман. Агар кимдир менинг зодагон бўлатуриб, айникса «дан» макомига соҳиблик ҳуқуқига эга бўлган ҳолда наслимга номуносиб тубан бир ҳунар билан шуғулланиб юрганимга ҳайратланса, ҳакикатни билгач, энсаси котиб кетади. Бунинг ҳеч қандай ғайриоддий жойи йўқ. Ҳеч қандай сир-асрорли жиҳати ҳам йўқ. Гоҳҳо – кичик бир кўргонча, атрофидаги ерлари ҳам катта эмас, боз устига ботқоқлашиб, каткаюк бўлиб кетган худул. Удумларимиз ҳам ёввойинамо: ҳамма нарса – тўнғич ўғилга. Агар ўғиллар беш нафар бўлса ва от-улов, анжом-аслаҳалар уларнинг ҳаммасига етмаса-чи?

Бор гап шу. Аммо камина ўз ишимни яхши биламан. Кўксимдаги нишон – нефрит қалтаксасак эса мени йўллардаги ҳавф-хатардан химоялайди: Абадият Соҳибининг химоясидаги табибга ким ҳам дахл килишга ботина оларди? Тўралик гардонзанжири мижозларнинг менга нисбатан хурматини ортиради. Топиш-тутишимдан нолимайман; унда-буңда бирор йўловчи марқаб орқали онамга ва акамга уч-тўрт чақа пул жўнатиб тураман, катта акам пешанаси шўрлик килиб ҳаммамиздан аввал дунёга келиб қолгани сабабли, кони зарар кўғонимизнинг хўжалигини юритишга мажбур.

Бу гаплар ҳаммаси аслида – чўпчак. Мени тунда уйғотиб кимлигимни сўранг, шу айтганларимни яна сўзма-сўз такрорлаб бераман...

\* \* \*

...Бу кечмишлар ҳаммаси Серёганинг қўнғироғидан кейин бошланди. Мен бу қўнғироқни узок кутгандим. Тунлари сакраб ўрнимдан туриб визиофоннинг тутмачаларини шакиллатиб босиб ташлардим, сал ўзимга келиб олгач, экранни яна ўчириб қўядрим. Мен кутишда давом этавердим: Серёга қўнғироқ қиласлиги мумкин эмас. Модомики, ундан хабар йўқ экан, демак у ёқда, идорада нимадир ҳал бўляпти. Аммо мен биламан – эртами, кечми Серёга барибир қўнғироқ килади. Ҳатто рад жавобини берган тақдирларида ҳам. Лекин нима учун рал этишлари керак? Ўзимни ўзим тинчлантирадим мен. Ҳакикатан ҳам, нега ахир?! Тўғри, мен анчадан бери хизмат кўрсатиш тизимида ўралашиб колиб, малакам ҳам пасайиб кетди, аммо зарур бўлиб қолса, хали ҳам унча-бунча ишни бемалол эплай оламан.

Деярли ярим йил давомида мен Сергей билан боғланишга журъат этолмадим. Ниҳоят ҳамма нарса поёнига етганини англадим. Аслида, бунда ғайриоддий ҳеч нарса йўқ. Шунчаки, ёлғизлик. Гўёки бесабаб тушкунликка тушиб колгандекман. Эндигини ўттиз ёшдан ўтдим. Бундоқ танамга ўйлаб кўрсам, дунёда кизимдан бошқа ҳеч кимим йўқ экан. Очиги, кизимнинг ўзи ҳам йўқ. Уни хотиним олиб кетган. Оддий ва беғалва: шунчаки олди-ю, кетди. Ўзи билан олиб жўнаворди. Тўғри, қуюқ ваъдаларни аягани йўқ: мен унинг отаси эканимни, доимо кизимнинг суюкли «дадажониси» бўлиб колишимни, миттигинам мени ҳеч қачон унугиб юбормаслигини қайта-қайта такрорлади. Балки хотиним алдамагандир ҳам. Аммо улардан уч юз минг чакирим нарида бўлсан, уч ойда бир мартағина уни кўришга имконим бўлса, энди буёғига оталигим колдими?

Мен газабим кўзиб, ўзимни қаёкка уришни билмай колгандим. Аммо бу ҳол кўп давом этмади.

Ҳатто саноги ҳам чувалашиб кетган уйкусиз тунларимнинг бирида, навбатдаги сигаретани ютоқиб чекиб ётган кўйи, бирдан ҳамма нарсани тушуниб етдим. Ҳозир нималарга эгаман? Ешим ўтгиздан салгина ошди, холос. Соғлигимдан шикоятим йўқ. Илмий салоҳиятдан ҳам озгина бор: ихтисослашган журнallарда мақолаларим зълон килинган. Мутахассислар улардан иқтибослар ҳам келтиришади, лескин, очиғини айтганда уларни ҳеч ким ўқимайди ҳам. Нима учун? Чунки улар баландпарвоз гаплардан иборат.

Ёшлиқдаги илхомим маҳсуллари ҳам бор: шеърлар, ҳикоялар, биринкита киссалар (тезкор куткарув бўлимида хизмат килган пайтларимдаги воеаларни қаламга олганман). Айтишларича, улар анча оммалашиб ҳам улгурибди – менга ҳатлар ёзишяпти, кўнғирок киладиганлар, дастҳат сўраётганлар қанча. Шунга энди нима бўпти?

Яна-чи? Ишдаги ишқаллар. Айникса, охирги жанжал. Катеринанинг дугоналари билан бўлган машмашалардан кейин синовлар шунаканги салбий оғишларни кўрсатиб ташладики, Тезкор куткарув бўлими – ТҚБдан ҳам кетишимга тўтири келди. Энг алам киладигани, жуда қора иш хисобланмаса-да, ҳар холда хизмат кўрсатиш бўлинмасига жўнатишгани бўлди. Энди ўша ерда ишлаб ётибман, ҳе, ўша...

Янги оила куришга энди сабру мадорим етмайди, бунинг устига қизимнинг юрагини тирнаб нима киламан? Янги фарзандлар олдингиларни четта суриб ташлашади. Мен эса кизалогимга керакман. Ёлғизликми? Ҳа, бу ёқимсиз нарса, ҳатто сал кўркинчлироқ, аммо бунга ҳам кўнишиб кетар экансан, киши. Ҳар холда хозирча ҳеч бўлмаса онамга кўнғирок килиб, юрагимни бўшатиб олишим мумкин. Муҳаббат-чи? Бор, лекин бу ҳақда эсламай турган маъкул. Ҳаммаси

чалкашиб, қоришиб кетди, агар тугуннинг чигалини ечишни бошласанг ё ўзингни, ё жуфтингни маломатта қолдиришинг ҳеч гапмас. Дўстлар масаласида эса... Менсиз хам кунлари ўтаверади, иш хам ўз йўлига... ҳар ҳолда кўпчилигининг фикри шундай. Агар чукуррок ўйлаб кўрилса, Серёгадан ташқари факат Мирик мен учун қайғуриши мумкин, аммо унинг ўз ташвишлари хам бошидан ошиб ётиди...

Ана шунака гаплар. Шу даҳмазалар ўзи менга нимага керак? Билмадим. Энди бу ёғига нима килиш мумкин? Ҳайронман. Бунга ким айборд? Ёлғиз ўзим. Икки-уч марта, тунларим азобли ўтган пайтларда, айникса сигарет курғур тугаб қолган дамларим, ўзимни би-и-р ўлдирвoriшини ҳам хаёл қилдим. Аммо бу иш қўлимидан келмаслигини тушундим. Йўқ, кўркканимдан эмас – бундай интиходан ҳазар қилганимдан. Кора қонингга беланиб, ўлаксадай хор бўлиб ётиш... кечирасиз-у, шунисига хошиш сал йўкроқ. Ичкликбоз бўлиб кетсаммикан? Бу хам менга тўғри келмайди: қанча ичсам ҳам ҳеч кайф килмайман-да, кейин таппа кулайман.

Ана шундан сўнг Серёга билан гаплашдим. Мен уч йил хизмат кўрсатиш кисмida ивирсиб юрганимда, у яна ҳам кўтарилиб, харбий кийимининг енгилаги ука учтага ётиди. ТҚБ бошлигининг муовини. Аслида эса бошликининг ўзи, чунки Биринчилар умумий раҳбарлик қилиш учун бизга юкоридан жўнатилади. Нораэмий номи: «Гордон гурухи»нинг бошлиги. Илгари идорани «ҳаммом» деб аташарди. Кейинчалик эса, Энди Гардон «биринчи» бўлиб келгач, кимлир унга «Гордон гурухи» деган ном қўйиб олиди. Кейинчалик уни қисқартириб, «ГГ» дея бошлашиди. Сўнг у «Гаровдаги Гардкамчилар»га айланаб кетди...

Бунинг нимаси хотүғри? Ҳаёлимга келгани шу бўлди.

...Сўзларимни эшитиб бўлгач, ТҚБ бошлиги ўринбосари жимиб қолди. У энди маъноли сукут саклашни ўрганибди, икки йилгина аввал ўзини зўрға тийиб турарди. Аммо ўша пайтларда ҳам сукутдан сўнг дўстим Серёга менга жўяли маслаҳатлар берарди. Бугун ҳам у менга: вахима кўтаришни бас қил. Эртага ўлиб кетаётганинг йўқ-ку, деган сийқа насиҳатларни қилгани йўқ. У факат иккитагина сўз айтди:

– Шундай дегин?

Мен бош ирғаб, тасдик ишорасини бердим.

– Қойилман, ошна. Бўпти, сабр қил. Бирор нима ўйлаб топармиз.

... У кариб бир ой ўйлади. Тўғрироғи, у хонама-хона югуриб, унвонларини рўйчили қилиб, мени фактада ҳодимлар бўлими нозирининг сўзлари оркалигина танийлигандарни кўндиришга ҳаракат қилган. Серёга қўлидан келган хамма ишни килишига менинг шубҳам йўқ. У Тезкор Куткарув Бўлими деб номланган ва Энди ҳали унинг рамзи-

га айланиб улгурмаган лаврларни ҳеч қачон ёддан чиқармайди. Айни ортимизда Кащаданинг харобалари узра ўйноқи шафак нурлари оловланган оқшомни ҳам у унута олмайди: баҳорнинг сўнгги кунлари эди, лойка тўлқинлар қон ва мойга бўккан кумлюқ соҳилни смириш билан овора. Мен ҷалажон бўлиб чўзилиб ётган сафдошимни худди мушукболани судраб кетаётган она мушук каби тишларим билан тортишга тиришман; у оғриқдан инграйди, илма-тешик бўлиб кетган меҳмонхоналарнинг харобаларига жойлашиб олган мергандлар эса менга – тайёр нишонга қаратиб, бетиним ўқ узиш билан банд...

Ўшанга ҳам етти йил бўлиди. У пайтлар Серёга икковимиз хос кийим енгидаги иккинчи ука ҳақида факат хаёл кила олардик, холос, уччинчисини орзу ҳам килмаганмиз. Гордон эса бизнинг унвонимизни нуқул тахкиргани-такирилган эди, ўзи уччини уқагача етиб борадими-йўқми, бир ўйлаб ҳам кўрган эмасди...

Шу боис ҳам мен Серёганинг панд бермаслигига ишонардим.

Мана энди мен – Ирруан дан-Гоҳҳо бўлиб юрибман. Зодагон ва табиб. Ҳозир ўрмондаги кулбада ўтирибман, бир оз фурсатдан сўнг бориб, топширикни бажараман. Айнан шундай: бораман ва адо этаман. Буниси жуда жўн. Ёш бола ҳам эплайди. Бошловчилар учун синов машгулоти деса ҳам бўлади буни. Лекин Серёга дарҳол огоҳлантириб кўйди: «Шунисига ҳам раҳмат легин. Синовлардан қай ахволда ўтганинг ўзингга яхши маълум... Шунисини кўнгилдагилек бажарсанг, юкоридагиларга бирор нарса дейишга асосим бўлади».

Бошқа одам эътиroz билдирган бўларди. Мен баҳслашиб ўтирмадим.

Шу икки йил ичida эиди анча хотиржам тортдим. Бу ёғига ўй-хаёл суринига ҳожат ҳам йўқ. Ўзимни камситмайман. Факат топширик. Уни бажаришим шарт. Ишимизнинг гупроғи оғир, шу сабабданми, ҳеч ким бу хизматни ташлаб кетмайди. Мени истисно килганда, албатта. Э, ўша синовларният... Беш йиллар аввал қизлар менинг бўйнимга осилиб олиб, бизнинг хизматимиздаги қаҳрамонликлар ҳакида сўрашарди. Мен ғурур билан Серёгага ишора килардим ва у товусдек товланганича, «банан-лимон қоплаган чангальзорлар, етти бошли маҳлуклар, бадани тирсиллаб турган мовийсоч нозанинлар» ҳакидаги баландпарвоз чўпчагини бошлаб юборарди. Шундан сўнг қизлар хингиллаган кўйи кўз олдимдан ғойиб бўлиб қолишарди. Кўпинча – Серёга билан бирга.

Биз ҳакимиизда миш-мишлар кўп, аммо аслида бизлар ижро-чилармиз, холос. Ўзга Сайёralараро Куткарув Ишлари билан шугулланамиз. Йирик даҳанлар, киррадор бурун, тош-қадок бўлиб кетган бармоқлар – бунақалар ҳам бор албатта, лекин кўпчилик эмас. Аммо бу хали ҳаммаси эмас. Асосийси – агар кимлир, каердадир фа-

локатта учраса, бориш ва қутқариш. Хизмат күрсатиш. Халос этиш. Таъбир жоиз бўлса – бизлар «портлагич»лармиз. Дипломатларга, элчинадаги мутахассисларга хизмат кўрсатамиз. «Институт»даги йигитларга ҳам, албатта. Буёгини сўрасангиз, ҳаммамиз гўёки Институт ходимлари хисобланамиз. Агар қачонки мансабдорлардан кимнидир кутқариш керак бўлиб колса ТҚБ ишга киришади. Ҳеч қанака «егти каллали маҳлукот»лар билан ҳам алоқамиз йўқ. Биз Ер тоифасидаги шинамгина сайёralарда ўзимизга ўхшаган оддий одамлар билан ишлаймиз. Улардан фарқланадиган ягона жиҳатимиз – жамиятларимиз ривожидаги тафовутлар. Нуфузли қулдорлар, сурбет амлодорлар, эпчил саноатчилар. Бу – бизлардаги табакаланиш рўйхати. Қачон, қандай ғояни уларга татбик этишни бешинчи каватда ўтирадиган назариётчилар ҳал этишади. Қаерга қайси ғоя мос келади – ўшалар аниклашади. Битта сайёрага – буғ қозонининг чизмаси ташлаб қўйилади. Бошқасига – ғилдирак. Яна аллақайси бирига – темир омоч. Бунда энг асосийси шуки, ғоянинг ижроси кафолатланиши лозим: ихтирочи уста ўша буғ қозонни улоқтириб юбормасдан, ўз устахонасига ўрнатишни, кўлига тўкмоқ ушлаган жундор пахмоқ йигит эса ғилдиракдан ҳафсаласини пир қилмай, уни бир оз ғилдиратишга харакат килиб кўриши ҳам зарур. Умуман олганда, Институт тайёр тараккиётни тақдим этмайди. Факат жиндеккина туртки беради. Шунда ҳам техникани жорий этади, холос. Агар бунга шарт-шароит етилган бўлса, албатта. Ижтимоий ғоялар, мафкуралар, қўзғолонлар – ҳеч қачон! Раҳмат, бунинг ҳам совугини еб кўрганмиз...

Кафолат учун эса ахборот зарур. Тўлиқ ва муфассал. Бунинг тизими оддий: аввалига маълумотлар йигилади. Буниси – киберларнинг вазифаси. Кўрувчи тош, эшитувчи дараҳт, тегишли русумдаги Семурғ қуши. Шундан сўнг янгилик жорий этилади. Бу энди бешинчи каватдаги амалдорларнинг ваколатига кирадиган вазифа. Ана ўшалардан бирортаси тасодифан кулфатта учраб колса, биз ёрдамга жўнатиламиз. Яъни, кутқарувчилар. Тарихий осори -атиқаларга кизиқувчан Гордон бизларни қадимий таъбир билан «замбарак учун гўштлар» деб атар эди. Бизнинг ишнимиз тоза юмуш эмас. Тўғри-да, сени истаган одам ўлдириб кетаверса-ю, сенинг ҳеч кимни ўлдиришга ҳаккинг бўлмаса, бу ишпинг тозалиги қолдими? Хайриятки, шахсий ҳимоянинг одам ўлдиришдан бошка ҳаммасига ижозат берилган.

... Мен кулбадан ташқарига чиқиб, ичкарига кириш йўлини беркитиб ташладим. Энди ишлаш керак. Агар тўғрига караб юрилса, беш чақирим жануброқда кибер турган бўлиши керак. Бир ойлар аввал у фалокат хабарини берган-у, ўзи ўчиб қолган. Серғанинг айтишича, яхшиямки, унинг дастури панд бермаган: холи жойга яшириниб, ўз-ўзини

үчириб күйган. Манзил йўналишлари маълум. Вазифа худди паншаха ишлатгандек оддий: ҳалокат жойига етиб бориш ва чиқитни модулга, яъни кулбагача олиб келиш. Бу қийинмас – кибер суперпластдан ишланган. Енгилгина. Кейин кутинга жойланади. Сўнг унинг бошқа худди шундай нусхаси эркинликка кўйиб юборилади. Ҳозир нусха ўчоқда ётиби. Ўчоқ, табиийки, ҳакиқий эмас, у – маҳфий кути...

Иш биттагач – уйга қайтаман. «Ошна, қайтганингдан кейин Биринчинини ҳузурига бирга кирамиз. Кўшда қариган от шудгорни бузмайди, деган мақолни эшигтан чиқарсан?» Ҳа, Серёганинг гапида ҳам жон бор.

Мен бир муддат ўйланиб қолдим: тўғридан бораверайми ёки айланиб ўтсаммикан? Ҳар икки ҳолда ҳам бир хил вақт сарфлайман: тик кесиб чиқсан – ағдарилиган дараҳтлару шоҳ-шаббалар оралаб бораман, айланма йўл камида бир соат вақтни олади, яхиси сўқмок бўйлаб боравераман, бекорга оёқ-кўлни тирнашидан наф борми? Улар ҳали ўзимга кўп керак бўлади.

Хуштакни эрмак қилиб йўлга тушибим. Ҳали ўн қадам босмасимданоқ ён-атрофга аланглаш жонга тегиб бўлди: Ер тоифасига кирувчи сайёра-лар зерикарли даражада бир-бирига ўхшаш, уларнинг фарқи фақаттинга қай даражада расvosи чиқиб кетганилиги ва қандайдир бинафша ёки зарғалдоқ рангли дараҳтлар каби ғаройиботларида, холос. Бу еса, ҳатто ўша тафовутлар ҳам йўқ. Ўрмони худди ўзимизникуга ўхшаш, ўша-ўша дараҳтлар: тўёки Владимирдаги ёки Ярославлдаги каби – кенитина ирмок, тез-тез қундузлар қурган тўғончалар учраб туради. Митти жониворлар дараҳт шоҳлари орасидан кичкина бошчаларини чиқариб, ўтқир, сокқасидан иргиб чиқсан кўзчалари билан мени кузаттаниларича, вахима ва қизиқиши билан назар ташлашади. Улар ҳали чўчитиимальган. Хуркиб, сувга шўнгишмаяпти ҳам. Хулас, бир тупканнинг таги.

Ирмок кучсизгина шовуллайди. Суви ниҳоятда тиник, худди биздагидек: тезоқар ва шовқинсиз; оқимнинг жимир-жимири остида сой тубини қоплаган тошлар аниқ-типпик кўринади: майда ва силлик, кулранг, пушти, мовий рангларнинг турли тусларида товланади, ола-чиборлари эса кам учрайди. Қизим Аришка учун мовийранг тошдан олиб кетишим керак. Уйга қайттагач, унинг ёнига бориб келаман, чунки кейин мени хизматга тўлиқ расмийлаштириб кўйиплари ва ҳакиқий топширик билан сафарга жўнатишлари тайин. Ким билсин, кейин ўёклардан қайтиб келиш насиб киладими, йўқми? Шу боис ҳам тошчалардан олиб кетишини унутмаслигим лозим. Бу – зарур иш. Лекин, кейинроқ – ишни битирганимдан сўнг тошларга вақт тоналан. Била-гимдаги курилма «пи-пи»лай бошлиди. Тўхта. Етиб келдик.

Худди шу жойда ирмок торайған ва саёзланиған, сув ҳам анча лойкаланиб, хира торттан әкан. Ҳар икки томондаги киргөк бүйлаб, шимол ва жануб тарафдан шовуллаган түқайзорлар чүзилиб кетган. Оёқ остида йирик кулранг күм зарралари гицирлайди. Түлкин мавжла-ри күмни майсалар устига караб суреб боради. Мен билакхалқамни кидируг тизимиге ўтказдим. Энди у чийиллаган товуш чикара бошлади. Пишипип-пиппипип-пишипип. Узун чийиллади. Тополмаятти. Болаликдаги ўйинларни эслатувчи вазият:

Топган – топалокники!

Тополмайсан, кал-кал!

Топаман дедим, топаман!

Топиб бўпсан!

Ҳозир кўрасан!

Ана, топдим!

Бекорларни айтибсан!

Қани топганинг?

Қўлимдаги билакхалқа чийиллаб ётибди-ю, объектнинг қораси ҳам кўринмайди. Мен оқим бўйлаб сал пастрокқа тушдим. Натижа йўқ. Ҳатто «пип-пип» ҳам йўқолди. Яқинроқдаги тўғон олдигача орта қайтдим. Аҳвол ўша-ўша. Ўрмон бўйлаб биринчи чакалаккача юриб бордим. Ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Назорат-мувофикалаштирувчи курилмани ишлатиб кўрдим: чап томондаги энг биринчи турган тошнинг ранги бир оз оқарди. Мана у, мана ўша жой. Яна бир марта. Пиппиип. Ана шундок. Бу жуда ҳайратланарли.

Бир-бирига чирмасиб кеттан шох-шаббалар орасидан ўзи чумчукка ўхшаш, лекин ранги худди кизил ғоз каби тўқ пушти қуш чинкирик овози билан ўрмонни бошига кўтариб, юқорига отилди. Бўйни ҳам роса узун. Сайроқи қуш, навосоз күши. Мен уни нигоҳим билан кузатиб колдим. Кейин майсалар устига жойлашиб ўтириб олдим.

Бу яна нимаси? Кибер қани? Қани кибер?!

\* \* \*

### ҲУЖЖАТ – I. ТҶБ АРХИВИ (кўчирма нусха)

Иккинчи – Табиға.

Расмий хабар.

Буюраман: объект қидируви ташкил қилинсин. Вазият аниклаштирилгунча иккичи нусхани жўнатиш бекор қилинади. Вазият «А–2» тоифа бўйича таснифланади.

Илова: Илова йўқ.

Норасмий хабар (шахсий ёзиши): «Омадингни берсин, ошна».

Дашт күчмәнчилари күн деярли ботиб бўлганда пайдо бўлишди. Дараҳтзорлар билан қопланған тепаликларни қип-қизил рангта бўяб турган шафакнинг оловли йўли сўна бошлагани – хунрезлик соати етиб келганини англатарди.

Даштликлар кўпчилик эмас, чамаси беш киши эди. Уларнинг кийинишлари ҳам курاما: ким нима тоғса эгнига илиб олаверган. Иккитаси бир пайтлар қимматбаҳо матодан тикилиб, ҳозирда жулдур ҳолга келган увада кийимларда, биттаси эса – худди тўралардек ясаниб олган. Колганлари янгигина калта чакмон ва ёқабандли кўйлакда бўлиб, кўйлакларининг барларини чоловорға кистириб олишганди. Ҳаммалари ярқираб турган кенг камар тақиб олишган. Камарлари катта мис тўқа билан тортилган. Улар томи шох-шабба билан тўқиб чиқилган айвон остидаги тўсинларга отларини боғлашди. Кудуқдан чеълак-чеълак сув олиб, узок вақт мириқиб ювининишиди. Қулига калта ҳанжар ушлаб олганича, остонаяда ҳайкалдек қотиб турган кулба эгасига ҳатто эътибор бериб қўйишни ҳам ўзларига эп кўришмади. Күн бир оз ёруғроқ бўлгандами эди, Тоббо ўғлига сал кўз кисиб кўйса бас, ўғли сувилондек ўзини четаи айвон оргига уриб, қасрдагиларга керакли хабарни бериб келган бўларди. Аммо Баэлгача чорак күн от чоптириш керак бўлади, даштни эса қоп-кора зулмат босиб бўлди. Шафак алангаси майсаларни ҳозирча тўқ яшил рангта бўяброк турибди, аммо бу ҳам узокка чўзилмайди. Сўнгти нурлар шуъласи ўз умрини яшаб бўлгач, улар худди роҳибнинг жуббаси каби бинафшаранг тусга киради, сўнг эса ҳеч канча вақт ўтмай сиёхнинг сиёкини олади. Ана шунда дашт узра чўзиқ, мунгли увиллашлар бошланади. Қашқирлар вақти ўз ҳукмини эълон киласиди.

Тунги даштда, ҳатто гулхан теварагида ҳам омон қолиш даргумон. Суворий-ку, ажал учун тайёр гўшт. Қашқирлар тўдасига дуч келганлар орасида уларнинг козик тишлиаридан тирик чиққанлар онда-сонда бир учраб колади. Тоббо бундайлар ҳакида эшитган, аммо ўзи бирортасини ҳали кўрган эмас. Боз устига, кексаларнинг айтишларича, тунги даштда жон саклаб қололган одам умрининг охиригача жонсиз ҳайкалдек ночор-нотавон бўлиб қолар экан... Йўқ, болакайни ажал оғзига йўлламайди. Буёғига нима бўлса бўлар. Шундоқ ҳам қаролларнинг қувонадиган нарсаси кўп эмас. Бола эса нима бўлганда ҳам Тоббонинг ўғли. Тоббо ҳам оддий қарол эмас. У яккашох бука боқадиган подачи. Буқаларни эплаш эса унча-мунча подачининг кўлидан келавермайди. Таомилга кўра, соҳиб тўранинг ижозати билан белбогига калта ҳанжар осини ҳукуки факат буқабоқарларга берилади. Дехқонлардан би-

рортаси агар яроғ тутса, хеч кандай суриштирувсиз ва оқловсиз турган жойининг ўзида катл килинган бўларди.

Тоббо айнан мана шу кўпол, лекин ўткир ханжарини кинидан чиқарди, лескин нега бундай килганини ўзи ҳам тушуниб стгани йўқ: бундан нима наф? Даشتликлар беш киши, жанг-жадалнинг ҳам ҳадисини олишган. Агар ёмон ниятда келган бўлишса – тирик қўйишмайди. Агар каршилик кимаса, балки талон-торожнинг ўзи билан кифояланишар? Агар қаҳрларини келтирсанг – кулбангта ўт кўйиб, оиласнгни тиғдан ўтказадилар. Ҳатто кўзи ожиз болага ҳам раҳм килишмайди. Бунака воқеалар кўп бўлган, хабари бор.

Аммо кўркувини сөздириш ҳам ярамайди. Бунакалар довюракларни хурмат килишади. Шу боис ҳам келгиндишлардан бири – тўралардек кийиниб олгани, бошидаги сув томчиларидан кутулиш учун калласини силкиганича энник томон юриб келар экан, Тоббо қуролини кўтармади. Лекин йўлдан ҳам четлангани йўқ. Турган жойига мустаҳкам ўрнаши. Оёкларини кенг кўйиб, уйга кириш йўлини тўсди. Эркак киши, агар у карол бўлиб туғилган тақдирда ҳам, эрлик шаънини ҳимоялаши шарт.

Даштлик якин келди. У ҳақиқатан ҳам тўдабоши эди: кийимн япяңги, талон молидан эмас, сотиб олингани кўриниб турибди. Жуда асиш мол, бунақасини ҳамма тўраларда ҳам кўравермайсан. Соколлари бўялиб-таралган, лаблари гўштдор. Кўзларининг рангини билиб бўлмайди. Коронгида кўринмаяпти.

– Ўзингни бос, Тоббо, – хотиржам овозда дели у. – Биздан кўркма. Биз тунни шу ерда ўтказмокчимиш.

– Сен кимсан? Ўша турган жойингдан жилма!

– Тоббо, сенга айтдим-ку ахир: шайтонлама.

– Кимсан дедим!

Одмироқ кийинган тўртовлон кудук томондан берирокка юриб келишиди ва корасоколнинг ортида ғуж бўлиб туриши. Бирортаси ҳам куролига ёпишгани йўқ. Юзларида хотиржамлик. Шафак ок рангга кира бошлади. Каерладир узокларда жарангдор бир увиллаш кўклидаги юлдузлар томон ўрлади. У тиниши биланоқ, нариги томондан – коронгилик қаъридан бошкаси эшитилди. Бостирма тагидаги отлар безовта пишкира бошлашди.

– Мен Даشتлик Вудриман? Эшигтан чикарсан?

Тоббо индамади. Эшигасдан бўларканми? Агар бу йигит алдамаётган бўлса, ханжарни кинига жойлаб, саркашликни бас килиш керак. Бу кимса ҳазиллашадиганлардан эмас. Балки ростдан ҳам тунаб қолиш учунгина келишгандир? Агар гапи ёлғон бўлса-чи?

– Ўзим-ку, Вудрини кўрмаганман. Аммо уни ғилдиракка тортилган, деб эшигандим.

- Күриб турганингдең, эплашолмади.
- Агар ростдан ҳам сен Вудри бўлсанг, сени улар кўйиб юборишмаган бўларди.
- Менга қара, Тоббо, гапни кўпайтирма. Биз тунни тинч-омонликда ўтказиб олишимиз керак. Кейин ўз йўлимиздан кетамиз. Остонадан нари тур.

Тоббо қайсарлик билан бошини сарак-сарак қилди.

- Мен барибир олишаман. Ичкарида оиласам бор.
- Ахмок. Қари хотинингни бошимизга урамизми? — лаби дўрдок босқинчи ортидагилар томонга имлаб кўйди. — Бу йигитлар ёш жононларга ишқибоз. Сен Вудрининг кимлигини яхши билмайсан, шекилли?
- Билишга-ку, биламан...

Тоббо ханжарини чарм қайишли қинга солди ва нарирокқа четланиб, даштликларга йўл берди.

\* \* \*

Яккашох ҳўқизнинг туёкларини тозалаш осон иш эмас. Шошиб турганингда эса — инчунун. Тоббо буқалар қамалган ўтардан қайтиб келганида кулбани тутун босган, ҳаммаёқ тартибсиз бўлиб ётарди. Бешовлон уйлаги иккита курсида ва ўгин қилиш учун кишлоқдан яқиндагина ташиб келтирилған ғўлалар устида ястаниб олганча, миз<sup>1</sup> атрофида майшат килиб ўтиради. Камзулларини бурчакка бир уюм килиб ташлаб кўйишган, мойчирок хира милтираб, тутун буркситмоқда, терлаб-пишган баппаралар, аста-секинлик билан куриётган, тердан жикқа хўл кўйлакларни йиртиб юборгудек кенг елкалар дастурхон тепасига жамланиб, энкайиб олган. Рандаланмаган тахтадан ясалган миз устидаги қайнатилган гўшт ўюмидан қайнок буг чиқиб турибди, албатта уни талончилар ўзлари билан олиб келишмаган.

Нон эса — боёнларники, оппок, фақат озгина моғор теккан. Яна ўткир ичимлик хиди анқиб турган баланд кўза ҳам бор. Мана буни энди аник ўзлари билан кўтариб келишган — каролларда ёнарсув бўлмайди. Биринчидан — қиммат, бунинг устига қонунда такиқлангган. У ишнинг унумини камайтиради. Тоббо хавотир билан тўсиқларда ортига кўз кирини ташлади. У ер худди сув қўйгандек жимжит. Чамаси, хотини билан болаларини хафа қилишмаган кўринади.

— Ҳа, қайтдингми?! — Вудри қаттиқ кесириб, уни қўли билан ҳузурига имлади. Хира ёруғликда унинг йирик-йирик, бир оз саргайган тишлари совук ялтиради. У кўзани қўлига олди-да, отнинг калла суюги-

<sup>1</sup> Миз — стол.

ни арралаб ясалган қўпол боштовокқа ичкиликни аямай қўйди. – Ўтири. Хурмачангта сикқанича ич. Бизга эса халал берма.

Тоббо ўтиришдан олдин тўсиқпарда ортига яна бир назар ташлаб қўйди. Шунчаки, ҳар эҳтимолга қарши. Хотини ва болалари бир-бирларининг пинжига киришиб, бир бурчакка ғуж бўлиб бикиниб олишганча, бўри териси устида ўтиришибди; юзларида – кўркув, факат кўр бола ҳазин жилмаяди: у шовкин-сурон орасидан ҳам таниш кадамларни илғаб, ўз хурсандчилигини билдиришга ошиқади. Тоббо ҳам унга жавобан илжайиб қўйди. Илжайганини у кўрмаса нима қипти? Кўр болага у жуда ҳам ачинади, агар муҳаббат туйғусини ҳис этганида, уни ҳатто яхши кўрган ҳам бўларди.

Буларга койил колиш керак. Тўлабоши сўзининг устидан чикиби – ҳеч кимга тегмабди. У ростдан Даштлик Вудри бўлиб чикса ҳам ажабмас. Тоббо миз ёнига ўтириди, ёнарсувни симирди. Ичкилик томогини кўйдириб, шу захотиёқ мияси гувиллашни бошлиди: қароллар маст киладиган ичимликка ўрганишмаган. Тўрт Нуроний кунида ичиладиган бир чўмич ачитки эса ҳисобга кирмайди, мөгордан кайф қилиб бўларканми? Тоббомиз устига қаради. Гўшт увол кетди-да! Ўзининг оиласига камида саккиз кунга етган бўларди. Аммо даштликларга бирор нима деб бўларканми? У бир тилим этни кесиб олди, ичини чўғдек куйдираётган ёнарсув устидан газак қилган бўлди ва келгиндиларнинг сухбатига қулоқ тутди.

Овоилар унга элас-элас эшитилади, боши айланиб, бетўхтов гувиллайди. Тоббонинг кўз олдида ўзи бир йилдан бери жангари қилиб тарбиялаётган букача пайдо бўлди. У кон тўлган кўзларини олайтириб, ўткир шохини ўқталганича, узун, кулранг-кўкиш тилини чўзганича, эгасининг қўлини ялашга интилади. Ҳали ҳам бокувчисига талпиняти. Буниси чаток. Яккашоҳ ҳаммага даф қилиши керак, ҳатто ўз парваришловчисига ҳам, бўлмаса соҳибининг аччиги чиқади. Ёш граф яқиндагина отасининг мол-мулки меросхўрига айланди, у албатта қўшиниларининг олдида мактаниб юргиси келади. Демак, мусобакада барчани кўркувга солувчи кутурган яккашоҳ букаси бўлишини истайди...

Букача унинг чаккасини қитиқлади, кейин худди эриб кетгандек кўздан йўколади, кейин яна пайдо бўлиб, сўнг гойиб бўлади. Шуцдай пайтларда Тоббо анавиларнинг сухбатини чала-чула эшитиб қолади. Хўжайнилар ҳақида гагишашишяпти, ҳақоратли сўзларни айтгашяпти. Тинмай бир нарсани қайтариниади: Алвон Совутли, Алвон Совутли... Алвон совут кийган аилакимдир кайтиб келганимешми-сй, ўз атрофига чорлабдими-ей. Яна ва яна ўша исмни тақрорланиятги: Алвон Совутли...

Тоббо ирова кучи билан ҳаёлидаги букачани қувиб юборди. Даштликлар нимани муҳокама килишяпти ўзи?

– Бошқа не чорамиз бор? – деди паҳмоқбош, гирдигум даشتлик. У Тоббо томонга ярим ўғирилиб ўтиргани учун фақат гардани-ю, у ёк-бу ёққа қараб қолған пайтида тұмтоказ бурни күриниб қоларди. – Биз ўрмон дайдилари эмасмиз, ҳамманинг күз олдидамиз. Яқинда яширинишга ҳам жой тополмай қоламиз. Алвон Совет эса бошқа гап... Модомики, у келган экан, демек күтарилиш вакти етиби. У бизни ташлаб кетмайди. Бизни ким хўрлаяпти? – тўралар. Уларни кимлар ёқтирумайди? – ҳеч ким ёқтирумайди! Бўлмаса нимани кутяпмиз, сардорлар?

– Сен ҳовлиқаверма, – озодарок кийинган озғин шериги унинг сўзини бўлди. – Қасрларни талаш – ўз йўлига. Бу – қойилмаком иш. Бунга эътирозим йўқ. Лекин сен ҳозир нимага ундаяпсан? Сен исён кўтаришни хоҳлаяпсанми? Катта исённи истаб қолдингми? Шунаками? Ялангоёқларга эргашинг келиб қолдими? Борақол. Уларни бирма-бир янчиб ташлашади. Ўшалар қаторида – бизни ҳам. Алвон рангли совет кийган саркарда масаласига келсак: уни ўзи ким кўрибди?

Алвон Совет, Алвон Совет, Алвон Совет, Ал-вон-ранг Со-вут-ли...

Тоббонинг шуури жуда секинлик билан тиниклана бошлади, энди башаралар унинг кўзи олдида чир айланишдан тўхтаган, букача ҳам думини хода килганича, бутунлай ғойиб бўлганди. Алвон Совет? Қандайдир таниш ном, жуда ҳам таниш... Эртакмиди-ей...

Ва бирдан... худди тўсатдан бошига қамчи тушгани каби бутун кай-фи учиб кетди: Алвон Совет!

– Бўлди, вайсанни бас қилинглар! – Вудри ўзининг оғир муштларини миз устига қўйиб, уни енгилгина гурсиллатди. Кулбадаги шовкин шу ондаёқ тинчиб қолди. – Ким хоҳламаса, мажбурлаш йўқ. Мен одамлар билан гаплашдим. Ўзимникилар билан ҳам, сизларнинг кўл остингиздаги бэззи йигитлар билан ҳам. Улар ҳаммаси жангга кўзғалишга тайёр, бизнинг манавинака баҳс-муноザраларимизга ҳам улар тупуришади. Агар сизлар йўлбончилик килмасаларингиз, ўзлари бошқаларни танлаб олишаверади.

– Исёнми? Яна-я?.. Ўзи аввалгиларининг сон-саноғи йўқ-ку... – коронги бурчакда яна бирлари гўнғиллаб қўйди.

– Мен «исён» деганим йўқ. Мен «куруш» деяпман. Ҳаммамиз. Биргалиқда. Бирварақайига. Тўраларни сўямиз. Ҳаммасини. Гап-сўзсиз.

Тоббо титраб кетди.

– Нима?

Уни эсларидан ҳам чикариб юборишган экан, чамаси. Ҳар ҳолда ҳаммалари жим бўлиб қолиши ва секин у томонга ўғирилиши. Уларнинг кўзларида чукур ҳайрат пайдо бўлди – назарларида гўёки ўчоққа ташлаш учун тайёrlаб қўйилган кўзли тўнка дабдурустдан тилга кириб қолгандек эди. Факатгина Вудри ҳайрон бўлмаган ҳолда ўридан

турли, мунитларига таяниб, Тоббо томон энгашди, унинг кўзларига тикилган кўйи сўзларини наст товушда, аник-равшан қилиб тақрорлади:

— Тўраларни. Ҳаммаларини. Савол-жавобсиз. Сўямиз.

Қаролнинг кўзларига синчков тикилган кўзлар. Аммо Тоббо Вудрини кўраётгани йўқ эди. Унинг нигоҳи сардорнинг вужудини эритиб, нарига ўтиб кетган. У бошқа нарсанни кўрмокда. Ўзи эслашни истамаган хотирот. Буларни унут бўлиб кетган, деб ўйлаб юрарди. Мана, калтираб турған бир сигир, ола сигир, озғин. Унинг ёнгинасида Тоббонинг онаси тиз чўкиб турибди. У совут кийган кишилардан Олахонини олиб кет-масликларини ўтиниб илтижо қиласпти. Улар эса мириқиб кулишмоқда. Нарироқда ўшаларнинг яна биттаси турибди. У энди кулаётгани йўқ. У омбор деворининг ёнида оёкларини кериб турибди, кўзлари ярим юмук, кўллари корини чангллаган. Кийими кипт-кизил кон. Совутни тешиб ўтган паншаха деворга санчиб кўйилган аскарнинг йикилишига йўл бермаяпти. Ва каттиқ чинкирик. Отаси, кўшинилари ва тоғаси: уларнинг юзлари оғрик азобидан тиришган. Ҳаммалари ходага ўтқазилган. Хода жуда ҳам ингичка эмас, чунки танани тешиб ўтиб кетиши мумкин; аммо унчалик йўғон ҳам эмас — маҳкумларнинг ичларини ёриб ташласа, улар тез ва осон жон бериб кўйишлари эҳтимоли бор. Қатл борасида тўраларга етадиган моҳир йўқ... Ва онасининг мунгли овози: «Исён килма, ўғлим, ҳеч қачон исён кўтарма...»

Ҳа, исён — ифлос иш.

Лекин агар Алвон Совет бошчилик килса-чи?

Яна кўз олдила ўша манзара: граф бошқарувчисининг совуқ башираси. У ибодатхона остонасида ёкимсиз ишшайиб турибди. Ҳозир Тоббонинг хотинига айланиси керак бўлган кизнинг кўлини маҳкам сикиб ушилаб олган; кизнинг кўзлари йигидан шипшиб, кизариб кетган. корни катта. У қасрла чўрилил килаётганида кекса граф ўзининг эгалик хукукидан мириқиб фойдаланган. Энди эса ўзининг зодагон хотини киздан кутулишни талаб қилганлиги боис, яна бир бор эгалик хукукидан фойдаланмоқда. Тоббонинг оёқ-кўллари боғлаб ташланган. Ёнида эса совут кийган кўрикчи. Ҳеч қаёқка кочиб қолишнинг иложи йўқ. Бошқарувчи эса яна ҳам завқтаниб иршаяди. У графнинг хизматкорига юзланди:

— Мени тўғри тушун, Тоббо...

Ҳа, хулли шундай деганди: «Тоббо, тушун! Нима ҳам қила олардинг? Соҳибингнинг иродаси осмондан баланд, тошдан қаттиқ. Яхшиси ўзинг розилик бер, Тоббо...» Ва Тоббо унинг амрига бўйсунади, ўзи илгари бирор марта кўрмаган кизнинг ёнига келади ва то умрининг охиригача у билан бирга бўлишга қасам ичади... У хотинини ҳар куни ўлгудек савалайди, лекин бирга яшайди. Уларнинг фарзандлари

дунёга келади, хотинини эса ҳар куни дүйненесе давом этаверади. Шүрлік аёл факат бошини елкалари орасыга қисганича, йиглайверади, йиглайверади, Тоббо эса бу унсиз йигидан юраклари куйиб кетса-да, уни оёклари остига олиб топташда давом этаверди, заминдордан аламини олишга журъати етмасдан, мазлумани тоңтайверди. Бошқарувчи эса... Мана, у ўнтача мулозимлари билан кулбага қадам ранжида қилди. Ёкимсиз ишшайганча паст овозда ўз амрини эълон қиласы:

— Тоббо, тушун...

«Тушунгинг-да ахир, Тоббо, бу жуда ҳам зарур, бошка ҳеч қандай илож йўқ. Болакай оддий гўдаклар каби улғайиши мумкин эмас: унда соҳибтўранинг кони оқмоқда, соҳибтўранинг эса ўз вориси бор ва душманлари ҳам бор. Модомики вазият шундоқ экан, сен яхшиси йўлдан коч, Тоббо. Сен ҳар ҳолда эсли-хушли қаролсан, Тоббо, четроқ ўтиб тургина-да, бизга халақит берма».

Тоббо халақит бермайди, хотини эса доддраб, ершарчин бўлиб ти-тиричилайди. Уни яхшилаб тепкилашади, лекин аяб-аяб, эридан кўра анча кучсизроқ тепкилашади. Қасрдан келган мулозимлар унинг катта ўғлини тутиб, ерга ағдаришади ва эркаклик хусусиятидан маҳрум этишади, кейин эса, худди бу ҳам камлик қилигандек, кўзгинасини кўргина килиб қўйишади...

Тоббо ҳаммасига чидашга мажбур. Агар чидолимасанг, унугтанинг маъқул. Акс ҳолда ҳаётинг ҳаёт бўлмайди. Яшай олмайсан!

Агар ростдан ҳам Алвон Совет қайтиб келган бўлса-чи? У ҳолда... «Мана, турибди у, ўша бошқарувчи... Ва мен, Тоббо, ақлли қарол, итоатли қарол, ҳеч қачон исён кўтармайдиган қарол, камина уни гирибонидан оламан ва киличимни қинидан суғураман... Й-ў-ў-қ! Кўлим билан, шу кўлларим билан, асталик билан, секинлик билан, кўзларидағи ҳаёт учқуни бирданига сўниб қолмаслиги учун, у яхши тушуниши учун, мен эмас, у тушуниши учун... Кейин навбат графикни!»

Тамом. Энди чидашга ҳам, унугтишга ҳам дожат йўқ. Қасрга энди дудламалар ҳам олиб бориш керак эмас, ҳар боргандан ўнтадан тана олиб боришга ҳам эҳтиёж қолмайди. Букачани кутуртириш ҳам керакмас. От. Уй. Дашиб. Ҳаммаси ўзингники бўлади. Ҳеч канака советдорлар ҳам йўқ...

Ва хотинининг кўзлари. У илк бора уларга аниқ ва равшан нигоҳ билан бокали: улар тиник кўк рангда экан! Уларда ғам-ташвишдан асар ҳам йўқ! Хотини унинг ҳаёлида нафис кашталанган байрамона либосда, остоноада турганича, кўлларини эри томон чўзади. Ёнида эса – кўргинаси... у ҳам баҳтиёр! Кўзи ҳам равшан! Чаккаларида – кокилчалари!

Бутун толесиз ҳаётлари давомидаги илк бўса, аламли нафрат ҳам каёкқадир йўқолган...

Ана шундок.

Ҳаммаси оддий, жүнгина. Ҳатто жуда осон. Башарти, агар ҳақиқатан ҳам Алвон Совет келган бўлса.

У энди ўтирмасди – тик турарди. Вудри ҳам жойидан кўтарилиди. Бошқалар – авави ўтирганлар ҳам ундан кўзларини узишмайди. Кибр билан эмас, қизикиш билан бокадилар, гўёки ниманидир кутаётгандек. Аммо Тоббо кўз олдидан нималар ўтганини сўзлаб беролмайди, шу боис тишлари орасидан сўзларни ситиб чираради.

– Ҳа. Сўйиш керак. Ҳаммасини. Ҳеч қандай тап-сўзсиз.

Кейин ҳорғин овозда, худди узр сўраган каби, кўшиб кўйди:

– Башарти, агар чиндан ҳам Алвон Совет келган бўлса...

## ХУЖЖАТ – II. ТҚБ АРХИВИ

«Қадим Қиролларнинг хукмронлик даври поснига етгач, янги хукмдорлар Шаркий Бошкентда яшашни исташмади ва Ғарбий Тоғ Этагида Янги Бошкентни бунёд этиб, ўша ерда таҳтни ўрнатдилар ва Олий Хукмдорлик макомини кабул килдилар. Улар қадимий конунларни бекор килдилар, ерларни ўзларининг энг жасур жангчиларига бўлиб бердилар, уларга зодагонлик рутбасини инъом этиб, ўша жойларда яшайдиган одамларни ҳам ерларга кўшиб ҳадя қилдилар. Шу зайл дунёда адолат йўқ килинди. Лекин орадан ўн йил ўтиб, Ёш Саркарда ўз панаҳоҳидан одамларнинг хузурларига чиқиб кетди. Унинг қалқонига бошок накши зарбланган, бошок шаклида ишланган тожи пешанасини безайди. Бу ўша – келгиндиларнинг куч-кудрати ҳалқнинг иродасини синдириган ҳамда Кадим Қиролларнинг хукмини хоку гардга айлантирган жангда ғойиб бўлган БОШОКТОЖ эди.

Одамлар кўзгалишиди, унинг даъвати билан бир тану бир жон бўлишиди, зоро, хур даврлар ҳали унут бўлиб улгурмаган эди. Уларнинг қасоси даҳшатли, ғазаблари беаёв эди. Кон дарёлари касрларнинг дарвозаларини бузиб, ташқарига оқади, қадимий турмуш тарзини таҳкирлаганларнинг на гўлагига шафқат килинур, на кексасига интикомдан омонлик бор. Янги Бошкентда хукмронлик килганларнинг кисмат тори узилаётгандек гўё.

Бундан факат Бош кохин норизо эди. Кўхна тартибларга карши унинг амрисиз қўл кўтарилиган эди. Қадим Қироллар ҳам қурбонлик меҳробига эҳсонларни назр этиш борасида ўтакетган зикна эдилар. Бундан Бош кохин аламзала эди. Сўнгти жанг олдидан у исёнкор жангариларни дуойбад килди ва улар мағлуб бўлдилар. Қаролларнинг киролини – Ёш Саркардани Олий Хукмдорнинг ёёклари остига келтириб ташладилар. У эса газаб исказижасида исёнчини даҳшатли қийноклар билан

азоблашга амр этди – жазодан сүнг эса шундок укубатларга солиб қатл этилсинки, бу жазо асрлар оша хотираларда сакланиб қосын.

Түрт Нуроний Абадият Сохибига илтижолар қила бошладилар:

– О, Құдрат Эгаси, жазоингни юбординг, марҳаматингни ҳам дариг тутма! Сенинг хошиш-иродангиз исёңчини ҳеч ким банди этолмаган бўлур эди. У аслан золимларнинг эмас, сенинг асирингdir. Унинг тақдирни сенинг кўлингда: истасанг жон риштасини узиб ташлайсан, истасанг жонини омон саклагайсан...

Бош кохин Түрт Нуронийнинг Ҳукм Эгасига қилған илтижоларидан хабар топгач, исёңчини Олий Ҳукмдордан сўраттириб олиб, бўлиб ўтмиш воқеотни тадқик этмоқликка кириши:

– Одамларни нега исёнга бошлаганинг бизга маълум. Аждодлар тожу тахтини қайтадан тикламоқлик истаги сени шу ишга уннаган. Сендан мен ўзга бир нарсани билмоқчиман: не сабабдан кашшоқларнинг зодагонларни оёқ остида топташларига, уларнинг конларида чўмилмоқларига йўл кўйдинг?

Мағлуб эса Бош коҳинга жавоб қилди:

– Мен йиллар давомидачувриндиларнинг ораларида яшаб, уларнинг турмушларини кўриб-билдим. Уларнинг хаётларида ҳакиқат йўқ. Зеро, инсон зоти факат ўлимидан сүнг Куёш дунёсига тушмоқлик учунгина ҳайвон қабилида яшashi ножоиз!

Унинг сўzlари дадил эди. Нигоҳи ғазабли.

Бош кохин қаттиқ қаҳрланди.

Сўнг ўз карорини маълум қилди:

– Сен, ялангоёқ, зодагон тўраларгагина қўл кўтарганинг йўқ. Осмонлар Сохибининг сояси бўлмиш каминанинг ҳукми остидаги заминнада Янги Подшоҳликни барю этишга касд қилдинг. Мен ўша сенинг хундор душманинг бўлмиш Олий Ҳукмдор амр этганидан кўра каттикроқ жазога мустаҳик этаман. Сени иродангдан ва куч-куvvатингдан маҳрум килиб, бу ёруғ дунёда саргардонликка маҳкум этаман. Сен ўзинг ҳимоя килмоқчи бўлган авомнинг қайғу-мусибатларини кўрасан, аммо уларнинг муҳофазасига на қудратинг; на журъатинг етгай.

Бош коҳиннинг ҳукми шу бўлди. Унинг карори даҳшатли эди. Ҳатто Тўрт Нуроний ҳам исёңкорни ҳимоя этмоқликка ожиз қолди.

Бош кохин сўзида давом этди:

– Зодагон оқсуяклар наслидан бўлгани учунгина сен томонингдан айбдор деб топилиб, сенинг айбинг ила конлари оқизилган беайб ва занифлар бир лаҳза ҳам тинмасдан сенинг хунингни сўрамоқлалар. Бу тўкилган конларнинг иси димогимга уришини истамайман. Бунинг жавоби сенинг бўйнингда.

Шу сўзларни айтгач, Бош коҳин исенчини кон оқиб турган дарёга ботирди ва интиқом афсунини ўқиди. Исенкорнинг чакмони қип-қизил кон рангига бўялгач, махкумни у жойдан тортиб чикарди. Шундан сўнг бир оз кўнгли юмшади, чунки у жазонинг беаёвлигини сезиб турарди: айбига яраша жазо бериш керак, аммо ҳадлан ташқари шафқатсиз бўлиш ҳам ярамайди.

Шундан сўнг Тўрт Нуроний ҳам ўз сўзларини айтишга ботиндилар.

— Бош коҳиннинг ҳукмига чора йўқ. Аммо ўз мавкеимизга кўра унинг қарорига қўшимча амал киритиш ҳукуқига эгамиз. Сен лаънагланган мана шу Алвонранг чакмонинида дарбадар кезиб, одамларнинг ғам-кулфатларига гувоҳ бўласан, ёрдам сўраб айтган илтижоларини эшиласан — аммо аралашмокка қувватинг етмайди. Аммо бу холат зулм ўлчови ҳадди-чегарасидан ўтган тақдирда барҳам топади. Эзгулик билан ёвузлик мувозанати бузилиши биланок мазлумлар хузурига бор. Сўзсиз уларни ортингдан эргаштирил. Албатта зафар қозонгайсан.

... Шу асно Алвон Советли боши оқкан томонга йўл олиди. Қувватсиз ва гунг: бутун дунё мусибатларини кўрибди ва барча лод-фарёдларни эшитибди — ёрдам кўлинин эса чўза олмасмиш. Эгаларидан сўрамасдан, минган отини йўл-йўлакай алмаштириб бораверибди. Тавки лаънаттага учраганга ким ҳам монелик кила оларди? Баъзан, одамлар Алвон Советни кўриб, кўмак сўрадилар, у эса тўхтамасдан, уларнинг ёнгиналаридан ўтиб кетаверарди...

Демак, ҳали одамларнинг мусибатлари сабр косасини тўлдириб ултумабди.

Аммо ўша сабр-тоқатнинг чегараси каерда экан?»

**МАНБА:** «Учинчи даражадаги тамаддуларнинг ҳалқ оғзаки ижоди» тўплами. Ижтимоий тадқикотлар Галактика Институти нашри. Филология бўлими. Ер-Валькирия-Тхимпхадва. 4-жилд. XIX-боб. 869-871-бетлар».

**ИЛОВА:** *Афсона тегишили сайёра аҳолисини кейинги тараққиёт жараёнига тайёрлаш учун Ер сайёрасида, Сайёralар Ижтимоий Тараққиёти институтининг мутахассислари томонидан ижод қилинган.*

### 3

Мен ўрмон ичидаги тентираб, «э-хе-хей»лашни ўзимга лозим топмадим. Бундан нима наф? Бузилган киберлар ўз-ўзича гойиб бўлиб қолмайди. Уларни олиб кетишлари мумкин, холос. Лекин ким? Бу энди иккинчи масала. Бу саволга мендаги ваколат билан жавоб бериб бўлмайди. Йўрикномага кўра Марказга мурожаат этиб, ваколатимни

тасдиқлатиб олишим, шундан кейингина чора-тадбир кўришим мумкин. Бундай тизимда хар холда мантиқ бор. Аммо... йўрикномаларни аллакачон амалий фаолият нималигини ҳам унтиб юборған ходимлар ёзишади; «ўлгинг келса, йўрикномага амал қиласан», деган гап ҳам бекорга чикмаган. Кулгили эмас-у, лекин аниқ гап.

Ўшанда, етти йил муқаддам, ўт ичидаги қолган Кашада сайёраси кўчаларида, Эндиқ бизларга: «Қочинглар!» деб бақирди, ўзи эса қабристон тўсиғининг ортига беркиниб олди. Мен уни ташлаб кетолмас эдим. Эндиқ ортига ўгирилиб, яна кичкирди: «Хой, тезрок қочиб колсанг-чи!» кейин эса бўралатиб сўқинди, асабдан кўзлари ола-кула бўлиб кетди, муюлини ортидан эса кора ёпинчиқ қалпокли йигитлар ўтирган жанговар машиналар ёнилғисини тутатиб чикиб кела бошлиди. Улар хар кандай йўрикномага тупуриб, устимизга бостириб келишар, бизда эса уларга қарши ҳеч кандай кўрсатма йўқ эди. Қаёқдан ҳам бўлсин?! Бубахай – «Ернинг садоқатли дўстий», ўз йўлидан боришни маъкул топди ва унинг одамлари қароргоҳдагиларнинг ярмини сўйиб ташлаб, элчихоналар жойлашган худудни куршовга олди; Кашада талвасага тушиб колди, биз учовлон бирор нимани ўзгартиришга ожиз эдик, бошқалар эса бомбардимон остида кирилиб кетишиди. Анави томонда, уч юз қадам нарида, яримвайронна элчихонада бизни душман кутиб турарди. Аммо улар беҳудага кутмоқда эзилар. Серёга кўзи косасидан чикқудек бир алпозда оғир нафас оларди, саросимага тушган Эндиқнинг кўлида эса чорраҳада бир мурданинг кўлидан юлқиб олинган автомат титраб турибди. Бу жанг институтнинг вазифасига кирмасди. Бизни дипломатлар махсус чакиртириб олишган эди.

Эндиқ яна кичкирди: «Қочсанг-чи!» – ва мен югуриб кетдим. Елкамга Серёгани ортиб олганман, соҳиҳ бўйлаб бир амаллаб чеккарокка чикиб олдим, Эндиқ эса бир ҳафтадан кейингина қайтиди. У Бубахайнинг тинкасини куритишнанидан сўнг қайтиди, аммо Кашаданинг миллий нақши – кўк-яшил ҳошия ичига тўртбурчак шакл чизилган гилофга солинган холда келтирилди. Ана шунака. Тағин «Йўрикнома»миш-а!..

Алалхусус, мен киберни тона олмадим. Аммо Оллани топдим. Тўғрироғи, Оллани эмас, буталар орасига бикиниб кўркувдан калтираб ўтирган бирбурдагина митти жонни топдим. У ён томонга караб кочмокчи эди, аммо тиканли бута орасига тикилиб колди. Мен эса бу йиғлаб-юмалаб каршилик кўрсатаётган момик жонни тиканлар орасидан авайлаб чиқариб олиб, бир оз тинчланиши учун қаттиқ бағримга босишга мажбур бўлдим. Қизалок. Үн яшар, балки сал каттароқдир. Сочлари кўзга яққол ташланади: узун, бироз жингалак, олтин рангла товланади. Худди Аришканинг соchlарига ўхшайди. Факат жуда кирланиб, бир-бирига ёпишиб кетган: чамаси, кизча ўрмонда икки кун,

балки уч кун қолиб кетган. Кўзлари ҳам қизимникига ўхшаш, мен кам учрайдиган бу кўзларни кўрганимда, ҳайратдан ҳатто нафас ололмай қолдим: кўк ҳам эмас, кулранг ҳам эмас, зангор ҳам эмас – ҳаммасидан оз-оздан, барча раңглар уйғуналашиб кетган. Ва бу кўзларда шу кадар каттиқ кўркув борки – буни кўриб этим жимиралашиб кетди. У типирчилаган кўйи заифгина пиқиллай-пикиллай, жимиб қолди. Кўзлари хиралашди. Оғир карахглик. Қагтик совқотишнинг асорати.

Мени бекорга Ирруах дан-Гоҳҳо деб кўйишибдими?! Биз, ғарбнинг одамлари қадим замонлардан бери ажални даф этиш санъатидан яхши хабардормиз. Менинг онажоним эса дан-Бакаппанинг нақ киндигида туғилганлар, уларнинг насли азал-азалдан илмсеварлар авлоди сифатида машҳур бўлган. Ҳуллас, мен – зўр табибман.

Бундан ташқари, ТҚБ ходимлари кўлда бажариладиган муолажадан имтиҳон топширадилар. Боз устига якин вактлардан бери тошириқни бажаришга кетаётгандарга икки дона игнадан бошқа хеч қандай даволаш воситаларини олиб кетишга рухсат берилмаяпти. Сафарлардан бирида йўколган дорилар тўплами билан юз берган фожиали ҳодисадан сўнг эҳтиёткорлик кучайтирилди. Раҳбарият ўз масъулиятини анча камайтириб олди: уларнинг фикрича, одамни бармоқлар ёрдамида 4–5 соатга хушсизлантириб кўя оладиган киши уни ўсаллик ҳолатидан чиқаришга ҳам қодир бўлиши керак.

Мен қизалоқнинг чаккаларини уқаладим, умурткасини сийпалаб чиқдим, кулок супраларини аста эздим. У аввал кўлимдан силтаниб чиқиб кетишга уринди, кейин яна бўшаши, аммо бу сафар ўзгача, жонли алпозда тинчланди. Сўнг кўзларини юмиб, бошини майсага кўйганича, чукур ва деярли текис нафас олган ҳолда уйқуга кетди. Мен уни ўз вактида карахтиликдан чиқариб, ҳалокатли асоратлардан куткариб қолдим. Ваҳоланки, баҳтсизлик юз бериши мумкин эди: чамаси қизчани жуда қаттиқ кўрқитишган. Факат кўрқитишса ҳам майли эди-я: кейинчалик, модул ичида, заарсизлантирувчи эритма билан қизалоқнинг баданини тозалётганимда елкасида ва тирсакларида кўплаб конталаш жойларни кўрдим, қандайдир муртаднинг бармоқ излари якъол кўзга ташланиб турарди. Аммо бу айтиётгандарим кейиннинг гапи. Ҳозир эса мен уни шунчаки кўлимда кўтариб кетяпман, бунга заррача ҳам қийналганим йўқ. Қизча күш каби енгилгина, Серёгани елкамга ортмоқлаб олганимнинг олдида хеч нарса эмас. Гўдакнинг соchlари майса устида судралиб бораради, мен уларни чамбарак килиб ўраб, кўксига ташлаб кўйдим.

У кўзларини очганида, энди озодагина эди, кўзларида азоб акс этган ваҳима йўқ, мен уни саволга тутишга харакат килдим, аммо шивирлабгина айтилган «Олла»дан бошқа бирор сўз айтиришга эриша

олмадим. Кизча гапиришни истамас, тўғрироги, сўзлай олмасди. Ка-рахтликдан сўнг ўзи кўпинча шунака бўлади. Агар бу топилмам ер-лик бўлганида эди, мен гишозни кўллаб кўрган бўлардим. Аммо ўзга сайёраликлар билан бундай килиш ярамайди, уларнинг рухияти канака эканини ким билали, дейсиз. Менимча, дея ўйладим мен, Олла исмли кизни аллақачон излашаётган ҳам бўйса керак. Ота-оналар хамма ерда ҳам бир хил. Мен, оккўнгил табиб Ирруах уларга мамнуният билан ях-шилик қиласман, қизларини ўзларига топшираман. Ҳатто, суюнчи ҳам олмайман, ваҳоланки қизчанинг эгнидаги мовийранг уваданинг ба-шанглигига қараганда, мукофоти ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Мен – зодагонман, ха, худди шундок! – Эзгу ишим учун арзима-ган садакани олишга мени ҳеч нарса мажбур қилолмайди. Боз устига, қизалок ҳам аслзодалардан: нозик бўйинчасида – ингичка, мохирона тўқилган занжир, унга аждарча киёфасида ишланган нефрит тамға илинганд. Жуда соз. Мен энди бу ўлкаларда яна бир муддат колиб кетаман шекилли. Қизчанинг отаси соғдил, содда табибни меҳмон килишдан кочмаса керак. Ҳар холда, ҳак учун меҳнат қилиб, насабимиз рамзи бўлмини оиласмиш тамғасининг шаънини срга урастган бўлсам-да, аслзодалар авлодиданман...

Кейин биз ўтириб, кечки нонуштани тановул қилдик. Оқшом совук, шафақ ҳам қашдайдир кон тусида, тажовузкор кўринарди. Ойна ортида шарпалар изънийди. Олланинг юзлари тупрок рангида кўринади – чириған ғўла шаклида ишланган яширин чирокни ёкканимда унинг шуъласи хужра ичини хира ёруғликка чулғади. Тўғри-да, ғарибона кулбада шам касрдан ҳам бўлсин? Қасрдадир жуда олисларда, дашт бошланган срларда кашқирларнинг ингичка увидлаган товуни эши-тилди, аммо атрофда ўрмоннинг осуда шовуллаши сокин, алаловчи оҳанг таратади. Свитеirimни кийиб олган Олла кулгили кўринади – этаги тиззасидан ҳам пастга тушган. Оч колган қизалок шошиб-пишиб, аммо чиройли овқатланарди. Одоб билан, тарбия кўрганлиги шундок кўриниб турган алпозда тамадди килади. Ёғ суртилган нонни кичик-кичик тишлаб, санчидан ҳам мохирона фойдаланади. Отаси-нинг муҳтожлардан эмаслиги шундоқкина кўриниб турибди: санчки бу ерда янгилик ҳисобланади, унга ҳар кимнинг ҳам курби етавермайди. Айни муддао. У тўйгунича гўшт, бир кошик балик увулиригидан еди (кораси, қизил увулирикни ҳеч қачон ўзим билан олмайман, бу менга одат бўлиб қолган), чой ичишни эса хоҳламади. Бекор қилди. Чой дамлап менинг кам сонли фазилатларимдан бири. Ҳақиқий санъ-ат! Кичкина чойнакчамни кайнок сувига чайиб олгач, беш кошик курук чой соламан... ўзи сирларимни нега сизга ошкор этмоқдаман? Факат бир нарсани айтишим мумкин: чой дамлашда устаси фарангман, гаров

үйнашим мумкин. Менинг ёнимда доимо бир-икки қадоқда ҳакикий, Ерда етиштирилған, иирик баргли, шунчаки оддий Ер чойи эмас, Ланка оролида үсадиган хүшбүй, ўткир хидли, жуда бўлмаганда башарият бешиги бўлмиш Ҳиндистонда экиладиган, агар у ҳам йўқ бўлса, денгиз сатҳидан камида минг қулоч баландлиқда ундириладиган Шимол чойи бўлади.

Олла уйкуга кетгач – қаттиқ, лекин сал нотингчрок уйку эди бу, – мен қоп-коронғи дахлизга чиқдим, хира ёнчироқни ёқдим, ертўланинг копқоғини кўттардим-да, зим-зиё тиркишдан митти кутичани олдим. Маҳаллий одамлар буни албатта «ғалати идишча» деган бўлардилар: уни ҳеч қанақасига очишнинг иложи йўқ, факат динамит билан портлатиш мумкин, холос. Хайриятки, бу сайёрада динамит ҳали-бери ихтиро қилинмайди. Фазо орбита станцияси билан боғланиб, Марказни алоқага чақирилдим, вазият ҳакида ахборот бердим, кўрсатмаларни қабул килиб олдим. Ҳаммаси жойида. Фавкулодда ҳодисалар йўқ. Шунчаки вазият мураккаблашди, шунга мувофиқ топшириқ ҳам қийинлашди. Тўғрисини айтганда, мен йўқолган ускунани излашга ёшроқ ҳодимлардан жўнатишмаса эди, деб чўчигандим. Ҳар қалай Серёгага умид боғлаб тўғри килган эканман. «Олға!» дегани бу – мени ҳали ҳам эслайди ва ишонади, дегани. Бу дегани – биродарим Сергей менинг ортиқча дардисарларсиз ўз хизматимга қайтишим учун рухсатнома олишга эришди, деганидир. Норасмий хабарномадаги «Олға!» деган биргина сўз бизнинг қондош оға-инилар эканимизни англатади. Умуман олганда, конун бўйича у ердан факат энг муҳим ҳабарларнингина юбориш мумкин («Ўғил кўрганилигинг билан табриклаймиз», «Хотининг анча соғайиб қолди» ва шу кабилар), аммо бу низомлар енгига учта ука такиилган йигитларга унчалик тааллукли эмас, чунки қоидаларни уларнинг ўзлари ёзишади, ўз ижодларидан бир оз четлашиш бу кишиларга нисбатан кечиримли ҳол.

Мен миз ёнига ўтиридим, қўлимга қоғоз-каlam олдим-у, ўйланиб қолдим. Ҳабар: кибер йўқолди. Савол: қаёққа йўқолди? Назарий жиҳатдан қараганда тахминлар керагича топилади: қароллар, тўралар, буниси ҳам ёқмаса – маҳаллий жамиятдаги ёт унсурлар.

Ўрмон қаъридаги жонсиз суворий тўра! Ўз-ўзидан ғойиб бўлди-қолди!

Турган-биттани ишкал. Яна қанақа денг!.. Бўпти, энди бир оз каллани ишлатамиз. Қароллар олишганмикан? Улар кейин бирор кори ҳол юз бермасин, деб чуқурроқ кўмиб ташлаган бўлардилар. Удумга кўра, курол-аслаҳалари билан бирга. Аксилжамиятчиларми? Улар аввал жабрдийданинг кийим-кечагини ечиб олишади... кейин эса дубулғасини бошидан чиқара солиб, ўзини бурдалаб ташлаш-

ган бўларди. Шундайми? Шундай. Мантиқан тўғри. Аммо, лекин, бироқ! Суворий тўра ахир тавқи лаънатга учраган-ку! Ана шуниси ҳаммасидан мухим. Техника дахоларининг оддий ва нафис ихти-ролари Ер сайёрасидаёк мени ўзига ром этганди. Мана бу сайёра хурфикрлиликнинг энг оддий, содда босқичига чиқиб олгунича ҳам ҳали камида икки ярим-уч асрлар бор. Ҳозирча эса мана бунақа ин-жинсга юзма-юз келиб колган ҳар қандай маҳаллий фукаро олди-оркасига қарамай тирақайлаб кочали, йўл-йўлакай эса бора-борғунча ўзи билган дуоларини пичирлаб югуради. Қойил! Даҳлсизликнинг тўлиқ кафолати! Бу сайёралик одамлар ҳам бидъат-хурофотда бизни-килардан колишмайдилар.

Демак... Хўп, бу ҳолат нимадан далолат беради? Ахир сен тарихчисан-ку, оғайни! Қани, ўзинг ўйлаб кўр-чи, агар ўрта асрларда яшаган саводсиз чоракор ўрмон четида овозсиз, ҳаракатсиз, шоҳдор, боз устига думли-туёқли номаълум маҳлукни кўриб қолса, нима килган бўларди? Тиз чўкиб, тавба-тазаррусини бошлиб юборган бўларди. Тўғри! Кейин-чи? Кейин руҳонийни стаклаб келади. Эътиқодлisisини, алдамайдиганини! Инс-жинсшуносини. Ўша инс-жинсшунос шоҳдор иблисни боплаб дуоибад қиласди. Вахимага тушган қишлоқликлар дўзах ахлининг бу вакилини арконбанд килиб, яқинроқдаги бирор ўрага улоқтиргач, чукурроқ қилиб кўмиб, тоғтеракдан йўнилган қозикни гўртепа устига кокиб кўядилар. Ана шундок. Бу тахмин ҳақиқатга яқинрок. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: шахсий алоқа боғлаш лозим. Ҳалқ билан мулоқотга киришиш керак. Бундай янгиликлар мирикиб, узоқ вакт ҳазм килинади. Вахоланки, кибернинг йўқолганига ҳали уч ой ҳам ўтгани йўқ, хабарнинг тахи ҳам бузилмаган. «Дўзах маҳлуки»нинг кабри қаердалигини кимлир барибир оғиздан гуллаб кўяди. Дехқонлар айтмаса, саройлаги хизматкорлар гапириб колар, улардан садо чиқмаса, маҳаллий роҳиб вайсаб қўйинши мумкин. Ҳеч бўлмаганда ўрмондаги йигитлардан гап олса бўлади; улар ҳамма нарсани билишади. Агар нимадандир гафлатда қолсалар, бу бехабарлик охир-окибат ўзларини асфаласофилинга жўнатишни мумкинлигини яхши билишади.

Йўқдан кўра бу ҳам бир тахмин-да. Ҳар ҳолда бир фараз... Мен гўлачирокни ўчирдим, ерга чакмонимни ёздим, бошимнинг тагига хур-жунимни кўйиб, аста чўзилдим. Ёнгинамда, супачада Олла заифгина инграб кўйди. Тинчлан, кизалок, тинчлан, ҳаммаси яхши, хотиржам ухлайвер. Мен оёғимни чўзиб, ўнг ёнбошимга ағдарилдим. Чаккамга кафтимни кўйиб олдим.

Энди ухлаш керак. Эртага барвактрон турмасак бўлмайди, иш жуда кўп.

Модомики, кишилук Такабалчик леб номланган экан, у ерларда Парфенонга ўхшаш жойни топиш даргумон. Мен бунга умид қилаётганим ҳам йўқ. Аммо, ҳаританинг кўрсатишича, айнан шу аҳоли манзили модулга ҳаммасидан якинроқ жойлашган. Ўзи шундай бўлиши ҳам керак эди. Бундан ташқари, ушбу ҳудуд ҳаритада икки рангли доира билан белгиланган. Кўк ранг – Сохибтўра бошқарувчисининг яшаш жойи, энг паст даражадаги ўзига хос маъмурий бўғин. Сарик ранг – кўрғон руҳонийсининг қароргоҳи. Биз Олла билан саҳарлаб йўлга тушганимиз йўқ, кун чиқишидан бир соат ўтиб жўнадик. Мен уйғонганимда ҳали коронғи эди: тун қандайдир ёқимсиз, нотинч кечди. Олла босинкирайди, мен уйкусираган ҳолда супача устидаги пўстакни тўғрилаб қўяман, сал вакт ўтмай япа сакраб тураман, яна тўшамани тузатиб, жойимга чўзиламан. Гоҳи-гоҳида эса, энди кўзим илинган пайтада тушимга ҳудди ёрқин қизил рангли улкан кенгуру каби олисларга иргишилаб кетиб бораётган кибер қираверади. Баъзан эса бу маҳлук мен томон ўгирилиб, чўзиб увиллайди. Шу боис ҳам ўзим бир оз уйқучирок эканимга қарамасдан, тонг отар-отмас мен аллақачон тик оёқда эдим. Олла сал кечрок уйғонди; кўзини очиб улгурмасидан, деворға суюниб ўтириб олди, оғенини йигиб, кўллари билан слкасини кучди. Бас кил, тентаккинам, ҳадеб чўчийверма, бўлди кил, тинчлан – овкат сузаётуб, уни хотиржам овозда тинчлантиришга ҳаракат қиласман. Нихоят қизалоқ тинчланди. Хотиржам тортиб, ҳатто жилмайиб ҳам кўйди. Тўғрироги, илжайганим олаб буриб қўйди: лаблари сал титраганча чўччайиб, кўзларида бир учкун чакнаб ўтди.

... Агар ўрмон оралаб борилса, йўл анчагина якин бўларди-я: тўрт, балки беш чакиримни тежаш мумкин. Аммо Оллага қараб туриб, бу фикримдан қайтдим: кераги йўқ. Шундок ҳам ўрмонда тортган укубатлари узок вакита етади. Шу боис ирмок бўйлаб, жануби-шарққа томон йўл олдик. Аввалига ёнма-ён кетдик, кейин Олла ортда кола бошлади ва мен уни слкамга ўтказиб олдим. У анчагина енгил эди, лекин барибири бу аҳволда лўқиллашнинг ҳечам иложи йўқ, бундан ташқари унчалик шюшмаятиман ҳам, шу боис керакли жойга тушга якин стиб бордик.

Кишилук бошқаларидан ҳечам фарқ қиласди. Қиркка якин кулба, кўпчилиги – оҳакланиб, чирик четанлар билан ажратилган ертўлалар, энг яхши кўрғончаси овлоқроқда жойлашган. Яна бир иморат бир оз кўримлироқ, ҳар ҳолда бошқарувчининг уйи бўлса керак. Ва яна бу ерларга хос бўлган бутхона – тупроғи титилиб, заҳ босиб ётган эхромсифат бино, энг тенасига уваласи чиқсан тугсимон алланима илиб қўйилган. Олов тимсоли, буни дарҳол англадим. Ана холос. Бу Такабалчик деган-

лари жуда ҳам унчалик тупканинг таги эмас экан: одатда бу ерларнинг черковлари устида тунука байрок қадаб кўйилгувчи эди. Олов – маҳсус алломат хисобланади. Демак, Янгиланиш кунида Тўрг Нуронийдан бири бу жойларга қадам ранжида килиб, табиийки, бу ерда меҳроб бунёд этган. Бу, албатта Иккинчи Нуроний бўлиши керак: адашмасам, худди ўшаниси бу каби хайру саховатларни ўзига одат килиб олганди, лекин Тўртинчи ҳам бир-икки марта шундай ишлар билан шуғуллангани ҳакида ривоятлар бор.

Бир сўз билан айтганда, донғи кеттган Такабалчик узоқдан чиройли, саришта ва ҳатто обод кўринади, худди бизнинг ўрта асрлар тарихига бағишланган романлардаги манзарани эслатади. Илгарилари мен ана шундай китобларга ишкибоз эдим. Излаб топардим, айирбошлардим, тўшлардим, деярли ёдан билардим. Балки шунинг учун ҳам аввал тарих факультетига, кейин эса ТҚБга киргандирман? Бўлмасам-чи! – ёркин эҳтирослар, мағрут одамлар, эркин хаёт... Ўзингни камситилган деб хисобламайсан. Буларнинг барчаси ёқимли-ку, аммо афсуски, сафсатадан ўзга нарса эмас. Ёлғон демокчи эмасман-у, ҳар холда унчалик ҳақиқат ҳам эмас. Ўтмиш биз тасаввур қилганимиздан кўра буткул ўзгача. У худди бугунги кунимизга ўхшайди, фактат у очик-ошкор, заркоғоз ичига яширинган эмас. Аммо, бошқа томондан, бу олачинор, ғамли дунёга жуда тез сингиб кетасан, кўп ўтмай, ҳаттоки ундан айрилишни, уни тарк этишни тасаввур ҳам килиб бўлмайди. Нима бўлганда ҳам бу амалга ошириб бўлинган, бошдан-охиригача маълум, тақдирни азал каби ўзгармас Ернинг тарихи эмас. Бу – энди бошланажак тарих.

Мен кўзимни узмасдан тикилиб туардим. Олла бир пайт кўлимга қаттиқ ёпишганича, пижжимга тикилиб олди, мен унинг қалтираётганини хис этдим. Уни қаттиқ кучганимча, нимадир бўлганини англадим: бу ерда нимадир бор. Йўқ, алдадим. Ҳеч нарсани англаганим йўқ. Мен ичимдан хис этдим. Назариётчилар маҳсус хизмат ходимларининг ноёб сезгиси ҳакида истаганча мунозара килишлари мумкин. Лекин шундай сезги борки, усиз ТҚБ ходимлари камая-камая, ташкилот марҳумларнинг хотира суратларига тўлиб кетган бўларди. Бу жуда олдий хиссиёт: ҳеч қандай сабабсиз, тўсатдан курагингиз ости сезилар-сезилмас уюша бошлайди... Кашадада Бубахайнинг радиода сўзлаган нуткидан икки соат аввал шундай бўлганди. Бундан аввалроқ эса Хийно-но-Айтеда зодагонлар довул чалиб, олий йигин чакириб, катли ом уюнтирганларида ҳам шу ҳол юз берган. Буни қандай изоҳлаб бериш мумкин? Ҳамма иш жойида, ҳаммаёқ осуда, аммо ёқимсиз бир алланима бор. Беихтиёр Олланинг кўлини қаттиқ сикиб, отритиб кўйганимни ҳам сезмай қолдим. Қишлоқ этагига яқинлашиб, сўқмокка кўндаланг йиқилиб ётган илк истиқоматчига кўзим тушгани-

дан кейингина ҳаммасини англадим. Қишлоқ одамга тұла әди. Тағин айни ҳосил йигім-терим нағында, ёзинг қоқ ўртасида. Улар орасында эркаклар деярли қүрінмасди. Фақат бир нечта ғирт маст нұсхалар четан соясидаги харракаларда оёқ узатиб, қўзилиб ётарди. Суначалар устида ҳам кариялар узала тушган – уларнинг ҳам күпчилиги ичиб олған. Атрофда болалар – кир-чир, кийкиришиб юришибди. Полизларда, ҳөвліларда, кудук атрофида – хотинлар, хотинлар, хотинлар. Мен чанг күчадан ўтиб боряпман, хеч ким менга әзтибор ҳам берәёттани йўқ, Олланинг кўлчаси менинг кафтимда типирчилайди, миямда эса шундай бемаъни сўзлар гужғон ўйнайдики, қани энди хумордан чикиб сўкиниб олсанг. Эҳ, шу иш жуда бемаврил бўлди-да! Буларнинг ахволи кундек равshan: бу – ғалаёндан кейинги карахтлик. Исёнлар поёнига етган пайтда шунакаси бўлиб туради. Қасрдан кичиккина, аммо ихтинослашган совутлилар бўлинмаси жўнатилгач, бу кайфият ўтиб кетади.

Бошқарувчининг уйига киришдан фойда йўқ. Бино тепаликдан қараганда бинойидек қўринмоқда, холос. Тўғри, у бошқа уйларға нисбатан тузукроқ, албатта. Аммо кўпорилган эшиклар, базўр илиниб турган табакалар, ҳовлида куйиб ётган ахлат уюми – шинамгина уйнинг вайронага айланған кўришиши. Ахлат уюмлари устида, ланг очик дарвозага яқинлашмасдан, улкан олачипор ит изгиб юрибди; у тоҳи кимнидир излаган каби гир айланади, ғингшиб, алланималарни искази迪, тоҳ ер бағирлаб эмаклаб қолади; тоҳо сакраб ўриидан турганича, зорланиб увиллай бошлайди. Югуриб бораёттган бир болакай кутилмагандан итга тош улоктириб қолди. Тегди. Ит акиллаганича девори кийшайиб ётган кулбанинг ортига кочиб яширинди. У ер омбор экан шекилли: ерга тўкилган ун катлами чанг-тўзонга кўшилиб кўкка ўрлади.

Исён кўтарган қишлоқка бўйнингдаги зодагонлик нишони осилган занжир билан йўламаган маъкул. Бошка томондан олиб қарағандан нефрит калтакесак менинг дахлсизлигим кафолати ҳисобланади. Хеч ким табибга кўл кўтаришга журъят киболмайди ҳам. Уларнинг әзтиқодларига кўра Абадий Ҳукмдор бундай гуноҳни кечирмайди. Шу боис одамлар оргимиздан иложсиз қараб қолишаверди. Хеч бирори ёмон бир сўз айттани ҳам йўқ. Шунисига ҳам раҳмат. Кўриннишидан анча бамайлихотир бир кампир, ҳатто бизга сўз котишни ўзига бемалол эп кўрди. Аммо хеч кандай алвастини кўрмаганини, кўришга хуши ҳам йўқлигини айтди. Бўлмасам-чи, исённинг олдидан ҳар канака жину ажиналар ўтаверсин. Мен унинг эрлик аёл эканидан хабар тошлим. Эри кирол саройига – боёнларни кириш учун кетгани сабабли онахон ҳар кандай каланги-қасанғилар билан валаклашишни ўзига эп кўрмасмиш: «Сен, жаноб табиб, яхшиси ўз йўлингдан қолма, кизингни ҳам балоқазодан нарирокқа олиб кет. Агар бирор юмушинг бўлса, у ҳолда ҳов

аңави томонга – Лава Оқсокнинг хузури а бор. Лава сен билан бемалол гаплашаверади, биз кабиларни у писанд ҳам қилмайди...»

Чамаси, бу қишлоқда Лава Оқсокни унчалик ёкиришмас экан – онахон у ҳақда гапирганида оғзидан, ҳатто тупук сачраб кетди! – түғри-да, ундайларни ҳеч қайси қишлоқда яхши кўришмайди. Полизига ҳафсаля билан ишлов берадиган кўшнини ҳурмат қилиш мумкинми ахир? Отхонасини оқлаб-оҳаклаб кўйган бўлса-чи? Айникса, энг катта уй ўшанини бўлса, бу ҳам етмагандек, тепалик устига, бошқарувчининг кўргони рўпарасига куриб кўйилган бўлса-чи? Аммо ҳозир бошқарувчининг уйи ёндириб юборилган, шип-шийдам қилиб талаб кетилган, Лаванинг кошонаси эса шундок турибди. Четан ҳам шунчаки омонатгина қилиб эмас, асрларга етгулик қилиб тикланган. Уни ўзи четан дейиш ҳам нотўғри бўларди. Четанмас – девор, бир ярим одам бўйича келдиган мустаҳкам девор. Биз кўргонга кириб боришимиз билан учта баҳайбат ит хиркироқ овозда жонхолатда вовултаганича биз томонга отилди ва занжирларини таранг тортган кўйи бир катор тузилишиб олишди. Жуда жаҳлдор итлар, аяб ўтирадиган хилидан эмас: маҳаллий зотли бўрибосарлар, дашт қашкирларининг чатишмаси, жундор маҳлуклар. Мен Оллани пана килдим, тагин копиб олишмасин. Лава кўлидаги паншахасини ташлаб, биз томон пешвоз чиқди. Уни кўргач, ўзимча ўйладим: баракалла, ошна, менга айнан сен кераксан, сен билан гаплашиб олишим керак. У ёнимизга келди. Чорпахил, офтобда тобланган, чап оёғи оқсаган. Кўкраги қуёшда куйиб кип-кизарib, туклари қовжирақ кетган. Кўллари забардаст, оғир, бармоқлари қадоқдан шудгор бўлиб кетган. Ҳакиқий хўжайн...

Лава бошини сезилар-сезилмас силкитиб кўйди. Унинг ортидан келаётган уч нафар әркак шу захоти шартта тўхтади. Учови ҳам белдан юкорисигача яланғоч, дўнгпешана, Лаванини каби мовий кўзлари тешиб юборгудек тикилади.

Мен Оқсоқка икки оғиз гап айтдим – сал ўтмай унинг уйига кирдик. Ичкарида эса мен кутганчалик саришталик йўқ эди. Кечирасиз-у, бошдан-оёқ ашқол-дашқолга тўлиб кетган уйда қанака ҳам тартиб бўлсин? Агар бу мол-мулк ўзиники бўлганида юз марталаб тахлаб, аллақачон ҳаммасини жой-жойига териб кўйган бўларди, булар эса яқиндагина ортирилган – ҳали саралаб улгурмаган, сандик-кутиларга жойлаб олмаган. Ҳар турли матолар, идиш товоқлар, кумушдан ишланган қумсоат, кўп тугмали чолғу асбоби (уни нима қиласкин?) яна газламалар, яна бир уюм кўйлаклар, кийилмаган янги этиклар, яна идиш-товоқ, яна қумсоат (буниси энди олтиндан ишланган). Лава минғирлаган кўйи буларнинг таланган мол эмаслигини айтди. «Одамлар ўзлари олиб келишиди. Ошна, насияга мана шу

нарсаларни олмайсанми? – дейиши. Албатта оламан-да. Рұзғорда хамма нарса асқатади. Боз устига ҳозир күшнилар ҳам манави итлардан баттар кутуриб кетишиган. Насия мол ҳам худди омонатта үхшаган нарса. Агар башқарувчининг оиласидан бирортаси қайтиб келса, буларни згасига топшириш керак бўлади».

Лекин кўргонда бўлиб ўтган анави ишлардан кейин улар хали қайтиб келишадими, йўкми, бу ёлғиз Абадий Ҳукмдоргагина аен.

Худди эрлари каби бир хил қиёфадаги индамас учта аёл дастурхон тузагунича мен хўжайнинг суюклор белини укалаб, ўрнидан кўзгалган умуртқаларини жойига туширдим, Лава эса ҳикоясини бошлиди. Бошка пайт бўлганида-ку, ғарблик табиби тўлаш учун, ҳатто у бир бора кўз қирини ташлаб қўйиши учун ҳам Лаванинг бор-буни етмаган бўларди. Ҳозир эса Ирурах жанобларининг ўзи энни қоқиб туриди, тагин синглисини етаклаб олган... Хўп ғаройиб замонлар келдида: агар ироданғи темирдан бўлса ҳам, сўрок қила бошлашса, булбулдек сайраб юборасан. Бинобарин Лава ҳам инграй-инграй тилга кирди. Мингирилаб, ғўнғиллаб гапирса-да, ҳаммасини ипидан-игнасиғача айтиб берди. Такабағчиқда ҳозирга қадар бўлиб ўтган барча воқеаларни тафсилотлари билан сўзлаб берди:

«Э, табиб жаноблари, бизнинг томонлардан ташқаридағи аҳвол қандок бўлганини ким билади, дейсиз?

Хў-ў-п... эрта сахарда, бутун қишлоқ уйқудан турәтганида бир суворий от чоптириб келиб қолди. Кўринишидан дехконга үхшайди, лекин ёнида қиличи бор, Дашиблик эмаслиги ҳам кўриниб туриди. Арғувон Қирол ҳузуридан келганимиш. Қадимги эркин турмуш тиклананётганимиш. Бир кун аввал окшомда бошқарувчимиз ҳамма дехконларни тўплаб, қишлоқнинг барча аҳолиси ҳафтанинг олтинчи куни заминдорнинг даласида ишлаб беришларини буорганли, чунки ёмғирли кунлар яқинлашяпти-да...

Хў-ў-п... одамлар энди тўпланинг пайтда, анави бор-ку, ҳалиги, киролнинг чопари, ўша айтдики: энди ҳафтанинг олтинчи кунида ҳам, бешинчисида ҳам, ҳеч қачон хўжайнинг срида ишлаб беришга ҳожат йўқ, чунки энди зодагон зотининг ўзи ҳам бўлмайди, деди.

Хў-ў-ш, шундан кейин дехконлар бошқарувчининг кўргони томонга йўл олиб, уйининг қаршисида тўпланишиди. Бошқарувчи эса ҳеч ташқарига чиқа колмайди-да, занғар. Бир пайт Вакка қалтироқ дегани наъра тортиб колса бўладими! Бунакасини ҳеч ким кутмаганди, табиб жаноблари! – даблурустдан ҳайқириб қолса-я. Илгарилари «тиқ» этиб оғиз очмасди, ҳатто уйланмоқчи бўлиб турган кизини хўжайн чўрилилка олиб қўйганида ҳам индамаган, ўшанда ахмок киз ўзини сувга ташлаб, чўкиб ўлганди.

Хўй-ў-п... хуллас, жим юра-юра бирдан бўкириб колди-да: кирол учун, кирол учун! – деб, ўзини эшикка қараб урди-ю! Уйнинг ичидан эса бир ўқ учиб чиқди, камоннинг калтагина ўқи. Ўқ тўғри Вакка калтирокнинг кўксига келиб тегди. Вакканинг ўзига санчилса ҳам гўрга эди, уни тешиб ўтиб, Гу бобони ҳам яралади. Бобо жуда ҳам кекса, уни бутун музофот хурмат қиласди. Ана шунака... шу сабаб бўлди-ю, бутун ҳалойик остона томон бостириб борли, у ёқдан яна ўқлар учиб чиқа бошлади, яна ва яна... ана шунда дехконлар кутириб кетишиди, кейин ошхонанинг ҳаррак ортидаги эшигини бузиб киришиди, жаноб бошқарувчини дастаки сўқа билан чопиб ташлашиди. Унинг хузуридаги роҳиб отани ҳам, тағин бир балони бошламасин деб, худди ўша сўқа билан жўжахўроздек бурдалаб кўя колишди. Ваҳоланки, унда ҳеч кимнинг хусумати йўқ эди. Буёқда эса хотинлар айюханнос солиб ётишибди... Ана шундан кейин бошланди-ю...»

Лава хикиллади, қизлари эса (ё келинларимикан?) у ёқдан-бу ёкка зир югуришади. Дастурхондан хушбўй ис тараляпти. Оллани чўмилтириб, топ-тоза кўйлак кийдириб кўйишибди. У ҳарракнинг бир чеккасида ёёқларини осилтириб ўтирибди. Мен эса ўй-фикрларим билан бандман. Қойил. Жуда ажабтовур. Исён-ку ўз йўлига, аммо энди кибер нима бўлади? Лава у ҳақда ҳеч нарса эшитмабди ҳам, у нолишда давом этиш билан овора:

«Ортиқча гапларга менинг вактим борми, камина қора ҳалқдан нарирок юраман, одамлар жуда ҳасадгўй, гайир бўлиб кетишиган, ўзлари ишлашни хоҳлашмайди, шунинг учун бошқарувчини кўргани кўзлари йўқ. Агар акл билан иш юритсанг, хўжайнин бошингни ҳам силайди, ҳосил солиғидан ҳам озод килиши мумкин. Агар бошқарувчи жаноблари келиб қолса, унинг мол-мулкини сақлаб қўйганман, ана, олаверсин. Агар ҳеч қайсиси қайтиб келмаса – янаям яхши, учта ўғлим девдек бўлиб етилган, бу молга тажовуз килишга уринган босқинчи текинхўрларни келган жойига даф килиб юборишиади. Яна иккитаси эса – Укка билан Лиип – дехконлар сафарга йўл олиши биланоқ, ўшалар билан кетворишиди, яъни киролнинг хизматига... Қайси кирол дейсизми? Вой-бў, табиб жаноблари, сиз жудаям олисдан келгансиз шекилли. Агар бошка кирол бўлганида мен ўғилларимни икки дунёда ҳам жўнатмаган бўлардим. Буниси балки одамлар айтганича бордир. У ҳолда ишларимиз юришиб кетади...»

– Қанака кирол ўзи у? – сўрадим мен, унинг жавобидан эса юрагим сикилиб, уришдан тўхташига бир баҳа колишини ҳали билмасдим.

– Алвон Чакмонли кирол-да, қайси бўларди...

Шуни айтди-ю, оғриқдан каттиқ кичкириб юборди. Етти йиллик амалиётим давомида илк марта бармоғим умуртқа устидан сирнаниб чикиб кетди.

### **ХУЖЖАТ – III. ТҖБ АРХИВИ (күчирма нусха).**

Иккинчидан – Табиба.

Расмий хабар.

Сизга маълум қиласман: сўровингиз таҳлил қилинди.

Умумий эҳтимоллик: 0,0000001

Аник эҳтимоллик: 0,9999

Иловага қаралсин.

Фаол харакатга киришишни буюраман.

Ваколатингиз чекланмаган.

*Илова.*

### **ТИЗИМЛИ ДАСТУРЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИННИГ ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ**

«КЎЧМА ХАБАРЧИ» (Алвон Сувотли кибер) тизимиning дастурий таъминотини (ДТ) ишлаб чиқища қуидаги асосий омиллар ҳисобга олинмаган:

А. Алоқа масофаси ҳамда вазн ва ўлчамларнинг чекланганлиги, каналнинг узатувчанлик қобилияти ахборотнинг бутун ҳажми узатилишига имкон бермайди ҳамда бир қадар муҳим маълумотларни ажратиб жўнатишни тақозо этади.

Б. Хабарчининг кўчувчанлик хусусияти бир қадар ижтимоий фаол ҳудудлардан маълумот олишига имкон беради, бу ҳолат эса шу каби ҳудудларни максадга йўналтирилган асосда излашни тараб этади. Шу боис ДТга ижтимоий таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар андоза ўкув маълумотлари ҳажмида киритилган ва таҳлил натижалари негизида ушбу маълумотларни тўлдириб бориши кўзда тутилган.

«Алвон суворий» лойиҳаси учун маҳаллий ахоли билан тасодифий алоқага киришиш имконияти ҳам ҳисобга олинган. Юкорида («Б»-банд) кўрсатиб ўтилганидек, хабарчининг юкори даражадаги ижтимоий фаоллик ҳудудига йўналтирилганлигини назарда тутган холда, вазият бундай алоқалардан химоялаш учун ДТ га қўшимча воситаларни киритишни тақозо этган. «Хабарчи – атроф муҳит» тизимиning мураккаблиги муносабати билан барча мулокот (алоқа) вазиятлари ни олдиндан ҳисобга олиб қўйиш мутлақо мумкин эмас. Шу сабабли алоқадан муҳофазалаш воситалари ягона «ЗШКОНТ» ёрдамчи дастури шаклида ўрнатилган. Унга тегишли барча мурожаат турлари вазиятларни таҳлил этиш ва харакат муқобиларини танлаш тизимиning

барча модулларига киритилган. Айнан шу ёрдамчи дастурга бирор бир ҳаракат билан маҳшалий аҳолига зарап етказишидан ҳимоялаш (саклаш) воситалари ҳам жойланган (ҳаракатсизлик оқибатида зарап етказишидан муҳофазалаш ва алоқани тақиқлаш мутлако ўринсиз ҳисобланади ва ДТ га ўрнатилмаган).

Хабарчининг ижрочи томонидан қайд этиб ўтилган ҳатти-ҳаракатлари (амаллари) фақатгина «ЗШКОНТ»нинг ишдан чиқиши оқибатида рўй бериши мумкин. Аммо ДТ нинг назорат нусхаси қайта синовдан ўтказилганида ижроидан олинган маълумотлар бўйича хато аникланмади. Ускуна бузилиб қолган деб тахмин қилишга асос бор.

«ЗШКОНТ»нинг машина хос раками даражасидаги таҳлили ҳимоянинг бузилиши бўйича ўтиш буйргуни манзиллаштириш тартиби майдонига эга бўлган ОС75А2А8В3 байтинг ноль ҳолатига келиб қолиши бузилишнинг эҳтимолга якинрок сабаби деб тахмин қилиш имконини беради (Доимий хотира қурилмаси – ДХҚ нинг 12-кристалли). Бундай ноль ҳолатига келиб қолиш (хотира – маълумотнинг ўчиб кетиши электр ҳимоя тизими ишдан чиқкан ҳолатда айни мазкур буйрукдан фойдаланиши пайтида хабарчига учкун (яшин, чақмок) тегиши туфайли юз берган бўлиши мумкин. Эҳтимол, электр ҳимоянинг ишдан чиқиши бирламчи хатардан огохлантириш хабарлагични ишга тушириб юборгандир. Мазкур вазиятда ДХҚ ни учламчи захирага ўтказишдан ҳам фойда йўқ. Чунки бу мажмуалар муштарак ишлайди ва барча жамланмаларда, айнан бир хил байт бузилиши рўй беради.

Ушбу байтнинг ноль ҳолатида ДТ ни ишлатиб кўришда шу ҳолат аникландики, бундай вазиятда ижтимоий таҳлил воситалари хабарчинг ижтимоий паст табақалар тарафида туриб фаол ҳаракат қилиши тизимини ишга тушириб юборади. Текширув натижаларининг ижроидан олинган маълумотларга мувоғик келиши шуни англатадики, ҳалокатнинг сабаби ниҳоятда юқори даражадаги аниқликда (даврийликда 9 дан 9) топилган деб ҳисоблаш мумкин.

## ХУЛОСА

1. «Кўчма хабарчи» ДТга кўшимча ишлов беришда кўнгилсиз хулк-авторга тўсик кўйип қурилмасини яна кўшимча равишда ўрнатиб, мунигзам назорат қилиб бориш лозим. Зарурий маълумот ва кувват захиралари хотира бўлмачасида мавжуд.

2. 1-баннда қайд этилган омилга кура, «ЗШКОНТ» ҳимоясининг ёрдамчи дастурда бирлаштирилиши ва «хабарчи»нинг ўз ҳатти-

харакатлари билан заар өтказиши амаллари бир-бирига мувофик келмайди.

3. Мазкур бирлаштирув «ЗШКОНТ» ишдан чикқан тақдирда таъмирлаш пайтида ижроига тажовуз қилиш хавфини юзага келтиради. Шу боис объектни хатар хос рақами билан масофадан туриб ўчириб кўйиш ёки (агар хатардан хабарловчи хос рақамга ишлов бериш модули ҳам ишдан чикқан бўлса) кучли электр магнит тўлқинини йўллаган ҳолда хабарчининг бошкарув (сунъий акл) курилмасини ишдан чиқариш тавсия этилади, электр ҳимоянинг бузилганлиги бунга имкон беради.

Маълумотномани катта эксперт А. Ван Массер тайёрлади.

*Норасмий маълумотлар (шахсий хабарлар)*: мавжуд эмас.

\* \* \*

Мен ҳар ҳолда бекорга тер тўқмадим: Лава энди «Оқсоқ» эмас. У ўзининг соғлом оёкларида менинг иш ҳаким атрофида иргишиламоқда – ёллари калта киркилган чогрок бир от билан накшинкор арава муолажаларимнинг мукофоти бўлди. Лава отнинг эгар-жабдувларини тортиб, ёғоч бўйинчасини тўғрилаб кўйди. Бир халта озиқ-овқат – кўшумча ҳак эса аллақачон аравага – ўриндикнинг остига жойлаб кўйилган, митти Олла ҳам ўриндикка кулагина ўрнашиб олган.

Лаванинг соқоли киртишланмаган башарасида жиндек саросимами, хижолатми сезилиб турибди. Камина унинг аҳволини жуда яхши тушуниб турибман: дан-Гоҳҳо жанобларининг муолажа қилганлари учун ҳақ тўланди деса ҳам бўлади, демаса ҳам. Чунки Лава даволаш ҳакини ўз молидан эмас, балки бегона молдан, энг баттари эса – талон молидан тўлаб юборди.

Абадият Соҳиби ўзи асрасин-у, лекин бунинг оқибати хайрсиз бўлиши ҳам аник... Унинг миясида биргина фикр чарх ураётганинини кўриб турарди: яна қўшсаммикан ё йўқми? Лекин мен унинг иккила-ниши охирига етишини кутиб ўтирмокчи эмасман, боз устига, келишилган ҳакимни тўлалигича олиб бўлдим. Мен аравага ўтириб, тизгинни қўлимга олдим. Шундагина Лава бир карорга келди ва ҳеч ким эшитмаслиги учун қулогимга аста шивирлади, ҳатто ўзим ҳам базўр эшитдим:

– Табиб жаноблари... Сиз анави... ҳалигиндақа... Тушунаман, бу қиз ростдан ҳам синглингиз; лекин уни ўзингиз билан олиб юрганингиз маъкул...

У тезгина мендан узоклашли ва мен унинг нигоҳидан энди бир-биrimiziga қарздор эмаслигимизни англадим.

Қадим-қадимларда, Күхна Қиролликлар даврида, Мовий Тизмалар ёнбағирларида, ўрмон билан даштнинг ўртасида чегара тўсиги бунёд килинганди. Йўсин босган тошлардан курилган минорача-ю, бешолтита темир совутли аскарлар. Кимсасиз, хувиллаган жойлар. Бу ерларга шунинг ўзи кифоя. Кўргончани эса ўйлаб ҳам ўтирасдан, Баэл деб номлаб қўя колишган. Кундуз окимиини ўзига қўшиб олган, лекин иш якин орадан окиб ўтувчи, унча кенг бўлмаган кумуш жилвали дарё қадимдан шундай атаб келинганди.

Бу ўлканинг на душманлари бор, на ўлпончилари. Бекорчиликдан зерикиш, ёнарсувхўрлик, муштлашув билан якун топациган жанжаллар ва гоҳ-гоҳ шу ёклардан адамиш ўтиб қоладиган карвончалардан олина-диган божлар. Кўхна Қиролларга кирон келгач, жанубдан ёввойи тажо-вузкор кабилалар босиб келишини бошиади. Улар қадимий шаҳарларни вайрон қилиб келдилар, айнаш шу сабаб билан бу музофот жонланиб кетди. Чупки бу жойлар бир қадар бехатаррок эди: шарқ томондан тепаликларга томон чўзилиб келган даштда зоғ ҳам яшамайди; шимолдан ва гарб томондан кўшни ўлкалар бу тупрокни ёвдан тўсиб колади, жанубни қоплаб ётган қалип ўрмонлар эса паст бўйли, кутурган жануб отларининг ўтишига йўл қўймайди.

«Баликка тублик керак, одамга тинчлик», леган накл бежиз айтилган эмас. Кочкинлар, уларнинг ортидан бошка кочоклар – ким якка ўзи, ким оиласи билан кўчиб келавериб-келавериб, ёгоч кулбаларда бирин-кетин митти чақалоклар дунёга кела бошлади, мўриларда тутун кўриниб, янги хайдалган тупрок иси димокларни китиклай бошлади. Тепаликлар ҳам одамлар билан обод бўла борди. Эгасиз ср бўлиши мумкин эмаслиги боис, тезда бу срларнинг хожаси ҳам топила қолди. У Кундуз окими соҳилларига бир таниши биланми, ошинасими ё куролбардори биланми санғиб келиб қолганди. Лодри исемли бу йигит асли оддий фукаролардан чиккан эди.

Ҳукмдор учун мардларча уришган шекилли, оддий совутли аскардан зодагон жаноб даражасигача кўтарилишнинг улдасидан чика олган экан.

Мана, икки юз йилдирки, Лодрин дан Баэл ўз дўстининг елкасидан кучганича каср ҳовлисининг ўртасида магрур қад кериб турибди. Агар мана шу тошдан йўнилган хайкалга дафъатан жон битиб колса борми, ўзининг меросидан эвара-чеваралари канчалик расамали билан фойдаланганларини кўриб, хайратдан ёка ушлаган бўларди. Ҳозир ўша кичкина минорача ўрнида бутун теварак атрофии ҳошиялаб олган йўсин босган яшил девор энг тепасига териб чикилган типисимон тошлари билан тўрт томонга ваҳшат солиб турибди. Улкан сокчилик минораси

баланд-баландларга бүй чўзиб турибди. Унинг саккиз киррали томига ўрнатилган узун найзасимон устунда дан-Баэл наслининг рамзи – узун тишили аждар тасвири туширилган байрок ҳилириайди.

Лодриннинг авлодлари омадли чикиб колишли, шон-шарафларга бурканиб юришибди. Бу икки аср ичиди нима воқеалар юз бермали, дейсиз! Дан-Баэллар тождорларнинг суюкли аъёнлари бўлиб ҳам юринди, баъзан хукмдорнинг қаҳрига учраб, токи подшохнинг кўнгли юмшаб ёки унинг ворислари афв этмагунига қадар Мовий Тизматоғ во-дийсида яшириниб ётишга ҳам мажбур бўлишди. Бошларидан айрилган вактлари ҳам бўлди, албатта: кўпинча жант-жадалларда, баъзан эса жаллод кунласи остида. Кўрмаган яхши-ёмон кунлари қолмади. Лекин Баэл дарвозалари душман учун ҳали бирор марта очилган эмасди. Кўшнилар ҳам, ошналар ҳам, ора-чора даҳшатли кўзғолон кўтариб турувчи кароллар ҳам, ҳаттохи хукмдорнинг ўзи ҳам Баэл қопкасини бузиб, ичкари киролмаган. Бу дарвоза ичиди эса ўн йил ҳам, йигирма йил ҳам камалаб ётса бўлади: деворлари мустаҳкам, кудуклари серсув, ертулаларга захира озука сигмай кетган. Аскарлари ҳам бир-биридан келбатли, жасур ва мохир.

Исён ҳакидаги энг биринчи, узук-юлук ҳабарлар Баэлга етиб келган пайтда ёш соҳиб истехзо билан кулиб кўя колди. «Яна авомнинг кўли кичибди-да? Йўқсиллар ўтмишини унугибди чоги? Майли ўзларидан кўришсинг. Хўп, беш-ўнта бошқарувчиларнинг калласини узишади, бешолтита кўргоннинг ҳам кулини кўкка совуришар. Хўш, кейин-чи? Кейин бошкентдан кўшин етиб келади. Бучувриндиларнинг адабини бериб кўйиш учун унинг ўз кулрати ҳам етарли, аммо ортиқча аскарларини курбон килишининг нима кераги бор? Музофотнинг химояси борасида хукмдорнинг ўзи бошини котирсин. Уни шунинг учун сайлаб кўйиштан!»

Озгина вакт ўтиб, дан-Баэлда саросималик бошланди: қасрга одамлар бетўхтов окиб кела бошлишди, сон-саноқсиз одамлар. Кўшнилар, кариndoшлар, тобелар – кимлардир бутун оиласи билан, кимлардир кип-ялангоч, хароб холда эдилар. Уларнинг айтганлари даҳшатга тўла. Исёнчи ёввойиларнинг ваҳшийликларидан ваҳимага тушмасликнинг иложи йўқ эди. Лекин энг кўркинчлиси, бу сафар поданинг етакчиси бор. У ким бўлдийкин? Ким экан? Миш-мишлардан бошинг айланади, одамлар ўз кўзлари билан кўрган нарсага ишонгинг келмайди, бу худди телбаликка ўхшайди. Ҳаммалари худди олдиндан келишиб олгандек, бир хил нарсани такрорлашади. Эски эртаклардан олинган бу воқеаларни айни ҳакикат деб, ҳатто қасам ичяптилар. Уларнинг истило этилиб, кули кўкка совурилган қасрлари ҳам кўп нарсадан далолат бермоқда эди. Барчаси мустаҳкамликда ва муҳофазада Баэлдан колишмайдиган қалъалар эди...

«Баэлнинг ҳозирги сохиби ёш эди ва хали қаролларнинг нафратига учраб улгурмаганди. Унинг ўзига-ку, ҳеч кимнинг хусумати йўқ. Аммо унинг отасидан, бобосидан зулм кўрганларнинг каҳр-ғазаби энди ўзига қарагилгани учун хам унинг боши устида ажал чарх уриб турибди. Зеро, унинг отаси хам, бобоси хам қачонлардир «ёш жаноб» бўлганлар. Улар хам аввалига унчалик ёмон бўлишмаган. Кейин эса қутурган ҳайвондан баттар вахшийлашиб кетишган. Ӯшаларнинг боласи яхши хўжайин бўлади, деб ким калофат бсрса олади? – модомики шундай экан, ёвуз бо-бонинг набирасига раҳм-шафқат килишга бало борми?»

Раҳм-шафқатга ҳожат йўқ! Тушдан кейин, ёзга хос бўлмаган ру-тубатли кунда гуриллаб ёнаётган Баэлнинг орка ҳовлисида кўлида килич тутиб турган Тоббонинг хаёлига шу катъий фикр келди. У пана жойда, камалдагиларнинг баҳтига қарши ўларок бевакт кулаган ички панжара ағдарилиб ётган жой яқинида; хириллаб-ариллаётган баэллик ва бошқа келгинди қароллар тўдаланиб турган ерда, бир пайтлар башанг бўлиб, кейинчалик тўзиб кетган увада кийиб олган даштилик босқинчилар, яшил камзулли озод ўқчилар ёнида жимгина турарди. Торгина дераза ойналарига урилиб қайтган ёғду оломон устида шульланётган куёш нурига сингиб кетади; бу ёғду додлаётган, тер босган, вахшийлашган башараларни ёритади; атрофда бўғик хириллашлар эшитилади, ора-сира сўқинишлар, инграшлар, ғазабли ҳайқириклар янграйди. Энг ҳайратланарлиси – қилич-калкон жаранги деярли эшитилмасди. Бу жарангнинг танқислиги боиси – қилич уриштиришга қодир жангариларнинг ҳаммаси кирилиб биттан. Оломоннинг кулранг тўлкини Баэлни камраб олган; бунинг қандай юз берганини эса ҳеч ким тасаввурига хам сиғдира олмасди. Кейинчалик хам бунинг сабабини била олишмай ва Баэлнинг таназзулини жодугарликка йўйиб кўя колишади. Аслида эса ҳеч қандай сеҳр-афсуннинг ўзи йўқ эди. Шунчаки кулранг бир уммонга айланган жулдурлар тўдаси сон-саноқсиз оломон бўлиб истило килиши.

Бу сафар улар «хар ким ўзи учун» кабилида иш кўраётганлари йўқ эди. Бу исён илгарисига ўхшамасди. Улар гўёки яхлит бир кояга айланганди. Буюк қаҳр-ғазабми, иблиснамо ўйлбошчисига бўлган ишонми, хуллас, нимадир уларни рухлантириб турарди. Улар хандакларни кечиб ўтдилар, нарвонлардан кўтарилиб, арконларга тирмашниб, бир-бирларининг елкаларига мингашиб, девор тепасига чиқа бошладилар, ҳатто устларидан эритиб куйилаётган мумдан хам ўзларини олиб қочмадилар. Юқорига чиқиб олгач эса, темир совутлиларни пастга иргитишади, оёқ остида тоғтаб, эзиз ташлашади. Тез орада қасрда бирорта ҳам тирик ҳимоячи қолмади. Фақат биттаси, энг охиргиси ҳозирча

ўлмай қолганди. Мана у, Лодрин дан-Баэл, деворга қапишганича тош котиб турибли. Ким учундир у Лодрин Иккинчи, кимгадир Кичик Лодрин, аммо қароллар учун у кечагина «ёш сохиб» эди. Дан-Баэлларнинг энг сўнгиси олдинга салгина энгашганича турибди, узун кўнжли этик кийган, елкасига кўк матодан ёпинчик ташланган; қомати келишган, хушрўй йигит, ҳатто юзидағи конталаш оғир жароҳат излари ҳам унинг хуснини буза олмабди.

Ёввойиларча бўкираётган беҳисоб оломон уни ярим доира шаклида ўраб олган. Дан-Баэл энди ҳеч қаёққа кочиб кутула олмайди. Ҳозирча жони узилмаган бўлса-да, исёнчилар учун энди у – мурда; яна қанча умри колди? – буни сониялар ҳал этади. Кутулиб колинига умид йўқ. У йўлакларда аскарлари жанг килаётган пайтда гойиб бўлиб колиши ҳам мумкин эди, лекин бу ишни килмади. Ҳозир у шу туришида ҳам, соняма-сония вактдан ютишига уринмокда. Унинг ортида ер ости йўлагига олиб борувчи торгина эшикча бор. Бу маҳфий йўл Кундуз Оқимига – хаёт сари олиб борувчи сўнгти, ягона хилкат. Ӯша томонга, рутубатли зулмат йўлагига онаси, синглиси, олийнасаб хонимлар якиндагина йўл олишди. Улар барчалари ўз хаётларини, ор-номусларини ёш Лодринга ишониб топширдилар. Демак, кочкинлар хавфдан узокроқ кетишлари учун қанча вакт керак бўлса, у шунча муллат муҳофазада туради.

Лекин дан-Баэл уларнинг келгуси кисматини билмайди, энди ҳеч қачон билолмайди ҳам: аёллар – онаси, синглиси, бошқалар ҳам узокка кочиб кетолмайдилар. Уларни йўлакдан чикишда ушилаб олишади, сўнгра уларнинг бошига барча азоб-укубат, хўрлик ва зўрликларни соладилар. У якинларини нима балолардан асраромокчи бўлса, ўша балоларнинг барчасига рўпара бўлишади... Яхши ҳам ёш сохиб бу кўргиликлар ҳакида ҳеч қачон билолмайди. Яхши ҳам билолмайди. Йўқса, ўз кадрдонларини, оила аъзоларини ўз қўли билан аввалпроқ ўлдириб кўя қолмагани учун ҳозир ўзини лаънатлаётган бўларди.

Мана тамом... Ҳаммаси тамом... Оломоннинг кувончли ҳайкириклиари, унга томон якинлашиб келаётганларнинг ғазабли нигоҳлари, ўзини тобора ҳолдан тойдираётган оғир жароҳати унинг санокли онлари колганидан далолат бермокда эди.

Лодрин киска ва кескин зарбалар билан найза ҳамда паншахаларнинг ҳамласини кайтариб турибли. Ҳужумга ўтиш учун эса унда кувват қолмаган. Уни аллақачон битта камон ўқи билан саранжомлаб кўйган бўлишарди-ю, аммо ёй тортиш учун оломоннинг зичлиги йўл бермасди. Ундан ташкари, бу ҳайвонларнинг ҳар бири «ёш сохиб»ни ўз қўли билан сўйиш лаззатини интишиб кутмоқда. Улар бир-бирларини босб-яншиб Лодрин томон келаверадилар. Мана, бўкираётгандардан бирга кулади-ю, бошқалари уни ерипарчин килганларича унинг ўрнини этал-

ладилар. Олдинда турганлардан бири ёш сохибга таниш кўринди, аммо унинг кимлигини эслашга энди фурсат қолмаганди. Бу юзнинг эгаси албатта қарол эди. Буни юз ҳам деб бўлмасди – йирткич ҳайвоннинг ёвуз иршайган башараси.

Биринчи ҳамлани Лодрин дан-Баэл қийинчиликсиз даф этди. Ҳавфни унинг қўли кўзидан олдинрок пайкади. Унинг вужудида окиб турган етти авлод жангчилар кони асар килди шекилли... Қаролнинг калта қиличи унинг ёнгинасидан ўтиб кетди, аммо карши ҳужумга ўтишга имкон бермади. Ҳайвоннинг аниқ ва катъий зарбаларидан Лодрин тушундики, бу – энг сўнгги ракиб, у қилич ишлатишни билади, сохиб тўранинг кучдан колгани ҳам унинг учун тайёр ғалаба дегани. «Бу қарол ким бўлди экан-а? Даشتликларданмикан? Ёки ўрмон камончилариданми? Балки подачидир? Ким бўлса ҳам олишишда чакки эмас экан. Э, бўлганича бўлар!»

Қиличлар яна тўқнашиди. Тоббо таажжубда эди: кўзголон кўтаришнинг қийин жойи йўқ экан-ку?! У биринчилар қатори деворга тирмашиб чиқди; атрофида одамлар додлайди, кимлардир пастга куламоқда, эриб турган мум шовиллаб тўклилади; у эса мурдалар устидан, кон устидан югуриб, олға интилади. Йиқилади, туради, оёқлари, тиззалари булғаниб кетган; кимгадир қиличини ботирали, кимнидир чопиб ташлайди. Кейин эса оломон уни шу ерга суриб келди ва у энди ғалати ишнинг гувоҳи бўлиб турибди – ёш сохиб худди бурчакка тақаб қўйилган жирканч қаламушлек деворга қапишиб турибди. Бу ўспирин граф ўғли, ҳатто юзидаги контатап жароҳати билан ҳам хушрўй кўринади, аммо иршайган оғзи уни омборда изгиб, паншаха тишидан кочиб юрган калдум қаламушга ўхшатиб қўйганди.

Лекин дан-Баэлнинг кўзларида газаб ва даҳшатдан ташкари, ҳайрат ифодаси ҳам бор эди: Тоббо ўзи ва шериклари ҳам Лодриннинг кўзига айнан қаламуш бўлиб кўринаётгандарини билса, ҳайронликдан ёка ушлаган бўларди.

Тоббо қилич солди – даштда от ўғриларини кувган пайтларда пастга қаратиб, серпаб, шундай қилич ураг берди, тўқнашувдан сакраб кетган қиличини базур тутиб колди, ўнг томонидаги шеригининг хириллаб олдинга ташланганини кўз кири билан пайқаб колди. Аммо ёш сохибнинг шиддатли зарбаси уни эсанкиратиб, қилич тифи ўмров суюгини кирсиллатиб кирқди. Тоббо беихтиёр ўзини оркага ташлади – графнинг қиличи у томон учиб келарди, гушунарли, энди ундан четланишнинг имкони йўқ. Граф Лодриннинг юзида зафар тантанасининг ифодаси кўринди. Унинг қиличи янада тезрок ва шиддатлироқ якинлашиб келмоқда. Тоббо ўзини четта олди, лекин ҳар қалай, темир тиг унинг елкасини тилиб, кўзига шўртанг конни сепиб ўтди.

Айни шу пайт хаммаёк тинчиб қолди. Оломон ярим доирани ўртасидан очиб, гандирақлаб турган Тоббони ҳам ўзи билан чеккага олиб чикиб кетди. Очилиб қолган йўлакдан эса отликлар тўдаси шошмасдан кириб кела бошлади.

Дан-Баэл уларни элас-элас кўрарди, шўртанг тер унинг кўзини ачиштиради, икки қадам наридаги манзаралар чаплашиб, ҳеч бир нарсани аникрок кўролмайди. Аммо кўзини куйдираётган кон ва тер пардаси ортидан ҳам у олдинда келаётган суворийни бошқалардан ажратса олди – улкан коп-кора от устида харакатсиз алвоңранг гавда оловланиб кўринади. Тож кийдирилган ёпик дубулға юзини беркитиб турибди; тор, деярли сезиларсиз тиркиш ортидан унинг кўзлари ҳам кўринмайди. Оловранг бир кеча лаҳза тепадан туриб ёш ғрафга тикилиб қолди, кейин зирхли кўлкона кийилган кўлини аста-секинлик билан юкори кўтарди, кўлконадан ҳам оловранг шуъла таралиб турарди. Шу пайт оломон бўтиқ овозда «оҳ»лаб юборди. Шу онда чап қанотдаги отликларнинг бошлиғи Даشتлик Вудри, кўз илғамас бир чакқошлиқ билан салгина энгашди-ю, тор тиғли пичоқ визиллаб хавони кесганича, граф Лодриннинг бўйнига чукур кириб борди. Суякнинг кирсиллаб киркилган товуши эштилди. Дан-Баэл хириллаб, олдинга эгилди, оёғи букилиб, боши чап томонга оғди, танаси ўнг томонга кулагай бошлади. Граф сўнгги кучини сарфлаб, пичокни томоғидан суғуриб олди ва темир тиг бўғик даранілаб, оёғи остидаги тош тўшамага тушди. Киркилган бўйни томирларидан фаввора бўлиб отилган кон биринчи каторда турганлар устига тизиллаб сачради. Граф Лодрин йикилди. Унинг ортида ертўлага олиб борувчи яширин эшик кўринди. Кўпол чарм бошмок кийган оёклар ушинг танаси устидан босиб-топтаб ичкарига интилди.

## 5

Кирк минг кишилиқ кароллар қўшини Шаркий Бошкент деворлари атрофида жамланди. Чекка бўлишмаларда отликларнинг дубулғалари ва кўкрак қалконлари хира ялтирайди – суворийлар уларни касрлардаги куролхоналарни талаётган вақтларида тониб олишган. Баъзали-баъзан киркилган қалқонлар сиртида рамзий нишонлар кўриниб қолади: исён тўлкини ўзи билан канишоқлашган зодагон тўраларни ҳам суриб келганди – бунакаларга қаролларнинг хусуматлари ийўк.

Лашкар сафлари бўйлаб: кулранг, кўнгир, унинкан, кондан олачалпок бўлиб кетган кўйлак, камзул, ёқақалпок ва чакмонларнинг тепасида узун дастали қадимий түғлар хилпирайди. Уларда барча йўксилларнинг ҳомийлари бўлмиш Тўрт Нуроний, хўрланганларнинг

химоячиси Кекса Трумп, Кўхна Қиролларнинг рамзи – олтин бошок тасвири акс этган.

Девордан то уфқда кўзга ташланиб турган сийрак ўрмонга қадар узун-калта найзалар, паншахалар, бирор номга эга бўлмаган, лекин ўлдиришга колир турли кўлбола қуроллар тўлқинланиб турибди. Истило нарвонлари хужумга тайёр, эритилган мум тутуни осмонга ўрлаб, кишини ваҳимага солади. Ёнувчан аралашма қайнаб, атрофга сачрайди, ичида мой ёниб турган сопол кўзаларни териш учун аслаҳасозлар манжаникларнинг косаларини олиб келишиди. У ер-бу срларда эса ўнликларга бўлинган ўрмон биродарлари жангга шайланиб турибдилар: улар олдинги мэрралагиларни химоялаб туришади. Уларнинг кўлларида ёйига ўқ кистирилган камонилар тайёр турибди. Буйрук бўлиши биланоқ, ҳаммалари баравар ўқ узишади. Лашкар олдида эса сайдикланган бука шохидан ишланган мугузсурнайларини музлаган кўллари билан маҳкам чангллаганча карнайчилар тош қотиб туришибди. Карнайлар бўкириб, хужум хабарини бериши учун бир лаҳза кифоя киласди.

Лашкардан салгина олдинроқда, шундоккина шаҳар дарвозаси рўпарасида, энг яхши отликлар куршовида тўдабошилар ғуж бўлиб туришибди. Йўқ! – энди уларни тўдабоши деб атамай қўйишган. Улар энди – кўмандонлар. Суворийлар худди она асаларини ўраб турган асаларилар каби Алвон Қиролнинг атрофида доира бўлиб олишган. Ҳукмдор эса ҳар доимгидек хотиржам, ёпиқ дубулға остида унинг юз ифодаси кўринмайди. У сукутда. У сўз айтмайди! Унинг овозини ҳали ҳеч ким эшитган эмас. Ҳечкиси йўқ: у келди ва йўлбошлчилик килди, унинг жасорати ила авом кўзгалди, унинг заковати қора ҳалкни бирлаштириди, у ўзи билан галаба муваффақиятини олиб келди. Модомики у жим экан, демак, кўмандонларнинг салоҳиятига ишонади. Улар эса, ўз қиролларининг ишончини оклашади.

Шароит тақозоси билан Тенглар Кенгашида доимо Даشتлик Вудри етакчилик киласди.

Унинг сўзлари аниқ ва равшан, фикрлари оқилона, унинг бўлинмаси ҳам энг катта таркиб хисобланади, охирги пайтларда эса бутун отлик кўшин унинг ихтиёрига ўтиб колди. Алвон Қирол бошқаларнинг фикрига қараганда, кўпроқ унинг сўзларини маъқуллаб бош иргайди. Вудри ана шунака одам; Алвон Қиролнинг бош лашкар бошиси олтицдан ишланган зирҳ совут кийганди, кўнжи бутун оёғини ёпиб турувчи этик, кимматбаҳо, товланиб турувчи матодан тикилган узун чакмон.

Шамол унинг суворийча дубулласининг пат жигасини ўйнайди, чакмонининг этагини тортиклиайди, қалин матони камалакнинг етти

рангида товланишга мажбурлайди. Вудрининг юз ифодаси хотиржам ва ҳукмфармо; дўрдок лаблари каттиқ кисилган, у гўё бошқа қўмондонларни пайкамайди ҳам. Баъзан кирол томонга енгилгина ўғирилиб, эхтиром билан таъзим килади, Алвон Қирол эса ё бош иргаб қўяди ёки сукут саклади – бу ҳам илтифот белгиси.

Дашт ҳўжайнинг яқинроқ ерда мовий ранг қалта чакмон кийган, боенлар отхоналарининг тамғаси босилган кимматбаҳо отлар устида бир нечта чавандоз буйруқ кутиб турибди. Булар – Вудрининг шахсий муҳофизлари. Бунака учкур гулпорларни улар минмай ким минсин? Боз устига зодагонлар энди ўз мол-мулкларини ҳеч қачон талаб килиб ололмайдилар...

Катта Минорадаги «Абадият Соҳиби»нинг биринж ҳайкали болға билан мис қалқонга зарб бериб, яна Минора ичига аста кириб кўздан ғойиб бўлгач, узок давом этган бонг жаранги далалар узра тарашиб, оғир ҳавога сингиб кетди. Шундан сўнг, кирол худди қонга ботириб олингандек, кип-кизил қўлини юқори кўтарди; Вудри бу ҳаракатни тақрорлади; қўмондонлар жанг майдони бўйлаб таркалиб кетишиди, туғлар тагидаги ўз жойларини эгалладилар – биринчи қаторларда енгил ҳаракат бошланди, аскарлар киличларини кинидан сұғурдилар. Сал нарида нарвонлар силкиниб, девор томон оғди, кўнгилга вахима соладиган даражада даранглаб, манжаникларнинг ўрама симлари сикилди, чўмичсимон палахмонлар оғир тараклаб, отиш ўйифига тушди. Карнайчилар ўз қўмондонларига тикилган кўйи, мугузсурнайларини кучлирок бўкиртириш учун ўпкаларига кўпроқ ҳаво йигишга киришдилар...

Айни шу лаҳзада шаҳар дарвозаларининг оғир панжараси гичирлаб, темир парчинларда маҳкамланган вазмин табақалар ниҳоятда секинлик билан кийналиб очила бошлиди. Шаҳарликларнинг кичик бир гурухи осма кўприкдан ўтиб, девор олдилда тўхтади. Биттаси бир оз олдинрокка ўтиб, қўлини карнай қилганича бақириб хитоб кила бошлиди:

– Олиймақом Шаркий Бошкентнинг Олий Ҳокимияти мухтарам ахли зироат фикрларини тинглаб ва иродаларини хурматлаган ҳолда, қарор қилади...

Жарчи нафасини ростлаб олиб яна томоғини охиригача зўриктирган кўйи ҳайқиришда давом этди:

– Қарор қилади! «Адолатли» деб лақаб олган саёқ ваъзчи Ллан нуғузли вакилларнинг талабларига биноан хибсдан озод этилсан!

Отликлар ҳалкаси ёрилиб, пастрок бўйли одам дашт томон чиқиб келди. Масофадан туриб унинг киёфасини кўриб бўлмасди; факат балчик рангидаги кийими майсазорнинг яшил тусидан ажралиб ту-

парди. Шамол ўйнаб турган, дөярли белигача ўсик сочи онпок бўлиб кўришиди.

«Мухтарам зироаткорлар билан дўстлик ва ҳамкорлик борасида эса Олий Ҳокимлик ўзига берилган муддатнинг яна бир соатга чўзиб беришишини сўрайди ва талаб килади!

Минглаб кўзлар киролга кадалди. Ҳамон ҳеч бир харакатсиз турган Алвон Қирол кўлини туширди. Бу ишорага итоат этган холда ёйлар бўшашиди, киличлар кинига солинди ва нарвонлар майса устига ёткизилиди.

Барлари ҳилпираб турган балчикранг жуббадаги одам сафнинг ёнига келди. Одамлар четлашиб унга йўл бердилар ва кизикини билан унинг юзига тикилиб колдилар. Бу – Ллан эди, Адолатли Ллан, саёқ ҳазрат Ллан. У бир пайтлар бутун салтанатни титратган курдатли сўзларни айтганида, ҳозир шу ерда турганларнинг аксарияти ҳали онасининг корнида ҳам йўқ эди. «Бизнинг сайёрамиз бунёл тоғиган дакиқаларда ср юзида «Хўжайнилар» бормиди?» Ллан мамлакатнинг бош роҳибига шу сўзларни айтгач, хонумонидан айрилганди. Ҳолбуки у оддий кишлок боласидан руҳонийлик даражасигача кўтариллики, аслида кишлокнинг боласи бундай мавке ҳакила, ҳатто орзу ҳам киломасди. Илохиётшунослик шаҳодатномасига ҳам эга эди. Коллективида кафедрани бошқармоқда эди. Каттагина кавмнинг стакчиси. Шон-шуҳрат. Ҳамма нарсага эга эди. Ҳаммасини туширди. Бунинг ўрнига нималарга эга бўлди? Саккиз йиллик тош зиндан. Саргардонлик йўлларининг аччик ғубори: салтанатнинг у чеккасидан бу чеккасига дарбадарлик. Кочоклик. Охирги марта дор остидан кочинига муваффак бўлганди. Эсини йигиб олиши ҳам мумкин эди. Ўзи хоҳламади. «Мен ўтиқодимни сотмайман. Мен чекинмайман. Мен авомни Куёш салтанатига бошлиб боришим учун Тўрт Нуронийлар мени танлашган».

Бу – Лланнинг сўзлари. Ллан, ҳакикатан ҳам Адолатли эрур.

Оч рангли шаффофф кўзлар оммани назардан ўтказади. Бу кўзларда кандайдир телбалик учкуни бор, кўшларга маълум бўлмаган сир-синоат мужассам бу кўзларда. Унинг кулранг кўзлари авомнинг нигохини ўт бўлиб куйдиради. Лланнинг назари кимга тушса, ўша одам дарҳол тиз чўкали, ҳатто кўмондонлар отларидан тушиб, тиз буқадилар. Ҳатто, Вудри ҳам. Факат киролгина харакатсизлигича колган. У тож кийган бошини салгина эгди ва ўнг кўлини юраги устига кўйди. Ллан ҳам киролга худди ўшандок эҳтиром кўрсатди. Кейин эса ковоклари пирнирамайдиган кўзларини теварак атрофга тикди.

– Болаларим! Мен уч кунгина мукаддам мени хибсла тутиб турганларга шундок дедим: мен зинданда қалтираётганим йўқ, аммо сизлар кўркувдан қақшайсанз. Зоро, Лланни озод этмоқлик учун ҳали

минг-минглик лашкарлар келадилар! Ва мен янгиштаним йўк! Ва мен янгишмайман ҳам, зеро менинг забоним билан Тўрт Нуронийлар сўзлаюрлар. Аммо сизларга бир эътирозим бор: сизлар конхўр хомсемизларнинг зулмига жуда узок чидаб юбордингиз.

Ллан мана шу сафар жула ҳакоратли ва адолатсиз сўзларни айтди: ҳокимликнинг думалок хонасида ўтирганлар орасида хомсемизлар деярли йўк эди. Шунчаки улар унчалик озғин эмасдилар, холос. Зич ёпилган деразаларнинг рангдор калин ойналадидан бу хонага ташкаридаги шовкинлар ҳам, офтоб нури ҳам кирмасди. Ҳокимият бошқаруви аъзоларнинг юзлари бу гира-ширада базўр кўринади, улар истаган пайтларида бир-бирларидан кўзларини олиб қочишади, юзларидаги истехзоли ишшайиши яшира олишади. Агар ҳозир шу хонага ҳокимликнинг қонун-қоидаларидан хабардор бирор одам кириб колса эди, Олий Ҳокимликни йигилишга мажбур қилган бугунги масала фавқулодда муҳим эканини дарҳол сезган бўларди. Чунки мизнинг тўрида ҳар икки ҳоким ёнма-ён ўтирганди. Оқ нишон тасмали ҳоким ва кора нишон тасмали ҳоким. Ўн икки ҳокимият аъзоларидан эса тўккис нафари шу ерда ҳозир бўлған. Буйрак хуружи тутиб қолган новвойлар оқсоколидан ва қариб-чириган кимхобчилар вакилидан бошқа ҳамма йигилган, деса ҳам бўлаверади. Яна бу ерда ғаройиб бир ғайриоддий вазият ҳукмрон эди, яъниким, шундоккина эшик ёнидаги кичик миз устида турган мажлис баёни китоби бу сафар илк бор очилмаган ҳолда турар, котиблар курсиси эса бўш эди.

Бошқарув аъзолари кенг мизнинг икки томонида, суюнчилари ўйма нақшли ҳарракларда тирсаклари бир-бирларига тегиб ўтиришади; факатгина икки ҳоким лавозим мақомига мувофик юмшоқ, бахмал копланган оромкурсиларга жойлашганлар. Оргларидаги деворға эса шаҳар рамзи тамғаланган калкон илиб кўйилган. Улар баланд ва тор, хира рангли ойна копланган дераза кархисида ўтиришади. Олачалпок булуллардан ола-була кўринаётган осмонга Бош Майдонни куршаб турган уйларнинг киррали томлари бўй чўзган. Абадий Мавжудлик черковининг иккинчи каватида ваҳший ҳайвонларнинг ҳайкаллари иршайиб кўринади. Жазирама иссиқка қарамасдан барчалари салобатли кийиниб олганлар: ҳаммаларида мўйна уқали, бир хил рангдаги тўқ жигарранг чакмонлар. Бошларида жигарранг калпоқ ва бўйинларида лавозим нишонлари: савдогарларнинг Олтин нишонлари ва хунармандларнинг турли хил Кумуш нишонлари.

Бошқарув аъзолари сукутла. Ҳамма гаплар айтиб бўлинди, муҳокама килинди ва энди факт қарор қабул килиш колди: исенчиларнинг талабларига кўра дарвозани очиш керакми ёмбордаги куроле яроғни топшириш маъкулми ёки қаршилик кўрсатиш керакми? Ос-

монда ёнаётган шаҳар-қишлоқларнинг тутуни ўрлаб, Бошкент девори остида кирқ минг куролланган исёничи ҳужумга шай бўлиб турганда фикрлаш хам кийип бўлар экан. Аммо булар ҳакида ўйлаганда, нима учун авомга шаҳар дарвозасининг очиб берилгани ҳакида изоҳ талаб этгувчи ҳукмдор тўғрисида хам унутмаслик керак. Ҳукмдорга ҳамма важ-корсонлар бир пул. Лекин бу гаплар аллақачон юз марталаб айтиб бўлинди. Бу ёқда эса бир соатгина мухлат қолди, холос. Масалани тезроқ ҳал этмоқ лозим.

— Киритилмасин! — ниҳоят қора тасмали ҳоким, савдогарлар уюшмасининг вакили тилга кирди. — Шаҳарга киритилмасин! Эркка кийинчилик билан эришилади, уни бой бериш эса осон. Қачон исёничилар ғалаба қозонганини эшигтсансиз? Бугун улар кирқ минг, эртага балки юз минг киши бўлар, лекин кейинрок уларни барибир маҳв этишади. Агар дарвозаларни очсак, бизни ҳукмдор кечирмайди. Тўралар хам кечирмайдилар. Биз конун ҳимоячиларимиз, уни бузишга ҳакимиз йўқ. Киритмаймиз! Анави руҳонийни топширганимиз хам етар. Бошкентимизнинг деворлари мустаҳкам.

Чап томонда ўтирган, қора тасмали олтин тўқали вакиллар Қора Ҳокимнинг сўзини маъқуллаб, бош иргаб кўйдилар. Ҳаммалари бирваракайига. Улар масаланинг моҳиятини англадилар. Улар фикрлаб кўришиди. Ва карор қабул килишиди.

— Тасдиқлацингизни сўрайман! — паст овозда деди ҳоким. Биринчи бўлиб ўзи кўл кўтарди. Савдогарнинг қўллари бакувват, у факаггина олтин тангаларни санашни эмас, ҳалол пулига келган қимматбаҳо тошлиар билан безатилган оғир киличини ишлатишни хам яхши биларди. У кўлини кўтариши биланоқ, чап томонда ўтирганларнинг қўллари хам тасдиқ маъносида баланд кўтарилиди.

Ўнг томонда ўтирган ок тасма, кумуш тўқалилар эса ҳаракатсиз тош қотишган. Лекин бу билан вазият ўзгармайди. Бешта корага қарши (биттаси ҳали йўлда), тўрт нафар оклар (бетоблари энди келмайди). Ҳокимларнинг овозлари хам тенг бўлинди. Масала ҳал. Киритилмасин!.. Лекин...

Гарчи энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаса-да, Оқ Ҳокимнинг нутқ сўзлаш ҳукуки бор. Энди у сўзлайди.

— Киритилмасин, дейсизми? — сўради у. — Жуда соз! Модомики, муҳтарам савдогарлар шу қарорга келган эканлар, исёпчиларни шаҳарга киритмаймиз. Кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорга ҳунармандлар қарши тура олармидилар? Аммо бир саволим бор: — Муҳтарам савдогарлар ўзи нимани ўйляяптилар? Тўраларга мол келтириб турган ўз карvonлари тўғрисида! Шундаймасми, ахир? Ҳолбуки, буюртмачиларимизнинг кўпчилиги аллақачон

кирилиб битди. Гап ҳатто бунда ҳам эмас. Гап шундаки, улар ҳозирча яхшилик билан сўраб турганларида киритмаслик нодонлик бўлади...

У ўрнидан турди, дераза ёнига борди ва уни шаҳд билан очиб юборди. Худди улкан шаршаранинг гувиллашига ўхшаш ғала-ғовур кулоқни комагта келтириб, хонани тўлдирди ва кучайганидан кучая бошлади. Бу – Биш Майдонни гўлдириб турган оломоннинг ҳайқириги, ўкириги ва қадам товушлари эди. Чиллапири башаралар, йиртик-ямок камзуллар, сассиги ҳокимлик биносининг иккинчи каватгача етиб келган саримсок иси.

– Мана, кўринг! – Оқ Ҳокимнинг овози бирдан бўғилди. – Улар бизнинг бу ерда нималар ҳакида сўзлашаётганимизни яхши билиб туришибди. Агар дарвозаларни биз очмасак – улар очишади. Унда бизнинг ҳолимиз нима кечади?

Кейин леразани каттик ёпди-да, деди: – Абадият Сохиби ҳаки хурмати, тушунсангиз-чи, ахир! Чувринциларни шахарга қўйиб, биз ҳеч нарса йўқотмаймиз. Биз ўзимиздан кудратлироқ кучга бўйсунамиз, холос. Агар улар ўзлари бостириб кирсалар-чи?

Кейин, худди буюк сирни ошкор қилаётгандек, паст овозда давом этди:

– Сизлар буюртмачиларингиздан айрилдингизми?

Бизлар айрилмадикми? Бизнинг нархларимизни токайгача ҳукмдоримиз белгилаб беради? Корхоналарнинг соҳасини-чи? Қачон гўрашлар бизнинг ҳакимизни тўлик беришган? Манави исёнчи ҳайвонлар тўраларнинг алабини бериб кўйишин! Ҳокимлик бу ишга аралашмайди. Агар Абадият Сохиби, бу ҳайвонларнинг ғалаба қилишига йўл қўйиб берган тақдирда ҳам улар Алвон Киролнинг ёнида бир умр қолмайдилар-ку?! Ҳаммаси яна ўзининг молхонасига қайтиб кетади. Биз-чи? Бизлар ўз ўрнимизда колаверамиз!

Думалок хона сукутга чўмди. Жимлик ва безовталик.

Шаҳар бонги икки марта гумбурлади.

Қўллар бирин-кетин кўтарила бошлади.

Тўрттаси. Олтитаси. Үн биттаси.

Оқ Ҳоким деразани ланг очди...

Кароллар Шимолий Бошкентга кириб келдилар. Сафни базўр тартибда тутиб турган, бир-бирини салгина туртиб олдинга интилаётган бўлинмалардан ташкил топган одамларнинг кудратли оқими балчик босган, бадбўй, заҳ ҳандак устидан туширилган кўприкдан шошмасдан ўтиб бормоқда. Ифлос увадаларга бурканган ишчилар, шогирдлар шаҳар чеккасидаги тор кўчалардан ўтиб бораётган исёнчиларни деворларга қанишиб олган кўйи жим кузатишади. Бу кора

ищчиларни шахарла «чишллаширлар» деб камситиб, беҳазил айтишади бу лақабни.

Лашкарнинг олдида, хилпираб турган туғлар остида, Алвон Киролни куршаб олган кўйи кўмонлонлар боришимоқда, жилови тортилган отлар ракс тушаётгандек иргишилаб, ёлларини силкитиб одимлади. Кўмондонлар билан бир каторда тўриқ ахтада Ллан ҳам кетиб бормоқда. У гўёки, тошдеворни нигохи билан тешиб ўтиб, олис-олисларга унсиз тикилади.

Бош Майдонда, шолчалар тўшалган жойда уларни итоаткорона ишшайган Ҳокимият аъзолари кутиб олдилар. Энг олдинда – икки ҳоким, бирининг кўлида олтин лаганга солинган шахар калити, бошқасининг кўлида кумуш лаганга солинган нон-туз.

– Сиз кўркмаяпсизми, ошна? – сўради Қора Ҳоким, ўзлари томон якинлашиб келаётган найзалар ўрмони ва оловрані гавда тарафга кўзи билан имо килиб.

– Йўқ. Бизлар вактдан ютдик. Энди бизнинг ўз ҳайвонларимиз кишлокиларни бизга қарши қайрай олмайдилар.

– Улар тўраларнинг буюртмалари жойланган омборларни бузиб, барча хорижий молларни талаб кетганинни эшитгандирсиз?

– Бу ишни йигирма йиллар аввал килиш керак эди! – Оқ Ҳоким ишшайиб, ўз мамнунлигини яшириб ҳам ўтирмади ва қадамини тезлатиб, шеригини ортда колдирганича қаршисидан келаётган алпқомат киролга пешвоз чиқди.

## 6

Эҳтимоллик назарияси – жуда расво нарса, агар чукуррок ўйлаб кўрилса, ҳатто ниҳоятда даҳшатли ҳам. Менинг ахборотими ни олишгач, Марказда қандай тўс-тўполонлар бошланиб кетганини камина ўзимча тасаввур килиб кўрдим. Серёга терлаб-пишиб, асаби кўзиб, йўлакда югуриб юрибди. Селекторни ҳам унутиб, шахсан ўзи хонама-хона югуради. Ван Массернинг йигитлари эса кеча-кундуз бетиним ўша назариядаги эҳтимолликни хисоблаш билан банд. Вой, тавба! Миллионга бир-а! Амалда мумкин бўлмаган, ахмокона бир тасодиф, назарий бир тахмин, холос. Аммо баъзан-баъзан энг ғайриоддий нарса ҳам ягона имконият бўлиб колиши мумкин экан...

Мен Буллунинг жиловини тортиб кўйдим. У қадамини тезлатди. Буллу – бу сайёрада «кувнок» дегани. От ҳакикатан ҳам ўз лақабига мос эди. Зодагонлар шундай ювош, ихчамгина отларни ярим ўйинчок сифатида болалари миниши учун етиштирадилар. Лава тинчлик пайт-

ларыда бунақа отлар нихоятда киммат түрнүшүннүй айттапиңда хар холда алдамаган экан.

Буллу итоаткор, чақкоң ва чарчашни билмайдиган улов чикиб қолди. Шу кунларда Олла у билан анча дўстланишиб қолди ва энди унинг ёлларини, туёгининг тесасидаги попукларини ўзи тараб кўядиган бўлди.

Буллу эса пишкириб, у ёк-бу ёғидан оппок тук ўсиб турган пушти-кулранг лабини чўччайтирганича, кизчанинг кўлларини «ўпишга» уринади. Қизалок мамнун жилмаяди. Унинг табассуми нихоятда ёкимли: юзида нозик кулгичлар пайдо бўлади, кўзларида ўт чакнайди. Калламни гаровга тикиб айтишим мумкинки, мана шу чанг-тўзонда ёнимда бораётган кизча бир кун келиб барча ёшдаги, барча тъблаги, барча иркдаги, барча лавозимдаги эркакларни бир бокишда адо қиласидиган жонон бўлиб етилади. Тўғри, хозирча у тилга кириб кетгани йўқ, аммо калтирашлари босилиб, нигоҳдаги маъносизлик ўришида жонланиш пайдо бўлди. Оддийгина, кувноқ қизалок, факат гапирмайди, холос.

Арава енгилгина силкениб, ғилдираклари нам тупрокка ботиб-ботиб боради. Якинагина ёғиб ўтган ёмғир чанг-тўзонни бостириб ўтди, устимиздан бир шариллаганича, ғарбга караб ўтиб кетди. Нафас олиш енгиллашди, мен ўриндиқда ўтириб олганимча, хаёлга толдим. Ўйлайдиган фавкулодда мухим нарсалар бор. «Ваколатлар чекланмайди». Бу – ҳамма нарсага ижозат этилди, дегани. Одам ўлдиришдан ташқари. Ва фош бўлишдан ташқари. Бу ваколат шундан далолат беради, «қари от шудгорни бузмайди», деган гап ғирт тўғри гап. Кари от икки ёки уч йиллик қулундан кўра кўпроқ иш килишга кодир бўлади. Демак, менинг шахсий ҳужжатжилдим архивдан чакириб олинган ва хозир Серёганинг мизи устила турибди. Устига «Ходимликка тиклансин» деб ёзилган ва барча тегишли имзолар кўйилган. Лекин Ерга қайтиб борганимда унча-мунча сурингирувлар бўлиши тайин.

Ҳавода ҳўл майсаларнинг иси уфуради. Ҳаво мусаффо, атроф соқин. Ғаройиб даражада гўзал ва хозирги пайт учун тинч-осоийиша жойлар. Бу срларда одамлар кўрғон-кўрғон бўлишини яшашади. Бу ерда бакувват дехкон хўжаликлари қарор тоғган, ҳаммалари, асосан ижа-рачилар. Шу боисдан ҳам, исён тўлкини бу срларни четлаб ўтиб, арзимаган таъсирини кўрсатган, холос. Бу ерда ёндирилган кўрғонларга кўзим тушмади. Тағин ким билсин: баъзан Буллу буталар орасидаги нималарни дир сезгандек, калта-калта пишкириб кўяли; шунда мен уни никтаб, бу жойлардан тезрок ўтиб кетишга мажбур қиласман. Чунки ўша нарса одам жасали бўлиши ҳам мумкин. Олланинг яна бир бор даҳшат азобларини тортишини истамайман. Тунни ўтказиш борасида эса муаммо йўқ: кишлоқликлар меҳмондўст бўлишмаса-да, олтиннинг

кадрини билишади. Қани, Булту, тезрок юр! Қоронғи түшмасдан бирор күнокхонагача етиб олайлик.

«Күзғолонга қадар биз томонларда ҳам нотинчликлар бўлиб туради, – ўтган тунда биз тунаб колган кўргоннинг бекаси қўшиқ айтгандек оҳангдор гапирав экан. Унчалик қари эмас, юзлари дўмбокқина. Олла икковимизга дастурхон ёзиб, атрофимизда парвона бўлиб қолди. Аллақандай чучмал бир бўтқа билан меҳмон қилди. – Биз, табиб жанблари, икки мазгилнинг кок ўртасида жойлашганмиз, кўрибсизки – бир сафар ўрмонликлар ташриф буюришали, бир карасанг, даштилар кириб келишади». Беканинг улар ҳақда паст овозда гапиришини тинглай туриб, мен бир пайтлар йўрикномани ўзлаштириш пайтида кўрган слайдларни эсладим. Яшил кийим кийган ёш бир чапани, эманзор чеккасида кўлини белига тираганича мамнун ишишайиб турибди. Қалпокёасини тушириб олган, елкасида камон. «Макоми: жамиятта карши шахс. Ҳолати: ўрмон биродари. Тавсифи: озод камончи». Бу кимса ҳали энг кўркинчлиси эмас. Шунчаки шу сайёраннинг Робин Гудларидан деса ҳам бўлаверади. Ҳозирча вахшийлашиб кетишга улгuriшмаган, кишлөк одамлари билан алоқаларини узишмаган, яаш жойлари ҳам асосан кишлоклар. Шу боисдан ҳам улар оддий қарокчи эмас, балки олижаноб боскинчи бўлишга мажбурдирлар. Бесабаб кон тўкишмайди, ахолидан олган маҳсулотлари, кўрсатилган хизматларнинг ҳакини тўлашади.

Йўрикномадаги «Ўрмон биродарларининг Ердаги турдошлари» деган бўлимни ўқиб овора бўлиб ўтирамдим. Чунки буни тарих дарсидан билардим. Ҳар ҳолда кизил дипломни ҳам бекорга олган эмасман. Ердаги бу каби нусхалар – апришкалар, гайдуклар, снапханлар ва шуларга ўхшаган ҳар хил ипириски кимсалар бўлишган. Ишқилиб ўрмон биродарлари шунака одамлар.

Даштилар ҳаммасидан ёмон. Уларнинг ҳаётдан ҳеч қандай илинжалари қолмаган. Ўзларига эркин кимсалар: конунлари – дашт, куроллари – болта, на кариндош-уруглари, на бир одамгарчиликлари бор. Ҳатто табиб бўлсанг ҳам уларга рўбарў келмаганинг маъкул.

...Уй бекаси ҳали ҳам тинмай бидирлаяти: «Ҳозир шовкин-суронлар сал пасайтандек бўляпти». Мен бош ирғаб кўйдим. Бу якин атрофдаги жиноятчи зоти борки, ҳозир ҳаммаси исёнчиларга қўшилиб бу ерлардан жўнаб кетишган. Чунки Алвон кирол қарокчиликни унчалик ҳам маъкулламаса-да, гуручининг ичидаги курмак ҳам сув ичади, деганларидек, асосий лашкарлан ташкаридаги майда гурухлар у ер-бу ерда талончилик билан шуғулланиб куришибди.

Ярим тунда баджаҳл хизматкор дарвозани ичидан кулфлаб, хужрасига кириб кетди. Олла ҳам кичкина хоначада аллақачон ухлаб

бўлган. Бир пайт уй бекаси ҳам тақдиридан нолиш учун менинг ёнимга кириб келди. У ёстиғимни текислаб қўйди, похол тўшакни қокиб шиширди ва тинмай гапираверди, гапираверди, гапираверди. Паст овозда, шошмасдан, мақсадини ҳатто ахмок одам дарров тушуна оладиган қилиб гапиради. Ўзининг бевалик кисматидан зорланади: заминдор унинг оиласини ижарабчиликка қўйиб юборгани, ўтган или эрини гирт маст пайтида айик бурдалаб ташлагани, хизматкоридан бирор иш чиқмаслигини яхшилаб тушунтириди. «Биласизми, габиб жаноблари, шўрлик бекаларга жуда ҳам кийин. Ҳам ёлғизлик вахимаси, ҳам совук!..» Шуларни айта туриб, у тез-тез қўйлагимни еча бошлади. Ўзининг ҳам қадди-қомати ёмон эмас экан. Жуда ҳам менинг таъбимдаги эмас-ку, лекин роса Серёгабоп чиқиб қолди: биккигина, дўмбок. Мен ҳам унинг эҳтиёжини кондирмасликнинг ҳеч ҳам иложи йўклигини дарров англай қолдим.

Бу хонимнинг эри, ҳам менимча, ҳатто Лавадан ҳам кўра бакувватрок бўлган бўлиши керак. Хўжаликнинг ахволига қараганду, у анчайин меҳнаткаш ҳам бўлган. Бунақалар бу томонда кўп бўлмаса-да, ҳар ҳолда бор экан. Улар исён ҳакида гап кетса, гаассуф билан бош силкиб қўядилар: меҳнатдан кочмаган одамнинг турмуши ёмон бўлмайди, бинобарин, исён кўтаришига ҳам ҳожат йўқ. Исён деган нарса аслида керакми ўзи? Жўяли савол. Айниқса, қўзғолончиларнинг энг олдида киска туташувдан мияси куйиб, қутуриб қолган машина бораёттани назарда тутиладиган бўлса!

Бўйти. Шошма! – дедим мен ўз-ўзимга. Буни бир фикрлаб олиш керак. Бошка гаплар ҳозир муҳим эмас. Бизнинг киберлар – энг зўр киберлар. Бутун галактикада уларга тенг келадигани йўқ. Лекин агар улар ўз-ўзини қайта дастурлаб олса борми, у ҳолда... Ван Массернинг бу ҳақда маъруzasи бор. Кибер дастурлари бўйича мутахассис Толик ҳам таҳлилларда хато қилиши мумкинмас. Энг ёмонни, ҳозир бу электрон мияли Алвонранг қўғирчок қўзғолон бошида Куёш Салтанатини барни этиш учун кетиб бормоқда. Бу жуда ёмон иш. Бу энди нафакат бошка сайёralарнинг ички ишларига аралашув, балки ундан ҳам ёмонроқ вазият. Чунки машинанинг бу машинавий мантиқи оқибатида барча зодагонлар қирилиб кетиши мумкин. Киберлар ҳамма вазиятларни таҳлил қилишни билишади. Улар ўйинда ҳеч качон янгишмайди ҳам, ютқазишмайди ҳам. Уруш ҳам мохиятнан бир ўйин. Факат катта ўйин. Наполеонми, аллақайси бир саркарда, ўйин бу – математиканинг бир бўлими, деб айтган экан. Кибер математикага уста. Унинг бошчилигига маҳаллий қироллар зулм оламини пойдеворигача қўпориб ташлашга қодир бўладилар. Кейин эса...

Энг кизиқ ишлар кейин бошланади. Энди кибернинг мантиқидаги баркамол жамиятни куриш бошланади. «Стандарт ўқитиш курси»да бу хақдаги маълумотлар унинг миясига киритиб кўйилган. Бундай жамиятни куриш ниҳоятда даҳшатли ва қонли кечади. Бунинг учун эса, албатта одамлар курбон килинади. Максадга мувофиқлик бу ишда асосий мезон бўлади.

Мен шифтга қараб ётганимча шулар ҳакида ўйлардим. Кўз олдимдан қон, дор сиртмоклари, кесилган каллалар ўтаверди. Албатта! Аввалига ишни зодагонларни осишдан бошлашади. Чунки улар бойда! Кейин Лавага ўхшаганларни ёки манави bekaga ўхшаганларни киришади. Чунки улар дехқон бўлсалар ҳам, бопкача дехқон. Чунки бопкаклардан ажралиб туриш яхшимас. Баҳонада уларнинг хизматкорларини ҳам тиғдан ўтказиб кўя колишиади. Чунки улар «бошқача дехқонлар»га қарши курашда фаоллик кўрсатмаганлар. Кейин уларга хайриҳоҳларни катл килиш бошланади. Ҳар ҳолда келигуси фалокатларнинг олдини олиб кўйган яхши-да. Кейин эса ким нимадан норози бўлса, ҳаммасини осишни бошлашади. Бу ишни бажарувчи жаллодлар ҳам топила қолади. Кейин эса ўша ижрочиларнинг ўзлари катл этилади. Чунки улар кибрланиб кетган бўладилар. Энг асосийси, бу жараён бетўхтов давом этиб бораверади. Зоро, кибер камида беш юз йилга мўлжалланган. Чўқмор кўтарғанни ёнига яқинлаштирумайди, оловда ёнмайди, заҳарлай лесант, жиғилдони йўқ. Одамлар эса унинг барҳаётлигини кўргач, икки авлоддан кейин унга сигина бошлайдилар...

Мана шу қонли бошкотирмани тўхтатадиган мендан бошка одам йўқ, шекилли. Менинг чексиз ваколатим ва электрон билактасма. У беш чакирим атрофимдаги ҳар қандай киберни ўчириб кўйишга кодир. Мен бу кутурган машинага яқинрок бораман, электр майдонни ишга тушираман. Тамом-вассалом. Унинг алокаси ишдан чикиб, радиотўлкинларидан маҳрум бўлади. Майсада темир ва пластикдан ишланган электрон мурда чўзилибгина ётади. Шу билан афсона тамом. Тўгрироги, умумий даҳшат бошланади. Ана шундан кейин каролларнинг орасида саросималик кўтарилади. Ана энди кўлларидан келса, истаганиларича кўзголон кўтараверишсин...

Эрталаб Оллани уйготдим, биз тезгина ионушта қилиб олдик ва йўлга тушдик. Уй бекаси оптимдан пикиллаб йиғлаганича колаверди. Дарвозадан чикиб кетар эканман, хизматкорнинг менга газаб билан тикилиб турганини кўрдим. уни тунги оромидан маҳрум қилганимни сезиб, виждоним ҳам салгина кийналиб кўйгандек бўлди.

Кўнокхонага коронги тушганда етиб бордик. Бу йўл бўйидаги пастаккина кулба бўлиб, деразасидан ёруғлик тушиб турибди. Каттагина ховлисида икки-учта юқ арава бор экан. Шундоккина кираверишдаги лавҳанинг тахтаси анча чиригану, аммо ёзуви якиндангина янгилангани кўриниб турибди: «Сокин кулба». Ошхона анчагина шовкин-суронли экан, лекин хўжайини бизни, худди кариндошларидек хушмуомалалик билан кутиб олди. У калта оёқларида худди ғилдираб келаётгандек туъюлади. Оппок тишларини кўрсатиб илжаяди. Дастёр болани кўли билан имлаб, Буллуни отхонага олиб боришини буюради. Ўзи эса, Олланинг аравадан тушишига ёрдамлашди-ю, кейин ергача энгашган кўйи каминага таъзим бажо қилди.

— Сизга айтсан, ажойиб бир ётоғимиз бор, — деди Мукла. — Ўзингиз ҳам, синглингиз ҳам худди ўз уйингиздагидек роҳатланиб ухлайсизлар. Агар шундай бўлиб чиқмаса, Мукла Қилтирик отимни бошқа қўяман. Марҳамат, ўтаверинг, йўқ, бу ёкка эмас, манави томон озодарок ва сариштарок...

Мен унга олдиндан бир олтин танга бериб қўйгандим, Мукла гўё канот чиқариб уча бошлади. У ётокхонадан ошхонага, ошхонадан ётокхонага бетиним парвоз кила бошлади. Хизматкорларини койиб юргутиради, дастурхон атрофида менга парвона бўлиб, тинимсиз ҳазул-хузул қиласи. Аммо унинг кўзларида ақл-заковот ва ташвиш аксланиб турарди. Бу — бароридан келиб турган ишлари даҳшатли ва таҳликали воқеалар туфайли фатарот топиб бораётган, бу ҳодисаларни аввалданоқ билган, лекин бартараф килишга кодир бўлмаган кишининг нигохи эди.

Мен унинг пешбанди этагидан тутдим ва ўтиришга таклиф этдим. Бир кадаҳ шароб куйиб узатдим ва яна битта олтин танга бердим.

«Ўзингни кўп ҳам уринтираверма, азизим Мукла, сенинг олий-жаноб одам эканинг хақида эшигтганиман. Майни ичгин-да, кизалокни ўрнига ётқиз. Уни ювинтириб қўйишларини ҳам буюр».

Мукла бир кадаҳ ям-яшил, реза меваларнинг хиди анкиб турган ичимликни симириди-да, паст овозда, одоб билан миннатдорчилик билдириб, дастурхон ёнидан нари кетди. Бир неча дакиқалардан кейин хушмуомала кекса хизматкор аёл (балки Мукланинг хотинидир?) Оллани юқорига олиб чиқиб кетди, мен эса умумий емакхонага ўтиб, миз ёнига ўтирганимча, кишиларнинг гап-сўзларига кулок sola бошладим.

Мукла бекорга безовта бўлмаётган экан. Бу исён, худди тўғон мисоли, савдо йўлларини тўсиб, йўловчилик оқимини тўхтатиб қўйган эди.

Йигирматача хўрандага мўлжа-ланган хонада нари борса олти киши ўтиради. Уларнинг жулдор кийимлари эса бу муассасанинг катта фойда кўролмаслигини шундоқкина кўрсатиб турарди. Улар тўпланиб олганларича, ичкилик сипкориб ўтиришибди. Шопномасдан, хотиржам сухбатлашишяпти: булар тўпланишганига бир неча соат бўлгани ва бир-бирлари билан якиндан танишиб олишга улгурганлари ҳам кўриниб турибди.

Менинг ташрифимга барчаларининг муносабатлари дўстона бўлди – нефрит калтакесак ҳар доимгидек ўз таъсирини кўрсата олди. Қисқагина саломлашув, анъанавий ҳол-аҳвол сўрашлар, танишув, яхши тилак қадаҳлари, гап орасида кистириб ўтиладиган саволлар, мисол учун:

Бел курмагур лўкиллаб оғрияпти-да, нима килсан бўларкин?.. Э, шундайми... Миннатдорман, эҳтиромимни кабул этгайсиз!..

Ошқозон санчиб оғриса-чи?.. Раҳмат, табиб жаноблари, вакти келиб бу яхшилигингизни кайтараман!

Шундай савол-жавоблардан кейин мен уларнинг ўз оламлари бўлиб колдим ва сухбатларига кабул килиндим. Очиғини айтганда, менга сўзлаш навбати етиб келгани ҳам йўқ: жанубликларга хос кўкиш юзли ёш бир савдогарвачча исён росаям авжига чиккан ғарбдан якинлагина кайтиб келган экан, ҳозир тингловчиларнинг диккат марказида ёлгиз ўзи эканлигидан фойдаланиб, оғзи тинмай вайсамоқда эди. Мен унга халакит бериб ўтирамадим.

– Ғарбда аҳвол жуда ё-мо-о-он, ғарбда вазият жуда-а-а-а оғи-и-и-р!

Савдогарвачча ҳамманинг диккат эътибори ўзида эканидан ниҳоятда хаяжонланиб, жанубликларга хос бўлган одат – сўзларни чўзиб талаффуз этиш хусусияти кучайиб, гаплари қўшикка айланиб кетяпти. У кўзларини чакчайтирганича катта сирни ошкор килаётгандек пичирлашга ўтди:

– Бигта-а-а ҳам буту-у-у-ун каср колмади, занжир тақканларнинг ҳамма-а-си-и-ини, тағин гапи-и-и-мни кўнглингизга олманг-ку, табиб жаноблари, уруғ-аймо-о-о-ғи билан кири-и-и-иб ташлашибди-и-и... Савдо-сотик килишга ҳам юрак бетламая-а-а-апти. Даҳша-а-а-ат...

Мен уни диккат билан тинглай бошладим. Савдогарвачча мухим тафсилотларни эслади, исмларни бирма-бир тера бошлади, буткул кули кўкка совурилган, чала вайрон бўлган қасрларнинг номларини санааб чиқди, хунрезликларни таърифлаб берди; буларнинг барини эслар экан, дағ-дағ титрарди, ҳар кандай виждонли киши каби у ниҳоятда саросимада эди. Аммо шундай бўлса-да, ўзини гапдан тўхтата олмасди, катта бир фалокатдан омон чиккан одамларда бўладиган мақтанчоқлик билан яна ва яна сўзлайверди, сўзлайверди:

– Ҳамма моллари-и-и-имдан айрилдим, май-ли-и-и, молларим бошкүзимда-а-а-ан садака-а-а-а, энг асосийси жуфта-а-а-акни ростлашга улгури-и-иб көлдим. Энди-чи-и-и-и, биродарлар, бу түполонлар тұхтат-а-а-амагунча хе-е-еч қаёкка сафар күлмайма-а-ан. Аввал ҳаммаси уәкли-ик ёки бу ёкли-ик бўлси-и-и-ин.

Тингловчилар қош-ковокларини уйишади, бошларини сарак-сарак қилиб, бир-бирлари билан кўз уриширадилар. Сал озодарқ кийинган икковлон эса, сабок олишни каттароқ ёшида бошлаган мактаб ўкувчилари шекилли, ҳингиллаб кулиб ўтиришибди: буларга агар осмондан тош ёғса ҳам бир пул – бир шиша шаробнинг кети узилмаса бас. Қўшни қишлоқлик бир қариянинг кайфияти тушиб кетган – у молини йўқотган савдогарваччадан кўра, унинг йўқолган молларига кўпроқ ачинар ва буни яшираётгани ҳам йўқ эди. Мен эса бу хабарларни эшитиш билан банд эдим. Шуни аник билиб олдимки,чувриндилар лашкари мен ўйлаганимдан кўра анча тез босиб келаётганди: кўшиннинг боскини доира бўйлаб қатъий режа бўйича амалга оширилаётган ва Янги Бошкент атрофида тобора торайиб бораётган ҳалқа ҳосил қилиб, беаёв сикиб келаётган эди. Ҳа, бу кибер мантиғи эди! Улар кальяларни битта-битта ишғол қилиб келишяпти, майда-майда ҳарбий бўлинмаларни қўймалаб, битта қўймай киришмоқда. Хўжайнлар эса бу исённинг гайриоддий эканини ҳали англаб етганлари йўқ. Ҳозирча мавке талашиб, бир-бирларини гажиб ётибдилар. Эслари жойига келганида вакт ўтган бўлади. Камина, яъни Ирруах дан-Гоҳҳо ҳам тезрок отни камчиламасам бўлмайди, ёввойи лашкар энг сўнгги тўраларни ҳам қиличдан ўтказиб, пойтахтни эгаллаб бўлмасидан аввал унга етиб олиш учун шўрлик Буллуни шафқатсизларча никташимга тўғри келади. Чунки Бошкент эгалланса, фурсат кўлдан бой берилган бўлади: мен исёнчи машинани оддий темир-терсакка айлантирган тақдиримда ҳам, бу мамлакат тараккиёти бир неча аср ортга улоктириб ташланади. Қаролларнинг етакчилари сиёсий иктисод илмини тушда ҳам кўрган эмаслар, ижарачилик тизими улар учун ёт-бегона тушунча. Ҳукмдорлар қул килинади, хизматкорлар ҳукм тизгинини кўлга оладилар. Ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетади ва буларнинг барчаси учун жавобгарлар биз – ерликлар бўламиз.

Мен савдогарваччадан йўллар ҳакида сўраб-суриштирдим. Менинг харитамда бу жойларнинг сояси ҳам йўқ эди – мени бунчалик овлокка кириб кетади, деб ким ҳам ўйлабди дейсиз?

«Хурматли савдогар дўстим, мен ўз синглимни хатарга кўйгим келмаётганини тушуниб турган бўлсангиз керак? Бу кутурган ялангоёклардан канчалик хавотирда эканимни айтиб ўтиришим шарт эмасдир, деб ўйлайман».

Ха, савдогар дўстим мени жуда тўғри тушунди ва аник ҳамда лўнда килиб менга йўл кўрсатди:

«Шундок, табиб жаноблари. Сиз ғарбий йў-ў-ў-ўллардан имкон када-а-ар узокро-о-ок юринг. Очифини а-а-айтганда, хозир бехаво-о-о-отир жойнинг ўзи-и-и қолгани йў-ў-ўк».

Мен унга миннатдорчилик билдириб, таъзим бажо келтиридим. Яна бир ярим соатлар чамаси Олла икковимиз турган хонага пастдан ғовур-ғувурлар эшитилиб турди. Кейин ҳаммаёк тинчиди. Факат анча маҳалгача Мукла аллақандай Зорра исмли қизни сингилтаклиги ва ахлоқсизлиги учун паст овозда койиб бергани эшитилиб турди:

«Сокин кулба» карvonсарайи бунака номаъкулчиликлар килинадиган жой эмас. Ахир бу беадаблигинг табиб жанобларининг кулокларига етиб борса, биз тўғримизда қандай хаёлга боришлиари мумкинлигини ўйламадингми? Вахоланки, ўзларининг нуфузли дўстларига Мукланинг тамаддихонаси ҳакида сўзлаб беришлари мумкин. Агар сен, нодон Зорра, буларнинг барига тупуриб, юзимизга оёк кўядиган бўлсанг, у холда ўзингдан кўр. Ўрнингга кўз тикиб турган киз-жувонларнинг сон-саноғи йўк. Лекин камина Мукла муассасамнинг номи булғанишига йўл кўймайман».

Насихат айни шу жойига етганида ўрғуллик қиз бор овози билан ўкраб йиғлашни бошлаб юборди. Кейин эса каттикўл хўжайнин ўз қаҳрини илтифотга алмаштириб, бечорани бу танбеҳлардан сабок чикариб олиши учун кўйиб юборди. Аммо бундай бехаёликларга ортиқ тоқат кила олмаслигини айтиб огоҳлантиргач, Зорранинг ортидан энди катъий назорат ўрнатилиб, шахсан ўзи қизни кузатиб юришини, хафа бўлса-бўлмаса энди бунинг оқибати яхши бўлмаслигини таъкидлади.

Деразамиз тагидаги бир тутамгина ёруғлик ҳам сўнди: катта хонадаги шамчироқлар ўчирилиб, бемаҳалда келиб коладиган йўловчилиар учун икки-учта мойчирокни ёқиглигича колдиришди, холос. Бош томонимда ҳам битта ана шундай ёриткич туриби: тўғри, буни мум шамчироқ деб бўлмайди-ю, лекин кора дудли мойчирок ҳам эмас.

Хона шинам ва сариштагина эди. Чойшаблари янги бўлиб, ранги ҳам мовийга мойилрок: Мукла ўз ишини яхши йўлга қўйгани кўриниб туриби. Агар табиб жанобларининг, яъни каминанинг бу сайёрада ёр-дўстлари бўлганида, уларга албатта мана шу карвонсарайда меҳмон бўлишини мамнуният ила тавсия этган бўларди. Энг ҳайратланарлиси, бу ерда биттаям тахтакана йўқ эди; шифтларга хушбўй, атирсимон хид уфуриб турган гиёҳлар боғлами илиб кўйилган, момик солинган кўриналар юмшоқ ва қалингина. Нихоят мен ҳам чирокни ўчирдим...

Капча вакт ухлаганимни, очиги, ўзим ҳам билмайман, ҳар холда унча күп ухламаганим аник. Нимадандир безовталаниб уйғониб кетдим. Атрофға кулок солдим. Ҳөвлида отларнинг пишкириги эшитилди. Мукла бемаҳалда йўлга чиккан йўловчиларни кутиб оляпти, шекилли. Ташқарида оламларнинг паст овозда гаплашаётгани элас-элас эшитилиб қолади, ётк ҳакини келишишпяпти, чамаси. Атроф тинчосойишта, аммо бир пайт ҳудди Такабалчикда бўлгани каби кўнглимга кандаидир ғашлик тушди. Овоглар шубҳали тарзда паст чикяптими ё отлар ортиқча қаттиқ пишкирятими, тушунолмадим.

Дарвоке, пишкирик! Мен дераза олдига бордим ва ўзимни сездир-маслика ҳаракат қилдим. Отлар табақаси кенг очилган дарвозадан нарирокда, ҳөвлининг қок ўргасида безовта депсиниб туришибди. Мана, гап нимада экан. Булар ғалати йўловчилар чикиб колищди-ку. Манзилларига етиб келишди, лекин отларнинг эгар-жабдукларини бўшатишни ўйлаётганлари ҳам йўқ. Балки йўл-йўлакай кириб ўтишгандир? У ҳолда дарвожалар-чи? Дарвозалар ланг очик: Мукла меҳмонларни ичкари киритгач, дарвозани очик колдириши хеч мумкин эмасди. Бошимни тикиб гаров боғлашаманки, у бундай киладиган одам эмас. Агар карvonсарой хўжайнин ўз кўнокларининг мол-бисотини эҳтиётлашга бепарволик қилса, бу нарса ўзига кимматга тушиши мумкинлигини Мукладек одам билмасдан, ким билади?..

Бу ерда бир гап бор... ёмон бир гап бор... жудаям ёмон... Зинаюнинг бўғиқ гичирлагани эшитилди, кимдир оғир «ух»лаб юборди, томоғи тикилиб йўталди. Яна сукунат. Кимлардир оёқ училда судралиб қадам босаётгани элас-элас эшитилади. Ташқарида бўлаётган ишлар менга хечам ёқмаётганди. Мен шимимни кийиб, кўйлагимнинг тугмабоғичларини боғладим. Вахимага ўрин йўқ. Қадамларга караганда, улар пари борса беш киши бўлиши керак. Яна биттаси ҳөвлида, отларнинг олдида турибли. Бунисини хисобга олмасам ҳам бўлади, деразам жуда баланд, девордан ўрмалаб чиқолмайди. Беш киши дегани ўн нафар эмас, эпласа бўлади. Нимагадир шу лахзаларда Кашада хаёлимга келди... Йўқ, янгилишдим, Кашада эмас бу – Хийно-но-Айтада бўлганди: ҳайкираётган оломон, исёнчилар кўлларидағи тўқмоқларини юкорига кўтарганча бўкиришмокда. Эндиц эса мутлақо хотиржам бир алпозда бир оёғида чирпирак бўлиб айланиб, ҳудди моҳир раккослардек сенгил ҳаракат килади, аммо унинг ҳар бир зарбасидан кейин тўла хукукли фукаролар чакмонини кийган маразлар «оҳ-воҳ» килганича ҳар томонга учеб ётишибди. Кейинчалик, тоширик ижроси таҳлил килинаётган пайтда Эндицни роса мактапиди. У эса кўзларини лўқ килганича, ҳудди

одамларнинг галини тушунмаётган маймунчага ўхшаб жимгина без-райиб тураверди. Кейин бир кути ичкилик олиб келиб, барчамизни сийлади. Серёганинг кизлари билан бўкиб ичдик.

Хотиралар шунчалик ширин туюлиб кетдик, муштимни қаттиқ сикканимдан, бармоқларим кисирлаб кетди. Эҳ, қани энди ҳозир Олия бу ерда бўлмаса...

Эшик тақиллади. Одоб билан астагина тақиллатишди.

«Ким у? – сўрадим мен. – Сизмисиз, азизим Мукла? Мухтарам жа-ноб, ҳозир мен ҳам, синглим ҳам ухластувдик. Агар эргалаб келсангиз, айни муддао бўларди-да»

Мукланинг овози ташвишли эди. Унинг ёнида кимларнингдир на-фас олаётгани эшитилиб турибди – тўғри, жуда секин нафас олишяпти, бутунлай нафас олмай туриш бу йигитларнинг қўлидан келадиган иш эмас. ТҚБда эса, ҳатто бошловчи талаба ҳам нафаснинг олинишига караб вазиятни баҳолай олади.

«Мухтарам Мукла, эргалабгача сабр кила олмайсизми? Пулингиз-ни олдиндан тўлаб қўйдим, энди хотиржам ҳордик чиқаришга ҳаким бордир, ахир?»

Сукунат. Кейин қисқа муддатли ғала-ғовур бўлди. Сўнг пастина, лекин қатъий ва хотиржам бир овоз келди:

«Эшикни оч, табиб, гал бор. Яхшиси ўзинг оч, шунда камрок зарар кўрасан».

Эшикни тапқаридан итара бошлашди. У салгина очилди, лекин зулфини биринчи зарбага дош берди.

Мен табиатан анча кўнгли бўш одамман, сабр-тоқатим ҳам шунга яраша. Аммо ярим тунда бегона одамлар уйқумни бузишса, бу ҳам стмагандек, хонамга бостириб киришга уринишса, кўнглингизга олманг-у, лекин бунга авлиёлар ҳам чидаб туролмаса керак. Мен эса ҳар ҳолда авлиё эмасман. «Йўқол бу ердан, исқирт ҳароблар!» – дедим мен эшик томонга караб, нариги томондаги ҳамсухбатимга ўхшаган паст овозда. Бунга жавобан қаттиқ сўкиниш эшитилди. Маҳаллий безорилар тилида «ҳароб» сўзи жуда ёмон сўз ҳисобланади, бундай сўз учун сўйиб ташлашади. Эшик ортидагилар маслаҳатлаша бошлашди. Ва – зарба! Очикчасига, тажовуз билан урилган зарба. Мен Олланинг катдан чўчиб сакраб тушганини ва тош қотиб қолганини кўз кирим билан пайқаб улгурдим. Унинг кўзларида яна вахима билан умидсизлик пайдо бўлди.

Эшикни янада қаттикрок ура бошлашди, унинг зулфини ўйнаб, гичирлади, эшикнинг ошиқ-мошиқлари диласидан кўча бошилади.

«Ҳали шунақами? Кўнгилларнинг олтин тусаб колибди-да, а, оғайнилар? Майли, кўрамиз».

Яна беш-олти тепкидан кейин эшик кесакидан ўпирилиб чиқади, бу искирт маразлар Олланинг юрагини олиб кўйишади. Лекин бир нарса-га ҳеч тушунолмаяпман. Агар Мукла уларга бу ерда гарблик табиб яша-ётганини айтган бўлса, йигитлар дарҳол ўпкаларини босиб олишлари керак эди. Биз, яъни илм ахли инсонларга азоб етказишдан йирокмиз. Аммо Мангулик Эгаси шоҳидки, манавилар ўзлари мени мажбур килишягти... Демак, иккита тахминдан бири: бу йигитлар ё гирт тентак (лекин бунга ишониш кийин, чунки уларнинг касбларида аҳмокларни учратмаганман), ёки ўз ишларининг зўр усталари бўлишса керакки, «бешта нўнок битта полвондан устунрок», деган гапга ишониб, бошлирини балога гирифтор килишягти. Нима ҳам дердим, очигини айтганда, ўзларига ортиқча ишониб юборишибди.

Эшик ўз ўрнидан янада силжий бошлади. Қарсилади. Тиркиш очилди. Ортимда Олла чинкириб юборди, бу сабримнинг сўнгти томчиси бўлди. Мен бармокларимни шикирлатдим, эшик илгичини олиб ташладим ва «тегирмон» усулини қўлладим.

Тамом. Ҳаммаси мен ўйлаганимдан кўра тезрок тугади. Улар ҳаммаси менга баравар ташланиши – бу уларнинг жилдий хатолари эди. Чунки «тегирмон» усули одам кўп бўлган тор жойларга мўлжалланган. Бундан ташқари, мен ҳам андак янгишдим: беш кишига мўлжалланган ҳаракатни амалга оширасам, улар тўрт киши бўлиб чиқди. Мен жабрланувчиларни ёнма-ён териб ётқизиб қўйдим. Оёклари чўзилган, қўллари кўкраклари устида. Манзарани бир оз томоша қилгач, йўлак томон ўтирилдим.

Эшик қаршисида Мукла қалтираб турарди, чап кўзи кизарган, тинмай ёшланади. Зинада қадам товушлари эшитилди. Тунги меҳмонларнинг охиргиси отларни ҳовлида қолдириб, шовкин нима учун тиниб қолганини билиш учун чиқиб келаётганди. Мен унга вазиятни кисқача туппунтириб, бир коп гўштдек шилқиллаб қолган танасини шерискларининг қаторига кўшиб қўйдим-да, Муклага юзландим. Оқкўнгил бақалок савол беришимни кутиб ўтирмади: «Булар талончилар эмас, барча маҳаллий қарокчилар Муклани хурмат килишади, кечирасиз-у, мен уларни оз-моз боқиб тураман, модомики шундок экан, улар «Сокин кулбаҳни талаб нима килишади?»

Йўл-йўлакайчиларми?

«Йўғ-э, нималар деяпсиз, табиб жаноблари, йўл-йўлакайчилар бу ерда нима қилади? Боскинчиларнинг ҳаммасининг тили бор, ҳаммаси бир-бири билан боғликлликка зга. Орра Ғилай билан Дуддо Қотилга карши боришга кимнинг ҳам юраги дов берарди? Йўқ, булар бизлардан эмас, булар умуман «кўргонбосар»лар эмас. Бу одамлар ҳавфли, жуда ҳавфли ва улдабурон кимсалар: улар товуш чикармасдан зум-

да хамманинг кўл-оёгини боғлаб ташлашди, кейин эса, табиб билан қизча қани, деб сўрашди. Ҳа, ха, қизча билан дейишди. Мени айбга буюрмайсиз, табиб жаноблари, каминанинг карvonсаройида бундай номақбул иш биринчи марта рўй бериб турибди. Менга ғазаб қилманг, сизни ташвишга қўйганлари учун бадал тўлашига тайёрман. Ҳаммаси рисоладагидек бўлади. Ижара ҳакининг ярим пулини тўласангиз ки-фоя. А, лаббай?»

Мен уни ёқасидан олиб, бир-икки силтаб кўйдим. Бақалокнинг уни ўчиб, пастдан юкорига қараб мўлтираганича, кўзларини итоатко-ронда пирпиратди.

– Қани, қайтар-чи, улар кимни излашаётуди?

– Сизни бўлмай, кимни бўларди, ахир? – Мукла мендан ранжигани унинг гап оҳангидан сезилди. – Нима, сизга ёлғон гапирганимдан мен-га фойда борми? Олтин сўрашмади, кумуш сўрашгани ҳам йўқ. Табиб билан киз қани, деб очикчасига сўрашди.

У яна нималардир деб минғирлай бошлаганди, мен эшишиб ўтирмадим. Буёги қизиқ бўлди-ку?! Қизиқдан ҳам баттар. Демак, бу азamatлар шунчаки пулдор йўловчини овлаб юрганлари йўқ экан-да? Бу ерларда душманлари у ёқда турсин, ҳатто, бирорта таниши ҳам бўлмаган табиб Ирруах дан Гоҳҳо кимга керак бўлиб қолди экан? Май-ли. Аниклаймиз. Ҳозирча бир нарса равшан: ортиқ бу ерда қолиш мум-кин эмас. Эрталабгача карvonсаройда тунаймиз, лекин бир соат ҳам ортиқ эмас.

Мен Мукланинг билаги боғланган чилвирни каттиқ тортдим, у узи-либ кетди. Карvonсарой хўжайини билагини ишқалаб, бармоқларини кимиirlатиб кўрди; ўрнидан турди-да, кимиirl этмай ётган барзангиларга кўркибгина назар ташлаган кўйи:

«Бошқа меҳмонларни ҳам арқондан бўшатишнимга ижозат бера ола-сизми?» – дея сўради.

«Бўлмасам-чи, албатта», – жавоб бердим мен ва шундан сўнг бақалок оёқ учида одимлаганича, тинмай атрофга аланглаб, худди ракс тушаётгандек энгаша-энгаша настга туша бошлади. Орадан ўн дакикалар ўтиб у ёқдан гала-ғовур эшистилди. Шовкин ичida Мукла-нинг мамнунлик билан бижирлаши алоҳида эшистилиб турарди. Бирин-чи қаватда Ирруахнинг жасорати ҳакида афсона тугилишни бошлаган-ди...

Пастдагилар ўкириб-бўкириб турган вактларида мен тутқун-дагиларни қисқагина сўрок килиб олдим. Ҳар бирини ўзига келтириб, бир-иккита савол бериб, яна тинчитиб кўявердим. Бесфойда. «Бизни ёллашган» – шу холос. Албатта, агар қатъийроқ чора кўрсам, бу азamatлар булбуллек сайраб юборишган бўларди. Аммо ТҚБла факат

топширикнинг бажарилиши хавф остида қолган тақдирдагина «галиртириш» усуллари кўлланади. Шахсий мақсадларда бирорни кийнокка солиш ахлоқиззлик саналади. Қискаси, мен ҳеч нарсани апиклай олмадим. Бу ҳам етмагандек, расво вазиятга тушиб қолдим. Манави «дамини олиб» ётган таскараплардан биттаси кўлимда яхшилаб уриб қолишга улгурғанди. «Тегирмон»нинг зарбига тушишдан бир лаҳза олдинрок билагимдаги ҳалкани ишдан чикариб кўйди. Шунчаки билакҳалқага эмас, унинг ягона нозик ва ишчи кисмига – кристалл тошига зарба берганди. Аксига олгандек, кўли билан эмас, темирдан ясалған такма мушт билан ургани чаток бўлди.

Кечирасиз-у, лекин сиз кутурган киберни қуруқ кўл билан ишдан чикаришингизга тўғри келганми? Ҳеч қанақа радиотаъсир воситасидан фойдаланмаган ҳолда-я?

Аммо мен жиддий ташвишга тушишга ҳам улгуромай қолдим. Чунки Олла ёнимга келди, енгилгина, товушсиз қадамчалари билан якинлашиб, бутун вужуди билан бағримга кириб кетди, ҳали бирор марта бундай қилмаганди. Мен унинг соchlарини силадим. Ва у шундай деди:

– Амаэлло ле, бинни...

Ё, Яратган Эгам! Мен ҳайкириқдан ўзимни базур тўхтатиб қолдим. Ёки кичкирган бўлсам ҳам ўзимга эшитилмадимикан... Кизалок гапирди! Мен уни юзларидан, пешанасидан ўпдим, кўлимга кўтариб олиб, хона бўйлаб чирпирак қилиб айлантиридим; мен пичирлаб нималардир дедим, нафасим тикилиб, кизалокнинг жажжи гавдасини кучогимга маҳкаморок босиб, роса ялиндим: «Яна бир марта айт, бир марта гина айта қолгин», Олла менга қараб жилмаяди, аммо яна ҳар доимгидек жим. Лекин мен эшитдим-ку, унинг овозини ўзим эшитдим-ку!

– Амаэлло ле, бинни.

Сизни яхши кўраман, ака.

Йўқ, унака эмас. Сал бошқачароқ: акани бу ерда «бин» дейишади. «Бинни» эса – акажон дегани. «Мен сизни яхши кўраман, акажон»...

## **ХУЖЖАТ – IV ТҲБ АРХИВИ (асл нусха)**

Биринчидан – Иккинчига:

Табибнинг фаолияти ҳакида шошилинч хисобот беришингизни сўрайман. Ижро муҳлати – уч кун.

Иккинчидан – Биринчига:

Сизнинг сўровномангиз бўйича куйидагиларни маълум қиласман: тезкор ходим сифатида Табибнинг малакасига шубҳа йўқ. Чекланмаган ваколатларга эга бўлгани ҳолда, Табиб йўрикномада кўзда тутилмаган хагти-ҳаракатларни, шунингдек, алоқа узатмаларини шахсий

жадвал асосида амалга оширишінде қақла. Шу сабабларга күра жамланма хисоботни у топширикни бажарып болганидан сўнг тақдим этиш мумкин бўлади.

Иккинчидан – Табибга:

Алокага чикмаганингизнинг сабаби ҳақида шошилинч маълумот беринг. Такрорлайман: нима учун алокага чикмаганингизнинг сабабини зудлик билан маълум қилинг. Такрорлайман: алокага чикмаёттанингиз...

Тамом. Табиб Ирруах энди йўқ. Олла исмли кизалоқ ҳам энди мавжуд эмас. Хуржуннинг тубида, энг тагида нефрит калтакесак яширилган. Буллу лакабли от ҳам ишончли қўлларга топширилган, уни арава-параваси билан деярли текинга бериб юбордим. Биз кунботар томонга караб арzon байталларни миниб кетиб боряпмиз – жаҳонгашта бахши ва хизматкор болакай. Шундай қилмасак бўлмасди: энди кимга табиб Ирруах керак бўлса, бスマлол, излайверишсин. Биз «Сокин кулба»ни тарқ этган кўнгилсиз тонг гира-шираси ортда колганига ҳам саккиз кун бўлди. Зиммамда муҳим топшириқ бор – қўлим эса аксига олгандек бўй-бўй. Қуролланиб олиш ва молулига қайтиш учун фурсатим ҳам, ҳакким ҳам йўқ. Серёга мени қўллаб юборади, у менга ишонади.

Ўрмон тугаганига уч кун бўлди, у билан бирга кўргонлар ва асаларичилик хўжаликлари ҳам поёнига етди. Қашшок ва вайронна қишлоқлар кетма-кет кела бошлиди. Олтинранг ғалла далаларни қоплаб ётибди, уни йигиширадиган одам йўқ: ҳамма эркаклар Алвон Советлининг қўшинига қўшилиб кетишиган. Ўт кўйилган кўргонларнинг куйган синчлари, касрларнинг вайроналари. Ҳали кули совимаган. Дараҳтларга осилган одамлар, чангиган йўлларда итлар боёнларнинг жасалларини гажиши билан овора. Кулфат ва кон Алвон Советлининг қўшини оргидан вайроналардан вайроналарга, қишлоқдан қишлоққа изма-из чўзилиб келмоқда. Бу ерларда ҳокимият йўқ. Ҳеч нарса яй йўқ. Исен...

Биз йўлда валаклапиб кетяпмиз. Тўғрироғи мен тинмай вайсаб, «болакай»ни гапиришишга ҳаракат қиласман. Уринишларимнинг жавоби эса битта: «Сизни яхши кўраман, акажон». Гоҳ-гоҳида бирорта бошқа сўз ҳам айтиб қолади. Олдий сўзлар: Сув. Осмон. Қуёш... Лекин мен барибир томогим йиртилгудек бўлиб кийқириб, мирикиб куласман. Олла яна гапира бошлияпти!

Биз билан бирорнинг иши йўқ: эскириб кетган уд билан қўшиклардан бошқа нарсаси йўқ бахшидан нима ҳам олиб бўларди? Бугун ҳатто қўшиқ ҳам ҳеч кимга керакмас. Айниқса, бу ерларда. Одамлар ҳатто уйларидан чиқмайдиган даражада тинчиб колишган, кўнгилларига ашула сиғмайди: тўғри, кароллар кўча-кўйда жуда тумшукларини

күтариб юришибди, лекин, ҳатто, ўшаларнинг ҳам кўнгиллари нотинч: юртда ҳар хил овозалар юрибди, ташвишли гап-сўзлар кўпайган, ҳозир нимага ишонишингни ҳам билмайсан, киши.

Куни кечада, қок туш пайтида катта йўллар кесишган чорраҳада биз тирбандликка тушиб қолган аравалар, тикилинчда тўхтаб қолган одамларнинг тартибсиз тўдалари, отларидан тушиб олган суворийлар орасида тикилиб қолдик. Йўлни тўлдирганича отликлар қўшини ўтиб боради, ҳаммаёкни чанг-тўзон коплаган, атрофни узантиласарнинг шарақ-шуруги босиб кетган. Суворийлар гап-сўзсиз, лекин тантанавор кетиб боришимоқда. Охиригача тушириб қўйилган лубулга симпардалари ортида юзлар кўринмайди, чакмонларнинг этаклари отларнинг кадамларига уйғун ҳолатда шитирлаб силкинади. Ошпок ва олтинранг олов тиллари тасвирланган бинафша тусли ҳарбий чакмонлар. Охири кўринмайдиган қаторлар устида сиёҳранг байроқ мағур ҳиллирайди.

— О, Абадият Соҳиби... — оломон томонидан менинг елкамга кисиб қўйилган аллаким паст овозда инграб юборди. — Булар ахир Халоскорлар-ку! Ҳатто улар ҳам Жанубни тарқ этишибди... Энди бу ёғи нима бўлади?

У оғир хўрсингач, ҳиқиллаб йиглаб юборди.

Отлик қўшин эса жим кетиб боради...

## 7

Абадият Ибодатгохининг устунлари залворли тоғлар каби вазмин. Ёриклари тўқ кўк тус олган яшил ҳарсанглардан йўнилган бу устунлар кулларнинг итоаткор слкаларига ортилиб, Бошкентта келтирилган. Енгиллаштириш учун бўлакларга бўлишга изн берилмасдан, яхлитлигича, бутун ҳолида ташиб келтирилган. Мехробхона пойигта ҳам худди шундай тошлар ёткизилган. Бу ердаги мукаддас олов сакланадиган, биринждан ишланган идиш тепасида Салтанатнинг буюк тожи нозик занжирларга илиб қўйилган. Олтиндан нақш берилган тим кора пардаларнинг ҳаракатсиз оғир бурмалари деворларни тўсиб турибди. Шу жойда, яшил тусли мармартош сиртида ҳар бир авлод алмашинуви даврида тирикларнинг қисматларини аён этгувчи сирли битиклар намоён бўлади. Аммо бу маҳфий китоблардаги яширин белгиларни факаттина бутхонанинг олий мартабали хизматчилари ўқишига ҳақлидирлар, ўзга хеч ким эмас. Уларнинг мазмунини хеч бир кимсага, ҳатто, ҳукм эгаларига ҳам ошкор этмоклик қатъян тақиқланади.

Токи Ибодатгоҳ омон экан, Салтанат ҳам таназзул топмагай. Токи Маҳфият вokiфлари удумларга сўзсиз риоя этар эканлар, Ибодатгоҳ ҳаргиз инкиrozга юз тутмагай. Зоро, бу хилқатта Абадият Соҳибининг

назари тушган. Қора ҳалкка бу остоналарни босиб ўтишга ижозат йўқ. Девор бўйлаб бир текисда териилган курсилар асло авом учун эмас. Тазаррухоналарнинг сирли шуълаланиб турган токчалари ҳам паст табакадагиларнинг назарлари учун эмас. Бу бутхона – аълонасабларнинг ибодатхонасиdir. Бу ерга факат зодагонлар ўз аждодларининг хокларини тавоғ этмоқлик мақсадларида кадам ранжида этадилар.

Салтанат ҳукмдорига ҳам факат ушбу даргоҳда шамаш-шур қабул килишига изн берилган: факат шу ерда, асло бошқа жойда эмас.

Ҳаттоки, барча илмларни эгаллаган донишманлар орасидан ҳам қулоқ учун ғалати эшитилувчи бу ғайриоддий сўзнинг маъносини билгувчиларни топиш амримаҳол. Буни факат меҳроб масъуллари тушунтириб бера оладилар: «шамаш» – деярли йўқолиб кетган қадимий тилда «буоқлик» деган маънони англатади; «шур» – «қасам». Тўғрироғи эса, мухтарам Ваа ўзининг «Изоҳлар»ида ёзишича – «ваъда». Ваанинг шарҳлари бўйича саволларингизга ёш роҳибларгина жавоб берishi мумкин, лекин ҳаммаси ҳам эмас – шунда ҳам пичирлаб, у ёк-бу ёкка аланглаб сўзлашади; сўзларни тўпловчи олимнинг аччик қисмати ҳаммаларига сабоқ бўлган.

Буюк Қасам. Муқаддас Ваъда.

Мана, «шамаш-шур» нима дегани.

Титраб-титраб ёнаётган оловдан шуълаланаётган ҳукмдор тахти баландда турап экан, гўёки меҳроб узра парвоз қилаётгандек туюлади. Меҳроб зинаси атрофида ўриндиклари тахт ва олов томонга караган еттита курси ўрнатилган.

Учтаси – кора қопламали. Дарё бўйи. Баэл. Ррахва.

Учтаси – сарик. Тон-Далай. Олтинтоғ. Каданга.

Энг баланд, бинафшаранг суюнчилиси – ўртада. Силлик чармга олов тиллари тамғаланган: чап томондагилари – оловранг, ок ранглилари – ўнг тарафда Мангу Чехра Итоаткорлари раҳбарининг курсиси. У – бўш.

Ҳукмдорнинг юзи ифодасиз котган. Аммо юраги қувончларга тўлик. Шунча тобе ҳокимларнинг бугун биринчи бор тўпланиши – мажбуран эмас, ўз ихтиёрлари билан, тагин Абадият эхромида. Кўп йиллардан бери, тахта ўтириш маросимидан бери Салтанат таянчлари илк бора ўз ўринларини эгалладилар. Мана улар, кўлларини ковуштирган кўйи курсиларида ўтирибдилар. Ррахва раҳнамоси: ярим йилгина аввал ўзининг юкори мавқеига ишонган ҳолда ўшқиришга ҳадли сиккан эди: «Жаноб, Сизни ким ҳукмдор этиб ўтказиб кўйганини унутманг!» Ҳозир у жимгина ўтирибди. Тон-Далай бегини ҳам ортда коллириб, ўз хоҳиши билан етиб келди. Улар ҳаммалари зўрловсиз, ихтиёрий ҳолда ташриф буюрдилар. Тепаларида ҳукмдорлари борлигини

ниҳоят эслашга мажбур бўлишиди. Баэл жоҳаси курсисининг суюнчиғи мотам кора шоҳиси билан коплаб кўйилган. У энди келмайди. Начора, аслида шу сабаб ҳам бошқалар тўпланишиди...

Ким ҳам ўзининг юмуқ қўзлари билан бирорнинг қалбига назар ташлай оларли?

Хукмдор ўз тахтида хотиржам ўтирибди, лекин юраги мамнуниятдан ҳаприқади. У хозир олийнасаб хукмфармоларнинг бутун кибру ҳаволарини оёқ ости қилиб ташлаган лаънати қаролларни, исқирт авомни юракдан севишга ҳам тайёр эди. Чувринидилар ўзлари бош кўтариб чиқсан балчиқларига қайтадан ботирилиб, исёнлари бостирилгач, хукмдор, ҳатто бу ўлаксаларнинг ҳар ўнгадан тўккизтасини афв этишга ҳам қарши эмас.

Ҳа, ха, шундок. Масала ҳал! – ҳар ўнтасидан фақат биттаси кўргазмали қатлга маҳкум этилади, бошқалари эса фақатгина тамғалаб кўйилади: токи ўз хукмдорларининг олийхимматлигини шарафлаб юрсинлар.

Аммо бу – кейинчалик бўлади. Ҳозир – шамаш-шурни адo этмок лозим. Кейин кеч бўлади. Манави курсиларда ўтирганларнинг саросимада эканлигидан фойдаланиб қолиш даркор. Улар кора-олтинранг байроқ кудратига озигина гумон билан қарай бошласалар – хукмдор бир кун ҳам яшамаслиги мумкин. Булар – йирткичлар. Улар ўз хожаларининг амрига сўзсиз итоат этмоқликлари учун албатта тумшукларига уриб турмоқ лозим.

Эҳ, хозир бу ерда Үлка Бошқарувчиси ҳам бўлганидами эди...

Паст ва жарангдор овоз меҳробхонани янгратиб юборди. Қадимий меъморлар товушнинг таралишини ҳам ҳисобга олганлар. Тахт соҳибининг оғзидан чиқсан ҳар бир сўз – муқаддас. Бу овоз абадий олов алангасидан сизиб ўтиб, меҳроб қархисида ўтирганларгача етиб боради, у деворлар бўйлаб шиддат билан оқади. Токи хукмдорнинг эхром гумбазлари остида кўп марталаб кучайиб борувчи овози гумбурлаб таркалар экан, ҳар қандай бошқа товушларга бу ерда ўрин йўк.

– Сизларга саломлар бўлсин, аълонасаблар! Сизга бўлған эҳтиромимиз чексиздир!

Уларнинг қандоқ тинглашларини каранг.. Бу гумбазлар остида хукмдор айтадиган ҳар бир сўз – Абадият Соҳибишинг сўзидир. Нариги томонда, деворлар ортида улар истеҳзоли ишшайишлари, фитналар уюштиришлари, истаганларича ёвузликларини қилаверишлари мумкин. Бу ерда эса улар – тубандирлар. Тож кийдириш маросимидан бери шамаш-шур ўтказилмагани ҳам бежиз эмас.

О, меҳробхонага чўккан суқунатни қаранг! Қандай ёқимли жимлик!

Дарё Бўйининг жizzаки ҳокими олдинга энгапиди. Каданга ҳукмдорининг қип-қизарган башарасида ҳам итоаткорона садокат зоҳир бўлди. Ўзининг сон-саноқсиз бойликлари туфайли ҳаммадан кўра хавфлироқ бўлган Олтинтоғ ҳокими ўзининг оппок соч қоплаган бошини аста эгди. У салтанат ҳукмдорининг мархум бобоси билан ҳам адватда бўлган ва ҳатто киролнинг ҳарбий бўлинмаларини ўз кўл остидаги ерлардан бир неча бор хайдаб чиқарган ҳам эди. Ҳаттоқи, у ҳукмдорни орқаваротдан «болакай» деб аташини ҳам киролга стказишган. Аммо нима бўлганда ҳам у бугун – шу ерда. У киролнинг ҳар бир сўзини маъқуллаб ўтириби.

Аммо нима учун, нима учун уларнинг ораларида Ўлка Бошқарувчиси кўринмаянти? Қисқагина титроқ ҳукмдорининг оғзини бир қийшайтириб ўтгани олов парласи ортидан сезилмай колди. Халоскор суворий гўралар жуда кеккайиб кетишибди! Улар ўз касрларида ястаниб олиб, ҳакоратомуз мактублар жўнатишини одат килиб олибди-лар. Ўлка Бошқарувчиси эса ўзини ҳеч кимга бўйсунмайдиган подшоҳ деб эълон килиб, Ғарбий шаҳарлардан ҳукмдор томонидан тайинланган ҳукмфармоларни кувиб чиқариби. Жазо! Тез ва даҳшатли жазо – мана нимага муносиб бу газанд...

Аммо Ўлка Бошқарувчиси – салтанатдаги энг салоҳиятли саркарда. Абадий Чехра Итоаткорлари эса – энг довюрак қиличбозлар тўдаси. Уларни халқда «Халоскорлар» деб аташлари ҳам бежиз эмас. Бу мазҳаб сртўлаларида сакланётган ҳазиналар эса учта кирол билан бирвара-кайига уруш олиб боришга ҳам етади.

Агар шаробга озигина сирка томизилса – шароб ачиди. Халоскорларнинг мазҳаби эса салтанат танасини емиргувчи сирканинг ўзгинаси. Ўлка Бошқарувчиси – уларни раҳбари.

Ўлка Бошқарувчиси бўлмаса шамаш-шурни ўтказиб бўларканми?

Зинапоялар узра жарангдор овоз тахт томондан пастда ўтирганлар томон оқиб туша бошлади.

– Бизлар оғир ва мусибатли кунда тўпланишдик. Агар фитнакор иблислар олийжаноб қалбларга васваса солмаганида эди, бу жафокаш мамлакатимиз ҳайвоний исённинг ваҳшатларига йўлиқмаган бўлур эди. Аммо бизлар адашган авомни, яни фарзандларимизни кулфат чангалида колдиролмаймиз, буни истамаймиз ва хоҳламаймиз ҳам. Зоро, йўлдан адашган фарзанд ўз ота-онасига виждон-эътиқодли зурриётлари билан бирдек қадрлидир...

Мана, моҳиятнан бир томчи оғу ўрнини босгувчи сўзлар. Ўлдирмайди, аммо азобли.

Ҳукмдор Олтинтоғ кекса раҳнамосининг бароқ қошлари чимирилишига зимдан назар ташлаб қўйишдан ўзини тутиб турга олмади. Қалди

буқчайған, күриниши ўлакса бу чол ўзининг пастга осилган мўйлабини асабий ҳолда тишлай бошлади.

Хечкиси йўқ, чидайсанлар... Уларнинг тумшуғига уриш керак, бурнининг учига ачиштириб чертиш керак, токи кўзларидан ёшлари тиркирасин!

Аммо Ўлка Бошкарувчиси нега йўқ?..

Юкорида, шифтнинг шундоккина остида илиб қўйилган шамдон-лардаги шамлаар бирма-бир ёна бошлиди. Текис, ёрқин сарик ёғду доворнинг баҳмал қопламалари бўйлаб пастга томон оқади, ердаги тош тўшамаларни жонлантиради, довор бўйлаб ўтирганларнинг юзларни ёритади. Улар кўпчилик. Аммо ҳозир суворий тўраларнинг қадри шундай билингитики!

Улар ўзларининг Жанубларига бикиниб олганларича, исён ҳакида хатто билишни ҳам истамаятилар. Чунки кўзголон улардан жудаям олисда. Аммо исёнчилар Халоскорлар мазҳабининг ҳудудларига етиб боргач, бинафшарапг чакмон-жубба кийган сўзламас отликларнинг киличи остида ўз қонларига чўкиб ўлишади. Суворий тўралар шундай деб ўйлашягти! Ҳозир меҳроб олдида итоаткорона ўтирганлар ҳам шундай деб ўйлашганди – ҳаммаси битта-биттадан, алоҳида алоҳида бўлиб, танасидан сассик тер хиди бижғиган тўдага дуч келгунига қадар шундай бўлди. Ҳакиқат шу: Абадият Соҳиби кимни жазога лойик кўрса, ўшани аввал аклидан айрди. Аммо нима учун Салтанат ҳам ўшалар билан бирга ҳалок бўлмоғи керак?!

– Бизлар бирликда сингилмас кучга айланамиз! – Ҳукмдорнинг овози пўлатдек жаранілайди. – Ўтган кунлар биз учун аччик сабоқ бўлди. Бизнинг қалбларимиз олийжаноб дан-Баэллар насабининг мусибати туфайли ғамга гўлди, бу насл айни гуллаб, мевага кириб турган маҳали илдизи киркилган дараҳт мисоли йўқликка рихлат килди. Улардан бир куртак ҳам колгани йўқ. Аммо улар бизга, тирикларга хунларининг қасосини олмоқни васият килиб кетдилар...

Сўнг қирол баланд овозда, кескин, газаб билан ҳайқири:

– Шамаш-шур!

Меҳроб алансининг тиллари қон тўлқини каби шифт томон отилади, зулмат парласини ёриб ўтиб, Абадият Соҳибининг жиддий чехрали суратини ва унинг ёнгинасида турган Тўрт Нуронийнинг меҳр тўла кўзларини ёритиб ўтади. Уларнинг оргидан товушсизгина чиқиб келган ҳодимлар ниҳоятда паст овозда, оҳангдор қўшиқ куйлашни бошладилар; бу гўёки қўшиқ эмас, ўзига хос, тантанавор ва таъсирили, соғ бир мусика эди.

Қадим-қадимлардан бери ўзгармай келаётган, барчага бирдек маълум анъанага кўра дан-Рахва ҳокими меҳроб олдига келиб, тиззаси-

ни буқди ва узун, озгина эгик қиличининг дастасини олдинга каратган ҳолатда ҳукмдорнинг оёғи остига қўйди.

— Мен ва Рахва сенинг фарзандларингмиз, ота!

Узок ўнг бурчакдан кучсизгина жаранг тарапди. Бу эса оппок, кенг либосларига ўралиб олган корамагиз Рахва суворийлари қиличлари учини бир-бирларининг кўкраккалконларига уриб, киролга итоатлари ни изхор этётганидан дарак берарди.

— Мен ва Олтингтоғ ахли сенинг фарзандларингмиз, падари бузруквор!

Кекса йирткич тиз буқмаган ҳолда қасамёд қилади. На илож, бу унинг кексалик ҳукуки! Қимматбахо тошлар билан безантган Олтингтоғ суворийлари уриштирган қилич-қалқон овози жарангни янада кучайтиради.

— Мен ва Дарё Бўйи...

— Мен ва Тон-Далай...

— Мен ва Каданга...

Темирнинг темирга урилган овози. Жанг садоси. Ҳокимиятни ифода этгувчи мусика. Ҳукмдор худди ҳайкал каби тош қотган кўйи ҳаммаларини нигоҳдан ўтказади. Энди хонадагиларнинг барчалари жанговар, бир маромли ашулани биргаликда куйлашини бошладилар ва ибодатхона ходимларининг ижроси гўёки шу оҳанг каърига сингиб, йўқ бўлиб кетди.

Ўзаро жангаларда орттирган жароҳатларининг ўрни чанлик бўлиб ётган сарғинисоч олтингтоғлик тўралар ўриниларидан туриб, қиличларини қалқонга янада каттиқрок урадилар – уларнинг музофотларида ер танқис, меросхўрлар эса ҳаддан зиёд кўп. Йўғонсуяк Тон-Далайнинг боткок тўқайзорлари эгалари сўйлок тишларини иршайтирадилар – улар қилич-шамширларни тан олишмайди, улар отабоболаридан қолган, дастаси кумуш билан копланган анъанавий табар – ойболталар билан чопишидилар. Калта Каданга ханжарларининг қисқагина так-туки ҳукмдорнинг кулоғига айниқса ёқимли эшитилади. Улар доимо садоқатли бўлғанлар: дан-Каданга очик юз билан, мамнун ҳолда жилмайиб турибди. Унинг киролга садоқати бошқа тўраларнинг каттиқ нафратини кўзгайди. Ваҳоланки, у ҳукмдорнинг болаликдаги ўртоги, гўдаклиқда бирга ўйнаб катта бўлишган, вояга етгач, унинг маслаҳатчисига айланган эди.

О, шамлар накадар ёрқин порламоқда! Улар энди мингдан, минглардан ортиқ! Шамлар ўз ёғлуси билан ҳатто меҳробда ёниб турган муқаддас гулхан алансасини ҳам ютиб юборди.

Жаранглар. Садолар. Саслар.

Шамапи-шур!

Бирдамлик ва енгилмаслик туйгуси барчани қамраб олди – энг олийнасаб зодагонлардан оддий мулк әгалари гача шу хисга чулғанған. Бу хиссиёт ҳали жиловлаб олинганича йўқ, ҳали шамаш-шур зиёфатида қадаҳлар йигирманчи маротаба пешма-пеш бўшатилиб, лавозимлар ва унвонлар вактингча унтилгач, бу туйгу янада кучайиб кетади. Дўстона кучоқлашувлардан кўйлаклар шириллаб йиртилиб, мастиона кўзлардан самимий ёшлар оқади, бузилмас биродарлик карор топади, мастиклари тарқагач эса бу хиссиётлар яна иззиз йўқолади.

Хукмдор кўзларини ярим юмганича хисоб-китоб билан машғул эди.

Дарё Бўйи камида тўрт минг аскар беради. Олтин Тоғ ҳам шунча одамни жўннатиши тайин. Баэл энди хисобда йўқ. Тон-Далай, Рахва уч мингдан одам беради, Каданга ҳам чамаси шунча жангчини жўннатади. Жами – ўн етти минг. Бу жуда оз. Аммо булар фактамизий нишон әгаларининг улуши. Улар кимни топсалар, етаклаб келаверадилар. Ана шуниси ёмон-да, – ўзига-ўзи деди хукмдор. – Ким билсинки, ҳайдаб келинган деҳқонлар ҳали ким тарафда туриб жанг килади? Йўқ. Тўраларни огоҳлантириб кўйиши керак: авомни судраб келмасинлар. Демак, хисоб аввалгидек қолаверади: ўн етти минг зирх совутли суворийлар. Бундай куч ҳар қандай кояни кўпоришга етади. Аммо дентизни чайкатиш учун бу кудрат камлик килади. Агар бу хисобга сарой сарбозларини ва хукмдорнинг ёлланма аскарларини қўшганда ҳам ахвол ўзгармайди.

Яна бир аччик, аламли фикр мияга келади: вахоланки, мазхабда тенг ҳуқуқли Ҳалоскорларнинг ўзиёқ беш минг нафар...

Юкоридаги шамлар бирма-бир сўна бошлади. Аста-секинлик билан. Олдинма-кейин. Хизматчилар махфий туйнуклар оркали шамларни пуфлаб ўчириб, маросимни якунлайдилар. Олийнасаб зотлар муқаддас меҳроб олови кархисига зулмат коронғисида жамланиб келган эдилар, энди эса меҳроб алансининг гира-шира шуъласи кузатувида ибодатгоҳни тарқ этадилар.

Хукмдор ўз фарзандларига меҳрибон ота сифатида насиҳат сўзларини айтмоқлик учун шошмасдан, тантанавор кайфиятда ўрнидан турди. Ва бирдан тўхтади.

Кўйма эшиклар барча удумларга зид равища кенг очилди. Табақалари илк бор ички томонга очилди. Хона аллақачон ярим сукунатга чўмиб бўлган. Эшикнинг улкан тўтргурчак шаклдаги ўйигидан кириб турган ёруғлик орасида пайдо бўлган одамнинг шарпаси ҳам ичкаридан тўтргурчак кўринади. У остонадан ўтиб келди ва хонанинг ўртаси бўйлаб тўғри бостириб кела бошлади. Ҳеч кимга бир назар ҳам ташлаб қўймасдан, меҳроб томон юради. Сочлари кумушранг-ок тусга

кирган бошини викор билан юкори кўтарган. Оппок ва олтинранг олов тиллари нақшланган бинафшаранг чакмонининг барлари узун-узун бурмаланиб, ернинг яшил тош тўшамалари устида судралиб боради.

Бўғик «оҳ» тортган ҳолда тўралар ўринларидан туриб кетишиди. Паст табакали ва энг олийнаслари ҳам, машхурлари ва таниксизлари ҳам – барчалари оғизларини ланг очиб, кўз олдиларида юз бераётган ҳодисага ишонолмай, ҳайратда қолдилар.

Шахдам кадамлар.

Гурсиллаган кадамлар.

Оқ сочли жангчи меҳроб олдида тўхтади; улкан киличини узатиб ҳам ўтирасдан аланга устига – шунлоккина ўтдонга кўндаланг ҳолатда ташлаб кўя қолди. Қилич деганларининг дастаси узунлиги ҳам тигининг нақ ярмича келар, тигининг узунлиги ҳам кам деганде норғул бир эркакнинг кўкрагигача етиб қоларди. Жангчи уни елкасига кўйиб келди.

У киличини алангага ташлагач, гўёки тиз букмоқлик максалида жойида тўхтади, аммо ҳукмдор унинг таъзим килишига изн бермади. У зинапоялардан шошиб тушиб кела бошлади; юз ифодаси тош котган, аммо лабини тез-тез, каттик-каттик қимтиб турганлиги унинг пароканда йўй-хаёлларини ошкор килиб турарди.

Чукур, тубсиз сукунатда кескин жаранг кўқкисдан садо берди.

Зирхлар зирхга урилди.

Ҳукмдор Ўлка Бошқарувчисини маҳкам бағрига босди.

## 8

Инсон ғам-ташвишларининг адоги, чек-чегарасини ким билади? Кимларнингdir умри кўз очиб-юмгунча ўтади-кетади; ҳар бир одам канча умр кўрмасин, ўзига ажратилган ризқидан ортиғига эга бўлолмайди. Қаролнинг боласи қароллигича ўлиб кетади, ёш тўра эса қарип-картайганида ҳам хўжайин бўлиб қолаверади. Ҳар кимнинг елкасида ўз ташвиши бор, дунёда мутлак баҳтли одам йўқ. Бойлар – яна ҳам бадавлатрок бўлишни истайди; бундан ортиғига эришолмаслигига кўзи етгач эса, сочлари эрта оқариб, сандигидаги ҳар бир танга устида етти думалаб, қалтираб-какшайдиган бўлиб колади. Ҳокимият эгалари эса тунлари ҳам уйкулари кочиб, ҳар бир бурчакда кўзларига қотиллар кўринаверали. Кўркок ўлимдан кўркади, қаҳрамон – шаънсизликдан. Ҳатто энг баҳтли одам ҳам баҳтини йўқотишдан кўркиб яшайди.

Булар ҳаммаси такдирдан, бу борада баҳс-мунозаралар ўринисиз. Ер юзидағи ҳақиқатлар эса, ҳаммаси бекор, чунки улар одамзод томонидан ўйлаб топилган, улар томонидан жорий этилган, зўрлик билан

ўрнатилган, демак – ўзгарувчан. Бу олам яратилган пайтнинг ўзидаёк хожаларнинг ҳам, қаролларнинг ҳам лойи кориб кўйилган. Буни Тўрг Нуронийлар ҳам эътироф этганилар.

... Адолат Дараҳтининг барглари кишини элитиб, ҳушини ўғирлагудек бўлиб шитирлайди. Ҳозирда буюк исён бўлиб ўтган ҳар бир қишлоқда, ҳар бир шаҳарда бундай дараҳтлар шамолда тебраниб турибди. Улар Кекса Қироллар ҳукмронлиги даврида пайдо бўлган. Уларга олранг тасмалар боғлаб ташланган ва шохлари ҳам кўзни кувонтирувчи кип-кизил рангга бўялган. Эркин Йигин томонидан сайланган оқсоқоллар шохлари шовуллаб турган бу дараҳтларнинг қуюқ сояси остила тўпланадилар ва айбисизларни оклаб, золимларни жазолаб, тезкор ҳукм чиқариш билан шуғулланадилар.

Ҳозир шундай Адолат Дараҳтларидан канча бор экан?

Бу факат Абадият Соҳибига аён. Аланга ичидаги омон колган Салтанат жон талвасасида. Шимол ёнмоқда: у томонлардаги омон колган айрим қалъалардагина соchlарига оқ тушган тўралар ҳозирча мудофаани ушлаб турибдилар, аммо уларнинг бардошилари кўпга етмайди. Куйиб кўмирга айланган Шарқ култепага айланган: у тўлиғича Алвон Совутлининг лашкарлари кўлига ўтган. Тез орада Ғарб ҳам кулади. Факатгина Жанубий ўлкалар – Абадий Чехра Итоаткорлари, яъни Ҳалоскорлар мазхабига тобе ерлар ҳозирча жимжит: Ўлка Бошқарувчисининг кўллари кудратли, бинафшаранг чакмонли суворийларнинг қасослари шиддатли. Аммо у тарафлардаги сукунат ҳам омонат: ҳар куни жанубий сўқмоклар оркали у томондан ҳам захил, тундбашара, таниксиз кимсалар кетиб кола бошладилар. Демак, тез орада Жануб ҳам алана гида колади.

Барглар шитирлайди. Инсон қулоқлари учун нотаниш бўлган бу шитирлаш Лланга гўё тўтири карорни айтиб бермокчидек туюлади. Аммо Ллан уни эшитмайди, қулоқ солмайди. Одамзоднинг ғамташишларини оддий барглар каёқдан ҳам билсин? Бу, ҳатто Адолат Дараҳтининг барглари бўлган тақдирда ҳам!

Алвон Совутлининг лашкари икки кундан бери сўнгти ҳамла олдидан куч тўпламоқда. Уч қатор бўлиб сафланган ҳолда бутун мамлакат бўйлаб чўзилиб кеттан бу кўшин йўлларни коплаб борар экан, худди кулранг илонни эслатади. У ҳар бир ҷақирим юргани сари узайиб, ўсиб боради, қишлоқлардаги ва шаҳар атрофидаги кўрғонлардаги ноchorларни ўзига сингдириб кетавсерали; қаср ва қалъаларни ямламай ютиб, улардан факатгина тош ўюмларини колдиради, холос. Лашкар Янги Башкентдан уч манзил берида тўхтади. Худди гужанак бўлиб олаётган илон каби уч қаторли сафлар ўрама ҳосил килганича, буралиб-буралиб қелаверади.

Одамлар нафас ростлаяптилар. Баъзилари қароргоҳдаги шовқин-сурондан халос бўлиши учун бошларини хонаки калтачакмонларига ўраб олганлар, бошқалари ошик ўйнаш билан овора, кўли келмай қолса бўралатиб сўкинишади; кай бирлари эса теварак-атрофга олазарак бокканича, маст килувчи ёнарсув солинган сув идишини давра бўйлаб айлантиради. Кимлардир сурнай чалиб, ўзлари тўқиган кўшикларни чўзиб-чўзиб айтадилар. Ашуалари каролларнинг ҳаёти янглиғ мунгли; шўхчанларини эса кўшикчилар ҳозирча тўқиганларича йўқ.

Пиёда бўлинмаларнинг стакчилари гулхан атрофида ўз аскарлари билан бирга ўтирибдилар – бундай тенглик шу вактгача бўлган эмасди. Отликларнинг сардорлари эса шошилинч тутилган чодирларга жойлашгандар. Улар енгилмас қаҳрамонлар ҳисобланишади, ёнарсувни ҳам яширинча эмас, ошкора ичаверишади, уларга кўп нарсаларга ижозат берилган. Аммо бекорга кўзга ташланишнинг ҳам кераги йўқ. Қароргоҳда Лланнинг одамлари хуфёна изгиб юришибди: улар ҳамма нарсани кўриб, эшишиб туришади – агар Буюк Ҳакикатга номуносиб бирор ишни кўриб колишса, Олий Жазоловчига хабар берарлар. Унинг хукми катъий, жазоси беаёв. Ким ҳам ўзининг пат кадалган дубулғасидан бекорга ажралиб, кейинги жангга энг биринчи сафда, боз устига пиёдалар орасида боргиси келарди дейсиз?

Шитирлаб турган барглар остида рандаланмаган тахтачалардан тайёрланган оддийгина курси турибди. Омонатгина, ишончсиз. Аммо Лланнинг жуссаси енгил, худди вазнисиздек. Вазни енгил-у, лекин иродаси кучли, шу боис ҳам одамларнинг тақдирини ҳал этиш унга топширилган...

– Боббо! Бургутлар бўлинмасидан...

Сочлари тиккайган, сепкил юзли йигит Лланнинг каршисида тиз чўкли. Шишиб кетган юзлари моматалок, кўзлари ноумид жавдирайди; у тирсакларини оғритиб сикиб турган арконни озгина бўлса-да бўшатиш мақсадида слкаларини кисиб, тинмай тиширчилайди.

– Маст ҳолда сокчиликда турганида ушланган. Икки чирпит ёнарсувни яшириб кўйган экан, – кўшимча килди лашкар айғоқчиси.

Ллан йигитнинг кўркувдан косасидан чикиб кетаёзган мовий кўзларига синчиклаб тикилди. Калласини ноухш ликиллатиб кўйли. Кейин чап томонга, эрта тонгда чуқур килиб казиб кўйилган чоҳ томонга ишора килди. Чукурликдан янги қазилган тупрок хиди анкиб турибди. Боббо эса худди Олий Жазоловчининг сўзларининг маъносини тушунмагандек хандак чеккасига итоаткорона юриб борди, сокчилар ҳам йигитга раҳмлари келдими, ҳар қалай ёғоч калтаклари билан уни никтаб бормадилар. Ичкиликбоз чукур тепасига келтирилгач,

оркасидан төпіб, пастта – бошқа боғланған ва инграб ётганларнинг ёнларынга ташлаб юбориши.

Лланнинг ёнига яңги маҳкумни келтириши.

– Йанан! Иккінчи Нуроний бўлинимасидан...

Буниси килтирик, чайир, корасокол, терисининг ранги кўкимтиригусланиб турибди. Жанублик. Қиролнинг даъвати билан лашкарга кўшилган бир неча нафаргина жанубликларнинг биттаси. Кўзлари қаҳрли, боқишлиари дадил. Шундай аскар ҳайф кетадиган бўлгти-да!

– Айби нима экан?

– Маълум қилишларича, олтин яшириб юрган. Тинтувда бу тасдиқланди!

Хали шунақами? Ллан ўйлаб ҳам ўтирасдан, соҳ томонга ишора килди. Йанан деганлари Боббога ўхшаган ландовур эмас: у ҳатто боғланған ҳолида ҳам хириллаб, қаршилик кўрсатмоқчи бўлади. Учта барзангি соқчилар уни базўр эслаб, кўзларига қон тўлған, типирчила, бўкириб турған ҳолида кийинчилик билан чукурга улоқтиридилар.

Кейинги тиз чўкиб турған маҳкум хотинифат кўринишдаги кария. Кўзларининг атрофида майда ажинлар тўрлаган; саришталик билан ямок солинган чакмони юпқа матодан тикилган, озода. Бу шаҳарликлардан шекилли? Лланнинг қошлари чимирилди. Олий Жазоловчи шаҳарликларни ёмон куради. Ҳатточувриндиларини ҳам ёқтиромайди. Тошдан курилган бу ахлат маконлари ёвузиликнинг уяси: дунёда нимаики офтат-бало бўлса, айнан шу жойлардан тарқалади. Ҳақикат – ҳашаматда эмас. Ҳақикат – соддаликда. Қишлоқ шаҳарнинг ашқол-дашқолларисиз ҳам яшайверали, улар эса қишлоқсиз бир йил ҳам яшай олишмайди. Она тупрокни соттан кимса ҳамма нарсани сотишга кодир...

– Дал-Даэл! Бешинчи юзликнинг муншийси...

Ўйлагани рост бўлиб чиқди. Ростдан ҳам ўшалардан экан.

– Амлоқдорнинг итвачасини кўйиб юборган. Жиноят устида кўлга олинди!

Муншийнинг ёнида йўрмали кийимининг увадаси чикиб кетган болакай турибди. Орқасига қайрилган кўллари кўкариб кетган. У хикиллаб йиглаб турарди.

Ингичка озғин кўл ўра томонга қисқагина ишора берди. Дал-Даэл юзтубан йиқилган кўйи Лланнинг увада жуббасининг этаклари ёпиб турған бошмоғига бош урди.

– Болага раҳминг келсин... Уни ўлдиролмадим... Менинг ҳам болаларим бор...

Олий Жазоловчининг олайиб турған кўзлари қурбонга қараб турған бўлса-да, уни кўрмайди, кок терига айланған ўлакса тусидаги юзида – ҳайрат. Жиноятчи нима учун ханузгача лаҳмда эмас?

■ Зах хидли тупрок жон талвасасидаги чинкирикларни ютиб юборади.

Бўлдими?

Йўк...

Аёл кишининг жонхолатдаги кичкириги. Буталар орасидан дагал сочлари тўзгиг, думалок кўзлари ёшга тўлган, кийимлари йиртилиб титилган бир хотин эмаклаган холда чикиб келди. Кўлларини олдинга чўзганича, роҳибининг пойига бош урди.

– Ёрдам бер, отахо-о-он! Менга ёрдам бе-е-ср! Лъянати даштлик мени бадном қилди-и-и! – У телбаларча чинкириб, Адолат Дараҳти остида мук тушганича ўт-ўланларни асабий юлкай бошлади. Йиртилиб кетган этаклари орасидан оппоқ оёқлари беҳаёларча очилиб турарди. Унинг ортидан Олий Жазоловчининг соқчилари калта ҳаворанг чакмон кийган, бодичи боғланмаган чоловори тиззасигача тушиб ётган япаски башара барзанги бир йигитни калтаклаганча судраб чикишди. У жонхолатда типирчила, каршилик кўрсатишга уринарди. Мўйлаблари энди сабза ура бошлаган афтини ҳуснбузар қоплаган. Қимматбаҳо калтачакмон кийган – демак, кимдандир ечиб олган. Юзларida тиরтиги бор. Ҳаворанг либослилар бўлинмасидан экани аниқ. Бу чаток. Унинг килмиши шундоккина кўриниб турибди. Аммо Вудри нима деркин?..

Ллан энкайган кўйи, япаски башаранинг олазарак кўзлари оёқ остидаги майсалардан узилиб, ўзи томон қарашини кутгуб турди. Зўравоннинг кип-кизил кўзларida даҳшат ваҳимаси аксланган кўркув зоҳир эди. Оғзи буришиб кетган. Демак, кўрқоқ. Буниси ғалати: чунки ҳаворанг либослилар орасида кўркоклар хеч қачон бўлган эмас. Тағин ким билсин... жанг майдони бутунлай бошқа нарса, Олий Жазоловчи хузурида, ўлим хандагининг нак оғзида туриш эса...

– Жиноят жойида ушландими? – қиска, лўтида савол.

– Йўк, Ллан ота, шикоят бўйича. Бор буюмлари мусодара килинди, – аник-равшан жавоб беради сокчи.

Демак, факат боскинчилиги исботланган, холос. Зўрлагани-чи?! Ўзи бу айбловчи жонон аслида ҳам беайбмикан. Умуман олганда унга иккиланиш мумкин эмас. Адолатни бўлакларга бурдалаб бўлмайди. Адолат ҳамма учун баробар, асрлар бўйи шундай бўлажак. Бошқача бўлиши мумкинмас.

Ллан кўлини олдинга чўзди. Ўгрининг елкасидаги ҳаворанг ёпинчикни чақкон ҳаракат билан кескин торгиб олди. Ишораси ҳам кескин бўлди.

Унинг оёғи остига яна жабрдийла аёл аганади. Қаранг, ҳаёлидан кўтарилиб, хотирасидан ҳам ўчиб кетибди-ку?! Аёл қалтираб турган, терлаган кўллари билан каттик боғлаб кўйилган рўмолнинг тутунини

еча бошлади: арzonбаҳо узуклар, кумушдан ишланган занжир ва билаг-узук, бошқа майда-чуйдалар жаранглаб, шикирлаб ерга түкила бошлади...

— Отахон, шошманг! Ахир ҳамма нарсаны қайтариб бердим-ку?! Ҳаммасини қайтардим! Уни зўрлаганим билан бир жойи камайиб колгани йўқ, ахир! Ўзи бутазор томонга кетаёттанди. Ёш жонимга раҳминг келсин... раҳм кил...

Ллан ҳайрон холда кошини чимириди. Қичкирик тўхтади. Аёл ғойиб бўлибди. Сокчилар ҳаворанг либосли йигитни икки тирсагидан олиб, соҳ томонга судрай бошлади. У қўлларининг bogланмаганидан фойдаланиб, илондек тўлғонганича бақувват чангаллардан чиқиб кетди ва додлаганича ортига қарамай қочди. Бошини олдинга чўзганича Лланнинг ёнидан югуриб ўтиб, уни туртиб юборишига оз қолди; отидан сакраб ерга тушган олифта суворийнинг оёкларига йикилди.

— Аа-а-а-а!

Вудри ариллаётган аскарнинг башарасига ҳам қарамасдан, Лланнинг ёнига келиб, шундоқкина юзма-юз бўлди.

— Ллан ота!.. — Даشتликнинг пириллаб турган мўйлаблари унинг ўзини хотиржам кўрсатишга бўлган уринишлари ҳам осон кечмаётганидан далолат бериб турарди; қонсиз лаблари асабий пириллайди, чакчайган кўзларида — газаб. — Бу — Глаббро, менинг дастёrim... Биз бошидан биргамиз. Дашибдан биргамиз! Тушунипсанми?

Гап бу ёқда экан. Булар даштда топишишган. Демак, қарокчи...

Ллан оғир ютинди. О, Абадият Сохиби! Бу одамларнинг қабиҳлигини кара. Соқоли мумдек қора. Лаблари кип-қизил кон рангиди. Юз-кўзидан фаҳш ва фосиқлик ёғилиб турибди. У ўзини Тенглардан деб хисобласа-да, ўша босқинчи Даشتлик Вудрилигича колган. Суворийлар унинг хайриҳоҳлиги билан Аҳдларни бузишмоқда. Мовий либослилар тақиқланган ишларга журъат этишмоқда. Улар Ҳак Овозни эшитмайдилар. Уларнинг орасидаги энг биринчи жиноятчи — сардорнинг ўзи. Хайриятки, кирол акл билан иш кўради. У ҳаммани тинглайди, лекин фақаттина Ллан сўзлаганида бош ирғаб кўяди. Кўхна Киролларга меҳнаткашларнинг ва неъмат яратувчиларнинг барча ғамташвишлари таниш бўлганлиги бежиз эмас.

Олий Жазоловчининг тиҳсиз оғзи аста-секин очилди.

— Тенглар орасида мавқси баландлар ва мавқеи пастлар бўлмайди, азизим Вудри. Гуноҳни хеч нарса билан, ҳатто ложуварл рангли ёпинчик билан ҳам яшириб бўлмагай. Бу йигитчанинг аянчли кисмати бошқа одамларнинг учун сабоқ бўлсин. Суворийларнинг ҳам қалблари Ҳакикат нуридан ёришсин.

Соқчилар найзаларини оғдириб, тигини Вудрининг кўкрагига тўғирладилар. Вудри қиличининг кизил тошлар билан безатилиган дастасидан қўлини олди. Унинг кўзларидағи қип-қизил газаб ўти туссиз шаффофлик касб этди. Вудри ифлос сўкиниш билан эгар устига сакради.

— Аа-аа-аа-а! — одам овозига ўхшамаган ёқимсиз бўкириш агрофни тутди. Ерга ағдарилган Габбронинг кўллари энди боғлаб қўйилган. Жазоловчининг соқчилари ўз хатоларини такрорламайдилар. Махкумнинг кўлларига арқон боғлашни унугтганлар эса муносиб жазосини олади — бу ўзларига фойда бўлади, бир умр эсларида қолади.

— Аа-аа-аа-а! — додлаган овоз энди чукур ичидан келади. Кисматларига тан бериб турган, чукурга ташланган бошка одамлар ҳам қўркоқнинг ариллашидан кейин унга қўшилиб чинқириб-додлашга тушдилар.

Барглар шовуллайди, аммо уларнинг шитир-шитирини кичкириклар босиб кетади. Соқчилар чукурнинг тупроклари тўкилиб турган кирғогига келдилар. Пастда, ўра тубида одамлар қатлам-қатлам бўлиб ётишибди. Кўпчиликми, озчиликми, ишқилиб бугун Олий Жазоловчининг ҳукми билан айблангандарнинг ҳаммаси шу срда. Ҳатто марҳаматга ноил бўлмаган гуноҳкорларни ҳам узок куттириш инсофдан эмас.

Юмшоқ, оёқ остида чўкиб кетаётган пастак тупроктепа устига Олий Жазоловчи кўтарилди. Унинг юзида тантанаворлик сезилиб турибди.

— Болаларим! — тажрибали даъватчининг баланд ва кучли овози тусланиб, жаранилаб чикади. — Ҳакикат уқубатларнинг меваси эканлигини билмайсизларми?

Кейин эса Ллан худди ўзи билан ўзи сўзлашаётгандек, паст овоз билан гапира бошлади. Унинг сўзларини соқчилардан бошка ҳеч ким эшитмасди; лекин улар ҳам ҳеч нарсани эшитмайтгандек хиссиз туришибди. Агар ҳозир бу ерда бегона одам бўлса, Жазоловчининг даъвати, айнан ўра ичидаги мажкумларга каратилганини англаб ваҳимадан сочи окариб кетган бўларди.

— Азоб-уқубатларнинг чек-чегарасини ким ҳам била оларди. Бу фактат Абадият Сохибигагина маълум. Аммо покланиш фурсати етганида ким ўзини четта олса — ҳакикий гуноҳкор ўшадир. Ҳакикат ёхуд Ёлғон. Ўртада бошка нарса йўқ. Ҳал килувчи соатда кимки панада беркиниб ўтирас экан, кимки ўз манфаатларни омманинг муқалдас харакатидан устун билар экан, у — бизнинг душманимиздир. Куруқ сўзлар билан афсулениш — бекор. Мухаббат — йўқ нарса. Раҳмдиллик — ёлғонга хизмат килади. Модомики аҳвол шундок экан...

Энли даъват кескинлашиб, овози ҳам кўтарила боради.

– Шу боис ҳам Кўёш Салтанатига олиб борувчи йўл шафкатсизлик тошлари билан териб чикилган. Бизлар нурли водийларга стиб бориб, маҳобатли саройлар курдимиз. Унда йўксиллар боёнларга айланадилар. Лекин уларнинг ўрнига бошка кашшоқлар келмайли, чунки бу – тенглар замони бўлади. Шунда биз барча курбонларни ёдга олгаймиз. Айбдорларни эса кечиргаймиз. Қасоснинг конли дарёсига фарқ этилган гунохсизлардан эса кечирим сўралгай. Абадият Сохибининг олдида ёлғиз мен ўзим ягона жавобгар бўлурман. Аммо унга кадар хали узок фурсат бор...

Ллан пастга – уюлиб ётган одам таналари орасидан олайиб карабтурган кўзларга тикилди.

– Ҳакиқат ортидан бокий умр келгусидир. Шунда биз Тўрт Нуронийдан бизларни ўз химояларига олмокликларини сўраймиз. Шунда сиз гунохкорларнинг ҳам жонларингиз ўзларингизга кайтарилгай. Энди эса биздан ранжимасдан охират сари йўл олинг!

– Аа-аа-аа-а! – чукурдан бу чинкирик тинимсиз чикиб туради.

Ллан бошини эгиб, хандакка бир сиким тупрок ташлади.

## 9

– Кўйла, машшоқ.

Мен куйлай бошлайман. Аввалига «Пушти қушча»ни айтаман, кейин «Сени боғда учратаман» ва албатта «Майсалар сўлиди, куз етиб келди», кейин яна «Пушти қушча»га навбат келади; булар бошка ашуналарни тинглашмайди. Овозим хириллаб колганидан кейингина мени сарик чакалар билан сахийларча сийлаб, кейин кўйиб юборишида, аммо кейинги бурчакда мени яна тўхтатишади – маст башаралар, ҳаммасининг оғзидан ичкилик хиди бурксийди; атрофимда яна олонмон тўпланади, йўлимни тўсиб, яна елкамдан удни олишга мажбур килишади.

– Кўйла, машшоқ!

Мен яна кўшиқ бошлайман.

Очиғи, барча муганийлару ашулачилар, машшоқлар ва илҳом Паришининг бошка эркатойлари орасида мен биринччиси эмасман. Иккинччиси ҳам эмасман. Ҳатто учинчиси ҳам мен эмасман.

Илгари мен каттик уялалиган нарса хиргойи қилиш эди: дўстлар билан бир даврага жамланиб, бошқалар соз чалиб, қўшиқ айтишган пайтларда ҳам мен факат ўз ёзган шеърларимнигина ўқиб берардим. Шеърларим ёмон эмасди, буни ҳамма тан олган, лекин ҳар холда оддий шеър билан қўшиқнинг орасида фарқ бор-да: шеърни тушуниш учун

фикрлаш керак, кўшиқни эса шунчаки эшитиш учун айттиришади. Ким ҳам чиройли зиёфат бўлиб турган пайтда шеърнинг мазмунини тушуниш учун харакат қилиб ўтиради?

Гитара чалишни ўрганишнинг улдасидан чика олмадим – ё бармоқларим созга тушмади ёки тинимсиз машқларга сабрим етмади.

Аммо киролнинг соҳил бўйини тўлдириб турган ёлланма аскарлари учун менинг куйлашим ҳам ёмон эмас: баъзи ашулалимни, масалан, ўша «Пушти күшча»ни ҳам баъзан қайта-қайта айттиришади. Мен ҳатто мана шу нарса билан ҳам ҳакиқий ҳаваскор ашулачилардан фарқ киламан: Рома ҳам, Ира ҳам битта ашулани ўла колса иккى марта айтмайдилар. Борис эса бу кадар паст кетгандан кўра, гитарасини еб қўя колади. Уларга ўз фикрларида қатъий туриш кийин эмас. Чунки улар ТҚБда хизмат қилишмайди.

Ёлланма жангчилар астойдил берилиб тинглашади, нолали жойларида хиргойига қўшилишади, баъзилари эса пикиллаб йиглаб эшитишади. Нима учундир мана шунақа ҳарбий кийимдаги каллакесарлар, ашаддий жиноятчилар айниқса бу каби «юракни эзадиган» ашулаларга ишишибоз бўлишади. Очигини айтганда, вазият ҳам шунга мос эди: Алвон Советли деярли бир йилдан бери қалъя девори остида турибди; бирор фитна-фужур чикмаслиги учун жангчиларнинг миясини ичкилик билан банд қилиб қўйишиди. Бўнак пулига ичиб олганларидан кейин улар ҳамма ташвишларни унугиб, ҳаёт ҳақидаги қўшикларни тинглашни истаб колгандилар...

– Куйла, машшок!

Аммо мен кўлларимни кўксимга чалиштириб олдим.

– Шавкатли азаматлар, азиз баходирлар, довюрак химоячилар, раиятининг шаъни ва шавкати бўлмиш кадрдонлар, хурматли ахли омма! Бечора муғаний сиз учун ҳатто ярим тунга кадар хизмат килишга тайёр, лекин менинг кирилган томогимга раҳмингиз келсин! Бир култумгина шароб билан томогимни ҳўллаб олишга ижозат беринг, иликкина шаробдан кейин яна хизматингизга мунтазирман!

Бу илтимосдан сўнг оломон салгина тарқалишади. Аскарлар хайрихоҳлик билан кўнглимни кўтарган бўлишди: кимдир елкамга дўстона шапатилаб кўяди, бирори миннатдорчилик билдиради, саводлироқлари «Күшча»нинг сўларини ёзив беришимни сўрайди. Мен ҳам ваъда бериб кўйган бўламан, ҳазил-хузул киламан, кай бирлари биландир кўл синкишаман... ниҳоят соҳил бўйидан озодликка чикиб оламан: торгина кўча мени бироз озодарок маҳаллаларга олиб чиқади. Энди буёгига тамаддихоналар, ковоқхоналар, исловотхона ва кунлик даромадлари кечадан бери уч баравар ошиб кетган бошқа хил маишатхоналар учрамайди.

Сохил бўйидаги машакқатли сарсонгарчиликлардан сўнг чекка махаллалар анча тинч ва осудадек туюлади. Лекин буни осудалик деб ҳам бўлмасди – шаҳар кочкинларга тўлиб кетган; улар тунаш учун кўноқҳоналарнинг каталакдек ҳар битта хужрасига учта, тўртта оила бўлиб тикилишган. Ночорроклари эса ўзига бирор бостирма ясад олиб ёки тўғридан-тўғри кўчаларнинг тош тўшамалари устига чўзилган. Ҳукмдор Бошкентга оломонни киритишни тақиқлаб кўйганига ҳам ўн кундан ошди. Шундай килмаса бўлмасди ҳам: нархлар кўтарилиб кетган; у ер-бу ерларда жуда ғалати, ифлос касалликлар тарқала бошлади; ариклар пажосатга тўлиб кетган, кечалари кўчаларга чиқиш хавфли.

Тўғриликка тўғрику-я, лекин ичкарига кўйилмаганлар шаҳар деворлари остида ўтиришибди, дарвозаларга ёпишиб олишган, йиглашади, ялиниб-ёлворишади, посбонларга пора беришга уриниб кўришади; уларни ҳам тушунса бўлади – Алвон Советлининг лашкари Бошкент остонасига яқинлашиб колган.

Ибодатхоналар одамларга тўлиб кетган, илтижолар, тавба-тазаруслар кеча-кундуз тинимсиз давом этмоқда; чёрков хизматчилари меҳроблар ёнида ҳолсиз йиқилишади, улар энди кўшиқ ҳам айттолмасдан қолишган, хириллашга ҳам кучлари колмаган, нималарни дир тушунарсиз пичирлашади, холос. Улар бир-бирлари билан навбат алмашиб туришибди, лекин ашулачиларни ҳам бирор эшитадиган ахволда эмас: ҳар ким ўзи учун ибодат килади – аммо мақсадлари битта: агар Алвонрангнинг кўли баланд келиб қолса, қандай килиб бўлса ҳам тирик қолиши.

Ҳамма ерда қуролли одамлар – улар нихоятда кўп: шаҳар посбонлари, ҳарбий тўралар, уларнинг аъёнлари, куролбардорлари, дастёrlари, муҳофизлар; гўёки бутун мамлакат бир ерга жамлангандек – ҳамма шевалар, ҳамма турдаги лаҳжалар шу ерда мужассам. Таъзимлар, саломлашувлар, елкага дўстона шапатилаб кўйишлир – ҳаммаси сохта, носамимий, зўраки экани сезилиб туради... сохил бўйидаги гала-ғовурдан унчалик ҳам фарқ килмайди. Факат Ҳалоскор суворий тўраларгина сукутда; улар етти кишилик бўлинмаларга бўлинниб, сиёхранг чакмонларига ўранган кўйи жим айланиб юрадилар, бир-бирларидан бир қадам ҳам ортда қолишмайди, теварак атрофга деярли нигоҳ ташламайдилар. Бошқаларга қараганда буларга енгилрок: Ҳалоскорлик рухи турмуш ташвишларидан юкорирок туради. Бундан ташқари, одамларнинг айтишларига караганда, еттиликларнинг саркорлари ҳар оқшом ўтган кун ҳакила, ўзларининг оталарча назоратига ишониб топширилган раиятнинг хулк-атвори тўғрисида, бирдек ҳамма ҳакила ва ҳар бир киши тўғрисида алоҳида Ўлка Бошқарувчисининг девонига ҳисобот бериб турар эканлар.

Мени бу ерда түхтатишмайды. Бу жуда айни муддао, чунки менинг зарур ишларим бор, мухим ишлар, фурсат эса йўқ. Мен деразаларига кўйма панжаралар ўрнатилган чалавайрона уйга етиб олдим, ичкарига кириб тахминан бирор соатча ўша ерда колиб кетдим. Ташқарига чикқанимда эса менинг тўрвамда ўттиз қадоқ қалампир кукунидан факат бешта қадоқдагиси колган эди, холос. Аммо қўйнимда, чакмоним ичида энди мухим иккита қоғоз ўрами бор. Биринчиси жаноб дан-Гоҳхонинг каерлардадир Дарё Бўйи томонлардаги Руао чорбоғига, шунингдек, унинг агрофидаги ўрмонга, тегирмон ва экинзорларга згалик хукукини тасдикловчи гувоҳнома (иловага қаралсун); иловада эса Арбих дан-Лалл номига ёзилган ишончнома кайд қилинган бўлиб, унга юкорида номи зикр этилган дан-Гоҳҳо куйидагиларни таклиф этади, маълум қиласди, тошириди ва истак билдиради:

«Токи дан-Гоҳхонинг синглиси балогат ёшига етгунига қадар Арбих жаноблари бу насабга тегишли чорбоғни назорат этиб турсалар. Зоро, жаноб Арбих жаноб дан-Гоҳхонинг синглисини ўқитиш, тарбият қилиш ва турли хавф-хатарлардан ҳимоя этмоқлик мажбуриятини мукаддам ҳам ўз зиммаларига олганлар.

Агар, иттифоко, жаноб дан-Гоҳҳо ғойиб бўлиб колса ва бир юз бир кун муддатдан ортиқ вакт мобайнида бедарак кетса, у ҳолда ушбу ҳужжатлар ҳакикий ҳисобланади ва конуний кучга киради. Дан-Гоҳҳо ўтиниб сўрайдики, шундок ҳодиса рўй берган тақдирда унинг гунохкор руҳи ҳаққига атаб Абадият ибодатгоҳига Арбих жаноблари хайр-эхсон килсалар».

Бу ишимдан хурсанд бўлсанм арзир эди-ку, аммо бу кувончимнинг кўнгилни ғаш килалиган жихати ҳам бор. Мен Оллага ниҳоятда ўрганиб қолгандим; у шароит тақозоси билан менга қизим Аришкадек бўлиб колганди. Қизим турли диссертацияларим, мақолаларим ёки тор доирада ўкиб берадиган шеърларим каби майда-чўйдаларга эмас, балки менга, менинг ўзимга мухтоҷ бўлган ягона инсон эди. Олла ҳам шундай. Уни ўзим билан олиб кетсаммикан? Мен бу ҳақда бор-йўғи бир мартагина ўйлаб кўргандим, шунда ҳам бунинг имконсиз эканини ўзимга исботлаб, кўнглимни тинчлантириш учунгина хаёлимга бир келтириб қўйгандим, холос. Бу – тақиқланган. Бу тақиқ – қатъий. Уни яна ўз сайёрасига кайтариб юборишади ва кимсасиз бирорта даланинг кок ўртасига ташлаб кетишади. Серёга илтимоснома ёзадими, мен Биринчининг кабулхонаси эшигининг турумини бузиб ташлайманми, барибир бефойда. Бундан ташқари қизнинг руҳияти макон орқали кўчишта дош беролмаслиги мумкин – афсуски, бунака ҳолатлар ҳам бўлган.

Мен кетиб борараканман, жилмайишга уринардим: машшок, ҳатто юраги парча-парча бўлиб кетган тақдирда ҳам доим кувноқ юриши ло-

зим. Бўлди. Масала ҳал. Мен изсиз йўколаман. Гойиб бўламан ва бошка кўринмайман. Дан-Гўхолар насли душманларининг кирдикорлари ҳакида, виждан бурчи тўғрисида, сохта муғанийликнинг канчалик жонимга теккани ҳакида, вакти келиб бу дунёни тарқ этиб кетишим эҳтимоли ҳакида жаноб Арбихга жуда кўп марта гапирганман. Арбих ишончли одам. У анча кексайиб қолган, олижаноб киши: ўзининг бор мол-мулкини етим-есирларга ва муҳтоjlарга тарқатиб юбориш ҳамма зодагонларнинг ҳам кўлидан келаверадиган иш эмас. Унинг одатларидан кулиб юришади, лекин хурмат киладилар ҳам. Бутун Салтанатда машҳур бўлиб кетган ғалати одам. Хаёлпараст кария...

Ҳар ҳолда мен унинг ҳузурига бориб бошпана сўраб тўғри иш килган эканман. У ёлғиз яшайди. Ўғли ҳалок бўлган. Қизларини сарик ўлат олиб кетган. У энди бадавлат эмас. Уйининг ташландик ҳолга келиб қолгани эса, дан-Лалл наслининг таназзулга учраётганидан далолат беради. У жуда меҳрибон. Олла унга дарровгина ишона колди ва мендан ташқари факат мана шу кария билан гаплашади. Қизча ҳозир анча сўзларни талаффуз киладиган бўлиб қолган, унинг овози тиник ва майин; Ер сайёрасининг эртакларини ёқтириб қолди. Сичконча Миккини хурмат килади, Карабасдан бир оз чўчийди, кўшик ҳам айтапти. Лекин унга ўтмишни эслатмаган маъкул. Мен бир марта бу ҳақда оғиз очиб қолгандим. Шу заҳогиёқ унинг кўзларида даҳшат ифодаси найдо бўлди. Кераги йўқ! Сипгилчамнинг бошидан канлайдир даҳшатли кулфат ўтган, унга буни эслатмаган маъкул.

Жаноб Арбих бу фикримга тўла кўшилади. У Оллани кўлларида кўтариб юрибди, ўзининг ўкув юргидаги кечмишларини сўзлаб беради, ҳазил-хузул килади. Қизча қариянинг уйида яшаса ҳаёти ҳар ҳолда бироз яхши бўлади.

Мен жаноб Арбих билан жиддий ишлар ҳакида сўзлашиб олишга жазм этганимда у мени дикқат билан тинглади, хаёлга толди, кейин чукургина оромкурсисидан кўтарилиб, мени слкамдан кучди.

«Сиз олижаноб йигитсиз, Ирруах, – ҳаяжонланиб сўз бошлади жаноб дан-Лалл. – Мен виждоннинг нима эканини биламан, сизга Иккинчи Нуроний номи билан касам ичиб айтаманки. Олла ўз акаси ҳакидаги ёркин хотиралар билан улғаяди. Ирруах, дўстим, келажакка бундай умидсизлик билан бокиш ярамайди. Сиз ҳали ёшсиз, кучлисиз. Агар сизга яхши дўст ва содик куроллош зарур бўлса, шуни билиб кўйингки, сочимга ок тушган бўлса ҳам, билакларимда ҳали кувват бор».

Демак, Олладан ташвишланмасам ҳам бўлади. У энди ишончли кўлларда. Менинг ташвишларим эса – менинг ўз ишим. Ижрочининг хизматида ҳис-туйғуларга ўрин йўқ.

Мен яна бир жойга кириб чиқдим. Бир қадок мурч әвазига яна бир васиқани қўлга киритдим. У Арбих жанобларига олди-сотди варакаси ва ишончиома билан қўшиб топширилади. Кўкиш тусли чарм коғоз барча қоидаларга кўра расмийлаштирилган:

«Олла дан-Гоҳҳо нафакат Руао қўргонининг тўла хукуқи месросхўри хисобланади, балки зодагонлар авлодидан ҳамдир».

Бу ҳолат қонун талабига кўра тегишли имзолар билан далолат килиниб, муҳр билан тасдиқлаб кўйилди. Ҳа, бир чимдим қимматбаҳо мурчнинг кучи кўп нарсага етади. Ерда етиштирилган оддийгина мурч доначалари; ТҚБ йўрикномасига кўра бу сайёрада фақат шундантина фойдаланишга рухсат этилган. У жуда қиммат туради. Илгари ҳам нархи арzon эмасди-ю, лекин бир амаллаб чиласа бўларди. Мурч жуда узоқдан, жанубий кумликлар ортидан келтирилади. Ўн беш йиллардан бери у ерларга Жаа-хаанжи деган кимса өғалик кильмоқда. Уни шу ўлкаларнинг Чингизхони деса ҳам бўлаверади. Ҳозир у томонларда қалампир ёки мурч у ёқда турсин, ҳатто ўт-алаф ҳам ўсмайдиган бўлиб кетган. Бино-барин, мурчинг борми, демак, ҳамма нарсанг бор! Бу нарса жосуслик ишларида жуда кўл келади. Одатда, бунака нарса билан ҳар қандай одам билан ишингни битириб кетаверасан. Чунки одамзодда нафс деган нарса бор. Сеҳрли очилдастурхонга ўхшаган текин дастёрлар эса ҳали ҳам таибалиларнинг ушалмас орзуси бўлиб қолмоқда. Фақат эртаклардаги на балчикни олтинга айлантириш мумкин. Нима-нима-ю, аммо бу ерда балчикдан бошқа нарсанинг ўзи йўқ.

Оёғим остида кимдир чиркираб қолди. И-я, ёш бола-ку! Кирлаб кетган, казғоқ босган, лекин бўйнида зодагонлик занжири бор. Ёнида онаси турибди, таъзимдан тўхтамайди. Аммо таъзими жуда беўхшов, ҳали ўрганмаган. Яқиндагина тарааллабедод ҳаёт кечириб юргани кўриниб турибди. Нима? Бундай тушунарлирок қилиб галирсанг-чи, бойвучча хоним! Мен унинг чала-ярим гувранишига кулоқ тутаман. Тушунарли. Қочкинлар. Ғарб томондан келишган. Эри қаердалигини билмайди, тўнгич фарзандлари ҳам бедарак йўқолишган. Пойтахтга биринчи бор келишлари, илк марта хизматкорларсиз яшашга мажбур бўлишяпти.

«Кўргонимиз ёниб кетди. Жаноблари биздан ўз марҳаматларини аямасинлар. Менга ишонинг, мен тиланчилик килишига ўрганмаганман. Лекин сизнинг юзингиздан илтифотли киши эканингиз кўриниб турибди... Ўғлим икки кундан бери хеч нарса еганий йўқ».

Мен ёлланма аскарлар инъом этган бор мис чақаларимни унинг гитрок кафтига тўқдим. Лекин бекор қилдим: садақа ҳаммага етмайди – левор бўйлаб чўзилиб ётган тиланчиларнинг барчаси танганинг жараангини эшитди. Аёлнинг кўзларида кўркув кўринди. Аммо менинг қўлимдан нима ҳам келарди? Мен ортимга ўтирилмаёқ жўнаб

қолдим. Орка томонда тўс-тўполон бошланди, болакай чинкиради, аёл йиглайди. Ҳамма пулини олиб қўйишмагандир, дея умид килишдан бошқа иложим йўқ. Чорраҳада эса шаҳар жарчисининг атрофини оломон ўраб олган. У ўпкасини шишириб жар солади, сарик-кора ранги яп-янги, қўшқаватли калта чакмонини кўз-кўз қиласди. Ҳукмдорнинг фармони:

Барча ёлланма аскарлар ўз бўлинмаларига кайтсинлар!

Аҳа! Мана энди нимадир бошланаяпти. Демак, шошилиш керак.

Мен Марказий Майдон томонга буриламан. Деярли бўм-бўш бозор орқали бораман, сарожлик расталари ҳам бўм-бўш – барча эгаржабдуклар сотиб бўлинган; сўнг куролсозлик устахоналари ёнидан ўтаман – уларнинг эшиклари олдида одамлар узун навбатларга тизилиб туришибди, тутун исидан тинмай аксиришади. Тезрок, тезрок! Қоғозларни зудлик билан жаноб Арбихга топширишим керак. Олла ҳам кутиб қолгандир. Мен агар узокрок вакт йўқ бўлсан, у ташвишлана бошлайди.

Аммо Олла ҳакида ўйлашни мен ўз-ўзимга такиқлайман. Мумкинмас. Ҳозир бунинг вақтимас. Аввал ишларни яқунлаш лозим. Кейин албаттга мизгиб олишм шарт. Кундуз соат тўртда мухим учрашувим бор. Вазифани бажаришим керак. Тетик бўл, йигит, дея мен ўзимни рухлантиришга уринаман. Нима бўлганда ҳам сен – ижроисан.

### **ҲУЖЖАТ – V. ТҲБ архиви (кўчирма нусха)**

«Каффор маккор. Каффорга ишонма.

Каффор разил. Каффордан эҳтиёт бўл.

Каффор ярамас. Каффордан ҳазар кил.

Агар бошинингта мушкул иш тушса –

Каффорга мурожаат кил»

«ОТАНИНГ ЎСМИР ЎҒЛИГА НАСИҲАТЛАРИ»дан

**МАНБА: «Учинчи даража тамаддунларнинг мақол ва матгаллари»**

**Галактика Ижтимоий  
Талқиқотлар Институтининг нашри.**

**Ер – Валькирия – Тхимпхадва.**

**2-жилд. 7-кисм. 1989-бет.**

Мен Каффор Қишлоғи дарвозасидан кириб биринчи кўрган нарсам ўлакса қаламуш бўлди. У салгина вакт илгари, беаёв олишувда нобуд бўлгани кўриниб турарди: унинг ёнбош томони буткул ғажиб ташланганди. Мушукка ўхшаш, лекин тумшуғи итникидек чўзиқ бир маҳлук ўлаксанинг атрофида айланади, эгилиб-букилиб, ириллайди. Паашша-

лар ғувиллайди. Ўткинчилар икки бармокларини юкори кўтарганча жанг голибини кутлайдилар ва кулранг жасадга ўгирилиб ҳам қарамай, йўларида давом этадилар. Каффорларнинг каламушга бир лаҳздан ортиқ кўз ташлашлари тақиқланган. Бу қоидани ҳаттоқи тасодифан бузиб кўйганлар ҳам қабиладан бир, икки ёки уч йилга бадарға килинади ёхуд катта микдорда жарима тўлайди. Махсус ёлланган ахлатчи келиб, ўлаксани хокандозга солиб, Каффор Қишлоғидан ташқаридаги чиқиндиҳонага улоқтиргунича у шу жойда ётаверади.

Аникрок айтганда, бу асли қишлоқ ҳам эмас. Бу – шаҳарнинг маҳаллаларидан бири бўлиб, қишлоқларга хос гўзаллиги билан факат Мукаддас Тепаликдан кейинда туриши мумкин эди, холос. Бу ерларда азалдан факат каффорлар яшашади. Шу ерда ҳаёт кечиришади, савдо-сотик қилишади, умрларини поёнига етказишади. Мурдаларни чети ҳошлияли оқ матога ўраб, яқинларининг дод-фарёдлари остида шу маҳалланинг чеккасидаги сокин, саришта, меҳр билан тозалаб кўйилган қабристонга дағи этадилар. Бу ерда уларнинг ибодатхоналари ҳам бор – битта катта ва иккита кичикрок.

Мен тозалаб супурилган торгина кўчадан ўтиб борар эканман, ҳакиқий сокинлик ва осойишталиқдан завқланаман. Бу ерларнинг деворларида туйнук-пуйнук кўрмайсиз. Ҳамма уйларнинг деразалари ичкаридан ҳовлига қараб курилган. Шу туфайли кўчалар файзсиз ва ёқимсиз туюлади. На илож – шаҳарлик оломон вакти-вақти билан каффорларни савалагани бу ерларга кадам рағжиди килиб туради. Бундай деворлар бир оз муддат тажовузчилардан ҳимоя килиб туради. Баъзида ҳукмдорнинг аскарлари етиб келгунига қадар мудофаада туришга ҳам тўғри келади. Одатда, улар ёрдамга шошилмайдилар. Йўлаклар тепасида худди томдан ўсиб чиқсан чирмовуқка ўхшаб болохоналар осилиб туриши ҳам бежизга эмас. Уларда эса қозонига сув, ичитга мой тўлдирилган лой ўчоклар тайёр туради. Сал ҳавф тугилиши билан ўчок ичидаги мой ўт олдирилади. Қадим замонлардан каффорларга ўзларини муҳофаза килишлари учун ижозат берилган. Нима билан ҳимоялансалар ўзларининг ишлари, факат қон тўқмасликлари піарт килиб кўйилган.

Ора-сира мен ўткинчилардан йўл сўраб бораман. Қорачадан келган, хушрўй эркаклар мулойимлик билан батафсил тушунтириб берадилар, аммо мендан тескари ўгирилиб туришга интигадилар. Тўғри-да: мен балки каламуш ейдиганлар тоифасидандирман ёки баданимга нажас нарсаларни суртиб юрарман?

Мен Яиги Бошкентга етиб боргунимча кўп марталаб каффорларга дуч келдим. Бу ғалати одамларни тушуниш кийин, лекин ниҳоятда қизиқувчан халқ. Ўзлари алоҳида яшашади, бегоналарни

яқынлаштирмасликка харакат килишади. Уларни ҳам ҳеч ким унчалик ёктиримайди. Балки Абадият Сохибиға сиғинмаганликлари учундир. Тұғрироли, ишонишади-ку, лекин қандай дір башқачарок, эътиқодлари бекарорми-ей... Уни Ноабадий деб айтишади, сувға сиғинишади-ю, оловнинг құдратини инкор этишади. Тұрт Нуронийни эса умуман тан олмайдилар. Шунинг учун ҳам доим балога гирифтөр бўлиб юришади. Башқа томондан эса, балки уларни ҳам тушуниш мүмкіндир. Каффорлар ўзларининг устомонликлари билан башқа маҳаллий ахолининг нафратини кўзгайдилар. Улар ҳар қандай истагингизни рёёбга чикиришинн үддалашади. Тұгри, бу хизматлари учун шундай нарх сўрашади, бе-ихтиёр улардан нафратланишдан башқа илож колмайди. Умуман олганда, бу ҳалқ ишбилармон, фаросатли, алчайин безарар. Уларнинг сони ҳам жуда кўпайиб кетган. Илгари ахвол башқача эди – асосан қишлоқ хўжалиги ривожланган пайтларда каффорларни кўпроқ савалаб, сонини ҳам камайтириб туришарди...

Керакли уйни топиб олгунимча, тор кўчаларда роса изғишига тұғри келди. Шаҳар дарвозасидан уч маҳалла нарида жойлашган бу уй айқаш-уйқаш тор кўчалар, берк кўчалар, узун-калта кўчалар орасида шундай چалкаштириб яшириб ташланган эди, мен ям-яшил буталарга бурканган кошонанинг мис парчинлар билан безак берилган, от калласи шаклида ишланган қайрилма дастали, таърифи машҳур эшигига мутлақо тасодифан дуч келиб қолгунимга қадар Каффор Қишлоқни токи кабристонга қадар кезиб чиқишимга тұғри келди. Эшик ўртасида тиркиш, тұғрироли, ичкаридан кулфлаб кўйилган ва ташки томонидан панжара билан қопланган түйнукча кўрк тұқиб турарди. Мис ҳалқага маҳкамланган занжирда эса кичик, аммо оғиргина болғача илинган.

— Так. Так. Так. Кейин яна тезгина иккি зарба. Саккиз марта болға урдим. Кейин яна битта. Энди кутиш керак. Ана. Эшик ортила нимадир шикирләди, түйнукча кия очилди. Лекин охиригача очиши мади. Мен ичкаридан бемалол кўриниб тураман. Аммо эшик ортидаги одамни коронғила кўришнинг иложи йўқ. Жуда айёрлик билан ўйлаб топилган, таърифга сўз йўқ.

— Такдир кимни бизлар томонга йўллади? – эшитилди пастигина товуш.

— Мұхтарам Нуффир У Яфнафни кўрмоклик шарафига ноил бўлиш умидида шул муқаллас останага бош уриб келдим! – пасть овозда, аник ва тушунарли жавоб кайтардим мен ҳам. Мени бир нарсадан огохлантириб кўйишганди: уй эгасининг қулоги бир оз оғиррок, аммо буни сезишларини ёктиримас экан.

— У киши йўклар. Хўжайин сафарга кетганлар! – панжара ортидан менинг кетаверишим мүмкинлигига очик-ойдин ишора килишди.

Мени бу борада хам олдиндан огоҳлантириб қўйиншган. Мен туйнук панжарасига юзимни босиб, паст овоз билан ўз тавсиячиларимнинг исмларини санай бошладим. Ҳар бири менга бир қадоқ мурч эвазига берилган тавсияномалар. Бошкент сокчилар бўлинмасининг ўнбошилари бу кишиларнинг қўлидан тутишни ҳатто тушларида хам кўриб чикишади. Ахмок сокчилар бу одамларнинг бошлари учун ваъда килинган мукофот пулига кизиқадилар. Аклироқлари эса яна бир нуфузли таниш ортириб олиш умидиде уларни излаш билан овора. Аммо бу орзулар хом хаёллигича колиб кетаверади. Ҳатто мен ҳам уларнинг факат тавсияномаларинигина олишга муваффак бўлдим, холос. Обрў-эътиборли бу кишилар ўз қадрларини шахсий учрашув даражасигача пастга урмадилар.

Туйнук ортида жимлик. Кейин кулфлар шакир-шукур килиб, эшик зулфинининг очилиши пайтидаги ёқимли ғичирлаш эшитилди. Эшик шовкинсиз очилди. Остонада бир кария пайдо бўлди. Уй эгаси улкан бир итни тизгинидан ушлаб турибди. Ит тишларини қаҳрли иршайтириб турибди-ю, лекин ирилаётгани йўқ. Қўрикчи итларнинг энг зўри бу: товушсиз писиб келади, овозсиз ҳамла килади, бешафкат ғажиб ташлайди.

Кария аввалига менга каттиқ тикилиб турди, кейин имлаб ичкарига таклиф килид; ёруғ, ҳашам билан жиҳозланган хонага олиб кирди ва баланд, юмшоқ оромқурсидаги жойини эгаллади. Худди шунга ўҳшаган, лекин юминок тўшамасиз ва ёстиксиз курсига эса камина таклиф этилди. Мен шундан кейингина уй соҳибининг учалик кари эмаслигини пайқадим. Нуффир У Яфнафи истеҳзоли жилмайиши анчайин кексайтириб кўрсатарди. Аммо Каффор Қишлоқнинг оқсоколи юзидағи бу носамимийликни яширишга хам уринмайди. Унинг кўзлари хам кулмайди: улар совук ва хиссиз.

Мен истагимни аник ва киска килиб тушунтиридим. Кейин эса хайрлашиб чикиб кетдим. Қўнглим ғаш. Ўз-ўзимдан ижирганаман. Менинг бу ўйлаб қўйганларим – сўнгти имкониятим. Нима бўлганда хам мен бу имконни кўлдан чиқармаслигим аник. Кейин ўз-ўзимдан ҳазар килиб юраман, албатта. Иш битгач, ҳозиргидан баттар ахволга тушаман. Аслини олганда, нега энди ўз режамдан уялишим ксрак? Мен ахир киберга карши, кутурган машинага карши ўйнамоқдаман. Бундай ўйинда эса ҳамма нарсага ижозат берилган...

Демак, ҳали ихтиёримда уч соат вакт бор. Мен Каффор Қишлоқ дарвозасидан чикиб кетдим. Каламушни олиб ташлашибди. Ўз галабасидан масур итсимон мушук ҳам жуфтакни ростлабди. Ҳозирча бирор борадиган зарур жойим ҳам йўқ. Янги Бошкентни шунчаки кешиб, кадимий биноларни томоша килсан ҳам бўлади. Шаҳар гўзал, у

Таллинн билан Кўхна Бухоронинг ғаройиб омухтасини эслатади. Бу уйғунлик кандайdir хәёлий, тасаввур этиб бўлмас ва айнан шу хәёлийлиги билан ҳам беназирдир. Бу хилқатда яшил рангли тош ниҳоятда кўп: ҳозир бу тошлар қазиб олинмаяпти, конлар жанубда – қумликлар ортида жойлашган бўлиб, ҳозир ўёкларда Жаа-хаанжи эгалик киляпти. У тош уйларга ва уларнинг сохибларига карши муросасиз уруш эълон килган.

Фоятда ғаройиб ям-яшил тош: қуёш нурларида у ялтирамайди, балки худди ички бир аланг'a билан ёлкинланаётгандек туюлади, бу ёлқин яшил рангнинг барча туслари билан товланади, гўёки кунботар пайтидаги зангор даштни эслагади.

Кўчада одамлар кундузгига қараганда анча сийрак: ёлланма аскарлар аллақачон ўз бўлинмаларига тарқалиб бўлишган, енгилтак кизлар исловотхоналарига кириб яширганинлар, ахён-ахёнда шаҳар кўрикчилари бўралаб сўкинган кўйи кайфи ошиб қолган бирор аскарчани аллақаёкларгадир судраб ўтадилар. Соқчилардан ташкил топган уч каторли муҳофаза ҳалкаси билан куршалган ҳукмдор саройи қад кериб турған Муқаддас тепалик ёнидаги боғ ёқимли салқинликни симиради, фавворалар таранг сув торларини ҳавога узатиб турибди.

Буларнинг бари жуда қизикарли. Аммо менинг ортимдан жосуслик қилаётгандарни ҳаммасидан ҳам қизикроқ чиқиб қолди. Соддарок килиб айтганда, мени кузатиб юришибди. Роса хафсала билан пойляяпти-ю, аммо эплолмаяпти. Дароз бир йигит рангдор бўйинрўмоли билан юзини чала тўсиб олган. Унинг кўзлари менга кандайdir таниш туюлди-ю, аммо ишончим унчалик комил эмас, чунки у анча нарида турибди. Йўлнинг нариги томонида изгиб юрибди, гоҳ-гоҳ бир оз ортда қолади, бунака ишларда ўзини устаси фаранг хисоблайди, чамаси. Ана шу нарса унинг хатоси эди: у ҳали тажрибасиз, бир қаращаёқ буни сезиш мумкин. Бир оз вакт мен унинг Бошкент зиёрратгоҳлари билан танишишига «кўмаклашиб турдим», у билан жуфтликда сайр килиш обдон жонимга текканидан кейин эса тош йўлга ўтиб унга томон юриб бора бошладим. Кузатувчимнинг кўзларида турли хиссиятлар аралап-куралаш бўлиб кетди. Мен уни тушунаман: ўзим ҳам қачонлардир ташки кузатувни амалга оширишга мажбур бўлганман. Бу борада бир нарсага шубҳа килмасангиз ҳам бўладики – сизни бундай пайтда фош этишса, оқибати ниҳоятда кўнгилсиз бўлади. Чамаси, менинг пойлокчим ҳозир ўзининг савала-нишидан ҳавотирда эди.

Мен эса уни янада ҳайратта солдим. Яъни ғойиб бўлиб қолдим. Оддий ва изсиз, кискача айтганда таг-тугим билан йўқ бўлдим. Мен мана шу «томоша»ни росаям ёқтираман-да, у «йўқликка сакрап» деб атала-

ди, тиниб-тинчимас Серёга буни нинжуку кураши бўйича аллақандай эски кўлланмадан топганди.

Йигит тинмай бошини ликиллатади, у ҳам кўркувда, ҳам ҳайратда, мен эса муюлиш ортида туриб, унинг типирчилашларини бир оз томоша қилдим, кейин сайд килишида давом этдим, аммо энди ёлғизликда роҳатланиб айланаман. Катта минорадаги соат кўнгироғи еттинчи марта бонг урганида яна ўша мис копламали эшикни такиллатдим.

Бу сафар у дархол очила қолди. Ҳеч қандай саволларсиз. Ҳеч қандай бўрибосар итларсиз.

Гапирмас хизматкор чакконлик билан мева тўғраяпти. Ҳа, оғайни, калайсан?! Кўчадаги ҳазилим ёқдими? Менинг собик қузатувчим ковоғини уюб, менга қаҳрли тикилади. Нигоҳ билан ёндириб юборай дейди. Кейин хўжайинига караб бош иргиб қўйди.

— Арзимаган майда-чуйдалар учун жаҳл килиш шартми? — кутилмаганда қиқирлаб кулишни бошлади Нуффир. — Бизнинг Тикко шусиз ҳам сиздан карздор. Сиз унга яхшилиб каранг, муганий жаноблари, тикилиброк каранг, сокол кўйган йигитчани эслашига харакат қилиб кўринг-чи... сен эса, болакай, сал қаддингни эгиброк тур, пастрок энкаявер, синиб колмайсан, кани, бўла кол, ўғлим...

Биз бир-биримизга бокамиз. Энди эсимга тушди: ...«Сокин кулба», эшик карсилаб, эшикнинг лўқидони кесаки ёғочдан кўпорилиб чикади, бўғик сўкинишлар, «тегирмон» усули ва ўша башара – хозиргидек кипклизил эмас, балки консиз-кулранг, коп-кора сокол кўйган; кўз корачиги чеккага тортиб кетган. У қулаганлар орасида учинчи бўлиб чўзилганди.

— Э, ҳали шунаками? — Мен ҳавф-хатарга тайёрланиб, кўлимни очик-ошкора мушт қилиб тутдим. — Хўш, энди нима киламиз?

— Нима қиласдик? – ҳайрон бўлди хўжайнин. – Энди ишимиз ҳакида гаплашиб оламиз. Бир одам бор. Лекин, унга мурчнинг керағи йўқ, ўзиники етиб орталди, ундаги мурчларни биз тушимизда ҳам кўрган эмасмиз; у ерларда бошқа нарса керак...

Шундан сўнг Нуффирнинг овози буткул ўзгарди, аниқ ва қатъий товуш.

— Менимча, энди мушук-сичкон ўйнашни бас қилсак бўлар. Нархлар ҳакида жиддий гаплашиш керак. Сиз фикримга кўшиласизми, дан-Гоҳҳо жаноблари?

Салтанатда каффорларни нима учун ёқтирасликлари мана энди аён бўлди. Савдолашмайдиганларни хеч ким яхши кўрмайди. Мен Нуффир билан узок гаплашдим. Аввал мўлжалланган нархимни айтдим, кейин уни иккига кўпайтирдим. Кейин эса у ўз нархини айтди, ғазабим кўзиб, башарасига мушт тушириб колишдан ўзимни базур тўхтатдим. У эса, ҳатто пинагини ҳам бузмасдан, бу ўзининг шарти эмаслигини, бу талаб-

ни унга ваколат берган шахс кўйғанлигини айтди. «Балки сизни юборган киши ҳам айнан ана шу баҳони мўлжаллагандир?» У кўрсаткич бармоғини шифт томон кўтариб, юкорига ишора килди. Мен унинг кимга шама қилаётганини англадим ва бу ечим мен учун энг маъкули эканини тушундим. Вазифани бажаришим учун ҳам мақбул. Шунда мен тафсилотларни аниклаштириб беришни сўрадим. Сўраганимни олдим. Олгач эса, барча шартларига кўндиндим, чунки бошка илож йўқ, сўралган нархни эса тўламаслик мумкинмас.

Мен кўчага чиқдим ва йўлимда биринчи учраган расво бир емакхонага кирдим; аслида буларнинг ҳаммаси ҳам бир гўр. Бир кўза ёнарсув сўрадим; энг сифатсиз сассик бўза томогимни куйдериб ўтди, бошимни сал ғувиллатди-ю, маст-паст қилолигани йўқ.

— Ахволингиз яхшими, афандим?

— Йўкол!

— Газак келтирайми?

— Даф бўй, ёнарсув... келтир. Тез кимирла!

Демак мен абраҳман. Шунчаликка бораман деб ўйламагандим. Марзман. Разилман.

Тўхта. Бас қил. Кўзниг ёшини, буруннинг сувини оқизиб ўтиргандан фойда йўқ. Аниқ топширик берилган. Қолган ҳамма нарса куйиб-ёниб кетмайдими?! Эзгулик деган нарса борми? Бор. Мен ана шу эзгулик учун хизмат қилмоқдаман.

Энди каёкка борсам экан? Арбихнинг уйига боролмайман. Изимдан одам тушган. Қовоқхонада тунайман.

— Эй, хўжайн! Бўш хона борми?

Кумуш танга пештахта устига жаранглаб тушди. Хўжайн худди итоаткор малай каби таъзимга эгилади.

— Хонамиз бор. Албатта бор.

— Жуда соз...

Мен намчил тўшакка чўзиламан. Чивинлар ёқимсиз визиллайди. Ҳатто хаёл суришга ҳам ҳолим йўқ. Ухлаш керак. Ухлаш. Ухлаш.

## ХУЖЖАТ – VI. ТҶБ Архиви (кўчирма нусха)

«Умрбод севишувчи ва шарафланувчи Мангу Чеҳра Итоаткорлари Мазҳаби муваққат тарихномаси»дан.

Мазҳаб ташкил топганининг 248-йили. Халоскор тўралар исёнчи тассайларнинг аклини киритиб кўйиш учун жанубга юриш килдилар. Енгилар.

Мазҳаб ташкил топганининг 257-йили. Халоскор тўралар ўта тақабур дан-Рахванинг ҳужумини қайтармоқ учун сафарга чиқдилар. Ва енгилар.

Мазҳаб ташкил топганининг 259-йили. Разил иғвогарларнинг тұхматига учраган Халоскор түралар ўз қонуний хукуқлари тикланғунига қадар Олий хукмдорға итоат этишдан бosh тортдилар. Олий хукмдор ўз ҳарбий гурухларини жанубий чегаралар томон жаңітта ташлагач эса, жабрлийдалар каршилик күрсатдилар. Ва сингилар.

Мазҳаб ташкил топганининг 263-йили. Халоскор түралар жанубий құмликлар чегарасыла мудофаага туриб, Салтанатни жиркәнч ёвуз Жаа-хаанжининг лашкарларидан химоя қилиш учун жаңітта киришдилар. Ва енгилар.

... Ва енгилар.

... Ва енгилар.

... Ва енгилар.

**МАНБА: «Учинчи даража тамаддунлари: мұштараклық мұаммолари. Ҳужжатлар ва маълумотлар» түплами.**

**Галактика іжтимоий тадқиқотлар Институти нашири.**

**Ер – Валкирия – Тхимпхадва**

**22-жайлар.**

**IX Бўлим. 699, 701, 713 саҳифалар.**

...Хукмдорнинг отаси ҳам, бобоси ҳам қеч қачон жаңғ майдонига бунчалик катта лашкар ташламаган әдилар. Фақат бобосининг бобоси зодагонларни ўз хукмида тутиб турғани боис, ўзининг кора-зарҳал байроби остида шунча отлик аскарларни жамлай олған экан. Агар йилномаларда ёзилғанлари рост бўлса, бундай лашкар фақат бир марта, жануби-ғарб томондаги саҳро орқали кўк башарали қабилалар қўшини хужум килган даҳшатли кунца түтіланган эмиш.

Салтанатнинг суворий түралари боши охирги сафдан олдинги қаторларга томон торайиб борувчи понасимон сафни ҳосил қилганча қаторларга тизилдилар. Бу йигирма минг нафардан сал ортиқрок суворийларнинг исмлари еттита музофотнинг Шоҳи Китобларига битиб кўйилган. Барча рамзлар ва ҳамма ранглар сафлар ичиде бир-бирига аралашиб кетган. Отликлар ортида эса пиёдалар зич тўртбурчак шаклдаги жамланмани ташкил этганлар: зодагонларнинг бўлинмалари силлик учбурчак қалқон тутиб олишган, хукмдорнинг ёлланма аскарлари турли-туман тарзда кийинган, мазҳаб тўраларининг вассаллари бинафшаранг ҳарбий жуббаларга ўранганлар.

Даҳшатли қуч. Тасаввурга сиғмайди. Вайронкор кудрат.

Аста-секин зриб бораётган туман ичиде тиззаларидан тепасигина кўриниб турған қароллар лашкарининг ҳам текис сафлар аро найзаларини оғдирган кўйи қаторлашиб туриши худди қуюқ кора булуутларни эслатади. Юз кунлик қонли жанглар кечаги ландовур-

ларни бугун ўлимга қарши аскарлар каби мардонавор туришга ўргатиб кўйди.

Чап қанотдан эса, ярим ой шаклида сафланган кўйи, исёнкор суворийлар лашкари тобора тезлашиб, турналар аргимчоги шаклида сафланған темир совутлиларга юзма-юз кўзғалди. Олдинда, бошок расми туширилган кўк түғ остида, улкан корабайир чавкар айғир минган Вудри слиб борали; бу жангнинг шухратини у ҳеч ким билан баҳам кўришини истамасди.

— Ортимда-а-аа-ан!

Оҳ-ҳо, бу шиддатга осмон пояндоз бўлиб кетди! Багонинг ялтираб турган ёллари шамолда ҳилпирайди, туёғи остида ер гумбурлайди. Ортида эса отликлар — Алвон Совутли Ҳукмдорнинг фахри, ишончи, ғазабнок, сон-саноксиз исёнчилар ҳайкириб борадилар.

Суворийлар киличларини зарбага шайлаб, найзаларининг ёғоч дастини маҳкам тутиб, арқонларининг сиртмөнини айлантирган кўйи, от устида энкайиб учалилар; ҳали тарқалиб улгурмаган туманди ерга эгилиб олган майсалар гиламдек гўшалиб, туёкларнинг товушини ѹтиб юборади.

Кулратли кўчки босиб келмоқда; Вудри ортига қарамаса-да, кўшиннинг яхлит метиндек кўчиб кслеётганини ҳис этиб туради; отлик лашкар кичик бир тепаликдан тушиб бораркан, снгил ҳаракатланиб, тобора тезлашиб бора бошлади. Вудрининг ўзи ҳам шундай енгилликини ҳис этмоқда, лекин нафакат гувиллаётган дашт узра гўё парвоз этаётган жисми билан, балки қалби билан ҳам буни ҳис этмоқда: шу нарса аник-равшанки, аслзода тўралар энди йўл кўйган хатоларини тузата олмайдилар. Улар энди тўхташга ҳам, ортларига бурилишга ҳам улгурга олмайдилар. Ҳатто ўғиришган тақдирларида ҳам қочиб колиш учун керакли тезликка эриша олишмайди; биринчи зарба лаззатини ўйларкан, Вудрининг ҳатто чап кураги жимиirlаб, бир энтикиб кўйди...

Аммо тўралар ҳам осонликча бу макомга эришмаганлар. Улар ўқиляр ёмғири остида олға интилиб бораверадилар, камондозларнинг тўсигини ёриб ўтар эканлар, танасига ўқ санчилган биродарларига ҳам эътибор беришмайди; улар хавф-хатарга томон яқинланиб бораверадилар! Мана исёнчи пиёдалар сафининг кок ўртасини мўлжаллаб бостириб келаётган темир совутлиларнинг бир бўллаги асосий бўлинмадан ажralиб чикиб, сағрисига турли ранглардаги ипак ёпинчик ёпилган отларга минган, худди темир ҳайкаллардек яхлит совутларга ўранган суворийлар тарқоқ ҳолда Вудрининг отликларига томон ташландилар. Алвон ва кора ранглар кўзни қамаштиради. Каданга! Саф олдиди, кўшиннинг икки шокилали жантовар байроғи остида баланд бўйли тўра бормоқда; бошқалардан ажralиб туралиган жиҳати йўқ,

аммо йўлбошчи экани аник; баланд кўтарилигган холда темир ихотани йўлаб турган кўлининг катъий харакатлари буни тасдиқлаб турибди. Салом сенга, эрр! Душманга пешвоз чиқиш учун олға! Темир пиҳдан, хайкириклардан ва ернинг гумбурлашидан ваҳимага тушган Баго устидаги чавандозни эгар-негари билан улоктиришга уринади.

— Йўқ, жонивор, тўполон килма, бардам бўл!

Оч кулранг йўрга қизил-кора ёпинчик остида тобора тезлашиб йўртиб бормоқда. Отликларнинг зич деворидан эллик қадам олдинга ўтиб кетган; унинг ортидан яна икки суворий тўриқ ва оқ отда унга қапишгудек стишиб келмоқда. Булар – куролбардорлар, шахсий муҳофизлар. Улар ортда колиб кетишмайди. Оч-кулранг от кўзланган маррага етай деб колган: шамолда ҳилирияётган ёпқич остида тукдор жигарранг бақайлари кўзга ташланади. Отнинг ёллари тепасида дубулға пардаси, дубулға ўйигидан хотиржам бокаётган кўз корачиклари эътиборни торгади. Ўзини эҳтиётламаяпти, демак муносиб ракиб, яккамаякка олишувдан бўйин товламайди. Ҳакикий эрр! Бу айни муддао. Бу жангда оксусяк тўраjlар Вудрининг кимлигини кўриб кўйишади!

Вудри беихтиёр тестиклишиб, вужудида ногаҳоний бир ғазабни туди, қиличини ёнига туширди. Бир зарбада саранжомлаш учун қиличини айлантириб серпиш лозим!

Вудри ҳатто рақибининг калласи думалаб тушадиган майсани ҳам ҳали топталмасидан мўлжаллаб кўйишга улгурди. Айни шу пайтда юраги шундай қаттиқ урдики, ҳатто қилич дастасини маҳкам тутиб турган бармоклар бирлан бўшашди. Кўзи билан эмас, онги билан хавфни найкади: фалокат! Бу нимаси? Ана у, деярли шундок ёнгинасида кора-оқ ёпинчиқти оч кулранг от пайдо бўлиб колди – суворий тўратишларини гижирлатганича қилич уради. Қора чакмони шамолда мешдек шишади.

Э, ҳали шунаками?..

Тўриқ ва оқ отдаги иккови ҳам ортда қолмасдан етиб келишди, яна да жипслалишиб, эрни тўсиб қолишиди. Тушунарли: олдинга ўтишли, кўмондонларини тўсишди, маана ҳозир ўртага олиб, сикишади. Учловон бир кишига карши... Тузокқа тушдинг, Вудри!

Чап ёндан қайнок ҳавонинг эпкини гувиллаб урилди. Вудри қиличини селлишиб, эгарда тик турди. Баракалла, лаънатта учрагур азamatлар! Тоббо якинроқ келишга улгурди, ҳатто бир оз олдинроқка ўтиб олди ва чап томондаги қаданликни ўз зиммасига олди. Жуда соз, энди ким кимни етгишини кўрамиз: сиз бизними ёки бу сизни?! У кўз кири билан караб, тўриқ от мингдан жаңгчипи найза тешиб ўтиб, унинг ерга кулаётганини илгади... Найзанинг ёғоч дастаси юкори кўтарилиб, от ўзини қизил-кора ёпинчиқли айғирдан нарироқка отди, эрнинг ён то-

мони хиёл очилди. А-ах! Вудри кўзлари ола-кула бўлиб кетган Багони отларнинг ёнбошида очик қолган оралиқка солди. Нафасини тўла чикарган кўйи бор кучи билан айлантириб килич урди. Бўлмади! Тиғ тиғга урилди-ю, бўйингача етиб бормади; зарбанинг зўрлигидан кўли зиркираб кетди. Ўзини ўнглаб олди! Яна зарба! Яна! Яна! Мана сенга, эрр! А-аа-а-а-аааа!

Тўсатдан қора-кизил ёпинчили суворий гойиб бўлди. У йўқ. Бутунлай гойиб бўлиб қолди.

Кизил ёпишқок куйка килич тиғига ёпишади. Кадантлар хайкиришмоқда.

Юзма-юз келган икки кучли оқим қасирлаб бир-бирига урилади. Додлашлар, карс-курс, отларнинг кишинаган овозлари қоришиб кетади...

## 10

Отликларнинг ён томондан берган зарбаси темир қўшиннинг босимини тўхтата олмади-ю, бир оз сусайтиришга муваффак бўлди. Шу йўл билан исёнчиларнинг пиёдаларини ажалдан асраб қолди: Ўлка Бошқарувчисининг режасига қарши ўлароқ, пиёдалар қўшинини иккига ажратиб юборишининг иложи бўлмади; лашкар бир озгина ортта тисланиб, ёйдек таранг тортилди, ўзининг биринчи сафларини сўйиб, чопиб, бурдалашга улгурган, темир махлукдек босиб келаётган пўлат зирхли, минглаб кишилик отликлар лашкарини кулранг кўчки мисоли қамраб олди. Узун-калта найзалар, ойболталар ва узун ёғоч дастали найзалар улоктирилиб, сайкалланган пўлат дубулгалар устига ёғилди; чангак ва арконлар визиллаб учиб, суворийларни эгардан сидириб туширади ва пиёда аскарларнинг оёғи остига ташлайди. Ҳозиргина тезлигини ошириб, вайронкор қудрат билан бостириб келаётган, тўхтамас отликлар қўшини жойида тош қотди. Ёв лашкари орасига сикилиб қолгач эса, олдига якинлашиб келаётган кассобга қаршилик кўрсатишга ҳам ожиз колган тушовланган буқанинг ахволига тушди.

Ўлка бошқарувчисининг кўл ишорасига итоат этган ҳолда, салтанат хукмдорининг тезкор ва мохир хос пиёда аскарлари ҳалокатга маҳкум суворий тўраларни ҳалос этиш учун қалқонларини зичлаб бирлаштирганларича, уларнинг орасидан найзаларини ётиқ ҳолда чикариб, ёв сари кўзғалди.

Ғанимлар тўкнаштилар!

Олатасир билан майсазорни кизил қонга бўяй бошлашди! Сафларни ёриб, олға интиладилар, бир оз чекингач, яна олдинга босишади; ҳатто бурилишга, четлашишга илож тополмасдан, йикилганларни топ-

ташади, одам танасини ээгилаб, билчишлаган бүткага айлантиришгач, унга оёк босган одамнинг ўзи сирпаниб кулайди, ўзи ҳам балчикка айланади. Қилич – юзларни тилиб ўтади, ханжар – калқон остидан бикинга санчилади; йиқилғанлар эса топталишдан сал олдинрок, душманнинг оёғига тишини ботириб, чинқириб, хириллаб, коп-кора конни томир-помири билан кўшиб шимишга бошлайди. Кулранг либослилар ҳам, рангдор хос кийимликлар ҳам бир-бири билан аралашиб, энди кимнинг ким эканлигини билиб бўлмай колди.

Жанг тугади. Энди хунрезлик бошланди. Бу ёғига оломон оломонни эзғилай бошлади. Энди нозик жанг санъати эмас, моҳирлик ҳам, ҳатто жасорат ҳам эмас, балки кўплашиб ёпишиш, кўркувни унудиши ва саркашлиқ ғалаба қила олиши мумкин эди. Ёлланма аскарлар кўп нарсаларга қодир бўлсалар-да, тураларниг отдан туширилиб, пиёдалар сағига кўшиб кўйилган муҳофизлари ёвга карши собит турсалар-да, гурухбошилар ўз вассалларини жаиг майдонига беаёв ҳайдаб турсаларда, кулранг кўчки рангдор либослиларнинг ҳарбий бўлинмалари қолдикларини эзиб, янчиб, ютиб юбориши равшан бўлиб колган эди.

Сўнгра эса бу уммон Янги Бошкент дарвозалари томон йўналади. Дарвоза бир-бирини туртиб-итараётган, додлаётган, одамлик сиёкини йўқотган, коп-кора конга булғанган каролларнинг босими билан ланг очилиб кетади.

Ҳаммасини ҳамма тушунди. Деворлар устида ғужланиб олган шаҳарликлар ва қочкинлар титраб-какшайди; кузагув шинаги ёнида турган ҳукмдор эса карахт ҳолга тушган. Бинафшаранг хоскийим кийган энг сўнгти муҳофизлар курсовида турган Ўлка Бошқарувчиси ҳам интиҳо вакти келганини англади. У қўлларини белига тираганича, тупроқтепа яқинида тетик, бақувват от устида ўтирибди. Тепалик устида эса муҳофизлар курсовида Алвон Совутли кирол ҳулди оловранг ҳайкал мисоли савлат тўкиб турарди. Тинкаси куриб, терга ботган Баго билан алмаштирилган айғир бесабр типирчилаб, кўзларини ола-кула қиласи, кичкириклардан ва жангнинг аччик исидан нотинчланиб, уруп майдонига интилади. Аммо Вудри уни чайир қўллари билан тек тутганича, мамнун илжаяди. Отликлар ҳар томондан кўмондонлари томон кела бошладилар. Тўсик батамом тор-мор этилди, кадангликларни ҳолдан тойдирив, деярли ҳаммасини чопиб ташлашиди. Ўзлари ҳам кўп қурбон беришди – лекин на илож?! Энди нафас ростлаб олишса ҳам бўлади. Отликлар ўз ишларини бажариб бўлишиди. Яна бир кичикрок юмушлари қолди, холос: зич бўлиб жамланиш ва азлакачон куни битиб бўлган рангдор либосли пиёда кўшиннинг ортидан зарба бериш, сўнг қуршовга олиб чопиб ташлаш. Кейин эса, аввал ҳаммасини кириб бўлгач, жантда мағлуб бўлган, тирик колганидан

кувониб жуфтакни ростлашга уринган ва ўз қасрларига яшириниб жон сақлашни мұлжаллаб қочиб бораёттан түраларни кувиб етиб, киличдан үтказишади.

Ҳамма иш Вудрининг режаси бўйича боряпти. Кимдир бошқа бирор эмас, айнан Вудри сўнгти жанг режасини тузиб чиқди. Узок, уйкусиз тунларда унга сайкал берди, ақл тарозисида тортиб, тафаккур чигириғидан үтказди, имконсиз хатти-харакатлардан воз кечди. Даштлик Вудри ўз режасини Кенгашга маълум қилганида ҳеч ким эътиroz билдиргани йўқ. Алвонранг Қирол эса, ҳар доимгидек унсиз бош силкитиб кўя қолди. Ҳа. Бу жуда яхши кирол. Омадли. Энг асосийси – индамас. Қўмондонларга қулок солади, ўзбошимчалик қилмайди...

Вудри киролдан мамнун. Тўғрироғи, анави Ллан пайдо бўлмасидан аввал мамнун эди. Қора кузгун! Ўзининг Куёш Салтанати ҳакидаги чўпчаклари билан Алвон Советли киролнинг қулоғини том битириб, миасини ҳам ғовлатиб юборди. «Тенглик» эмиш!.. Демак, Вудри ҳатто ғалабадан кейин ҳам аллақанақа Тоббо билан тенг бўладими? Кимсан, Вудри билан бирчувриди карол-а?! Ҳозир, мана шу ердан бир дакиқалик от йўрғаси масофасида содир бўлаётган буюк ғалаба Вудрисиз юз бермаган бўларди...

Э, йўқ! Вудри бутун жуда катта ўйинга киришган, бу жуда катта ўйин. Бундан буюкроги бўлмайди. Бу ўйинга у бошини тиккан. Ютқизса – калласи кетади. Аммо ютқазиш мумкин эмас. Ҳаммаси ўйлаб қўйилган. Ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган. Ўзининг бу режалари ҳакила Даштлик Вудри Кенгашга маълумот бергани йўқ, албатта.

Вудрининг кирлорлари хўжайнларга маълум. Даштликининг олтинлари кўп. Аммо фош бўлсанг ҳеч қанака олтин билан кетолмайсан. Кулгили ишлар бўляпти – Куёш Салтанатида олтиннинг ҳам кераги йўқ, у ерда ҳамма тенг. Тенгмиш! Қара-я! Кимга ким баробар? Лланнинг ибораси билан айтганда, «ҳамма бир-бирига тенгdir». Аҳмок.

Вудри атрофга олазарак каради. Атрофида отликлар яна ва яна кўпайиб бормоқда. Улар мамнун ҳолда бошликларига ҳурмат билан қарайдилар. Шундай бўлиши ҳам керак-да! Вудри доим чавандозларига ғамхўрлик килади, уларни хафа килдириб қўймайди. Ҳеч качон.

Ҳаммадан яқинроқда – чанг босган мовий ранг чакмон ёпинган, ёлдор попукли бир хилдаги дубулға кийган отликлар юзлиги турибди. Булар энг яқин, энг ишончли кишилар. Вудри уларни доим ўз ёнида тутиб туради. Бу йигитларни асрани лозим. Улар Вудри учун олтиндан ҳам қимматли. Кўпчилиги – даштдан, Вудри ўз босқинларини шу йигитлар билан бирга бошлаганди. Улар йўлбошчиларини сотишмайди-ям, ундан гумон ҳам қилмайдилар. Буюрсанг бас – жаҳаннамга дессанг

ҳам боришиди. Агар шундай йигитлардан икки минг нафари бўлганида эди, Ллан билан ҳисоб-китоб қиска бўларди. Ҳозирча эса бикиниб туришга тўғри келади. Лекин бугун беркинмачоқ якун тояпти. Вудрининг суворийлари тўраларнинг суробини тўғирлади; буни бошқа ҳеч ким эплолгани йўқ. Вудрининг захирасида яна битта яширин восита бор. Бунақаси ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Анчагина олтгин сарфлашига тўғри келди-ю, лекин нархига арзиди. Бу ердан нарироқда, жанг майдонидан анча четдаги бир хужрада турибди.

Вудри иршайиб кўйди-да, чирсиллатиб тупурди. Анави девор устидагилар ҳам, майдонда, Ўлка Бошқарувчисининг байроги остида тўпланган бинафшаранг чакмонлилар ҳам ҳайратдан оғизларини ланг очишган: Даштлик нега хужум бошламаяпти? Даштлик эса ишни чўзаётгани йўқ. Даштлик Вудри бугун сизга насиб этадиган муваффакиятнинг кимматини чукур англаб етишингизни истайди, жаноблар.

— Менга кулок солинг!

Вудри овозини жанг шовкин-суронидан ҳам баландрок кўтариш учун ҳайкирганича, отларнинг бир катор тизилиши ва жангнинг қайнок тафтида от елдириб, корайиб куйган башараплар сафда бир текис кўринишини кузатди.

— Тоббо!

Ифлосланиб кетган мовийранг ёпинчиғи отнинг икки ёнини ёпиб турган Тоббо олий кўмондоннинг хузурига етиб келди. Унинг кўзида ишонч, садокат ва итоаткорлик зухур тоғанди.

— Мен бу ерда мовий чакмонлилар билан қоламан. Сен отликларни бошлаб кетасан.

Ва кўли билан имо килди. Аммо у олишиб-талашаётган тўда томонга эмас, тор-мор этилган каданг хужумчиларининг қочиб бораётган колдиклари коп-кора нуктадек бўлиб кўзга ташланаётган тарафга ишора килаётганди.

— Таъкибга бошчилик қил, Тоббо.

Собиқ подачининг кўзларида ажабланиш ифодаси пайдо бўлди:

— Отлик кўшиннинг ўрни шу ерда-ку?! Ахир кўрмаяпсанми хўжайн — Ўлка Бошқарувчиси жангида охирги кўшинини ташлади-ку. Улар камчилик, аммо ҳаммалари Халоскор тўралар мазҳабидан. Отлари ҳам янги алмаштирилган, тетик отлар. Бошқарувчининг эса йўқоталигани ҳеч нарсаси йўқ. Агар ҳозир улар бизнинг шиёдаларимизга карши от суришса, уни ёриб ўтишади ва кимирашга имкон тополмаётган, аммо ҳапуз муваффакиятли каршилик кўрсатиб турган темир совутилар кўшинини озодликка чикариб юборадилар. Кўркоқларининг ортидан кувишга ҳожат йўқ, кўмондон. Янги кучларни яичиб, эски-

ларини кейин ҳам саранжомлайверамиш! Менга равшан бўлиб турган нарсанни наҳотки сен тушуна олмасанг, Вудри?!

— Сен буйрукни бажар, Тоббо!

Даштиликнинг ола-кула кўзларида қўрқувга ўхшаш бир нима акс этди. Кўз корачиглари ўйнаб, қовоклари разилона кисилиб-очилди. Тоббо ана шундагина гап нимада эканлигини тушунди. Тушунди-ю, ўз шуурига ишонгиси келмади, ана шу нарса унга панд берди. Ва факат унгагина эмас. Шу пайт нимадир карсиллаб бошига урилди-ю, кўз олдини кўкиш-оқ парда қоплади, сўнг онгини қоронгилик босди. У кўлларини ёзиб типирчилаганича ортига ағдарилди, от тепасида бир муддат ҳаракатсиз котди, сўнг ўтнинг устига кулади, шу тасодиф туфайли ҳам ўзи томон иргитилин арқон сиртмогидан қутулиб қолди.

Вудри шашпарини ёнига ташлади ва у қайшида ўйнай бошлади.

О, Абадият Соҳиби, ўзинг аср! Наҳотки, ҳатто мовий либослилар орасида ҳам ўз эгасини қопадиган кўпнаклар бор бўлса? Вудрининг лаблари титрай бошлади. Лаънати Лланнинг касофати... Яна-чи? Яна кимлар Тоббога ўхшаб унинг иродасига карши боради? Лекин суворийлар унга эҳтиром билан қараб турардилар. Улар Тоббо билан бўлган сухбатни эшилтганилари йўқ, асосийси – кўмондонларининг кўз корачиги телбавор ўйнаганини кўришмади. Лекин улар Тоббонинг бошлиқ билан гап талашганига гувоҳ бўлишиди.

Кўмонлон билан-а! Тағин жанг майдонида-я! Ўзидан кўрсинг!

Вудри тишларини гижирллатганича, биринчи кўзи тушган мовий либосликни хузурига чақирди. Кўли билан дашт томонга имлади:

— Даштга! Даштга! Кувиб етинг! Бирортаси ҳам кочиб кутулмасин.

Суворий бош ирғади, ўзига ташланган шашпарни чақкон илиб олди, денгиз мисоли чайқалиб-хайқириб турган исёнкор отликлар бўлинмасини бепоён дашт томон ортидан эргаштириб кетди.

Ҳаммаси тамом...

Вудри бир неча марға чукур-чукур, хириллаб нафас олди, мовий чакмониларга буйрук берди: «Ортимдан!», майса устида кўлларини ёзганича чалканча қулаб ётган Тоббога кўз кирини ташлади; отни Алвон Советли қиролнинг қарорига охи томон бурди. Унинг кўлида иргитиш учун сиртмок қилиб тайёрлаб кўйилган арқон бор эди.

## 11

— Олиб келишяпти! Олиб келишяпти! – деган овозлар атрофни тутиб кетди.

Тикилинчда бир-бирларига сиқиб қўйилган одамлар туртиниб-сурганинб, бўйинларини чўзишади; зич сафланиб оломонни тош йўлга

үтказмасдан түсіб турған темир совутли аскарларнинг боши тепа-  
сидан бўлса-да, назар ташлаш учун оёк учида кўтарилишга ҳаракат  
киладилар.

– Олиб келишяпти-и-и-иии!

Одамларга тўла майдон гувиллайди. Унинг карши томонида,  
Муқаддас Тепалик рўпарасида таҳтасупа тикланган. Унинг янги  
йўнилган ёғочидан тиник, офтоб нуридан учкунланиб турған мум том-  
чилаб турибди. Супа атрофига эса оппок, ҳафсала билан рандалангандан  
устунлар ўрнатилган. Уларнинг тепасидан тўсин ташланиб, темир ил-  
гаклар маҳкамланган, ҳар бир илгакка сиртмоқ қилинган аркон илиб  
кўйилган. Илгаклар худди иш бошлиш олдидан машқ қилиб олаётган  
каби шамолда аста чайқалиб турибди.

Шаҳар узра, бир-бирини туртиб-суртиб бораётган одамларнинг  
шовқин-суронини босиб, кўнғироқ жарангি атрофига ёйилади. Вақт  
хали эрта бўлишига қарамасдан уйлар рангдор матолар билан безатиб  
бўлинган; шаҳар ҳокимининг буйруғига биноан уй эгалари туни билан  
хонадонларига зеб бериб чиқишига. Қуёш нури совутларда жилолана-  
ди, қамоқхонадан майдонга қадар саф тортилган ёлланма аскарларнинг  
найзалири тигида яркирайди.

– Олиб келишяпти!

Аммо йўлда ҳеч ким кўринмайди. Қуёш тобора тиккалаб бормоқда.  
Аёллар ўзларига шармандаларча ёпишиб келаётгандарни нари тур-  
тиб, рўмоллари билан юзларидаги терни артадилар. Эркаклар ҳам, бу  
тиклиничда агар уддасидан чиқа олсалар, камзулларининг тутмасини  
ечиб кўйишади. Факатгина каффорлар удумларига кўра кора рангли  
қалин ёпинчиларига ўрангашларича терлаб туришга мажбуrlар. Ва  
яна, супанинг шундоккина ёнгинасида баланд устунларига ўрнатилган  
узункурсиларда салтанат аъёнлари ўз инуфузларига муносиб равишда  
кимир этмасдан ўтирибдилар, олтин ип билан тикилган оғир либослар-  
да кибр сақлаб ўтириш эса, ишонаверинг, осон иш эмас.

Нихоят олисдан бир зумга кўнғирокларнинг ҳам жарангини босиб  
кетгулик хайкирик эшитилди; одамлар яна ғимирлаб колишди; оломон  
кайтадан бир-бирини туртиб-эзиб, аскарларнинг жонли тўсиғини ёриб  
ўтгудек олдинга интила бошлиди; бир нечта отликлар кийкирганларича,  
кўча бўйлаб от елдириб ўтишди ва супага олиб чикувчи зина олдидা  
отдан тушишди.

Махкумлар кўккисдан кўзга ташландилар, улар ҳар томондан  
куршаган соқчилар сикувида жуда сескинлик билан илгари одимлайди-  
лар. Занжирларнинг тикирлаши кўнғирок жарангига ҳамоҳанг тараила-  
ди. Биринчи ва иккинчи махкумларни кўриқилювчи аскарлар шу қадар  
кўп эдикни, уларни кўриш учун баландга сакраб, темир дубулғалар те-

пасидан қараб улгурышга түғри келади. Кейин оддий исенкорларни олиб ўта бошлашди: бу ерда сокчилар сафи у кадар зич эмасди, ўлимга маҳкум этилганларни бемалол томоша килса бўлади. Аммо буларнинг кимга ҳам кераги бор?

Сокчилар жуда секин кадам ташлайдилар. Олиб кетилаёттандардан биринчисини – оловранг совутта бурканган, оёқ-қўллари чирмаб боғланган, юзи эса бошоқ тасвири тож остидаги дубулға ортида кўринмай турган паҳлавонни қўркув, ҳурмат, эҳтиром ила сукут ичида кузатиб қолишиади. Бу сокин, викорли одимлашда қандайдир ноинсоний улуғворлик сезилиб турарди. Турли овозалар оғиздан-оғизга кўча бошилади: Уни қийнокка солишмабди; Унинг қўлбандларини ҳам ечишмабди; Унинг совут-аслаҳасини ечишга журъат этишомлабди. Баъзи билағонлар ўзларидан кўшиб ҳам кўйишиади: жаллод ўз нишонини курси устига шартта ташлабди-да, Унинг ҳаётига дахл қиломаслигини айтиби. Аммо шўрлик жаллодни ҳам тушунса бўлади, бечорага жарима солишибди-ю, аммо лавозимидан олиб ташлашмабди.

– Маҳкумлар орасида ғиљдиракка тортилишдан кочиб юрган котил ҳам бор экан.

– Котил дейсизми?

– Ҳа, қотил! Валинеъматимиз Арбих-дан-Лаллга қўл кўтарган баттол.

– Демак, уни ҳам ушлашибди-да?

– Ҳа, шундек.

...Занжирбанд қилинган, устидан симтўр ташланган паҳлавон кўчадан ўтиб бориб, муюлиш ортида кўздан йўколгач, оломоннинг бутун диккат-эътибори, хис-туйнулари кейинги маҳкумга қаратилди: озгин, нимжон, қонга буланган соchlарига ок тушиган кекса банди ганлираклаб келмокда.

– Ана, қаранглар, Ллан!

– Э, Худо, қўзларини қаранг!

– Ӯлиб кеттур, ваҳший!

– Ҳазрат, алвидо!!!

– Буни ким айтди? Дархол ушланг!

– Аа-aaa-aa-aa-a!

Ллан, занжирини шакирлаттанича, бир текис тебраниб бораёттан Оловранг либосли гавда ортидан кетиб боради. Ҳеч нарса унинг эътиборини тортмайди, туни билан қийнокка солинган танаси оғрикни деярли сезмай ҳам қўйди. Черков хизматчиларини оломон орасида сазойи килипмайди. Аъёнлар уни хуфя килиб, коронги зиндоида савалаганлар. Жаллодлар роса уринсалар ҳам унинг инграпини эшигмадилар: улар Ллан аллақачон оғрикка бардош беришга кўникканидан

бехабар әдилар. Унинг илгариғидан ҳам ўтлирок чакнаб турган күзлари ўтмишга қадаған; зеро, у энді келажакка ишонмайды, бугунги кундан эса унга насиба йўқ: янги йўнилган ёғочдан ясалган супагача бўлган қисқагина йўл босиб ўтилса бас.

Қичкириклар элас-элас, узук-юлук эшитилгандек бўлади-ю, бетаъсир, бесамар ҳавога сингиб кетади.

- ... дўзахи, конхўр!
- ... онамнинг қотили!
- ... черков ҳайвони!
- ... алвидо, ҳазрат!
- ... ааа-аа-аа-а-аа!

Ллан бу қичкирикларнинг гўё ўзига алоқаси йўқдек, илгарила бораверали. Улкан этикларни кийиб олган соқчиларнинг оёқлари орасидан унинг ифлос, куйдирилган панжа-товоңлари кўринмасди ҳам. У чап оёғига қаттиқ оқсайди.

Махкумнинг ортидан, сокчилар ҳалқасидан ташқарила, сочи кирилган черков хизматчилари изгиб юришибди. Улар Лланни тинмай дуоибад қилган кўйи, диндан қайтган муртад ўтиб бораётган кўча ва йўлларни ҳавф-хатарлардан ва фалокатдан тозалаш учун мұқаддас ўгларнинг тўпларини тутатадилар. Ллан эса уларнинг дуоибад қўшиқларини эшиitmайдиям. У ўтмишга нигоҳ тикади.

... Мана, ҳамма иш ҳалокатга учраган ўша машъум кун. Бошок тасвири баланд байрок оғиб, тепаликдаги Оловранг гавда гойиб бўлиб колди; отдан кулаб, худди оёғидан чопиб ташлангандек кескин ағдарилади. У ерда нималардир содир бўлягги, одамлар саросимада, мовий либослилар тўс-тўполони орасида киличларнинг бир-бирига урилишидан сачраган учқунлар чараклайди. Олисда, ортларида, жанг майдони ташқарисида нималар бўлаётганини ҳеч ким тушунолмайди. Аммо ўртада сикилиб колган темирсовутлилар кўшини эркинликка ёриб чиқди; жанг кизиб бормоқда, аввал бўкиришга, сўнг умидсиз инграшга айланиб бораётган ҳайкирик яна кайта жонланди. Куролни ташлашга шайланиб турган кўлларга куч кириб, яргни аввалгидан ҳам маҳкамрок сиқади: «У ўлди! Биродарлар, Алвон Советли кирол ўлдирилди!»

Энг олдинги сафда турган қаролшардан бири темир совутлининг юрагига санчишга тайёр турган найзасини ерга улоқтириб, бошини чангллаганича, орқасига қарамасдан кочишни бошлади. Унинг ортидан яна биттаси, ўнтаси, кейин юзтаси тирақайлаб қоча бошлади. Бинафшаранг ёпинчикли суворийлар эса, худди жонсиз кўланкалар каби ҳеч кандай сассиз, садосиз, совукконлик билан илдам елиб бориб, қочаётганларни аёвсиз чопиб – сўйишади. Кимdir унинг ёнига келиб

аста пичирлайди: «Ҳазрат Ллан, манавини кийиб олинг, йўқса сизни таниб қолишади...». У бирорнинг увадасини устига илиб олди...

О, Азиз-авлиёлар, атрофдаги шунчай ёвузлик каёқдан келди ўзи? Ахир бу ерда турғанларнинг хаммаси олдий бўз кийим кийган йўқсилларку? Ахир хамма сабй-харакатлар шулар учун бўлмаганмиди? У ҳолда нима учун улар менга бунчалар нафрат ва ғазаб билан тикилишмоқда? Бирорта ачинган ёки меҳрли нигоҳ кўринмайди-ку?..

\* \* \*

Ллан бир лаҳзада бутун оломонни нигохи билан камраб олди – хаммасини бирваракайига: ёвуз ўқрайиб турған янги омма хамда найзадор соқчилар ва муми чакиллаб томиб турган ёғоч дорлар. У ғижирлаб, эгилиб кетаётган нарвондан кўтарилиб бораркан, бўкириб-бақираётган одамларга бенажот тикилди. Унинг енгил, тошсиз вазнидан пиллапоя салгина овоз чиқариб, унчалик кисирламаса-да, аммо мана шу эшитилар-эшитилмас овоз хам худди дафи мадхияси каби занжирларнинг шакирлашини, оломоннинг ҳайқиригини ва кўнғирокларнинг жарангини босиб кеғандек бўлди.

«Энди қалайсан, Ллан, – сўз котгандек бўлади пиллапоялар, – мана ҳаёт йўлинг хам адогига етди... Сен айтган тенглик кани? Сен ночор-нотавонларга башорат қилган Күёш Салтанати қаерда колди? Энди Абадият Соҳибининг ҳузурида туриб хамма ишларнинг учун жавоб берасан: эзгулик учун хам, ёвузлик учун хам. Умуман, бирор ҳайрли иш қилганмисан ўзи? Қара, сенинг башарантга кимлар тушуряпти. Сенга ишонган одамларнинг кўзларига бир қара: сенга садоқат кўрсатганларни ҳозир дорга осишни бошлашади... Сен ваъда берган ҳакиқат кани, Ллан?»

Махкумни титрок босди. Ҳакикат қаерда колди? Фикр-хаёл уни яна кечаги кунларга етаклаб кетди... Мана, у Шимолий Бошкентда. Шахар худди ўлат теккандек бўм-бўш. Тўраларнинг уй-жойларини бузиб ташлаганлари йўқ, аммо гаров шулининг ўзи уларни хонавайрон килишга етарди. Кўхна Кироллар томонидан тақдим этилган барча эркиниллар ва имтиёзлар, муҳр босилган ва олранг бош ҳарфлар билан ёзилган хамда якин ўтмишда тасдиқланган васиқалар ўтда куйдирилди; ўлка бошқаруви – магистрлик буткул тарқатиб юборилди ва шахар махаллий мулкдорларга тегишли мавзеларга бўлиб юборилди. Савдогарларнинг ва усталарнинг кора ва ок нишон тасмалари олиб ташланди. Бундан бўён ва тоабад уларнинг барчалари уч тоифа каролларга – чоракорликка тортилган кароллар, савдогар кароллар ва ҳунарманд қаролларга айлантирилдилар. Лекин ҳар ҳолда улар ти-

рик колдирилдилар. Күчалар бўйлаб эса, тор дераза тиркишларидан чиқиб турған ходаларда сиртмокка тортилган «чилаширлар» – Ллан шаҳарлик саводли камбағалларни шундай атар эди – катор килиб осилган. Шаҳар ҳокимлиги буйруғи билан ярим тунда шаҳар дарвозалари хоинона тарзда исёнчиларга очиб берилгунига қадар улар бор кучларини сарфлаб шаҳарни ҳимоя қилгандилар. Улар ҳаммаси бир-бирига яқин килиб осилган. Кенгрок килиб осиш учун эса ходалар ҳам етмаган бўларди. Пастда, катл этилганларнинг акашакдек котган оёклари остида уларнинг фарзандлари зор қақшаб ўтиришибди. Шаҳарда очлик бошланган, бироннинг ортиқча бир бурда нони, эхсон қиласидаган сарик чақаси йўқ. Етим-есирларга ҳеч ким садақа бермагач, улар астагина тош йўлкаларга чўзилиб, хатто кўкариб кетган қовокларини ёпишга ҳам ҳоллари келмасдан, аста жон берадилар...

...Лланинг оёклари тагида ёғоч пиллапоялар липиллаб, ғижирлагани-ғижирлаган. Охирги пиллапоя ҳам бир эгилди-ю, устидаги юқдан озод бўлган кўйи «ғийқ» этиб, енгил нафас олди. Мана, ниҳоят у супа устига чиқди. Сал нарироқда, супанинг чеккасида – устун. Ал-вонранг чакмонли кирол устунга занжирлаб ташланган. Атрофига эса мумланган шоҳ-шаббалар супанинг ярмигача гарамлаб қўйилган. Супанинг тахталари ўт олиб кетмаслиги учун эса шоҳ-шабба остига супанинг ярмини эгаллаб турувчи тунука қопланган. Жаллоднинг кўлида машъала аланганданмоқда. Буниси жаллодбоши эмас, балки калласига халтақалишок кийиб олган бошқа жаллод эди. Уч оёкли япалоқ ўчоқда узун пўлат сихларни киздиришпти.

Лекин бу сен учун эмас, Ллан. Сенинг рўпаронгда, икки қадамгина нарида болта санчиб кўйилган, йўнилмаган ғूла – жаллод кундаси турибди. Болта ҳафсала билан тозаланган, факат унинг муҳрасида бир нечта тирналган нукталар бор, холос. Бу болта бошингга тушмасидан олдин яна нималарни эсга олишни истардинг, Ллан?

Ҳа, эслади...

... Бир куни Бош Майдонда жарчининг наъраси эшитилиб қолди. Унинг овозида шодонлик бор эди. Кечагина кўркув исканжасида қалтираб турган шаҳарда тирик жон борки, кувончли садо келиб турган томонга қараб юргуди. Охирги хафталар ичida жарчи биринчи бор катл ҳакида эмас, балки афв ҳакида хабар бермоқда эди. «Даштилик» лақаби билан кўпчиликка маълум бўлган қарол Вудри афву марҳаматга ноил кўрилди. У акл-хушини йигиб олиб, исёнчиларнинг йўлбошчисини асир олгани ҳакида ҳукуматга шошилинч хабар етказган; шу боисдан ўз гунохини ювиб, жазодан кутулиб қолди ва аслзодалик унвонига эга бўлди. – Бундан ташқари, – овозини шодон кўтарди жарчи, – Вудри отлиқ кимса олижаноблик ила бундан ҳам ортикроқ эзгуликка кўл урди.

У яширин йўллар билан нуфузли дан-Баэл наслидан колган ёлғиз ёдгор бўлмиш кизалокни ажалдан куткариб, фалокатлардан асраб, авайлаб салтанат хукмдорининг саройига топширди. Шу муносабат билан номи зикр этилаётган Вудри садокатли ва олижаноб аслзода сифатида аслзода Баэлларнинг Шохи Китоби рўйхатига киритилади Вудри дан-Баэл номини олади ҳамда уларнинг Рамзий нишонлари ҳамда ермулкларига эга бўлади. Бу ҳодиса ҳар бир кишига ўрнак ва ҳар ким ўз амалларига кўра насибасини олмоғига далолат бўлсин.

Лекин жарчининг сўзларини аллакандай бир зоти пастнинг кичкириги босиб кетди. У муштларини дўлайтириб, уят ва ҳақоратли сўзларни айта бошлиди. Унинг ёнида турган одамлар дархол тисарилдилар ва атрофи дарров кенг очилиб қолди. Бир пайт кимдир ваҳима аралаш бакириб қолди: – «Қаранглар, Ллан!» Шу ондаёк сокчилар оломонни худди чириган гўла каби у ёқ-бу ёкка улоктирганича ўзини итоатгўй авом орасига урди...

\* \* \*

Кейин уни худди қутурган ҳайвон каби кишанланган, ёпик аравага камаб кўйилган ҳолда олиб кетишиди. Шамол араванинг тиркишларидан чириган жасадларнинг бадбўй ҳидини олиб киради; ташкарини кўришининг имкони бўлмаса-да, ўлимтик ҳиди ва ўлаксахўр кушларнинг овозидан кўча бўйлаб ниҳоятда кўп мурдалар осиб кўйилганини бемалол англаш мумкин эди. Шаркий Бошкентдан унинг ёлғиз ўзини олиб кетишиди; колганларнинг ҳаммасини кириб ташлашган, шекилли. Тирик колганларни эса битта-битталаб тутиб олишган.

Ростдан ҳам, бу ерда, Янги Бошкентда, тош зиндонларда атайин шу бугунги кун учун асраб кўйилган юзлаб асирлар ириб-чириб ётибдилар. Лланни эса муҳтарам тўраларнинг зафар байрамларига янада ўткирроқ таъм бериш мақсадида кўлга олган жойларида катл этиб кўя колмасдан тирик қолдириши: исёнга раҳнамолик қилган роҳиб отани катл этиш манзараси Алвонрангни ўлдириш каби мароқли эди. Чунки кирол – ҳар ҳолда кирол. Ллан эса – авлиёликка даъво килиб юборган эди. Унга бўлган нафрат ҳам шунга яраша, шу боис ҳам унинг ўлими ёкимли ва завқли бўлади...

Жаллод ўз болтасининг сопини эркалагандск силаб-сийлаб кўйди.

Ўнлаб исёнчилар дор тўсинлари остига келтирилди, бўйинларидан сиртмок ўтказилиб, темир совутли аскарлар дор арқонларини тортишга тайёрландилар.

Кўнгироқ ноласи ҳам худди жони узилгандек ногоҳ тўхтади.

Ллан хотиржам ҳолда кунда ёнига келди, сукутдаги, қизикиши билан қатлни кутаётган оломонга яна бир бор назар ташлади ва титраб

кетди. Унинг қаршисида, баланд курсида, хукмдорга якин ерда Вудри зарҳал билан тикилган, мовийранг майдон ўртасидаги аждар тасвири уашталанган чакмонда ўтиради. У ёнидаги озғин, олтинранг сочли қизни, тўғрироғи ўсмир кизалокни чап кўли билан менсимайгина кучиб ўтиради. Ллан билан Вудрининг кўзлари тўкнашди. Дашиблик истехзо билан лабини буриб, шу қадар сезилар-сезилмас елкасини кисиб кўйдики, буни Лландан бошка хеч ким пайкамай колди; елкасини қисиб, маҳкумнинг синчков нигохига жавобан ёкимсиз ишшайди.

Вудри дан-Баэл, граф ва аслзода Баэл – хукмдорлик марҳаматини кўрсатмоқлик хуқуки ила ва мукалдас никоҳи ато этган кувончи хурмати жаллод кундасининг ёнида турган исёнчига бўлган нафратини унугди, ҳатто бу «ахмок ҷол»ни кечириб ҳам юборди.

Ллан тиз чўқди ва юзини ғадир-будур кунда юзига кўйди.

Бу ёғига фикр-хаёл йўқ – ҳаммаси йўкликка учди-кетди. Факат биргина савол жаллоднинг киздирилган пўлат мили каби шуурини куйдирив ўтди:

– Нима учун?! Қани ҳакиқат?

Эгилган бош узра жаллод болтасининг сояси ўйнаб ўтди; ойболта тифидан аксланган офтоб нури кўзини қамаштириди.

Ана шундагина Ллан ҳаммасини тушунди.

Тушунгач эса, бошини буриш ва баландда нур сочиб турган күёшни бир мартагина кўриш истагидан ўртанди. Күёш унинг елкалари ва бўйини ўз ҳарорати билан силаб-сийпаламоқда эди. Күёшнинг кўриниши қандай эди-я? Ваҳоланки, Ллан одамларни Күёш Салтанати томон бошлаб боришни ваъда килгани ҳолда охирги йилларда тепасида турган офтобга, ҳатто бир марта кўз ташлаб ҳам кўймабди.

## 12

... Кейин жаллод болтасини кунда устига кўйди, хукмдорга таъзим бажо этди ва оломон томонга кўл силтаб кўйди. Ўз ишини яхши ва чиройли бажарган кишининг ўзидан мамнун киёфасида пиллапоялардан пастга туша бошлади.

Қалпок кийган иккинчи жаллод эса ўчок ёнидан узоклашди. Оломон жим бўлиб колди, ҳозиргина сават ичига отилиб тушган бош шу лахзанинг ўзидаёқ унут бўлди. Одамлар сукут ичидаги фахрий минбар томонга ўтириллилар: хукмдорнинг қандай шодланаётганини кўришга ким ҳам кизикмайди? Оломон орасидан жуда озчилик бу катлдан кувонишини истамасди. Мен ҳам ўшалар жумласидан эдим. Мен бу сайёранинг хукмдорига ҳам, унинг кувончига ҳам тупурдим. Энг асосийси, мен мовий либос кийган кизалок билан – янги «тайёрланган»

сохта граф Вудрининг ёш рафиқаси билан нигоҳларимиз дуч келиб колишидан кўркардим. У мени кўриши биланок, курсисидан сакраб турниб, ёнимга югуриб келишидан кўркардим; мени оломон денгизи орасида ҳеч қанақасига таниб олиши мумкин эмаслигини яхши англаб турсам-да, минбардан жуда олисда турган бўлсам-да, у ҳозир ҳеч нарсани кўрадиган ахволда эмаслигини тушуниб турсам-да, барибир юрагимда хавотир бор эди.

Олла, сингилгинам... Таолла — Фэй Шпанна дан — Баэл. Сепинг исминг ўзингдан кўра қудратлирок экан, шу исм буюк бир исённинг бартараф этилишига сабаб бўлди. Сен жимгина ўтириб, мунгли кўзларингни олисларга тикканингча мени кутяпсан. Мен эса... мен... сени сотдим.

Аммо ўзга чорам ҳам йўқ эди! Машинани тўхтатиш зарур эди. Муросанинг баҳоси ана шунака киммат бўлди. Улар сенинг тирик эканингни билишарди ва бетўхтов излашаёттанди. Мен эса Алвон Совутлининг аъёнларидан кимнидир сотиб олишим шарт эди. Бу исён ҳам худди бошка кўзғолонлар каби йўсинда якун топиши, қандай бўлмасин, машинани тўхтатиш керак эди.

Хатто Арбих — дан — Лаллнинг ёндириб юборилган уйи олдида ҳам асло афсусланганим йўқ эди. Демак, унинг хаёти ҳам ана шу нарх ичига киради, лекин чегирмаси билан. Қизалогим, Арбих ўз ваъдасида каттиқ турли; сени осонгина бериб юборгани йўқ. У ўз хаётини жуда кимматга сотди; уни мен туфайли ўлдиришди... Лекин менинг бошқа чорам йўқ эди! Арбихни куткаришнинг имкони бўлмади, чунки у сени асрарига онт ичганди, сингилчам. Бу ваъдасини бузишга уни ҳеч нарса мажбур қилолмаган бўларди... Сен эса бу вактга келиб сотиб юборилгандин; сени жуда кимматга сотдик — сени сотиб олганлар сен туфайли ўз хаётларини асраб колдилар... Мен эса машинани қандай йўл билан бўлса ҳам тўхтатишм керак эди!

Вудри факат сенга эришиш эвазига Алвон Совутли қиролнинг бўйнига сиртмок ташлаб, уни мамлакат ҳукмдорига ушлаб беришга рози бўлди.

Нуффир мен ҳакимда қандай фикрга борди экан? Бу унинг шахсий иши. Мен эса унга ўз манфаатимни очик айтганим йўқ. Улар менинг ҳукмдорнинг одами деб ўйлашиб, менинг бутун саъй-харакатларим эса савдолашиб учун тайёргарлик эди, холос...

Мен ўзгача йўл тута олмас эдим! Арбих... у ҳаётимнинг охирига-ча ҳаёлимдан чиқмайди. Тўгри, у жуда кексайиб қолганди... умрининг ниҳояси яқинлашиб колган эди. Каффорлар уни ўлдиришлари мумкинлиги менинг ҳаёлимга ҳам келган эмасди. Олла эса... начора... У аслзода бўлиб туғилганди ва шундайлигича колди. Мен аслида унинг ҳаётида ҳеч нарсани ўзгартирганим йўқ. Мен унинг ҳаётига тасоди-

фан кириб қолдим ва ундан чиқиб кетдим, холос. Менинг бу ерга келиб қолганимнинг ягона сабаби эса – машинани қандай бўлмасин, тўхтатиш шарт эди!

\* \* \*

Мен ўз-ўзимни тинчлантириб, бирор ишқал чикармаслик учун жаҳлга эрк бермасликка кўп харакат қилдим. Оллани ва унинг ёнида ўтирган, шу норасида гўдакни сотиб олган Вудрини кўрганимда бир ножёя иш килиб қўймасликка бир амаллаб муваффақ бўлдим. Мен ундан нафратланаман, дўрдок лабидан, истеҳзоли ишишайишидан нафратланаман, аммо ундан нафратланишга ҳакким йўклигини ҳам яхши биламан, чунки мен унинг қизни сотиб олгани учунгина нафратланяпман. У шунчаки харидор, холос. Лекин кизалоқни сотиб юборган мемманку. Ҳа, факаттинга ўзим!

Аммо кутурган кибер энди одамларнинг сүяклари устига ўзининг мантикий электрон адолатини барпо эта олмайди. Бирок сүяклар барибир синдирилади, чунки одатга кўра тарихан дехқонларнинг кўзғолонлари турли кийноклар ва қозиклар билан якун топади, бу борада мен бирор чора кўришга ожизман...

Қўлимдан нима ҳам келади ўзи? Уйга қайтганимдан кейин ТҚБнинг расмий ходими гувоҳномасига эга бўламан ва таътилга чикаман. Бори шу. Серёга елкамга қокиб, бир мактаб қўйган бўлади. Кейин Фрязинога бориб Аришкани кўриб келишим мумкин. Кейин хотинимни илиб кетган абллаҳнинг тумшуғига ҳам балки битта мушт қўярман... Буларнинг ҳаммасига имконим стади, лекин бу менинг Ерда амалга оширадиган шахсий ишларим...

Мен қаршимдаги манзарадан кўзимни олиб қочиб, ўз фикрларим билан банд бўлгунимча, жаллод супадан тушиб кетди. Унинг ёрдамчиси эса ўчокдан чўғдек қизартириб қиздирилган сихларни олди-да, кибернинг қаршиисига келди. Дубулға қопқогининг тиркишига чирсиллаб турган тигни киргиза бошлади... Менинг киберлар техникаси ҳакидаги бутун билимларим чиппакка чиқди. Одамнинг юрагини товонигача тушириб юборувчи даҳшатли ўкириш майдон узра кўкка тараалди.

Кибер-машина худди одамга ўхшаб бор овози билан чинқирмокда эди!

Унинг додлашига токат қилиб бўлмасди.

Типирчилаб, занжирдан бўшалишга уринади, мумланган арқонларни узиб ташлашга харакат қилади. Дубулға остидан эса икки томондан кон сизиб оқа бошлади – одамнинг кони. Қирол қирмизи либосда бўлгани боис унинг кўзларидан кон оқиб тушаётганини сезиз

кийин, лекин бу қон ҳар ҳолда унинг қизил чакмонидан тўкроқ рангда эди. Гулхан алангаси эса унга тобора яқинлашиб кела бошлади, мана уни олов гиллари ялаб-юлқамоқда... Кейин буткул камраб олди. Қизил пластмасса совут иссиқдан шишиб кетди. Суперпластдан тайёрланган либослар ранги корайиб, бир челак балчиқдек окиб тушди. Кибер эса додлай-додлай, ниҳоят овози ўчди. Шакл-шамойилсиз ва унсиз ҳолда занжирда осилганича колди.

Энди ҳаммаси равшан! Кибер ўрмонда бузилиб, ишдан чиққач, кимдир уни топиб олган. Унинг ичидағи машинани кўумиб ташлаб, пластмасса совутни кийган-у, ўзини Алвон Совутли қирол дея зълон килиб, оломонни кўзғолонга кўтарган.

Мен кўзимни очганимда, осмонни кулранг булатлар қоплаганди, олачалпок булатлар орасидан ҳилолининг бирров мўралаб қўйгани кўзга ташланади. Майдон бўшаб қолган, аъёнлар минбарида хеч ким йўқ, гиламлар ва безактасмалар йигиб олинган, бекорчилар тарқалиб кетишган, факат бир неча ўнта кўнгли бўшлар, асаби чатокларгина у ёқ-бу ёқда йикилиб ётишарди... Гоҳ-гоҳ кимдир хушига келиб, ўрнидан турди, теварак-атрофга аланглаб олгач, дорсупани қуршаб, кўриклаб турган сокчиларнинг бўралатиб сўқинишлари остида шоша-пиша жўнаб колади. Менинг ва бошка юраги заифларнинг омадимиз бор экан: оломон хушҳол кайфиятда таркалгани боис, йикилиб ётганиларни босиб-тоғтаб ташлашдан тийилибди. Чамаси, устимиздан сакраб ўтиб кетаверипган. Фақат бир неча кишигина ғалати тарзда япасқи бўлиб ётарди – гўё аввал обдан судраб кейин эзив ташлашганга ўҳшайди. Аммо уларнинг тенасида аллақачон фарронилар найдо бўлиб ултуришибди. Япалоқ жасадларни темир чангакда ердан кўчириб, чикинди кутисига ташлай бошлиди.

Мен ўша оқиомдаёқ Янги Бошкентни тарқ этдим, Шарқка кетаётган карвонига кўшилиб олдим. Аравалар одамга тўлиб кетган: қочкинлар ўз уйларига қайтмокда эдилар. Улар вайроналарни тиклашга шошилишади. Одам ташиш ҳам даромади иш бўлиб қолди, савдогарлар от-аравалари учун йўл ҳақига каттагина пул сўрашарди. Одамларнинг юзидағи кувончининг чеки йўқ. Улар йўллардаги осойишталиқдан шодланишади. Ўлка Бошқарувчисини олкишлашади, хукмдорни шарафлайдилар, ҳар бир учраган ковоқхонда граф Вудрига соғлик тилайдилар. Чунки у «... бекорга кароқчилик қилган эмас, каердан қандай фойда чикишини билади...», «...ҳар қандай ҳалол одам у билан ошна бўлишидан ор қилмайди...». Мен қовоқхоналардаги улфатчиликларга кўшилмасдим, мени ичкилик билан сийламокчи бўлсалар, рад этардим. Аввалинга мени одамови деб уялтирган бўлишиди, кейин ичишга мажбурлаб кўришти, охирида эса қочкинлардан бири менга ола карай

бошлади ва менинг «хотинчалишилгим» түррисида гап таркатиша бошлади. Мен беш-олтитасининг касалини текинга даволадим-да, тиббиёт бўйича илмий асар ёзаётганимни, асаримни ёзib бўлмагунимча ичкилик ичмасликка қасам ичиб қўйганимни айтдим. Шундан кейингина мени ўз ҳолимга қўйишиди.

Йўл бўйлаб эса қотилликлар давом этмоқда эди, мен буларнинг ҳаммасини ўз кўзларим билан кўриб турардим.

Исёнчиларни катл килиш учун ўzlари яшаган жойларга, сокчилар курсовида олиб кетмоқдалар. Улар мардана, инсоний бир сабр билан муносиб жон берадилар; ўлимни олифта кўтаринкиликсиз, шу билан бирга шармандаларча чиқирмасдан қаршилайдилар: ҳаммалари эмас, албатта, лекин кўпчилиги. Улар сиртмоқ остига келтирилар эканлар, нималарнидир ялнишиб-ёлворишмайди, шу вақтгача улар гўё бир умр хорликда яшамагандек кадрларини юкори тутадилар. Бу эса тўраларнинг ғазабини кўзғайди, улар кутура бошлайдилар, хукм чикарувчилар катлнинг янги-янги турларини ўйлаб топадилар. Бу кийноклардан, ҳатто жаллодларнинг соchlari даҳшатда оқариб кетди. Лекин бу билан нима ҳам ўзгаради?

Эрлар ўлимни бир мукофот мисоли қабул қиласар эканлар, охирги сонияларда Алвонранг қирол хаёт эканини ва у яна қайтиб келишини айтиб, кичкиришарди. Бу бетўхтов овоза яна қаёқдан чика қолди? – билмадим. Лекин бу гап кундан-кунга теварак атрофга кенгроқ ёйилиб бора бошлади. Кишилар овозларини пасайтириб, кўзларини ола-кула қилиб, шу гапни тинмай такрорлашади.

Ва мен кўккисдан аввал тушунмаганиларимни англадим: тўраларнинг қасослари нима учун бунчалар шафкатсиз? Чунки ўзини инсон дея хисоблай бошлаган одам энди чўчкадек балчикка ағанамайди. Ўз хожасининг конини кўрган карол, унинг меросхўридан қамчи ейишни ўзига орсанайди. Исёндан кейин тўклилаётган шунча қонлар тирикларни кўркитиб қўйиш учун эмас. Йўқ! Асло! Бунинг сабаби бошка: хукм соҳиблари қулликдан кўз очганларнинг ҳаммасини битта кўймай кириб ташлашга киришганилар. Энди уларга янги, кўркок, муте, итоаткор кулилар керак.

... Мен силкиниб бораётган аравада кетиб бораракман, Олла ҳакида, Арбих ҳакида ўйлайман. Кибер тўррисида фикрлайман: энди уни топишни ўйламасам ҳам бўлади, демак, хисобдан чикариш масаласи ҳам якунланмай қолди: лекин бу энди аҳамиятсиз, чунки унинг бўлаклари қаерлардадир ер остида қолиб кетган. Ҳаёлларим яна Олла томон етаклайди – у ўзини ташлаб кетганимга ҳеч качон ишонмайди. У мени, ўз акасини сабр-токат билан кутади, узок кутади, умрининг сўнгти дакикаларигача мени кутиб яшайди. Ҳозирча ўз хона-

сида ўтириб, жимгина кутади. Бир оз балоғатга етганидан кейин эса түшакда, анави күпоп, дүрдок лабли ҳайвоннинг ёнида ётганида, акасини кўмсайди... Сўнг яна Арбихни ўйлайман; у бир ўзи ўнлаб ёлланма котилларга каршилик кўрсатди... Кейин эса Оловранг қиролнинг Алвон ёпинчигини олган йигитга томон хаёлим кетди.

У ўзини, ўз кўркувини қандай енга олди экан? Аслахаларни унинг эгнидан ечиб олишга кўркмадимикин? Оддий бир карол қандай килиб олий ҳукмдор даражасига етиша олди экан? Қандай?

Мен-чи? Мен эплолган бўлармидим? Албатта. Мен ўзимдан бошкага, дўстларимдан, билимидан, ўзимизнинг Ер сайёраси кудратидан бошка нарсага ишонмайман. У-чи? У мўъжизага ишонади. Аммо у ҳам совут-дубулға ичидаги нарсани кўргач, оёғини кўлига олиб, орқасига қарамай қочгани йўқ. У қатъий карорга келди ва совут ичидаги ҳар хил чироқлар лишиллаб турган, темир, сим ва яна алланимабалолардан иборат ғалати, сирли маҳлукни ерга кўмиб юбориб, дубулғани бошига кийди.

Мен ўрта асрлар андозасидаги эман миз кўринишидаги модулда ўтирар эканман, ўзимга ўзим гапиришни бошлайман: сен – аблахсан, итоатгўй ижроисан! Ҳа, ёқмаяптими? Энди иложинг қанча?! Сен ҳаммасини пухта режалаштирдинг, ўз ваколатларингдан тўлиқ фойдаландинг. Сен топширикни бажардинг... Аммо одамларни аклсиз машинанинг ғалабасидан кутқаришга шошиб, бир нарсани назардан кочирдинг. Бир нарса ҳакида ўйлаб ҳам кўрмадинг. Нима ҳакила дейсанми? Шу ҳақдаки, одамлар ҳеч качон кибернинг ортидан эргашибмайди. Ҳатто у тўқ кизил рангда бўлса ҳам; одамлар факат одамнинг ортидан эргашадилар, ҳаттоки у индамас гунг бўлса ҳам.

Энди натижа нима бўлди? Кўлим кон, виждон кирланди. Ҳеч кимни ҳеч нарсадан кутқарганим йўқ, бирорта ҳалокатни бартараф ҳам этмадим. Аксинча – худди саводсиз шогирдга ўхшаб, ҳамма ишни бузиб кўйдим. Исён тор-мор қилинди. Сен, Ерлик лапашанг, уни мағлубиятга учраттирдинг. Энди кўлингдан келса хатоингни ўзинг тузат. Эпломайсан, шундайми? Тўгри, кўла килич олиб одамларни кўзголонга даъват килиш мумкин. Сен ҳукмдорни маҳв этасан, унинг ваколати билан иш юритаётган Ӯлка Бошқарувчисини ҳам тинчита оласан, бунга старли укувинг бор. Аммо орtingдан эргашаётган оломон подаси сени дархол илоҳ даражасига кўтариб кўяди. Охири-оқибатда улар ўзларини ҳам, жонларини ҳам койитмай, сендан мўъжиза кута бошлайдилар. Оловранг суворий дор остида оғрикка чидолмай бўкирганида ҳам, у инсон бўлгани учун одамлар ундан умидларини узмадилар. Энг асосийси – у ўзларининг ичларидан чиккан одам эди.

Мен аслида Олла учун, Арбих учун, мана шу сайёраликлар учун кимман ўзи? Мен уларга нима ҳам килиб бера олардим? Ўзга оламнинг одами бу хилқатни тушунишга кодирми?

Сизларга мендан фойда йўқ. Сизлар ўз келажагингизни ўзларингиз танлашингиз лозим. Ҳали ҳеч нарса яқунлангани йўқ. Ҳали яна исёнлар давом этади, ҳар қандай кибердан, айникса қутурган кибердан ҳам даҳшатлирок Лланга ўхшаган мунофик кимсалар пайдо бўлади. Бундай қўзғолон ҳали бир бора эмас, кўп марталаб тақрорланади. Вақти келиб, одамлар ақллирок бўла борадилар. Улар йўлбошчиларининг салоҳиятига қараб ё унга эргашадилар, ё уни четга суреб кўядилар. Озодликнинг янги йўлларини топадилар. Лекин қандай йўл? Қаёкка олиб борадиган йўл? Буни уларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Бошқа ҳеч ким бу ишга аралашишга ҳақли эмас! – мана гап нимада.

Ўзлари! Кимдир менинг Аришкамни сотиш эвазига Ер юзини баҳтли килиши менга ёқкан бўлармиди?.. Мен ўзим ахир Оллани сотиб юбордим-ку?! Мен ҳозир Ерни эмас, мана бу сайёрани ўйлашим керак.

Энди бўёғига нима килиш керак?

«Вижданан» бажарган ҳатоимни энди қандай тузатаман?

Мен ўйлаяпман. Нимадир ўйлаб топишим керак.

Бир соатдан кейин мени олиб кетиш учун орбитал станциядан фазовий кемача жўнатишади.

Ўрнимдан туриб, иккинчи бўлмачага ўтдим, оддий ўчок кўринишида ишланган маҳфий қутининг қопқоғини очдим.

Қаршимда кибернинг иккинчи нусхаси турибди.

Энди унинг кераги йўқ. Топшириқ якунига етди. Бирор ойлардан кейин бошқа русумдагисини юборишади. Масалан, бошқарув дастурли бўри шаклидаги кибер. Ёки яна бошқа бирор нарса.

Агар мустақил ҳолда бирор чора топсам иш жойимдан бошқа нимани ҳам йўқотардим?

Чирокли бўлмача томонга қаратаман. Қўйма пластик дубулғанинг кўз тиркишлари гўё менга тикилиб тургандек туюлади. Алвоңранг аслаҳали ахмокона қўғирчок.

\* \* \*

Кўклам чоғи даштда дўнг пешанасининг ўртасида тоғайсимон шиши бор бўлган, оёклари узун бузокчани онасидан ажратиб, четроқдаги кўтонга камайдилар. У кип-кизил кўзларини қулгили равишда тинмай юмиб очаркан, ўзига таниш бўлиб қолган ҳид анкиб турган қадок кўлларни ялаб-юлқашга ҳаракат қиласеради. Нотаниш кўллар якинлашганида эса мўъраб, шаталоқ отиб кочишига

уринади. Бу ҳали жангчи бука эмас. У керакли аснода тарбияланиб, қаҳрдан мусобака майдонининг тупроғини ўядиган даражага етганида, кон тўлған қип-қизил кўзларидан оловранг учқун чақнайдиган бўлганида, кум сепилган майдонни конга бўяйлигиган даражага етилиб-кутурганида хакикий жангчи бука бўлиб етишади. Яккашох билан як-кама-якка олишув, мугузга карши темир найза – тўраларнинг, ҳукм соҳибларининг эрмаги!

Аммо жангчи буқани парваришлаб етишириш осон иш эмас. Бу коядек келадиган гавдали жониворни олишувга, ғалаба учун жон тикишга тайёрлани ҳамма молбокарларнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Яккашохни тарбиялаш сирлари наслма-насл, отадан – ўғилга, бодан – набирага ўтиб бораверади. Шу боис ҳам бука бокувчи подачиларга баъзи имтиёзлар бериб қўйилган. Агар дунё остин-устун бўлиб кетса ҳамки, тўраларнинг бу эрмаги ҳеч қачон барҳам топмайди.

Буюк исён поёнига етди. Кўйдириб кул килувчи алланга тўфони шиддат билан ўтиб кетди, қальсаларнинг деворларини хокка айлантириди ва Янги Бошкент остоналарида кон билан ўчирилиб, сўнди. Лекин унинг учқунлари ўлканинг у ер-бу срларида яна бирор муддат чақнаб-чақнаб турди ва улар ҳам алал оқибат темир совутли ёлланма аскарларнинг киличлари остида тафтани йўқотди. Қишлоқларга яна осуда сокинлик кайтди; қаролларнинг кутуришлари босилди-кўйди. Ҳатто эркин одамлар ҳам кўча-кўйда кўринмай қолди: ё уларнинг ҳаммасини кириб битиришган ёки улар жарликларда ёхуд чакалаклар орасида яхши кунлар келишини кутиб, бикиниб ётипибди.

Тўралар қасос қатларидан ҳориб-чарчагач, теварак атрофга бир курс назар ташлаб олдилар, тирик қолғанларнинг сон-саноғини олдилар ва исёнчиларнинг газаблари туфайли йўқогилган мол-мулкларнинг ўрнини тўлдириш учун уларнинг яшаб, меҳнат қилишларига ижозат бердилар. Ҳайвонсиғат қароллар ўз муваффақиятсизликларини ёлларидан чикармасликлари учун эса, козикка кокиб қўйилган каллаларни токи кейинги Тўрт Нуроний Куни тантаналарига қадар суғуриб олиш такиқланди. Қаролларга насибахўр бўлмасликлари учун эса барча қишлоқлардаги кексаларни, майиб-мажрухларни, ишга қобилиятсизларни кўргонларнинг этакларида дорларга осиб қўйишиди. Бу албатта, тирикларни шунчаки бир озгина қўркитиб қўйиш учун қўлланган тадбир эди...

Одам гўштига тўйган семиз-семиз кора кузғунлар салтанат узра мамину чинкирадилар.

Тоббо эса тирик қолди. Модомики, заминдор бор экан, у яккашохсиз яшай олмайди. Шу боис ҳам бука бокувчини дор остига келтирилган ўнлик ичидан ажратиб олишиди.

Омад дегани Тоббонинг устидан ёмғир бўлиб ёға бошлади: уни осмадилар. Кўлини ҳам кесишмади. Кўзига ҳам мил тортишгани йўқ. Тамға эса – арзимаган нарса. Факат биринчи кунларда, коракўтирлари тиришиб битаётган пайтда, оғрик чидаб бўлмас даражада кучли бўлди. Ҳозир деярли тузалай леб қолди. Бир амаллаб чидаса бўлади. Аммо бу тамғани шармандалик белгиси демасаям бўлаверади. Ҳозир тирик қолган ҳар бир дехконнинг башарасига ёки пешанасига тамға урилган бўлса, кимдан ҳам уялардинг!

Майли, шунисига ҳам шукр килиш керак. Яхшими, ёмонми, ҳар холда турмуши давом этяпти. Ишлари ҳам изига тушиб кетди. Факат ожизгина болани осиб юборишгани чаток бўлди. Нима ҳам кила оларли, бошкентдан келган фармонга кўра бакувват, кучли қарияларни ҳам дорга тортишди-ю, ногирон болани аяб ўтиришармиди. Кўргина бола пўсти шилиб олинган адолаг дараҳтининг йўғон шохида, юз ёшли Йуло бобонинг ёнгинасида осилиб турибди. Юзида майнин табассуми тош котган. Чириб битганидан кейин сиртмоқдан тўкилиб тушмаслиги учун бутун баданига куюқ килиб мум суртилган. Бобонинг лабларида ҳам ним кулги зухур топган.

Ўликлар жилмайишяпти-ю, лекин тириклар куладиган ахволда эмас. Граф Вудри ўйлай-ўйлай, охири: башараси тунд қарол – ёмон қарол, деган қарорга келди ва қовоқхоналарни қайтадан очишига рухсат берди. Тўғрироғи, буни ўзи ўйлаб топгани йўқ. Баэлни гаровга сотиб олган бошкентлик Каффор Вудрига шу маслаҳатни берди. Аммо, бу аслида ёмон маслаҳат эмасди. Хушчакчак қовоқхоначи истаганингча ёнарсувни насияга куйиб бераверади. Бўккунингча ич, қарол! Айшингни сур! Агар ухлаб қолсанг – эвазига далада кўшимча ишлаб берасан! Баэлнинг янги сохиби – Вудри дан – Баэл ёнарсувнинг кучини яхши билали, ўзи пўш килиб туради. Аммо меъёрини билиб ичади, ўзи ҳам ёмон хўжайнлардан эмас. Факат салгина жizzакирок. Нима истаса – дархол бажо келтириш керак! Мана, хотинини ҳам вояга етишини кутиб ўтирмасдан, тўшагига олди. Хизматкорларнинг айтишларича, ҳар тун ётоғидан даҳшатли чинқириклар эшитилиб турармиш. Ёш хоним додлаб, ўз акаларини ёрдамга чакирапкан. Шўрлик киз аклдан озган кўринади: вахоланки, унинг биттагина акаси бор эди, уни ҳам қароллар касрнинг жар томон олиб чикадиган маҳфий эшиги олдида тутиб ўлдиришган.

Қовоқхона шуниси билан яхники, бу ерда ҳеч қандай янгилик чўнтағида акчаси бор одамнинг кулогини четлаб ўтмайди. Мишмишларнинг баҳоси эса ҳозирги кунларда ниҳоятда кўтарилиб кетган. Олтинтоғ музофотларида ҳали ўлдирилмаган дайдиларнинг канчаси тўда-тўда бўлиб санғиб юрибди, шу атрофда, кирларда ҳам талончилар

изгишмоқда. Бу түдалар жамланишининг сабаби эса битта – «Алвонранг қирол ҳали тирик, у хибсдан кочиб чиқиб кетган», деган овозаларнинг кудратидир. Бу – заарли, телбавор миш-мишлар. Түғри, уларни тарқатаеттганларни ҳам тутиб, лархол дарахтнинг шохига осишяпти, лекин ҳаммасини йўқотиб бўлармили? Қовокхоначи каффор бука бокувчининг олдига ора-сира келиб, унга насиҳат қилади:

– Сен одамларга айт: Оловранг ёниб кетганини, у энди қайтиб келмаслигини айт. Ахир, ҳаммасини ўз кўзинг билан кўргансан-ку. Сени эса аъло ҳазратлари хизматингга яраша тақдирлайдилар.

Тоббо эса индамайди. У илгари ҳам камгап, индамас одам эди. Ҳозир эса ундан баттар. Фақат букалар ёки хотинлар ҳакида ул-бул деб колиши мумкин, холос.

... Тоббо аинча барвакт, хатто тонг ҳам отмай туриб, нимадандир ҳавотир бўлиб уйғонди. Тирсагига таяниб, атрофга бир оз кулок солди. Жимжитлик. Ё уйкусирадимикан? Йўқ, ўтларнинг шитирлашини аник эшилди. Кимдир панада беркиниб турибди. Ким бўлди экан? Назоратчи кечагина келиб кетди. Кўшниларнинг эса ундан яшириниб туришига ҳожат йўқ. Бу атрофда кўшни пима қилади? Энг якин кишилеккача отда ярим кунлик йўл бўлса. Дашибликлармикан? Улар остонаягача келишолмайди. Хонадонларга якинашишга кўрқадилар. Графнинг мовий совутли сокчиларидан нарирок юришади. Ҳозир даштда талончилар жуда кўпайиб кетишган. Ҳаммаси тушкун. Етакчилари эса бир-бирини гажиши билан овора. Граф Вудри баъзан уларни овлаш учун даштга чикиб турибди. Буни у яхши эплайди, чунки ўзи босқинчидан чиккан. Уларнинг хийла-найрангларидан яхши хабардор.

Тоббо титраб кетди. Граф билан бўлган сўнгги учрашувини хотирлади. У ов килиб юриб, йўлинни шу томонга бурибди. Шу ерда тамадди килди. Ёнарсув қўйиб берди: «Хўш Тоббо, букача ўсяитими? Ишқилиб қаҳрли бўлиб етиляптими?».

Чиқиб кетаётганида эса остоңада бир тўхтаб олди:

– Ёдинида бўлсин, Тоббо. Айб ўзингда. Ўзинг шу кисматни танланг. Тилингга эрк бермасанг – бопингдан айрилмайсан.

Кейин кўз кисиб кўйди-да, жўнаб кетди.

Граф Вудри дан-Баэл. Вудри оғайни.

Даштлик Вудри.

Мараз. Ҳоин.

Бошидан ўтган барча нарсалар тушида яна кўз олдида намоён бўлди: бошига тушаётган шашшар. Кон. Сиртмок. Қип-кизилга бўялган манзара. Куйиб кўмири бўлган вайроналар, мовий совутлилар. Дўрдок лабли, кўркувдан оппок окариб кетган башара.

Йўқ, унут буларни, Тоббо. Ёдиндан чикар.

Култепага айланган кишлоқлар. Тирик колгаңлар омоч торғиши мокда. Бүйин әммаганлар даштга чикиб кетишган. Ёлғиз қашкир бўлиб изғиб юришибди – Олтин Тоғда, ДарсБўйида дайдиларга айланғанлар. Йўлбошчилар йўқ.

Унут, Тоббо.

Булар ҳаммаси ўтиб кетди. Ўтмишда қолди. Энди қайтарилмайди.

Эҳ, Оловранг, эҳ, Алвонсовут...

Эшик ортида шитирлаш эшитилди. Кимдир остонадан узоклашяпти. Тоббо чорпоядан оёкларини туширди, титилиб кеттан бошмоғини топди, усткийимини кийди. Болтасини кўлига олди. Олмаса ҳам бўлавераркан, чунки эшик ортида хеч ким кўринмади. Ойнинг кумушдек нуридан ярқираб турган дашт тўқ яшил тусда жилоланади, шарқ томонда кун аста ёриша бошлади. Аммо тонг отишига ҳали бор.

Бу ерга ким келди экан?

Жимжитлик. Аммо кўча эшик олдидағи бута озгина эзилибди. У ерда ким бор экан: дўстми, душманми? Аҳамияти йўқ. Даштта қочиб бораётган бирор шўрпешана дайди бўлса керак.

Тоббо бутанинг шохларини айирли.

Ва уларни кўрди.

Улар устма-уст саранжом тахланган.

Олтин бошоқ тасвири нақшланган тўғарак қалкон. Қилич. Совет. Ҳаммаси оловранг. Худди шафак рангига бўялгандек. Уларнинг энг устида – кўзлар учун тор тиркишчалар очилган, олтин бошоқлардан тўкилган тож кийдирилган олранг дубулға турибди.

Тоббонинг кўз олдида буларнинг ҳаммаси эриб кетганди-ку? Мана шу дубулға ичидан алнга куршовида колган кирол бутун дунёни бошига кўтариб додлаганди-ку, ахир! Кейин дубулға-совут коп-корайиб, шаклини йўқота бошлади, дараҳтнинг бўкоғи каби ғалати ҳолга келиб колди. Жодуланган пўлат оловда мумдек эриб кетди. Тоббонинг ўзи буларнинг ҳаммасини ўз кўзлари билан кўрувди.

Мана энди эса улар шу ерда, оёғи остида ётибди. Оловранг; силлиқ, худди хозиргина тайёрлангандек...

Тоббо дубулғани кўлига олди. У нотабийй даражада жуда ҳам енгил эди. Зирхсовут ҳам худди шундай. Қалкон эса ундан ҳам енгил. Қиличи-ку, умуман вазнисиз ва ... ўтмас. Шунинг учун ҳам Оловранг уни хеч қачон қинидан суғурмаган экан-да...

Сохта қилич билан жанггоҳга кирган.

Демак, кон тўкишни истамаган. Маразларга раҳм қилган. Улар-чи, улар Алвон киролга раҳм килишдими?

Подачининг юзи даҳшатли тус олди. Ҳазрат Ллан ҳак бўлиб чиқди. Алвонранг кирол жуда ҳам юмшоқкўнгиллик килиб юборди...

Тоббо икки дастали ўйинчоқ килични ўтлар ичига улоктириб юборди. Кулбага қайтиб кирди. Хотини чорпояда ўтирганича, унга кўркув билан тикилди. Тоббо уни анчадан бери саваламай кўйган бўлса-да, мазлума аёлнинг кўркуви барибир тарқамади.

Гиёҳ қайнатилган сувга ботирилган латтани тамғанинг жароҳатига авайлаб босаётган меҳрибон кўлларнинг тафти Тоббонинг ёдидан чикканича йўқ. Ўшанда у ўрнидан кўтарилиб, хотинини биринчи бор меҳр билан ўпиди кўйганди.

— Сафаримга озик тайёрла. Кўпроқ бўлсин.

Хотини астагина «оҳ» тортди.

— Жим бўл!

Эрининг кескин овози аёлни ўрнидан сакраб туришга мажбур қилди. У ўчок олдида куймалана бошлади. Гўшт, пишлок, зиравор ва доривор гиёҳлар. Тоббо ерга тиззалади ва пичоғининг тигини устидан тупрок сепилган тахта эшикчанинг тиркишига сукди. Тахтани тупрок остидан сугуриб олди.

■ Қилич. Ҳакикий. Оддий дастали, оғир, кескир килич.

Бир ойча аввал номаълум бир шўрлик бўрилар галасига дуч келиб қолиб, улардан кутулишнинг иложини килолмаган. Эртаси куни тонгда Тоббо унинг колдикларини ерга кўмди ва йирткичлар гажий олмаган буюмларни ўзига олди. Ҳатто қилични ҳам олди, ваҳоланки, ҳозирги тахликали кунларда бундай нарса учун ҳатто буқа парваришлиовчини ҳам осиб юборишиди.

■ Нега олди ўзи уни? Шунчаки. Ҳар ҳолда дашт ҳатарли жой.

Демак, уни олгани ҳам бежиз эмас экан. У бир кўлида ойболта, бир кўлида килич билан атрофга аланглади. Хогининг бирорта яхши сўз айтгиси келди-ю, аммо Тоббо дунёда бундай сўзлар борлигини ҳатто билмасди ҳам, шу боис фақатгина:

— Йиглама... — деди.

Аёл эса унинг овозидаги ўзига нотаниш оҳангни, мулойимликни хис этиб, хўнграб юборди. Кейин ўтиниб сўради:

— Кетма...

Тоббо турган жойида сабрсиз бир алпозда топтаниб турарди.

Эшикни очиб, оstonага чиқди.

— Иложим йўқ. Боришм керак.

Кейин жим бўлиб қолди, яна бир одим ташлади-да, кўшиб кўйди.

— Кирол қайтди!

## ДОН КРИСТОБАЛНИНГ ХАТОСИ

### I

— Демак, Янги Дунёни кашф этишга қарор килибсиз-да? — Давлат амалдори ўз истехзосини яширишга уриниб ҳам ўтирумади.

— Шундай, — эхтиром ила жавоб берди Кристобал. Аммо бу босиқлик унинг учун осон кечгани йўқ.

— Табиийки, Янги Дунё кашшофи сифатида сиз дарҳол давлатманл одамга айланасиз ва жаҳондаги энг машҳур киши бўласиз, балли... Олтин дегани оёғингиз остида дарё бўлиб оқади. Университетлар эса, сиз ҳеч каерда ўқимаган бўлсангиз ҳам, энг яхши талаба сифатида сизга ҳайкаллар қўя бошлашади. Ўнлаб ҳалқлар сизни ўз ватандонилари деб аташ хукуки учун зўр бериб кураша бошлайдилар. Камида еттида шахар эса сизнинг волидаи мухтарамангиз бошка бирор жойда эмас, айнан шу ерда сизни дунёга келтирганлари шарафини бир-бирларидан тортиб олиш учун ўлиб-тириладилар, ҳа, шундоқ... Балки бундай шаҳарлар еттигадан ҳам кўпроқ бўлар? Нима, сизнинг аллақандай Ҳомердан кам жойингиз борми? Хоҳласа нак ўн иккита шаҳар сизнинг ватанингиз номини олиш хукуки учун талашиб ўлсин! Тан олаверинг, тасаввурингиздаги айни шу манзаралар сизни хатарли ва телбavor сафарга ундумоқда...

— Асло, ҳазрати олийлари, — Кристобал зўр бериб ўзини вазмин тутишга ҳаракат қилди. — Шон-шараф мен учун кўп ҳам аҳамиятли эмас. Аммо вакти келиб, ҳамма нарса худди сиз таърифлаганингиздек бўлади. Ҳолбуки, камина, олис сафарни менга бегумон насиб этажак шуҳрат ва давлат учун уюштириб беришни сўраётгани йўқ. Ягона максадим ҳукмдоримизнинг кулратини бекиёс даражада ортирувчи ва унинг номини асрларга муҳрлаб кўйгувчи кашфиётни амалга оширмоқликдангина иборат.

... Суҳбатдониларнинг бошлари узра Жоан II нинг ҳайбатли суврати тантанавор ва қаҳрли тикилиб турарди. Бу даргоҳга тақдири азал пе-не тентаклару беаклilarни йўлламаган дейсиз! Аммо бунакаси ҳали дуч келмаганди. Янги Дунёни кашф этишини таклиф килиби — унга бошка ҳеч нарса керакмасмиш! Энг кулигилиси — ажнабий жаноблари

бу ҳақда шу қадар комил ишонч билан сўзламоқдаки, гўё Янги Дунёни қашф этиш унинг учун ўз Литургиясида ўтириб олиб жун титиш ёки китоб ва портолан сотиш каби оддий ҳолдай. Унинг ишонч-иродаси бизда бўлгандами эди! Ўзининг аллакандай Янги Дунёси ҳақида хом-хаёл қилгандан кўра, соат сайин тангрига ибодат килиб, савдогарлар макони бўлмиш Генуяни тарк этмоқликни тақдир қилгани ва айнан шу ерда – Португалияда денгизчилик касбига рўбарў эттани учун шукронлар айтиб ўтгани маъқулроп эди...

– Уммон ортида улкан ўлка ястаниб ётгани ҳақида бунлок катъий ишонч билан сўз юритмок учун қандай асосларга суюнапсиз?

Кристобал ўйланиб қолди. Бу ўзига бино қўйган олифта куркага нима ҳам десин? Қадим замонлардан бери денгиз сайёхлари сирли Винланд юрти, Фрисландия, Бразил ороли, роҳиб Ҷрандан ўлкаси, Антилия ҳақидаги аждодлардан авлодларга етказиб келаётган афсоналарними? Буларнинг бари Оврўпадан ғарб томонда жойлашган олис, бепоён китъянинг турли пучмоклари эканига у – Кристобал қаттиқ ишонишини айтсинми? Очик уммон кенигликларида, сохијдан бир неча кунлик масофада на оврўпалик ва на африколиклар сузуб бораётган чодирли ғалати қайнуларни денгизчилар баъзан кемадан туриб кўриб қолганлариними?

Ернинг куррасимон шаклда экани боисидан шаркий ярим куррадаги китъалар ғарбий паллада ҳам худди шу каби улкан курукликлар билан мувозанатланмоғи лозимлиги ҳақидаги фикрларни олимлар тобора кўпроқ эътироф этётганларини айтсинми? Аммо бу сўзларнинг хеч бири манави қалондимоғ аъёнга заррача таъсир этмайди. Ушбу сафар тадориги зарур эканига бу мансабдор тўтикушни ишонтира оладиган қаңдай сабабни асос килиб кўрсатса экан? Унинг юрагига етиб бора оладиган бирор йўл бордир, ахир?! Бирор чора топиш лозим, сабр ва сабот билан бир тадбир изламоқ даркор, йўқса, бу ерлардан курук кўл билан қайтишга тўғри келади. Ҳозир эса унга дарҳол жавоб қайтариш зарур, миясига келган нарсани гапириб турмаса бўлмайди. Кўп вакт жим туриш яхшимас...

– Ҳазрати олийлари! Мен сизга ва сизнинг тимсолингизда марҳаматли киролимиз Жоан Иккинчи аъло ҳазратларига ваъда бериб айтаманки, агар сиз менга учта каравсллани жихозлаб, бир йиллик озиқ-овқат ғамлаб берсангиз ва ўша ерлик аҳоли билан айирбошлим учун майда-чўйда лаш-лушлар билан таъминлассангиз, мен бутун бошли китъа тупрогига Португалия байроғини қадаб кўяман. Олис тупроқнинг мавжуд эканига эса, ўзимнинг дунёда борлигимга ишонгандай ишонаман. Акс ҳолда, калламдан жудо бўлишга ҳам тайёрман...

– Португал тожи ер-мулкларини кенгайтириш борасидаги жон-куярлигингиз таҳсинга лойик. Аммо, сезишмча, сиз ўз ҳәётингизни жуда арzon баҳолаяпсиз, шундок... Олам яралганидан буён ўтган минг йиллар давомида одамзод Янги Дунё ҳакида ҳеч нарса билолгани йўқ. Наҳотки сиз ўз акл-заковатингизни барча замон ва мақонларнинг жаъми соҳиби илмлари дахосидан устунрок, деб билсангиз?

– Ҳазрати олийлари, аслида бундай эмас. Қадимгилар ўша китъа мавжудлигидан хабардор бўлғанлар ёки ҳеч бўлмагандан буни тахмин килганлар. Мисол учун, Сенека ўзининг «Медея»сида уммон ортидаги замин кашф этилишини тўғридан-тўғри башорат килган...

Вой тентак! Насроний давлатда муваффақиятга эришиш учун аллакандай бир мажусийнинг нуфузини рўйчиликни килиб ўтирас-я! Ҳакикатан ҳам фаросатсизлик муттаҳамликдан баттар экан. Сарой тўраси ўз кулгисини яшириш учун зўраки йўталга эрк берди, аммо бир зумда унинг чехрасида одатдаги совук ифода зохир бўлди.

– Биродари азиз! Назаримда, сиз нотўғри йўлдан боряпсиз. Бу борада бизнинг нуфузли диний алломаларимизга мурожаат этмоғингиз маъқул эмасмикан? Агар сиз айтиётган Янги Дунё ҳакида муқаддас китобларда ёхуд мазҳабимизроҳиб оталарининг вазъларида бирор сатр эслатма бўлса эди, у ҳолда мен сизнинг эътиқодингизни асосли деб топган бўлур эдим. Аммо хозир мен сизнинг мулоҳазаларингизни маъқуллай олмайман. Боз устига, сиз ўз ғоянгизни ўтказишга уринганингиз сари, устоз Августин таълимотига карши чикиб боряпсиз. Унинг фикрича, дунёда зиддимаконлар мавжуд эмас, шу боис битта оламнинг ортида иккинчиси бўлиши имконсизdir. Умид киламанки, сиз бу сўзларни бирор ғаразли мақсадда айтганингиз йўқ, буни шунчаки калтафаҳмликнинг оқибаги, деб ҳисоблаб кўя коламиз. Яна шуни айтишим мумкинки, сиз ушбу зоҳиднинг ижод маҳсулларини диккат ила мутолаа этгач, ўз янглиш фикрларингизни гумроҳларча химоя этиш кусуридан фориғ бўласиз. Акс ҳолда, мен ўз бурчим амри ила сизга ўзгача муносабатда бўлмокликка мажбурман.

Бу сўзлар сухбат ўз якунига етиб келганини англатарди.

Кристобал сўнгги чорани кўллашга жазм этди.

– Ҳазрати олийлари. Янги Дунё ҳакидаги фикрлар куну тун каминага тинчлик бермайди. Аъло ҳазратларидан денгиз сафарига жўнатишни сўраш ҳакидаги илтимосимни у зотга етказишини рад этишингиз мумкин. Аммо бу ҳол ҳәётимдаги ягона максадимни рўёбга чикармок учун килаётган уринишиларимдан воз кечишга каминани мажбур этолмайди. Мен ўз лойиҳамни кўриб чикмоқликни бошқа ҳукмдорларга таклиф этаман. Масалан, Кастилия кироличаси Изабелла зоти олиялари ва Арагон кироли Фердинандга мурожаат этмоғим мумкин.

Ўз хиссиётларини жонсиз чехра ортига яшириб ўрганган сарой аъёнининг юзига тушган оний тундлик шарпасини пайкаган Кристобал ҳаммасини англади: бу важ ўз таъсирини кўрсатди. Албатта, ҳатто сарой аъёнларининг назарида хомхаёл бўлиб туялган шу каби бемяни лойиханинг ҳам кўшини Кастилияга ўтиб кетишига Португалия хеч қачон йўл қўймайди. Эҳтимол, ишнинг бундай тус олиши аъёнтўраларни унинг ғоясига мойиллик билдиришга мажбур этар.

Аммо калондимоғ амалдорнинг жавоби Кристобал кутганидай бўлмади.

– Айнан мана шу ишни сизга маслаҳат бермаган бўлардим, – сийка бир илтифот билан сўз бошлади у. – Бу сиз учун ғоятда кайгули тугани мумкин. Агар истасангиз, сизга ибратли бир воқсани сўзлаб бераман. Якиндахина бизнинг одамларимиз илгари Португалияга хизмат килган ва Африка уммонларида денгизчилик килган икки азаматни учратганлар. Улар Кастилияга жўнаб кетгач, сукут баъзан умрни узайтириши мумкинлигини унтиб қўйишган экан. Уларнинг бири ҳар ҳолда омадли экан – у турган жойида отиб ташланган ва осон ўлим топган, шундок... Наригисини Лиссабонга олиб келиб, шу ерда азобли катлга дучор этишди. Йўл-йўлакай ортиқча валақлаб қўймаслиги учун Севилиядаёк унинг оғзи кумуш сим билан тикиб қўйилди. Шўрликнинг ахволини тасаввур эта оласизми – Лиссабондан шу ергача йўл бўйи ичмаслик, емаслик, шундок... Сиз ҳам, чамаси, ўша баҳриобда сузгансиз, шундаймасми? Он ҳазратлари бизнинг энг яширин сирларимиз яна қаерлардадир ошкор бўлиб қолишини истамайдилар. Шундок бўлса-да, киролимиз ниҳоятда олийхиммат зот эканлари боис факат ўлимга лойикларнигина жазога мустаҳқ этадилар. Сиз, фикри ожизимча, хорижда бошқа нарсадан эҳтиёт бўлмоғингиз лозим. Гап шундаки, Кастилия маликаси Изабелла – тақводор аёл! – ўз раият аҳли орасида бидъатчиликни йўқотиши ҳамда уларнинг имонътиқодларини муқаддас Рим черкови руҳида мустаҳкамлаш борасида кўп куончаклик ила ғамхўрлик қиласидилар. Ушбу мақсадиларда у беш йил муқаддам фавқулодда гаройиб бир ташкилотни таъсис этди, унга инквизиция, яъни тафтиш идораси деб ном берилди.

Инквизициячилар – черковнинг содик хизматкорларирилар. Улар ўз кавмдошларининг эътиқодда соғ ва яқдил бўлмоқликларини қагъий назоратда тутадилар. Улар мазҳаб тартиботидан чекингувчиларни жазолашда событ ва катъиятилурлар. Кўплаб даҳрий ва шаккоклар тўғри йўлдан озганлари касрига ўз ҳаётларини гулхан алангасида поёнига еткурдилар. Инквизициячилар бу тадбирни аутодафе – тақво амали, деб атайдилар. Сиз, ҳар ҳолда, бу ҳақда эшигтан бўлсангиз керак? Тўғри, бундай услубларни бизнинг беозор ва юмшок кўнгил

хукмдоримиз маъкулламайдилар. аммо биз қўшниларимизнинг ишларида аралашмоқликни ўзимизга эп кўрмаймиз, шундок...

Албатта, Кристобал инквизициячилар ҳақида эшитган эди. Уларнинг бирлари ёвуз, мунофик ва кек сакловчи кимсалар бўлиб, ўз қурбонларини таъкиб этишдан максадлари жабрдийдаларнинг эътиқодлари чинлигига шубҳа билан караганларидан эмас, балки катл килингандарнинг мол-мулкидан мўмай улуш олиш истаги эди. Бошқалари эса, аксинча, адашган бандани ҳак йўлга кайтариш умидида эзгу тилаклар билан одамларни гулханга йўллар эдилар. Уларнинг буюк максадлари шаккокнинг гунохга ботган вужудини хеч иккиланмай азобли ўлимга ҳукм этмокка ундар эди. Шу тарика, куфрга кетганликда гумон килингандар барча кишилар ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳаётларини бир хилда якунлардилар: гулхан алангасида. Айтишларича, тафтишчиларнинг панжасига тушиш қийин эмас, аммо уларнинг чангалидан кутулиш... Агар Португалия киролининг иродасига карши ўлароқ Кастилияга жўнаб кетса, Жоаннинг айғокчилари уни шу ондаёк тафтиш идорасининг кўлига топширишларини ўйлагани заҳоти Кристобалнинг эти жунжикиб кетди. Аммо зоҳиран у ўзини нихоятда хотиржам тутишни улдалай олди.

— Ҳазрати олийлари, менинг муқаллас инквизициядан хавфсирайлиган жойим йўқ. Мен – итоаткор насронийман, – қатъий эътироуз билдири Кристобал.

— Бунга шубҳам йўқ. Сизга ишонаман. Аммо сизга айтишни мутлақо унугиб қўйибман: сиз Кастилияда пайдо бўлишингиз биланоқ, тафтишчилар бутун наслингизни текшириб чикишни пайсалга солиб ўтирамдилар. Айнан шажарангизда, каминанинг сезишича, андак кусурлар мавжуд, шундок... Боз устига, руҳоний оталарнинг фатволарида эътироуз билдирганларни у ерларда, табиийки, асло кечирмайдилар.

Аслзоданинг мукаррар ҳатар ҳақидаги айтаётган сўzlари хайриҳоҳ кишининг огохлантируви каби эшитиларди. Аммо бунинг аслида ҳақиқий таҳдид эканлигини Кристобал равшан англаб турарди. Бу таҳдиддан ажал иси келмокда эди. У ҳали Кастилия чегарасини кечиб ўтишга улгурмай турибок, инквизиция, агар хоҳласа, унинг ҳар бир бобою момоси ҳақида ҳатто уларнинг ўзлари ҳам билмаган тафсилотлардан бемалол боҳабар бўла олишини Кристобал тушуниб бўлганди.

Аммо барибир ҳеч қандай огохлантиришлар ҳам, таҳдидлар ҳам уни тўхтатишга қодир эмас. Агар Жоан унинг илтимосини узил-кесилрад этса, у ҳеч нарсага карамасдан, Кастилияга жўнайди. Агар у ерда ҳам иши барорилан келмаса, бошқа жойга йўл олади. У Оврўпанинг

барча саройларига бош уради, аммо ўз ниятига эришади: унинг кемаси барибир Янги Дунёни кашф этмоқлик учун сузиб кетади!

Кристобал шу ҳақда ўйларди, аммо унинг күлөгү остида аъснтуруннинг хушомадгүйларча шивирлаши күнгилни оздирарли:

— Умуман олганда, сизнинг эс-хупили одам эканингизга ва бундай қалтис қаламни қўйишидан тийилишингизга ишонаман. Альо ҳазрратларига хизмат килсангиз, кўплаб ғаройиб сафарларга бемалол йўл олаверасиз. Янги Дунёни эса миянгиздан чиқариб ташланг: сиз амалга ошмайдиган хомхаёлларга бериладиган ёпдан аллақачон ўтиб бўлгансиз.

## II

Кристобал ҳамёнини кафтида иргитиб, салмогини чамалаб кўрди. Лиссабондан чиқишида ичи лик тўла, оғиргина эди. Энди эса у бўм-бўш, якиндағина таранглигидан ёриламан, деб турган чарм эса кариянинг ажин босган терисидай буришиб ётибди. Энг охирги мараведлар заифгина шикирлаб қўйди. Агар ковокхоначига кечки пошуштадан ташқари, тунаб колиш учун ҳам ҳак тўласа, катмонда хемири ҳам қолмайди. Начора, бўёғига кўчада тунашга тўгри келади.

Кристобал ўрнидан турди ва оғир эшикни итарди. Терлаган пешонасига оқшомнинг ёқимли муздай шабаласи урилди. Кристобал бошини кўтариб, тетиклик баҳш этувчи оқимга юзини тутди. Осмонда юлдузлар ёрқин чараклайди. Улар тунги ленгиз тепасида ҳам худди шундай шуғулаланади. Кристобал оғир чайкалди. Бир зумгина бўлса-да, у худди хозир кемапинг устки сахнида тургандай, шўр томчилар юзига сачраб, кўксини тўлдирганича ленгиз ва мумланган ёғоч исига тўйинган хаводан мирикиб нафас олаётгандай сезди ўзини... Юлдузлар... Улар хавф-хатарга тўла бепоён ленгизда соҳил сари йўлни кўрсатиб турадилар, оқил маслаҳатчи ва яқин дўст эдилар. Бу ерда – тош-тупроқли куруқликда унга ким максадга эришиш йўлни кўрсатади, ким орзуга стишиш борасида маслаҳат беради?..

Оғилда отлар кишинаб, ҳачирлар пишиклиди, узоқдан эшакнинг ҳанграши эшитилади. Юнглари тўзгиган итлар ҳовлини бошларига кўтариб, ҳар томонга ўзларини урадилар, бетиним акилтайдилар: улар ўйнашгитиларми ё саркит талашиб, бир-бирлари билан гажишгитиларми, тун короғисида билиб бўлмайли.

Бир томондан, ошхонада ковурилаётгандай гўштнинг ёқимли хиди димоқни қитиқласа, бошқа томондан эса, ҳовлининг қарама-карши тарафидан эсаётгандай шамол билан бирга келган кўланса гўнг иси вакти-вакти билан қовурлоқ хидини босиб, кўнгилни ағдариб юборай, дейли.

Карvonсарой ҳовлисининг барча бурчакларини киссасида сарик чақаси ҳам йўқ дайдилар тунаш учун эгашиб олишган. Агар Кристобал Кастилияниң нуфузли зодагонларини ўз лойиҳасига қизиқтиришнинг йўлини тез орада топмаса, ўзи ҳам яқин кунларда худди шулар каби дарбадар қашшоққа айланади.

У Португалияни тарк этганига ҳам бир йилдан ошди. Ўшанда ўз кемаларининг бу ўлка бандаргоҳларидан ҳеч қачон Янги Дунёни излаб йўлга чиқмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилған эди. Энди эса кироллар оиласи ортидан Кастилия ва Арагон бўйлаб сарсон кезмоқда... Булар жуда ғалати ҳукмдорлар чиқиб қолишди – улар бошқа подшоҳларига ўхшаб пойтахтда жимгина ўтиришмайди, балки худди кўчманчи томошабозлар каби бутун сарой аҳллари билан шаҳарма-шаҳар сангиги юрадилар. Албагта, бунга уларнинг молдавлатлари имкон беради. Аммо мамлакатнинг у бошидан бу бошига бетиним кўчиб юриш Кристобални тамомила хонавайрон этди. Энг алам қиладигани эса, у ўз мақсадининг самарасига бир энлик ҳам яқинлаша олгани йўқ.

У кийилаверганидан титилиб кетган чакмонига яхшироқ ўраниб олганича, уй билан кўча дсвори орасидаги бурчакка бикиниб, ёнбошлиди. Тун ярмига бориб, карvonсаройдаги ғала-ғовур аста тина бошлади. Деразаларда чироқ шуълалари бирма-бир сўна борди. Кристобални ниҳоят уйку элитди. Аммо росмана ухлаб олишнинг иложи бўлмади. Девор ортида тўсатдан кўнғироқлар жарангি эшитилиб, подачиларнинг ҳайкириклари сои-саноқсиз туёқларнинг дупури билан аралашиб кетди.

Эндиғина тинчланган итлар кайтадан ҳовлини бошига кўтариб акиллаганча, дарвоза томон югурдилар. Шу пайт карvonсарой эгаси ҳам югуриб чиқди. Дарвозалар аста-секин очилди ва улкан бўктаргилар ортилигана ўтгизтacha маркаб кўргонга кириб келди.

Хизматкорлар машъалаларни ёкишди. Атроф анча ёришди. Забардаст уловбонлар юкларни тушириб, уловни оғилхонага киритдилар. Кристобал, ўртамиёнга карvon учун юк эгаси анчагина кўп хизматчи ёллабди, деган фикрни хаёлидан ўтказди. Боз устига, уларнинг ҳаммалари яхшигина куролланиб олишган. Чамаси, бу юклар анчагина кимматбаҳо бўлиши керак.

– Ҳаммага кечки нонушта ва ёток! – қатъий амр берди карvon бошлиги.

– Ҳазрати олийлари, – карvonсарой хўжайнини бир тўда барзапгиларнинг кўлларидағи милтик ва хапжарларни кўргач, кўркувдан бидирлай кетди, – худо шоҳид, мен сизнинг газабингизни кўзғамокчи эмасман, аммо ўзингиз кўриб турибсиз – мен бир ночор одамман. Замонлар

ҳам ҳозир нотишчилигини мендан кўра ўзингиз яхши биласиз. Ҳатто ўз хизматкорларингта ҳам ишониб бўлмай қолди. Қўлига илинганини ўмарининг пайида, ярамаслар. Атрофда изгиб юрган талончиларни айтмайсизми – турған-биттани даҳшат! Манави қовоқхонани-ю, гапирмаса ҳам бўлаверади, фойда ўрнига нукул зарар келтиради. Ҳазратим мени маъзур тутсишлар, мен бир факир одамман, сизниям ранжитиш ниятим йўқ, аммо очиги сизни танимайман, йигитларингизниң ҳам илгари ҳеч бирини кўрган эмасман ва гапнинг индаллосини айтсан, таъсир, мен билан олдиндан ҳисоб-китоб килсангиз дегандим, хоки пойингиз бўлай, ҳазратим...

— Лашнати кўрқоқ, — карвонбоши ғазабли ўшикирди, — сиртлон билан шоқолниң чатишмаси! Умримнинг икки йили жаҳонгашталикада ўтди, ер куррасининг ярмини кезиб, мислсиз бойликларни кўлга киритдим. Саёҳатим давомида бутун карвон-парвоним билан неча марта нобуд бўлиб кетай деганларимнинг ҳисобини олишга, ҳатто бошингдаги соч толаларингни саноғиям камлик қиласди. Энди эса, жигарингни куртлар кесмиригур тамагир, ўзимнинг жонажон Кастилијамда, кадрдан уйимга тўрт манзилгина йўл колганда, сендай зиқнага дуч келиб турибман-а, балниафс тўнғиз! Менга диккат билан кулок сол: менинг одамларим оч-нахор колишган, улар каттик хоригланлар. Сен йигитларниң ҳаммасини тўйдириб, ҳордик чиқаришларини таъминлайсан. Аммо мендан битта мис чақа ҳам олмайсан. На ҳозир, на кейин!

Ўз сўзларининг бечора қовоқхоначига қандай таъсир этганини кўргач, у қаттиқ хоҳолаб кулиб юборди:

— Аммо мендай саховатли меҳмонни кутиб олганингдан асло афсусланмайсан. Тўғри, ҳозир ёнимда ақчам сал камроқ, аммо бор барақа, сен билан шоҳона ҳисоб-китоб қилақолай. Ҳамёнингни очгин-да, уйимга яқинлашиб колганим учун кўнглимда саховат уруғини ундираган таштрига шукрони неъмат изҳор эт!

Карвонбоши кўйинидан кичик бир ҳалтacha чиқарли, авайлабгина унинг бўғини бўшатди ва ўзи томон чўзилган ҳамёнга унинг ичидағи насибадан бир неча чимдим тўқди. Бу ҳакикатан пул эмас эди: Кристобал кулок солиб турди – тўкилаётган доначалар қовоқхоначининг катмонига жаранглаб эмас, охиста шувиллаб тушарди. Карвоннинг эгаси ўзининг сирли ҳазинасидан улуш тўкиб бўлиши биланоқ, емакхона хўжайини ўзини чеккага урди ва машъала ушлаб турган хизматкорлардан бирини имлаб чакирди. Сўнг қўлини ҳалтачага тикиб, ғайриоддий тўловнинг бир чимдимини кафтига олди ва узок вақт ундан кўзини узолмай турди. Кейин уни ҳидлаб кўриб, мамнун ишнайди ва тил учида унинг таъмини тотди. Карвонсарой соҳибининг кўркуви аввал

ҳайратта айланди, кейин кучли ҳаяжонга ўтди ва нихоят қовоқхоначини бемисл қувонч ўз комига тортиб кетди.

— Ё, марҳаматли эгам! Бўлиши мумкинмас! Яратганга беадад ҳамду санолар бўлсин! Бу ахир ҳакикий хинд зираворлари-ку! Ҳазрати олийлари, мен бундай ҳақ учун одамларингиз ҳозиргидан ўн баравар кўп бўлган тақдирда ҳам уларнинг ҳар бирларини ҳудди қироличани кутиб олгандай эҳтиром ила меҳмон қилишга тайёрман! Бу саҳоватингизни тоабад унутмайман. Ҳар куни сизнинг дуюйи жонингизни қилиб ўтаман! Каминага илтифот кўрсатиб, кулбаи вайронамизга қадам ранжида этишингизни ўтиниб сўрайман — бу кеч менинг энг азиз меҳмоним бўласиз.

Тилёглама хушомадлардан лаби-лабига тегмай сайдраётган қовоқхоначи ўз валиненъматини ҳали уйига олиб киришга ҳам улгурмасидан, тунги ногахоний шовқиндан уйкуси ўчган ва шу боис ўта порозилик ва ноҳушлик кайфиятида турган карвонсарой аҳли бир зумдаёк шод-хуррамлиқ билан тунги уйкудан воз кечди. Деразалар ёришиб, ҳовлида хизматчилар юмушларга куйманиб, ошпаз дастёлари ошхонада ўчокларга қозон ила бошладилар. Ҳатто ҳамма нарсага беспарво, локайл дайлилар ҳам текин сарқит умидида ўз бурчакларида гимирлаб қолишиди. Кечки сайёхларнинг шоҳона эхсонлари ҳакидаги хабар, қандайлир сирли тарзда бир зумдаёк барча бурчаклар-у кунжакларга тарқалиб кетди. Бу ерда ҳеч қачон кўрилмаган тўкин зиёфат илинжида энди ҳеч кимнинг кўзига уйку келмасди.

Кристобалалами жилмайиб кўйди. Ҳа, карвонсарой эгаси ҳар қанча қувонса арзиди. Унинг ҳалтасидағи сирли бир сикимгина зираворга то пойтахтгача бўлган масофада йўл бўйидаги барча кўноқхоналарни сотиб олса бўлади. Шу бир неча чимдим хушбўйликлар бутун бошли кемалар карвонини олис сафарга тайёрлаш учун кифоя қилиши Кристобалнинг хаёлидан ўтди. Аммо афсуски, ҳеч ким унга тақдирнинг бу каби тухфасини инъом этмайди. О, бу шаркона зираворлар накадар қудратли! Акл бовар килмайдиган даражада бебаҳо. Шу боис ҳам улар ҳудди эртаклардаги каби оврўполикларнинг нигоҳидан жуда олис ўлкаларда, афсонавий юртларда, баланд тоғлар ортида, тубсиз бепоён уммонлар оша яшириб, тилсимлаб ташланган.

Мана, яна ўша дентизлар. Кристобалнинг қисмати улар билан чамбарчас боғланган, шекилли. Модомики, ҳатто хинд зираворлари ҳакидаги ҳаёллари ҳам дентизларга боғлик экан, демак баҳриоблар унинг юрагига жуда чукур ўрнашиб олибдилар... Уммон ва зираворлар! Уларни бир-бирига боғлаб турган нарса нима ўзи? Ҳеч замонда бу иккиси ўзаро туташуви мумкинми? Дентиз ва зираворлар?! Фоятда кулгили!

Тұсатдан Кристобалнинг күзларидан уйку кочди. Денгиз ва зира-  
ворлар... Агар нажот айнан шу муштараклика бўлса-чи?..

Изабелла ва Фердинанднинг сарой ахллари жойлашган Кордовага олиб борувчи йўлда уннишиб кетган эски чакмонга ўралган йўловчи шошилинич одимлаб бормоқда. Унинг ортида тоглар чўққисидан бош кўтариб келаётган кўёшнинг заррин нурлари ер узра тарашиб, сайдённинг узун сояси унинг қадамига ҳамоҳанг тебрана-тебрана олға интилганича, тош йўлда эриб, ён-атрофга сингиб кетади. Эрта тонгда гоҳ-гоҳида учраб колувчи йўловчилар ортларига ўгирилиб, ғалати сайдённи хайратли нигоҳлари ила кузатиб қоладилар: бу одам уларга телбадай бўлиб туюларди. У бир нуктага тикилганича, биргина жумла-ни бетиним такрорлаганича шоша-пиша қадам ташлаб бораради:

— Хиндистонга ғарб йўлидан!.. Хиндистонга ғарб томондан!..  
Хиндистонга ғарбий йўл!..

### III

Изабелла ва Фердинанднинг саройи қувончли музafferият кунла-  
рини нишонламоқда: Гранададаги жангда Кастилия қўшинлари оғир  
галабани кўлга кирилди.

Кордованинг ҳамма ерида оммавий хурсандчилик авж олган. Ҳамма  
жойда мусиқа янграмоқда. Оқшом пайтлари хизматкорлар ҳар бир хо-  
надонни кўплаб машъала ҳамда жинчироклар билан ёритиб чикадилар  
— кўчалар худди кундузгилай нурағишон бўлиб кетади. Сарой зиёфатла-  
рида дастурхонга энг тансик таомлар тортилади. Юз йиллик шароблар  
дарё бўлиб оқади. Кибор хонимлар ўз либосларининг заррин ярқираши  
ва зеб-зийнатларининг шуъласи билан бир-бирларининг қўзларини  
қамаштиришга интилардилар. Очиги, аслзода эрлар ҳам ўзларини қўз-  
қўз килишда улардан колишмасликка уринишади.

Факаттинга бир киши кун сайин тобора тушкунликдан тундлашиб  
борали. У Кастилияning бони хўжалик бошқарувчиси Алонсо де Кин-  
таниля эди.

...Кироллик ғазнаси аллақачон бўшаб бўлган — кундузи чирок  
ёкиб ҳам сарик чақа тополмайсиз. Балки кимдир буни маҳфий сир,  
деб ўйлар? Қироличанинг энг ландовур маҳрами ҳам исловотхона-  
лардаги суюкоёқ хонимларга киролликнинг хазинасида сичқонлар  
хасса таяниб юргани ҳакидаги латифаларни айтавериб, томоқлариям  
куриб колганини Кинтаниляга аллақачон етказиб бўлишган. Эси бор  
ҳар кандай одам ўз ҳамёнининг капитайиб туриши учун кайғуради — бу  
табиий хол, албатта. Кироллик бош хўжалик бошқарувчиси тез орада  
хатто энг ночор тиланчиларга ҳам кулги бўлиши мухаррарлиги худ-

ди шу каби ошкора ҳакикат эди. Минг таассуфларки, ғазнанинг аянчли ахволга тушиб колганлиги Изабелла билан Фердинандни заррача кизиктирумайди. Уларнинг наздида аслида ҳам гўё шундай бўлиши лозим – банк эгалари диндан кайтган муртад деган айб қўйилиши ҳавфи билан кўркитилади, улар ҳазинага кагта фонизлар эвазига карз берадилар, қарзга олинган маблаглар эса олди-ортига қарамасдан ҳавога совурилади. Малагада ҳабашлар устидан қозонилган галаба айни муддао бўлган, бунга Кинтанилянинг хеч қандай эътирози йўқ. Аммо жанубда амир Гранадаси каби енгилмас коя кад кериб турган бир пайтда, мамлакат хаётини бетизгин кайф-сафога айлантириб юбориши аклдан бўладими? Фарангистон билан шимоли-шаркий чегарани мустаҳкамлаш учун ҳазилакам акча кетадими? Бу ҳақда ўйлаш кимнинг вазифаси ўзи, а, лаббай? Тўғри, ҳазинани тўлдириш йўлларини ўйлаш – тожу тахт эгаларининг бош оғриғи эмас. Аммо сал камхаржрок бўлиш ҳам мумкин-ку?! У, бош ҳўжалик бошқарувчиси, энди музaffer фар тождорлар жуфтлигининг факиру фукароларини яна қандай янги соликлар билан «шодлантириш» ҳакида ўйлаб, боши котган... «Гуллабяшнаётган» мамлакат раиятининг сарик чака тўлашга ҳам қурби етмай турган бир пайтда янги соликларни жорий этмоқлиқдан не фойда?..

Кастилиянинг бош ҳўжалик бошқарувчиси Алонсо де Кинтания кушк аробасининг кенг-мўл ўринидигига ястаниб олганича, ўз-ўзига шу зайлда хомуш сўзлаб борарди. У тож сохиблари жуфтлигига давлат молиясининг ахволи ҳакидаги навбатдаги хисоботни тақдим этиб қайтмоқда эди. У неchanчи бор давлат ҳукмдорлари оиласини саройнинг беҳисоб ҳаражатлари миқдорини қискартириши заруратига ишонтиришга уриниб, бутун ҳаракатлари бугун яна бесамар кетди. Бу интилиши ҳам худди аввалгилари каби, бошланишга ҳам улгурмасдан, ҳукмдорлар томонидан қатъият или бартараф этилди.

Шоҳлик тожу тахти савдо ахлининг кисмати эмас. Ҳазина сарфини ҳисоблаб ўтиргувчи подшоҳ эса кироллик рутбасига муносиб мас, – унинг сўзини шартта кесди Фердинанд. – Биз Кастилия ва Арагон кўшкларини Оврўпонинг энг ҳашаматли ва шукухли саройларига айлантиромоклик учун ҳеч қандай мол-дунёни аямагаймиз.

Изабелла ҳам таъна билан орага сўз қўши:

– Сиз давлат сиёсатининг олий манфаатларини англашни истамаяпсиз, азизим Кинтания.

Бони ҳўжалик бошқарувчиси олий ҳазратларга (нима учундир Изабелла ва Фердинанд ҳанузгача шу унвон макомида шарафланардилар) қандай жавоб беришни ўйлаб улгурмасиданок, дархол қулоқлари остида фармони олий жаранглади – Малагада кирол қароргоҳини бунёд этиш учун зарур маблаг тақдим этилсин!

Демак, бугунги кунда давлат сиёсатининг олий манфаатлари шундан иборатки, янги истило килингандар Малагада зудлик ила ҳашаматли сарой барпо килиниши лозим. Агар қачондир бир кун Изабелла билан Фердинанднинг кўнгилларини ушбу шаҳарга ташриф буюрмоқлики тураболса, шу ерда бирор муддат истикомат килалилар...

Кўшк ароба ўйдим-чукурларда қаттиқ силкинди ва Кинтаниля бошини ўринидик бурчагига каттиқ уриб олди. Бу зарб унинг шундок ҳам тушкун кайфиятини баттар бузиб юборди.

Марҳамат килиб, битта кошона куришга етарли маблагни уларга муҳайё кил – оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас. Лутфан айтиб юборсинлар-чи, камина пулни қаердан олсин? Балки аъло ҳазратлари олтиң тангалар худди болринг каби полиз эгатларида ўсади, деб ўйлашаётгандир? Ёки пул дегани ҳамиртуруш билан ошириб кўшайтирилалими?..

Ё, тангри! Мана шу саройлар, барча базми жамшидлар, шикорлар, кимӯзар дабдабалар ҳаммаси Кинтанилянинг ҳикилдоғига келди... Э, ҳаммаларини ер ютсин, қостилиялик барча заргарлар, чеварлар, мусавиirlар, қаштацилар, ёғочсозлар, аробасозлар ҳам улар билан қўшмозор бўлсинлар... Сарой аъёнлари ҳашаматдан қутуриб, босар-тусарини билмай қолса, ғазиабонда нима айб? Уларниг кун сайин ортиб бораётган янги-янги эрмакларига бехисоб пул керак, бошқарувчининг эса факат ташвиши ортмоқда: битта кемтикни ямаб улугурмасидан, яна иккита янгиси пайдо бўлиб турса, бошингни каёкка урасан? Шу боис ҳам неча йилдирки, Гранада билан бўлаётган уруш поёнига етолмаяпти, окибатда эса киролликнинг бунга сарфланадиган пуллари хисобини йўкотиб ҳам бўлишиди. Ёвга карши янги қасрлар, янги русумдаги ракслар ва зеб-зийнату либослар билан жанг килишдан иборат «олий сиёсат» қачондан урф бўлиб колди ўзи? Кинтаниля эса худди кадимги даврлардаги каби ганимни мустаҳкам қалъалар, шиддатли ҳужумлар, оғир замбараклар билан маҳв этишини маъкул кўради...

Тўгрисини айтганда, у зарур маблагни қаердан топишни билади, албатта. Бунинг учун пойтахтдаги ҳарбий кисмга ойлик маошни беришни тўхтатиб кўйиш кифоя. Бундай килиш сал ўнгайсизроғ-у, аммо бошқа илож йўқ. Начора, шундай килишга тўғри кслади. Изабелла билан Фердинанднинг бош ҳўжалик бошқарувчиларидан норози бўлишга асослари колмайди. Ҳарбийлар эса... Ҳарбийлар ҳозирча бир амаллаб кунларини кўриб туришар, кейинчалик балки бирор мўъжиза юз берриб, улар учун маблағ топилиб колса ҳам ажабмас...

Кинтаниля ўзини тангрининг суйганбандаси дейишдан йирок эди-ю, аммо омад борасида ҳар ҳолда нолийдиган ери йўқ. Бош бошқарувчи неча маргалаб шундай қалтис вазиятларга тушиб колганки, бунда уни факат мўъжиза куткариб колиши мумкин бўлган – ва мўъжиза юз бер-

ган. Буёгига ўша мўъжизани бош хўжалик бошқарувчисининг молиявий иқтидори билан уйғулаштириш қолади, холос. Кўрибсизки, аъло хазратлари талаб килган маблағ худди гойибдан тушгандай, ўз муддатида пайдо бўлади-қолади. Хайриятки, хозирча ҳамма ишлари бароридан келиб турибди. Аммо охир-окибат бир кун келиб ўша мўъжиза ундан юз ўгириб кетиши ҳам хеч гап эмас...

Маркаб Кинтанилянинг кошонасига етиб келди. Эшик оғаси нима учундир ҳаяллаб қолди-ю, кўшк ароба берк дарвоза олдига келиб тўхтади. Худди шу онда қандайдир бир кимса аравакашнинг қамчисига чал берганича, кўшк аробанинг зинапоясига сакраб чикиб олди. Унинг кўриниши жуда расво эди: кўзлари яллиғланган, патак бўлиб кетган сочсоколлари сартарошнинг устараси-ю, совунларини ҳам унутиб юборганига анча бўлган, йиртиқ-ямок кийимлари жуллур бўлиб кетган.

– Бош хўжалик бошқарувчи жоноблари, сўзлашимга ижозат этишингизни сўрайман! – нотаниш одам кастилиячасига яхши гапиради, аммо унинг овозидан ажнабийларга хос бўлган талаффузи сезилиб турарди.

– Марҳаматли зот, яхиси йўлингдан қолма. Сенга берадиган бебилиска ақчам йўқ. – Кинтаниля ароба эшикчасидаги пардани тортиб кўйишга чоғланди.

– Мен сиздан пул сўрамокчи эмасман. Аксинча – Кастилияга беҳисоб бойликларни таклиф этмоқчиман: олтин, дур-гавҳарлар, жавоҳир, кимматбаҳо тошлар, нафис шоҳи-ипаклар, хушбўй зира-ворлар. Эшлишимча, давлат ғазнасидаги ахволга маймунлар ўкириб инглаеттганими...

– Тасодифни караки, бу ҳолдан мениям хабарим бор. Хўш, сен айтган ҳазиналар қасрда?

– Буни икки оғиз сўз билан тушунтиrolмайман. Аммо гапларим сизни озгина бўлса-да кизиқтирса, хизматкорларингизга мени ичкарига кўйишларини буюрсангиз.

Нотаниш одам тиланчидан кўра, телбага кўпроқ ўхшарди. «Ҳадхисобсиз дафиналар васвасасига учраган яна бир тентак», – деган хаёл Кинтанилянинг шуурини ҳали эгаллаб улгурмасиданоқ, нимадир уни бундай шошилинч хulosага келишдан кайтариб қолди.

– Бўлти, қани кир-чи...

Орадан бир соатгина вакт ўтгач, ғазнабон, ўзининг барча ғамтапвишларини бир чеккага суриб кўйиб, бу ғалати мусофирини унинг мардонавор режаси ҳакида муфассалрок сўзлаб беришга қайта-қайта мажбур килярди – Ҳиндистоннинг ҳазиналарига одатдаги оғир ва олис шаркий йўл билан эмас, балки Атлантика уммони орқали анчайин қиска ва машаккатсиз ғарбий йўналиш билан етиб олишнинг

осонлиги умумътироф этилган соғлом идрок шуктаи назаридан олиб караганда, гирт телба одамнинг алаҳсираши эди. Аммо, киролликдаги бошқа кўплаб мансабдор тўралардан фарқли равишда, Алонсо де Кинтаниля, хайриятки, ҳаётни доим ҳам оммавий қабул қилинган фикр-мулоҳазалар нуктаи назаридан баҳолайвермасди.

Кинтаниля киборлар даврасида кўп ҳам кўринавермасди, сарой ҳазил-мутойибачилари унинг эскича қарашлари ва одатларидан кулиб, масхаралаб юришарди.

Аммо табиатан ниҳоятда теран ва ўткир ақл соҳиби бўлган бу инсон факат аслзодалар наслидан бўлганлари туфайлигина ҳокимият тенасига ўрнашиб олган, айш-ишрат билан булғанган, шайтонбозорда ўзларини бозорга солишининг устасига айланган бу олифталарнинг фаросати етмайдиган имкониятни бир зумда англай олди. У Ҳиндистонга Ер куррасининг қарама-қарши томонидан етиб боришининг нима эканини шу ондаёқ фаҳмлади.

Ажнабийнинг ишонч ва қатъият билан айтиётган сўзларини тинглар экан, Алонсо де Кинтаниля тантана килмоқда эди – тақдирнинг ўзи уни саёқ рўдапо билан юзлаштириди. Бу нотавон қашшок ҳозирча нафақат жуғрофияда, балки курраи замин тарихида ҳам янги саҳифани очиш арафасида турганини ўзи ҳам тўла англаб етадигани йўқ. Мана у – ўз хаётидаги энг буюк мўъжиза, омаднинг ўзи у томонга сузуб келмоқда, у шундоккина ёнгинасида. Фақатгина шу бахти тутиб қолиши, қўлдан чиқарип юбормаслиги керак, холос...

Дон Алонсо де Кинтаниля ниҳоятда ақлли ва зийрак кимса эди. Аммо у Кристобал амалга ошириш учун уринаётган сафардан кўзланған асл мақсадни билсами, ҳайратдан юраги ёрилган бўларди! Аслида уни бу келгинди билан юзлаштирган нарса тақдир эмас, балки бош хўжалик бошқарувчиси ўз қасрининг остоноасига етиб келганида кошона дарвозалари ўз соҳиби учун бир муддаттинга ёпик бўлишини уюштириш мақсадида, Кристобал икки кун туз тотмасдан оч-нахор юриши эвазига саклаб-тежаб колган ва эшик оғасиниг кафтига тўккан ўн икки мис тантганинг кудрати эди. Очиги, бу хийла-найранг тафсилотлари айёру маккор Алонсо де Кинтаниля учун умрбод сирлигича қолиб кетди...

У гўдак мисоли кувончда эди. Агар шу дамда аъло ҳазратлари бош хўжалик бошқаручиларини кўрганларида эди, ўз кўзларига ишонмаган бўлардилар – яқиндагина уларнинг хузурларидан ўлимтик кайфиятда чиқиб келган одамнинг юзидан телбанамо ишшайини кетмаётганди, ваҳоланки у киролликдаги энг нуфузли кишилардан бири эди. У бир жойда ўтиришга сабри чидамасдан, хона бўйлаб тинмай у ёқдан-бу ёкка юрар, раксга тушиб юборишдан ўзини зўрга тийиб турарди.

— Мана буни фикр деса бўлади – Ҳиндистонга ғарбий йўл. Аммолекин, сени буни зўр ўйлаб топибсан, ўлай агар!

Ва тўсатдан, бир онда жиддийлапиб ҳамда яна иззатталаб молия вазирига айлангани кўйи, Кинтаниля вазиятта монанд ҳолатда викор билан карорини эълон килди.

— Назаримда, буни имкон кадар тезрок он ҳазратларига етказмок зарур.

— У зотларнинг ҳузурларига ҳозирок бормоққа тайёрман! – Кристобалнинг кўзлари шу қадар муросасиз бир қатъият билан тикилдики, ҳатто Кинтаниля бир муддат эсанкираб қолди. Инсоннинг кўзида бекиёс қатъиятнинг иблисона ўти сўнмас учкун сочиши учун у қандай синовларни енгиши ва қандай машақватларга бардош бериши керак, деб ўйларди у шу тобда. Унинг бошига бетиним ғам-ташвишлар тушаверади-тушаверади – гўёки, эритиб юмшатилган пўлат сандонда тўхтовсиз болгалангани каби. Тақдирнинг ҳар бир зарбасидан сўнг, инсон, худди ҳали тобига етмаган пўлат мисоли бир оз эзилиши, танлаган йўлидан салгина чекиниши, ўзига осонрок йўл излаб қолиши мумкин. Аммо болғанинг аёвсиз зарбалари шакл-шамойилсиз бир бўлак пўлатдан бекиёс даражада ўткир ва мустаҳкам ханжар ясади. Инсон табиати ҳам худди шундай – у жамики азоб-уқубатларга қарамасдан аҳдида собит туради, ҳар бир зарбадан сўнг тобора кучли ва матонатли бўла боради. Охир-оқибат шундай фурсат келадики, уни энди оламдаги ҳеч бир нарса қаддини букишга мажбур этолмайди. Шундан сўнг у кескир ва мустаҳкам шамшир мисоли ўз мақсади йўлидаги ҳар қандай тўсикни ёриб ўтиб бораверади...

— Мен айло ҳазратларининг ҳузурларига шу ондаёк ташриф буюрмоқликка тайёрман, – галини тақрорлади Кристобал, тўсатдан жим бўлиб қолган бош молиячига талмовсираган ва ташвишли ҳолда хайрат билан тикилган кўйи.

— Мехмонга мана бундай ахволда бормайдилар-да ахир, биродарим Кристобал. Айниқса, бир йўла икки ҳукмдор ҳузурига! – Кинтанилянинг юзида айёronа ва беғараз табассум кўринди.

#### IV

— Жаноб Кристобал, уйғонинг! Кўзингизни очсангиз-чи! Гранада таслим бўлди! – Кинтанилянинг хизматкори нафаси тикилгудай ҳаллослаб, жонҳолатда Кристобалнинг елкасини силталай бошлади. Аммо у уйкудан кўзини очолмасдан, ўзидан нимани исташаётганини ҳам англолмай, гарангсирарди. Ниҳоят Кристобал хизматкорининг

сўзларини аниқ-тиниқ англади. Шу пайт у худи улкан замбаракдан отилгандай, ўрнидан сакраб турли.

Мана кутилган онлар! Орзуси рўёбга чиқди! Бир ҳафтагина муқаддам милод куни арафасида кўрган туши ўнгидан келди. Ҳеч канча ҳам вақт ўтмасдан-а! Энди орзулаган мақсадини нихоясига етказмоғи лозим. Унинг кудратли кемаси тушларида сузиб борган афсонавий олис бегона қитъя ўшига ҳам уни сеҳрлаб, бутун вужудини эгаллаб олишини истайди.

...Унинг зоҳидона чехрасида қатъият ва муросасизлик кайфияти зуҳур топганди – бундай киёфани унинг қаттиқ сиқилган юнқа лаблари жонлантирияптими ёки олдинга туртиб турған ўткир даҳаними, англаш кийин. Бу кишининг номи инквизициячилар рўйхатида мавжул эмаслигини Кристобал аниқ биларди. Аммо саройда тафтиш идорасининг ўткир кўзлари ва динг қулоқлари айнан у эди. У ҳамма ерда пайдо бўлишга улгуради – ҳеч иш унинг иштирокисиз ва мавжудлигисиз воқеъ топмайди. Эндиликда агар Изабелла давлат ишларини ҳал этишда унинг иштирокини чеклаб қўйишни истаган тақдирда ҳам, очиги, бу ишни амалга оширишга у энди қодир эмасди. Унинг учун кадрдан бўлган, бир неча йилгина муқаддам таъсис этилган тафтиш идораси бу давр орасида шу қадар бекиёс қулратта эга бўлиб оллики, бўёғига унга бирор бир ишда монелик қилиш ҳатто қиролича учун ҳам хатарли эди.

Кристобал ўз ташрифининг мақсадини қисқагина баён этиб берди. Бу ҳақда де Кинтания олий зотларни умумий ҳолатда олдиндан хабарлаган эди. Шу боис ҳукмдорлар денгизчининг сўзларини хисҳаяжонсиз тингладилар. Фердинанд тамомила жиддий оҳангда Кристобалдан Ҳиндистонга гарбий йўл қанчалик олис экани борасидаги фикрини сўради.

– Каминанинг фикри ожизича, аъю ҳазратлари, – жавобни кечиктирмади Кристобал – Ҳиндистон гарб томондан биз тахмин килганимиздан кўра анчагина якин. Мен қадимги географларнинг хисобкитобларига таяндим. Денгиз сайёхлари ҳанузгача шу хисобларга асосланадилар. Улар қуруқликнинг уммондан анча узун эканини исботлаганлар. У ер куррасининг роппа-роса икки юз йигирма беш даражага teng маконини эгаллайди, уммонга эса, фактат бир юз йигирма даражага улуш қоляти, холос. Бу эса жами қенгликнинг бор-йўги учдан бир кисмидан иборат. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Аждодларимиз Ольтин Ҳерсонесни Осиёнинг энг чеккаси, деб билганлар. Бизнинг давримизга келиб эса, дунё ҳакидаги билимларга доир фанларнинг кўлами бекиёс даражада қенгайди. Венециялик савдогар Марко Поло Шарк заминига энг чукур кириб борган ягона насроний бўлиб, икки кудратли

сағтанатлар – Чин ва Чипангу ҳақида хабар берган. Биринчисига унинг ўзи борган, иккинчиси ҳақида эса Чиннинг нуфузли кишиларидан эшитган. Агар Чин мамлакатига биз ер айланасининг йигирма саккиз даражасини ажратсак, иккинчисини ўтгиз даража билан қопласак, биз уммонда кечиб ўтишимиз лозим бўлган масофа шу аснода етмиш етти даражадан иборат бўлади. Бу масофани замонавий кемалар бешикаст сузуб ўта олиши шубҳасиз. Бу масофа хайрли рақам, яъни етмиш етти билан ифодаланишининг ўзиёқ сафаримнинг муваффакиятли якун топишига бўлган ишончмени мустаҳкамлайди. Шу боис бу саёҳатни ўюнтириб беришингизни сиз ҳазрати олийларидан ўтиниб сўрайман...

Изабелла амирона тарзда Кристобални тўхтатди.

– Етмиш етти – толебахш рақам, албатта, – у истехзо билан кулимсираган кўйи бир оз жим тургач, кутгилмагандан сўзида давом этди. – Аммо улар кишининг ўз умрини яшаб ўтган йилларини англатмаса, албагта. Жаноб денгизчи, мен сиз айтаётган масофани ўзим тушунадиганрок ўлчовда тушунтириб беришингизни истардим. Бу сиз учун балки ғалатирок туюлар, аммо биз узок-яқинни аллақанака дараҷалар билан ўлчашга одатланмаганмиз.

– Бу масофа тахминан... – Кристобал шу тобда кийин вазиятга тушиб колди. Биринчидан, у ҳаммани ишонтиришга уринаётган дараҷада яқин масофага сузишига ўзи ҳам унчалик ишонаётгани йўқ эди. Иккинчидан, у ҳозир қанчалик кам масофани айтмасин, шаҳарлар ўргасидаги оралиқни бир неча чақиримлар билан ўлчашга одатланган куруклик маликаси учун бу сув йўли, ниҳоятда олис туюлиши аник. Аммо сайёҳнинг ўй-хаёли бир сонияга ҳам чўзилмади. Ҳар доимгидай, ҳал қилювчи дамда зарурий жавоб ўз-ўзидан кела колди.

– Бу, тахминан иккى ойлик сузиш масофаси деса ҳам бўлади, – хотиржамгина жавоб берди Кристобал. У ўзини яна дадил хис эта бошлади. Ўзига шу кадар қаттиқ ишониб юбордики, ҳатто Кастилиянинг денгизчилик салоҳиятига ҳам тил теккизиб, нафсониятига тегишига ҳам жазм этди. – Португалияликлар баъзан бундан ҳам олисрек сафарларга йўл олишади, ҳазрати олиялари...

Тўсатдан Ҳиндистонга гарбий йўлнинг яқинлиги ҳақидаги ўзи ўйлаб кўйган бир важ унинг ҳаёлига келиб қолди.

– Умуман олганда, – давом этди у, – мен охирги муддатни назарда тутмоқдаман. Менинг кемаларим Ҳиндистонга анча аввал етиб бориши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳиндистонда филлар яшаши аъло ҳазратларига ҳам яхши маълум, албатта. Ваҳоланки, Кастилиянинг деярли ёнгинасида, Африкадаги Атлас тоғларининг яқинида ҳам филлар яшаради. Дунёнинг бошқа ҳеч бир ерида бу жониворларнинг йўқлиги, Ҳиндистон томонига олиб борувчи йўл эса ниҳоятда олис ва оғир эка-

нини билган ҳолда, бу борада қандай хulosага келиш мүмкін? Демак, Хиндистон Аглас төгларидан жуда ҳам олислаб кетган эмас, бинобарин, Кастилияга гарб томондан ҳам анча яқин. Ахир катта тепалик-дай келадиган улкан ҳайвонлар денгиз күшлари каби бепоён уммонни ҳавода учыб ўтишмагандыр?

Кристобал ўзининг топқирилигидан мамнун эди. Аммо бу кувонч узокка бормали, унинг ўринини шу ондаёк аллақаңдай хавотир эгаллади. Кристобал доминикаликкинг шаҳд билан олдинга интилганини күрди, унинг нигоҳи одамни тешворай дерди, нақ юрагингизнинг туғиғача ўйиб боради.

— Бұтам, мени кизиқтирган қалгис бир саволга ҳам жавоб берсанғ.

У паст овозда, ниҳоятда хотиржам сүзларди. Аммо, шу билан бирга унинг ўткир нигоҳи каби, бутун вужуди ҳам итоаткорона бўйсупшишга, кўркувдан тошқотиб, унинг кўлидаги нотавон қуролга айланишга мажбур эта оларди. Бунга қаршилик қилиш фавқулодда оғир эди. «Агар у хозир Августинни, унинг зиддиятлар ҳакидаги фикрларини ёки ҳеч бўлмаса Козма Индикопулони эслаб қолса борми – сафар барбод бўлади», – деган хаёлга борди Кристобал.

— Агар тўғри тушунган бўлсам, сафар кемалари ғарбиға томон йўл олади, шундокми?

— Айни шундок, роҳиб ота.

— Менинг машгулотларим географиядан ҳам, бошқа дунёвий фанлардан ҳам анчайин йироқ. Аммо мен олам воқсотидан ҳам боҳабар бўлиб турмокликка ҳаракат қиласман. Ҳозирда олимлар Ернинг куррасимон шаклда эканлиги ҳакидаги фикрга кўпроқ мойиллик билдиримоқдалар, десам, бу сўзимда ҳак бўламанми?

Кристобал бу ҳақда аъло ҳазратларига ҳисобот берганини роҳиб ота эшиттан бўлса-да, ўзини хабарсиздай туттан ҳолда яна кайтадан сўраб олишни лозим топди. Кристобал ўзини қопқонга тушгандай ҳис этди. Рухонийнинг саволида Ернинг шаклига бўлган кизикишдан кўра чукурроқ бир мазмун борлиги тамомила аник-равшан эди. Чунки Ернинг думалоқ экани ҳакидаги дунёкарош ҳамма олимлар томонидан ҳам қабул килингани йўқ. Черков эса фандаги янги назарияларга эргашишга ҳеч качон интилган эмас. Унинг учун кўпроқ бошқа хусусият хосрок – энг сўнгти имкониятга қадар бидъатларига қаттиқ осилиб олади ва ҳаёт унинг кераксизлигини исботлаб берганидан кейингина ундан воз кечади. Кристобал Пиетро д'Абино ва Чекко д'Аскоят ҳакида эслади. Улар Ернинг куррасимон шаклда эканини ўтироф эттанилари туфайли Италияда ўтда куйдирилганди. Тўғри, бу қатлга ҳам юз эллик йилдан ошиди, аммо бу вақт давомида қатл ҳукми сохибларига ҳам ақл битиб колгандыр, деб ўйлајпсизми? Доминикаликка энди нима жавоб

қилсин? Аслида-ку, бошқа бир нуфузли роҳибнинг ҳомийлиги остида, уни паноҳ килиб олиб, унинг шу борадаги фикр-мулоҳазалари билан ҳимояланганида айни муддао бўларди-я. Аммо Кристобал Ернинг шакл-шамойили ҳакида қайси руҳоний нималар деганини билмасдиям. Очиги, Кристобал қандай жавоб айтмасин, роҳиб, агар истаса, бошқа бир машхур руҳонийнинг айнан шу жавобга қарама-қарши ғоясини келтириб, уни осонгина инкор этиши мумкин.

Балки бу назарияларнинг барчасига тупуриб, ўзи айтганиларининг барини инкор этган ҳолда Ерни яssi деб кўя қолсинми? Йўқ, бундай килиб бўлмайди. Бунинг сабаби Кристобалнинг шу ондаёқ илм-фан оламида кулгига қолиб кетишида эмас: ўз сафарини амалга ошириш йўлида ҳеч иккиланмай у ҳар қандай шармандаликка рози бўлади. Бу роҳибнинг чангалидан бирор мавҳум жавоб билан ҳам кутулиб бўлмайди. Чунки жавобларнинг униси ҳам, буниси ҳам ярамайди, акс ҳолда Ҳиндистонга гарбий йўлни излаб топиш ғоясининг ўзини чиппакка чиқариш ҳеч гапмас, зеро, бу фараз Ернинг курра шаклида эканлиги ҳакидаги ягона дунёкарашгагина асосланади. Бинобарин, роҳибнинг саволига Кристобал ҳеч қандай муқобиликларга ўрни колдирмайдиган биргина ягона жавобни берини мумкин.

Ва айнан мана шу жавоб доминикаликнинг Кристобалини муртад, бидъатчи, ҳабашларнинг жосуси ва яна алламбало гуноҳларда айбланиши учун етарли бўлиши мумкин. Умуман олганда, қавм отаси нима учун сафарнинг жўнатилишига монелик қилиши керак? Бу саёҳатдан ўзига шахсий манфаат йўклиги учунни ёки бу саёҳат черков учун нафсиз экани боисиданми? Эҳтимол, унинг фикрича, кирол ва киролича Кристобалнинг ўтиччларини рад этганлар-у, энди у яна бир даҳрийни фош этган роҳиб сифатида шуҳрат шоҳсупасига чиқиб олиш учун гиришиб уриниб ётгандир? Начора, иккинчи ҳолатда Кристобал, албатта иложсиз қолади. Биринчисида-чи?.. Биринчисида ягона чора бор – доминикаликни ҳар банданинг нафсини синовдан ўтказгувчи, тақиқланган, аммо кўнгил истаги бўлмиш олтин ёмбиси билан аврасига уриниб кўрмок лозим.

Кристобал ҳаётida ҳали ҳеч қачон ва ҳеч қаерда – на қуруқликда, на денгизда, на бўрон ва на довулда хавф-хатарни бу қадар яқиндан хис этмаган эди. Энг асосийси – у ҳозир ажал нафасининг қайси томондан уфуришини билмасди: унинг ҳар бир сўзи сўнггиси бўлиши мумкин. Бирлаҳзода унинг кафтлари терлаб, оғзи куриб қолди. Талвасада у бор иродасини тўплаб, ўзини тинчлантириди ва тилга кирди:

– Мен сизнинг география борасидаги билимингизга таҳсиллар ўқийман, роҳиб ота. Ҳақиқатан ҳам айрим олимлар танғри Еримизни курра шаклида яратганини эътироф этадилар. У балки денгизчи дини-

дошларимиз Ҳиндистон бойликларини осонрок кўлга киритмоғи учун шу шамойилда барпо бўлгандир?..

Кристобал ўзининг бу дадиллигига қойил колди. Унинг жавоби, оҳангидаги лутф ва эҳтиромга қарамасдан, моҳиятан масхараомуз изоҳ эди. Аттани, жуда бунчалик қалтис кетмаслик керак эди. Салмулойимрок бўлиш лозиммиди...

— Агар яратган этам менга ортга қайтиш баҳтини насиб этса, албатта шукронасига хайр-эҳсон килиб, ўзимга тегиши хазинанинг тенг ярмини мұқаддас черковга тақдим этаман.

Кристобал, нафасини ичга ютганича, доминикаликнинг қарорини кута бошлиди. Агар пешонаси шўр бўлса, Кристобалга факат биргина йўл қолади — тафтиш идорасининг зинданлари. Наҳотки бу кўргиликни қирол Жоаннинг сарой тўраси ўз таҳдидларини рўёбга чикармоклик учун уюштирган бўлса? Ёки роҳиб ўз манфаати йўлида ҳаракат киляптимикан? Умуман олганда, бунинг нима фарқи бор? Ҳақиқатни билгани билан бирор нима ўзгариб қолармиди?

— Бўтам, — кутилмаганда мулойим оҳангда тилга кирди доминикалик, — танғри насиб этмиш қисматдан фол очмоклик имондан эмас. Бизнинг вазифамиз — у берган неъматларни ҳақиқий тақво килувчилар манфаатлари йўлида сарфламоқдан иборатлир.

Кристобал бу кутилмаган қарордан ҳайратда донг котди. Роҳиб отанинг сўзлари тўлик ғалабани англатарди — Ернинг курра шаклида экани борасида ҳам, денгиз сафарига йўл олиш борасида ҳам. Ҳатто руҳоний бу сўзларни бехосдан айтиб юборган тақдирда ҳам, энди Кристобални жуғрофий дунёкарашлари учун даҳрийликда айблай олмасди — зарба бериш имконияти кўлдан кетиб бўлганди. Ҳиндистонга ғарб томондан боришғояси қабул қилинди... У энди енгил тин олди.

Аммо доминикалик ҳали сўзини тугатмаганди. Изабеллага ва Фердинандга бирров нигоҳ ташлаб қўйгач, яна Кристобалга мурожаат этганича сўзида давом этди:

— Биз Ернинг танғри томонидан куррасимон шаклда яратилганини тахмин қилдик ҳам дейлик. Бунда кемалар ғарб томонга сузуб боргани сайин тобора пастга караб тушиб кетмайдими?

Бу яна қанақаси бўлди? Кристобал доминикаликнинг гапни кайси томонга бураётганини тушунолмай, гарангсиб колди.

— Ҳа, бу йўналишни қайсицир маънола пастга ҳаракат сифатида фарз килиш ҳам мумкин...

— Лекин, у томонга сузуб боришда пастлаб кетилаверса, демак кемалар ортга қайтишида юқорига кўтарилишга мажбур бўлади, улар

эса бу вазиятга мосланмаган. Сенингча, кемалар қандай килиб буппинг улдасидан чиқадилар? Улар худди қалтакесаклар каби юкорига қараб әмаклаб чиқишадими, ёки қоядан қояга сакраб юралиган тоғ әчкілари каби түлкішлар устидан иргишилаб чиқишадими?

Доминикалик шу сўзларни айттач, сукутта чўмди. У кироллар жуфтлигига ўзишинг ақл-заковатини намойиш эта олганидан мамнун эди.

Мана энди Кристобалга упинг максад-муддаоси аён эди. Роҳиб ҳукмдорларнинг кўз ўнгида ўзини янги ғояларнинг душмани сифатида намоён этмаслик, шунингдек, Ер юзининг шакли борасидаги уларни кизиқтирилмайдиган баҳсга киришмаслик усулини танлаб, ниҳоятда маккорона йўл туттган эди. У ўзини Кристобалнинг фикрларига қўшилган килиб кўрсатиб, сайёхни тор-мор этиш, дengiz саёҳатидан бехабар ҳукмдорларга аниқ, самарали ва ишончли далиллар воситасида бундай сафарнинг бемаъни тадбир эканини исботлашга карор килган. Тан олмоқ лозим, роҳиб отанинг далиллари ҳақиқатни акс эгтиргандай кўринар ва таъсир кучига эга эди. Начора, Кристобалинг хинд ва африка филлари ҳақидаги чўпчакларидан ўтказиб афсона тўқийдиган эртакчи роҳиблар ҳам бор экан...

Ўзи доминикаликнинг оргида қандай кучлар турганийкин? Ҳар ҳолда қирол ва киролича эмас. Агар улар рад жавобини бериш учун олдиндан қарор килиб қўйган бўлсалар, у ҳолда доминикалик гапни айлантириб ўтирасдан, ғоянинг ўзини кунфаякун килиб ташларди. Демак, ҳали умид бор. Буёгига энди охиригача курашиш керак. Бу йўсинда бериладиган саволларга қандай жавоб бериш лозимлигини Кристобал жуда яхши биларди – турмуш машакқатлари бу борада унга катта сабоқ бўлган.

– Ҳазрат ота! Мен илохиёт борасида билган нарсалар сизнинг жуғрофий илмингиз олдида ҳеч нарса эмас. Балки сизга ҳозир айтадиган сўзларим аҳамият беришингизга ҳам арзимас. Аммо наҳотки сиз Яратган эгамнинг қудратига шубҳа билан қарасангиз? Ҳиндистонга гарбий йўлни яратиб қўйган Зот, сизингча, шундай хатарли сафарга чиққанларнинг муваффакиятли қайтишлари учун юкорига кўтарилиш йўлини ҳам яратиб кўя олмайдими?..

Кристобал Изабеллага кўз қирини ташлаб, унинг лабларида оний бир табассум шарпаси милт этиб ўтганини кўрди. Чамаси, энди унинг кўмагига умид қилса бўлади...

«Сен каминани тузокқа тушириш учун ниҳоятда писиқ тўр тўқишига уриндиг, – дея ўйлади Кристобал доминикалик ҳақида, – мана энди, биродари азиз, мен учун қазиган соҳдан ўзинг чиқишга ҳаракат килиб кўр».

Бу хол рухоний учун нихоятда кўнгилсиз эди: тангрининг кудратига шубҳаси борлигига салгина шама қилиб кўйишнинг ўзиёқ – айниқса, Кастилияда, ўзингга хукм чикаришдан бошқа нарса эмас эди!

Киролича ўрнидан турди.

– Бизга де Кинтаниля сиз ҳақингизда анча-мунча нарсани сўзлаб берганди. У сизни энг нуфузли савдогарлар ва молиячиларнинг кўмакларига дохил этмоқликка иштиёқманд бўлганди. Аммо бизлар сўнгти лаҳзаларгача бир карорга келишиликдан тараффудда эдик. Мана энди қарори олий қатъйлашди. Биз кемаларни сафарга аллақачон тахт этиб кўйганмиз. Саёҳатга сиз бошчилик киласиз. Аммо хозир эмас, сал кейинрок – биз аввал Гранада амирини маглуб этиб олмоғимиз лозим. Музаффарият онларини яқинлаштиришга эса факат дўстингиз ва вали-неъматингиз де Кинтаниля ёрдам бера олиши мумкин. У сизга кўмак кўрсатган банк эгаларини муваффакиятли уруш олиб боришимиз учун зарур маблағ тақдим этишларига кўндира олса бас...

Кабул поёнига етган эди.

Кристобал ўз омадига ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмасди. У лиссанонлик сарой тўраларининг кабулига эриша олмай хўрлик тортганларида, Кастилиянинг карвонсаройларидаги ифлос хужраларда тунаб колган пайтларида ёки андалусиялик судхўрлардан карз сўраб тилангандаридаги ўз ўй-хаёлларида шу қувончли онларни печа-неча марталаб тасаввур этганди. Мана ўша лаҳзалар – орзуисида ё тушида эмас, ўнгиди! Мана у, ўша дақика – саргардонликда ўтган йилларнинг мукофоти, бевақт оқарган соchlарининг тўлови, совурилган мол-давлатларининг эвази. Аммо Кристобал ҳеч нарсадан афсусланмасди – унинг уммонлароро сафари амалга ошади, демак сарфланган куч-кувват, йўқотилган йиллари ва пуллари бесамар кетмабди. У Янги Дунёга сузид борали – энг асосийси шу!

Кристобал ўтиб бораётган хонанинг деворлари унинг кўз олдида худди сакраётгандек липиллар, бу эса тўфон тўлкинлари узра иргишилаб бораётган япалоқ кемачаларни ёдга соларди. Унинг боши айланиб, оёклари ўзига бўйсунмасди. У ҳуш-бехуш холда саройдан чикиб олди-ю, сокчиликда турган аскарларнинг оёклари остига кулади.

Де Кинтаниля уни хушига келтириди.

– Баракалла, – у Кристобалнинг ўзига келганини кўриб, қувониб кетди, – асосий ташвишлар буткул ортда қолди. Энди ҳеч нарсадан хавотирланмассанг ҳам бўлаверади. Табриклийман – сен бекиёс дараҷада сабот кўрсатдинг. Бўёғига ҳам сени тангри қўлласин. Қарзлар масаласига келганда эса, бу албатта жуда нозик масала. Агар парвардигор насиб этса, – у кўзларини айёronа кисиб кўйди, – Гранада билан бўлаётган лаънати уруш качондир бир кун барибир тугайди...

Ва хар доимгидай, қувнок кайфиятдан жиддий ҳолатга ўтиб, де Кинтания амирана тарзда сўзида давом этди.

– Очигини айтганда, сенда мухим ишим бор. Аъло ҳазратлари билан расмий шаргнома тузиш керак. Тортган барча машаққатларинг учун мукофотлашни улар оқилона ва одилона иши, деб хисоблайдилар. Шу вазиятлан имкон қадар тезроқ фойдаланиб қолишингни маслаҳат берган бўлардим. Сен бу келишувда ўз шартларингни баён қилмоғинг лозим.

Шартлар... Кристобалга ҳеч канака шартларнинг кераги йўқ эди. Унинг кемалари тумшуғи олдида Янги Дунё соҳиллари намоён бўлгунига қадар бепоён Атлантика уммони кенгликларида сузуб бораверса, сузуб бораверса... бошка ҳеч нарса керакмас. Ана шу лахзалар учун у ахир бутун умрини бағишлади. Бу лахзалар – унинг шуҳрати, давлати ва шарафи. Ваҳоланки, Изабелла ва Фернанднинг наздида у ҳеч канака Янги Дунёга йўл олмоқчи эмас – гўёки Кастилияни бойитиш ва ўзи ҳам катта мол-мулк орттириб олиш учун Ҳиндистон ҳазиналарига стишишнинг қулагай йўлини топмоқлик максадида сафарга чиқмоқчи. Ҳакикатан ҳам, ҳали бу йўлда кўп бора учраши мумкин бўлган ажаловар хавф-хатарлар учун мўмайрок товон талаб қилишинг хижолатли ери йўқ. Ҳаддан ошикрок сўраб юборишдан хавотирланмаса ҳам бўлаверади. У қанча кўп тўлов сўраса, бу унинг ўз муваффақиятига шунчалик ишончи катталигини англатади...

– Камина ўз шартларини баён этмоқликка хозир.

Шу захотиёк, ҳудди ердан чикқандай, кўлида мўъжазгина кутича ушлаган хизматкор пайдо бўлди. Унинг ичида қалам-довотлар ва ёзув коғози бор эди – эҳтиёткор де Кинтанилянинг кўл остида керак вактда ва жойда доимо зарур анжом-ашёлар мухайё эди.

Кристобал энг ўткир патқаламни танлаб, сиёҳдонга ботирди. Демак, шундай. Энт аввало, зодагонлик мақомига эга бўлмоқлик фавкулодда мухим. Шундай масъулнитли сафарга йўлбошли этиб кора авомни тайинлаш – Кастилия ва Арагон саройининг шаънини топташ билан баробар! Ундан кейин қандайлир бирор мансаб – масалан, Бош Амир ал-баҳр, яъни Денгиз уммонининг Бош амири унвони. Ростини айтганда, бунинг нима эканини Кристобалнинг ўзи ҳам унчалик аник билмасди, аммо бундай унвон ниҳоятда таъсирили жарангларкан. Иккинчиси – албатта бирор ҳукмбардорлик мавкеини талаб этиш лозим. Бу, дейлик, барча янги кашф этиладиган ерларлаги кирол ноиби мансаби бўлаколсинг. Ҳам эътиборли, ҳам бегалва. Учинчиси ва энг асосийси – бойлик. Факатгина бу борада паст кетмаслик ва қироллар жуфтлигининг энсасини қотириб кўймаслик, ҳафсаласини пир қилмаслик.

Агар янги кашф этилган ўлкалардан келадиган барча даромадларнинг ўндан бир улушини талаб қилса, камрок сўраб кўйган бўлмасмикан?

Ўзини яна ҳам тадбиркорроқ кўрсатиш учун Кастилия билан янги эгалланган юрглар ўргасидаги савдо-сотиқдан олинидиган фойданинг бир кисми Кристобалнинг ўзига тегишли бўлиши ҳакида ҳам бирор банд киритиш лозим. Ва ниҳоят шартноманинг сўнгига бирорта ахамиятсиз, аммо бекиёс талабни киритишга карор килди. Кристобал андак ўйланиб тургач, сўнгги шартни, дафъатан хаёлига келиб қолган шартни ҳам битиб кўйди – олтин пих, яъни тепки.

Де Кинтаниля Кристобалнинг елкаси оша диккат билан тикилиб, унинг нималар ёзаётганини кузатди.

– Кристобал, биродари азиз, сенга бу рўйхат сал чўзилиброк кетгандай туюлмаяптими? – сўради у галабнома поёнига етгач.

– Узайиб кетибди демоқчимисиз? Наҳотки? – ўзини гўё хайратлангандек кўрсатди Кристобал. – Ҳм... Ҳа, менимча сиз ҳаксиз. Ҳозир уни кисқартириб кўяман.

У патқаламни яна кўлига олди-да, бир оз ўйланиб тургач, энг охирги бандни – олтин пихларни ўчириб ташлади.

– Энди у менимча роса оби-тобига келди. Сизга энди маъкул бўлдими, дон Алонсо?

... Тўрт ярим йил мукаддам ўша унутилмас кун шу зайл поёнига стган эди.

Мана, Кристобал бугун яна Кинтаниля де Алонсонинг қаршисида турибди.

– Сени муборакбод этаман, мана ниҳоят сен кутган онлар етиб келди! – Саховатли қария кувончдан ҳаяжонда эди. – Сенга ок йўл, Кристобал! Соғ-саломат бориб, шон-шухрат билан кайт.

Эҳтимол, Кинтаниля ҳозир шу лаҳзаларга муносаб баландпарвоз ва тантанавор тилакларини билдиrsa айни муддао бўларди. Аммо у, очиги, вазир-вузароларга хос расмиятчиликларни ёқтирмасди. Шу боис ҳазиломуз чала пичирлашга ўтган ҳолда ўзининг одатдаги сўзлаш тарзини бу сафар ҳам ўзgartирмади.

– Сенга маҳфий бир гапни айтайми? Тупур бу бойликларнинг ҳаммасига, биродари азиз!

(Ана холос! Кристобал ҳавотирда эшик томонга ҳам караб кўйди – тежамкор молия вазирининг оғзидан чиқаётган бу фитнамонанд сўзларни бирор эшишиб қолса борми?!).

– Ҳазиналарни каллангдан чиқариб ташла! Сафардан мақсад молдавлат эмас. Асосийси, сен Ҳиндистонга гарб томондан етиб бор. Илтимос, жонингни жабборга бериб бўлса ҳам уни забт эт. Бунииг кандай буюк кашфиёт эканини сенга тушунтириб ўтиришим шарт эмасдир??!

— Бош иқтисодчининг тасодифий эътирофи Кристобални тўлкинлантириб юборди. Демак, Кинтания Кристобалга ёрдам берар экан, аввалбошданоқ, бошқалардан фарқли равишда, бу денгиз сафаридан олтин хазиналарини кутган эмас экан. Бундан келиб чиқадики, у сайёхнинг асосий иттифоқчиси сифатида Ҳиндистонга ғарбий йўлни топиш фоясига хайриҳо бўлибди. Оббо, шоввоз Кинтания! Унинг бундайлигини ким ҳам билибди дейсиз!

— Ташаккур сизга, дон Алонсо. Сиз менга кўп илтифот кўрсатдингиз. Менга кўрсатган фазлу-марҳаматингиз учун сизга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман. Денгиз сафарида сизнинг кўмагингизга нихоятда муҳтоҷ бўламан. Биласизми, килаётган ишларимдан бальзан ўзим ҳам ваҳимага тушиб кетаман — агар мен ноҳақ бўлиб чиксан-чи? Агар Ҳиндистонга ҳеч қанака ғарбий йўл мавжуд бўлмаса-чи? Унда нима бўлади?

— Ё, алҳазар! Манавини қаранглар! Йўқ, бунинг айтиётган гапини эшийтдингизми?! — де Кинтаниянинг руҳи тушиб кетди. — Сен эсинги ни еб кўйганмисан? Ҳамма нарса сафарга тайёр бўлганда, миянгга келгани шу бўлдими?! Шубҳаланишга ботина кўрма, тушундингми?! Энди сен ўз муваффақиятингга ҳаммадан кўра кўпроқ ишонишинг керак. Ноҳақ эмиш-а! Иккинчи марта бунака сўзни оғзингта ола кўрма! Эсингда бўлсин, дўстим Кристобал — гишт қолипдан кўчгач, уни яна қолипга қайтаришдан маъни йўқ. Ана шунаقا!

## V

Учта кема Кастилия байроғи остида номаълум соҳил бўйлаб аста сузиб борарди. Хизмат билан банд бўлмаганларнинг ҳаммалари кема айвонига тўпланиб, сўл томонда ястаниб ётган тонг шафағидан ёришиб келаётган ерларга ташналик билан тикиладилар. Қуёшнинг илк заррин нурлари остида бу замин сирли ва ғаройиб қиёфа касб этган.

Кемалардагилар милтик ва замбараклардан осмонга карата ўт очиб, кўнгироклар чалишар, ҳаммаёқни кийкириқ овозлари тутиб кетган, кишилар кувончдан калпокларини юкорига ирғитардилар...

Чап томонда улкан ер чўзилиб кетган. Бу эса, машакқатли саёҳат ўз поёнига етганини англатарди. Оллинда узок кутилган ва орзу килинган хордик онлари турибди: денгизчиликнинг азоб-уқубатли юмушлари, кема ичидаги тифизлик, тору танглик, хоналардаги димиккан хаво, тўлкинлар узра етмиш кунлик саргардонликлар, бепоён денгиз ва чексиз уммоннинг кўзни толиқтирувчи кенгликларидан бошка ҳеч бир хилқат йўклиги — буларнинг бари барҳам топди. Қаттиқ сиртли ер totли, муздек чучук сувни ваъда килади, гаштли таассуротларни, губ

жойлик қызлар билан айш-иширатин тақдим этади. Бу заминдан янада ортиқрок инъомлар күтилмоқда: кемалар олис Кастилиядан бу бегона соҳил сари фақаттинг кема аъзоларининг лаззатли таассуротлари ва кайф-сағолари учунгина келгани йўқ, ахир. Модомики, киролича ҳазрати олиялари маіа шу сафарга ўз акчаларини тиккан экан, демак, у пулларининг беҳуда сарғланмаганинигидан умидвор. Афсонавий Ҳиндистоннинг гаройиб ва мўъжизавий бойликлари ҳакида денгизчи-ларнинг қай бири эшишмаган дейсиз! Мана ўша Ҳиндистон, уларнинг нигоҳлари қаршисида ястаниб ётиби. Яширгандан не фойда – уларнинг хеч бирлари Кастилияга куруқ кўл билан қайтишини истамайди... Кўмондонлик кемасининг баланд сунасидаги ўз бошқарув бўлмасида Уммон денгизининг Бош Амир-ал баҳри дон Кристобал тўсик туткичига таянганича қалдани тик тутиб турарди. У тубдаги бўлмадан улкан ёғоч хочни олиб чиқишлиарини буюрди. Ушбу салиб аъло ҳазратлари Изабелла ва Фердинанднинг фуқаролари Ҳинд тупроғига қадам кўйган жойга ўрнатилгай.

Ҳиндистон тупроғи... Начора, майли, худди шундай леб ўйлай колишсин. Дон Кристобал уларнинг бу ишончини ўзгартирмокчимас. Унинг ўз фикри эса хеч қандай аҳамиятта эга эмас...

Шу ердан, у турган жойдан кеманинг бутун сатҳи кўриниб турарди: очик саҳнга тўпланишиб олган одамлар баҳтдан хуррам ҳолда шодиа-надилар, ўз кўмондонлари – уммонлар амирини шарафлаб, Изабеллани алкаб, Яратганга шукроналар келтирадилар.

Бор-йўги уч кунгина аввал худди шу одамлар айнан шу саҳнга тўпланиб, шовқин-сурон кўтаришган, аммо ўша овозлар уни шарафлаган эмасди. Уч кун аввал бу тўда бутунлай ўзгача кайфиятда бўлиб, оломоннинг ўша пайтдаги таҳдидли қатъиятини на сиркага айланашган шароб, на олтин таңгалар, на дўк-пўписа ва на отишмалар тўхтата оларди. Вазият шу қадар қалтис эдики, «Исён юз бериши муқаррар!», деган сўзлар юракнинг ҳар бир тепкиси билан уммонлар Амир-ал-баҳрининг чаккасидаги ҳар бир томирда болгадай зарб бериб турганди.

Ростини айтганда, вазият бундай тус олишини Кристобал анчадан бери кўнгли сезиб келмоқда эди. Уч ойдан бери уммон сувлари кемаларни тўлқиншардан тўлқиншарга иргитиб ўйнаб ксластганди. Уч ой-дирки, ҳар томондан, олис уфққа қадар поёнсиз сув сатҳи ёйилиб кетган, кемалар эса олға ва олға сузишда давом этарди. Ҳатто денгизчилик ишида энг бой тажрибага эга бўлган сафар иштирокчилари ҳам хаётда соҳилдан бу қадар узоклашиб кетган эмасдилар. Бетўхтов тўлқинланиб турган, бир қаричигина қуруқликдан маҳрум поёни йўқ мовий-яшил кенгликларда икки ойдан ортиқ сузиб ўтилган масофа шуурни талваса-

га солади, олдинда кутиб турган мавхумлик юракда вахима уйғотади, ирим-сиримга ишонувчилар эса даҳшатдан адо бўлиб улгuriшган.

Сузиш давомида бир неча мароталаб худди ер шундоқкина ёнгиналарида тургандай туюлганди! Кўплаб аломатлар унинг яқинлигидан далолат берганди. Гоҳида сув юзида бир сиким майса кўриниб колади, кўринишидан унинг яқиндагина тупроқдан юлиб олингани аник билиниб турарди. Баъзида осмонда улкан қора булут пайдо бўлиб коларди. Кутилмаганда шамол йўғида ҳам ёмғир ёға бошлар эди. Бир куни кемаларга иккита кутб куши келиб кўнди, сал ўтмай эса учинчиси ҳам учиб келди – шу эмасми ахир куруқликнинг яқинлигидан далолат берувчи энг ишончли аломат?! Ҳар сафар манзил яқинлиги фикридан тетиклашган одамлар кўзлари тешилгудай бўлиб уфқка тикилардилар – ерни биринчи бўлиб кўрган одамга шоҳона мукофот ваъда қилинган. Аммо кунлар ўтиб бораверар, энг ишончли белги-аломатларга карамасдан, ўша кўмсалган соҳил кўрина колмасди. Гўёки ёвуз руҳлар китъани тилсизлаб, кўзга кўринмайдиган қилиб кўйгандек. Ҳар бир рўёбга чикмаган аломатдан сўнг кемалардаги жамоа ғалаёнлари кучайиб борарди.

«Олдинда ҳеч кандай куруқлик мавжуд эмас. Кўмондонимиз кемалар карвонини ҳали ҳеч ким қайтмаган борса келмас макон сари олиб кетяпти. Фурсат кўлдан кетмай туриб орга қайтиш керак, акс ҳолда барчамиз кирилиб кетамиз», – кимнингдир миясида пайдо бўлган ушбу шум фикр худди вабо каби, ўлатдай барча кемаларга тарқалди ва ҳамманинг онгини заҳарлаб улгурди. Кристобалнинг ишончи комил эди: жамоалар итоат этмокликдан бош торгадиган онлар яқинлашиб келмоқда.

Мана ўша соат етиб келди. Конли якун мукаррар экани аён бўлиб колганди. Йўқ, Кристобал ўлиб кетишдан кўркмасди. Максад манзилига эндиғина етай деб колганда бутун хаётиниг мазмунига айланган орзу-умиллардан мана шунлай бемаъни тарзда воз кечиб кетиш ўлгудай алам киларкан. Шунда денгизлар амири қўлидан келган ягона чорани кўллади.

Исёнга тайёрланастган денгизчилар ўзбошимчалик билан кемани орга буриб юбормасларидан олдин, унинг ўзи Кастилияга қайтиш каорини эълон қилди. Бу Янги Дунёга етиб олишнинг сўнгти имкони эди: Кристобал кемаларни Кастилияга қайтариш аҳди эвазига денгизчилардан бор-йўғи яна уч кун мухлат сўради – гарбга томон яна бор-йўғи уч кунгина сузуб боришида давом этишса бас. Буёғига сўнгсиз соатлар ва дакиқаларнинг азобли саноги бошланди. Биринчи кунни бир амаллаб ўтказишди, иккинчи кеча-кундуз ҳам поёнига етди, учинчи кун ҳам тугаб, энг сўнгти окшом етиб келди. Ҳар томондан улар-

ни факат сув ўраб гуарди, холос. Кристобал ўз бўлмасига кулфланиб олди. У чирокни хам ёқмасдан ўтирас ва ҳеч кимни хузурига қўймасди. Даастурхонга тортилган кечки нонушта хам аллақачон совиб ултурган, дengизлар амири эса унга ҳатто қўл хам теккизгани йўқ.

Ҳамма нарса, бутун борлик унга карши эди. Мана шу сафарни амалга ошириш учун қанча машакқатлар чекмади дейсиз? Эндиғина ниятимга етдим деганида сафарни колдиришди – чексиз-чегарасиз узок тўрт йил давомида Іранада билан кечаетган урушнинг тугашини кутишга тўғри келди. Кейинрок эса, ҳамма ишлар ҳал бўлгандай туюлган бир пайтда, ҳатто кемалар ҳам саёҳатга шайлаб қўйилган чоғда сафарнинг тақдири яна ҳатар остида колди – бу ишга бош қўшишни кўпчилик ваъда килган бўлса-да, етарли даражада ҳомийлар топилмади. Лекин шунда ҳам Кристобал чекингани йўқ – у жамоани маҳкумлардан жамлашни таклиф этди. У талончилик маконлари коидаларига амал қилиб яшайдиган, виждан ҳақида босқинчи тўдалар орасида шаклланган ўзиға хос тасаввурларга эга бўлган одамлар билан денгиз сафарига йўл олар экан, ўзипинг қандай ҳатарга юзланаётганини яхши англаб гуарди. Боз устига бу кимсаларнинг деярли ҳеч бири дengизчилик касбидан хабардор эмасди. Лекин Кристобал мана шу каллакесарлар билан дengизга чикишга карор килди, чунки уларсиз саёҳатнинг ўзи ҳам йўқка чикар эди.

Энди эса, буюк кашфиётнинг нак остонасида, манави лаънати исён юз бериб турибди. Бу фитна ўн йиллик умр звязига эришилган ҳамма нарсани кунфаякун киляпти. Яна бир неча соатдан сўнг кемалар Кастилия томон бурилади, у эса Янги Дунёдан балки бир неча чакирим берида тургани ҳолда, унга ҳеч қачон етиб боролмайди, бутун умрининг мазмуни бўлган орзусини рўёбга чикара олмайди.

Начора, тақдир эмас экан-да... Ўнг кўлининг бармоқлари ҳанжар сопини каттик сикди. Бирор соатлардан сўнг бу ҳанжар ўз сохибига энг сўнгги хизматини адо этиб беради...

Айни шу дамда, умиднинг сўнгги зарралари эриб биттан лаҳзада тонгги тинчликни, кутилмаганда, сокчининг каттик қичкириги бузиб юборди:

– Тиерра! Ер!

Кристобал, эшикни тепиб синдирганича, хонасидан отилиб чиқди ва бир онда елкан устига қушдай учиб чиқди. Юраги бўғизга тикилгундай нотинч типирчиларди. О, у мана шу номаълум замин билан учрашувни накалар узок кутди. У ўз еринини; ўз Янги Дунёсининг мавжуудигига сўзсиз ишонган эди ва мана, буни исбот ҳам қилди!

У ўзи ҳозиргина кашф этган китъа ҳақида ҳеч нарса билмасди. Очиги, бу тўғрида бирор нимани билолмайди ҳам: агар бунинг

Хинлистон эмаслиги ҳақида шама қилиб кўйса борми – вазият бутунлай ўзгача тус олиши мумкин.

Зираворлар, олтин, афсонавий мамлакатнинг барча бошқа бойлеклари – факат шуларгина қиролга ҳам, савдогарга ҳам, черков рухонийси-ю, энг тубан ароқхўр дengизчига ҳам тушунарли ва юракка якин неъматлардир. Айнан шулар туфайли ҳам унинг сафар кемалари йўлга тайёрлапган ва жўнатилган.

Янги китъя нима дегани ўзи? Асли унинг нима кераги бор? Уни худди олтин куймалар каби ғазнага ташлаб кўёлмасанг, дур-жавохирлар қадалган яркирок олтин тож каби бошингта кийиб ололмасанг, мухташам саройлар куриш, бетиним урушлар олиб бориш, дабдабали байрамлар уюштириш мақсадила қарз кўтариш учун кўчмас мулк сифатида уни судхўрга гаровга беролмасанг – ундан нима наф? Аксинча, уни ўрганиш ва ўзлаштириш катта маблағларни ва оғир машаккатларни талаб этади, шунда ҳам улар тезда самара бера қолмайди. Модомики ахвол шундай экан, Кастилия ва Арагон хукмдорлари янги китъани бошларига уришармиди? Янги Қитъя! Шу сўзларнинг ўзиданоқ узок ва номаълум хилқатнинг совук эпкини кишининг баданини жунжитириб юборгандай бўлади. Бу кашфиёт кўп йиллар давомида тинимсиз урушлар олиб бориш ва ҳабашлар устидан козонилган ғалаба шарафига соликларни янада ошириш борасидаги аниқ ва мақсадли режаларни амалга оширишга монелик килади...

Ҳали ўн йиллар ўтади, сон-саноқсиз ўн йилликлар ўтади. Кристобалнинг изидан бошка сайёҳлар ҳам борадилар, улар албаттга ҳақиқатни ошкор этишади. Ершунослар уларнинг номларини Янги Дунё харитасига битиб кўялилар. Балки Янги Дунёнинг ўзи ҳам келгусидаги бирор денгизчининг шарафига ўшанинг номи билан аталар. Ўша машҳур номларни беш юз йилдан кейин ҳам, минг йилдан кейин ҳам ҳар бир мактаб ўкувчиси ёддан биладиган бўлади.

Кристобал-чи? Кристобал ҳақида қандай хотира-ю, қандай шуҳрат колади? Агар жуда бир омади келиб қолса, бирор синчков Ершунос ўтмиш ҳодисотларини титаётib, унинг сафарини гаройиб тасодиф сифатида эслатиб ўтади: баҳтили бир хатолик улкан кашфиётнинг юз очишига сабаб бўлган. Кристобал аччиқ алам билан кулиб кўйди: бу хато атайн уюштирилгани, у шундай килишга мажбур бўлгани ҳеч качон ҳеч кимшининг хаёлига ҳам келмайди.

Унинг буюк тантана онлари етиб келди, узок кутилган айни шу соатларда эса унинг янги қитъани кашф этиши олдида барча унвонлари ва макомлари қанчалик ўткинчи, кулгили ҳам аҳамиятсиз эканлигини англаш етиш накадар оғир. Энг аламлиси эса, энди Кристобал то умрининг охирига қадар ўзини тўёки Кастилия зодагони бўлмоклик,

денгиз уммонининг Бош Амир-ал бахри унвонига эришмоклик ҳамда янги кашф этилган барча ўлкалардаги қирол ноиби этиб тайинланганлик баҳтидан, бошига осмондан ёғилган иқболдан масурдай кўрсатмокка мажбур эканлигидир. Кутилмаганда у қирол ва қиролича аъло ҳазратлари учун тузилган рўйхатдан ўчириб ташланган олтин пиҳтепки ҳакида эслаб қолди. Ва яна унинг юзида истехъзоли табасум пайдо бўлди: рўйхатда колган бошка нарсалар ҳам аслини олганда ўша олтин пиҳдан фарқ қилмайди – ўшандай гўзал, лекин фойдасиз, унга умуман керакли жойи йўқ. Унинг учун муҳим бўлган ягона хилқат эса ҳеч кайси рўйхатларда йўқ ва бўла олмайди ҳам. Аммо ҳали ҳеч нарса йўқотилгани йўқ! Унинг номаълум қитъя сохили бўйлаб сузуб боришига ва бу тупрок ҳеч қанақа Ҳиндистон эмас, балки у кашф этган Янги Дунё эканлигини исбот килиб беришига ким такик кўя оларди?

Кристобал учинчи бор аччик истехъзо билан жилмайиб кўйишга мажбур бўлди: тарих ўз окимиини кимдир ўзгартиришга уринишини ҳеч ҳам ёктирмайди ва кечирмайди ҳам. Бунга журъат этганларни эса ҳаётнинг ўзи жазолаб кўя колади. Кимдир бирор ҳакиқатни чукур англаб етса, бу нарса унинг учун табиий ҳол бўлса, аммо ўша ҳакиқат замондошларнинг ожиз аклига, калта фаҳмига сиғмаса – бу нарса ўша қашшофнинг шўридир. Агар унинг орзу-умидлари ва интилишлари кундалик ташвишлар уммонининг маший довул-бўронларида әмирилиб, фарқ бўлиб кетса – демак, ўша одамнинг хаётда бекиёс омади бор экан.

Тақдирнинг Кристобалга атаб кўйган беадад машакқатлари, укубатлари ва оғир зарбалари унга яхши сабок бўлган эди. Ҳаётнинг Кристобал томонидан ўзлаптириб олинган ҳакиқатлари орасида энг қатъийси ҳам бор: кўпчилик нимани гапираётган бўлса, сен ҳам ўшани сўзла. Кристобал қачонлардир олтин ва зираворлар тилини – даромад ва манфаат тилини танлаган эди. Ва уни дархол тушунишди. Модомики шундай экан, энди бошқа тилга ўтиб бўладими – натижаси ҳеч қачон олдиндан мъълум бўлмайдиган машакқатли ва хатарли излашлар, келтирадиган фойдаси ва берадиган даромадлари ҳеч қачон тез фурсатда юз кўрсатмайдиган мавхумликни ўрганиш учунгина амалга оширилган изланиш мавзусига ўтиш мумкини? Йўқ, дон Кристобал факатгина Ҳиндистон ҳазиналарига энг қиска йўлни топиш учун жўнатилганини ёддан чикармаслиги лозим. Ва у ортга кайтгач, аъло ҳазратларга сафар карвони ўз зиммасига юклангандан вазифани шараф билан уддалагани ҳакида фуур ила ҳисобот бермоғи даркор. Ҳеч бўлмаса яна битта денгиз сафарини уюштириш учун ҳам шундок мужда етказмоклик лозим...

... Тўхташ учун кулай, шамоллардан яхши тўсилган кўрфазда кемалар сувга лангар таштадилар. Дон Кристобал – уммон денгизининг Бош Амир ал-бахри, барча янги кашф этиладиган китъялардаги кирол ноиби тантанавор вазиятлар учун таъсис этилган байрамона зарбоф камзулда тўсиқдевор олдида турганича, сувга қайик туширишларини кутарди. Соҳил ниҳоят даражада яқин эди – Кристобал бутқул иотанинг дараҳтларнинг барглари шаббодада қандай ўйноқлаётганини, кумтошлар сиртида сув зарраларининг ялтирастганини шундоккина кўриб турарди. Ва тўсатдан, қайикнинг сувга тушгунича ҳам сабри чидамасдан, у Амир ал-бахрга муносиб бўлмаган бир тарзда баланд тўсиқдевордан пастга сакради ва ўз ери билан учрашувни бир дакикага ҳам чўзишини истамасдан, кирғок томон сузиб кетди. Соҳилбўйи тўлкинлари Амир ал-бахрни охистагина кирғокка чиқариб қўйди. У ўринидан турди – бир, икки, уч кадам ташлади... Номаълум заминнинг хушибўй ҳавосини ташнапларча симириди. Кашибофлик ҳисси, хаёғидаги энг асосий максадига эришган инсоннинг ғолиблиқ туйғуси унинг бугун вужудини камраб олди. У баҳтиёр эди, бу улкан баҳтга унинг танаси торлик килиб, худди кафасдаги күш каби ташқарига, эркинлик сари интиларди. Кристобалнинг қалби тўлиб-тошиб кўйлар, шодланар эди. Ўзи кашф этган тупроқда ўқдай учиб юргургиси, олис-олисларгача боргиси, кейин эса унга юзтубан йиқилиб, шу тупрокни маҳкам қучганича: «Салом, Янги Дунё! Сени мен кашф этдим, сенниг хузурингга бош уриб келдим, салом сенга!» – дея хайкиргиси келди.

Аммо дон Кристобал, киролнинг барча янги кашф этилган ўл-калардаги ноиби, уммон денгизининг Бош Амир ал-бахри бундай кила олмасди. У одимлашдан тўхтади, кесмалари томон юзланди.

– Денгизчилар! Дўстлар! Ҳамсафарларим!

Бехосдан кўзларига ёш калқди, овози гитраб, томоғи кирилди: ҳатто шу олдий сўзларни айтиш ҳам Кристобал учун азобли кечди. Ҳаяжон барча сирларини ошкор этиб қўядигандай туюлди унга, аммо кемадагилар бу тараддудни олдий ҳол сифатида қабул қилишди: ахир Ҳиндистонга ғарбий йўл ҳар куни ҳам очилавермайди-да. Дон Кристобал бир муддат сукутда колди, бозовталикни ичига ютиб, хотиржам, катъий ва баланд овозда сўз бошлади – унинг ҳар бир сўзини ҳамма кемадагилар эшитмоқлари лозим:

– Денгизчилар! Биродарлар! Ҳамроҳларим!

Бугунги кун – бизнинг олис ва машаккатли сафаримиздаги энг муҳим сана. Бугунги кун – бизнинг шаън-шавкатимиз, музafferият кунимиздир. Бу кун Кастилия тарихига, улуғ кашфиётлар тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилажак. Севимли хукмдорларимиз – кастилиялик Изабелла ва Фердинанд Арагонийнинг фармони олийларини адо этган

холда, бизлар Тангриининг маддади билан нихоят узок кутилган манзилга етиб келдик.

Кемалардаги барча юмушлар тұхтади, шодон ҳайкирикларнинг уни учди, хаммалари Амир ал-бахрларининг сүзларига кулок тутлилар.

– Күз олдимизда – қуруклик. Бу жуда бепоён үлка, нихоятда бадавлат юрт. Биз унинг бойликларини әгалламак учун келлик. Ва биз Кастилия тожи ҳаки хамда мұқаддас черков хурмати учун бу хазиналарни мусодара этгаймиз. Дүстлар! Мен шу тупроқдан туриб сизларға мурожаат килар эканман, барчандын муборакбод этаман.

Дон Кристобал яна унсиз туриб қолди. Яна биргина гапни айтмоғи лозим эди, бор-йүғи биргина жумла. Аммо ўз тили унга бўйсунишни истамасди. Таъба, буни айтиш шунчалар оғир бўлади деб ўйламаганди! Кристобал кийинчилик билан аламли ютинди, чуқур хўрсинди...

– Барчандын Ҳинд тупрогига етиб келганингиз билан муборакбод этаман! Яшасин бизлар кашф этган. Ҳинлистон сари бизни етаклаб келган гарбий йўл!..

Одамлар шодон кийикирклар билан кемалардан ерга сакрай бошлидилар. Улар ўз Амир ал-бахрларини куршаб олиб, уни қўлларига кўтариб олишди ва тантанавор равища соҳил бўйлаб олиб кетишли. Кемаларда замбараклар гумбурлаб, қўнғироклар жаранглай бошлади...

Муаллиф шуну яхши сезиб туриблики, буюк жуғрофий кашфиётлар тарихидан яхши хабардор бўлганлардан кимdir нихоятда ҳайрон колади – ахир воеа аслида бутуцлай бошқа тарзда кечганди-ку?!

Сиз ҳаксиз. Ҳакикат буткул ўзгача бўлганлигини муаллиф ҳам тан олади.

Кристофор Колумб билан Португалия қироли ўртасидаги муносабатлар асл вокеликда анча кескин бўлган, Изабелла билан Фердинанднинг сиёсалари ҳам анчайин калтис ўйин ва фитналарга асосланган эди.

Энг асосийси эса – тадқикотчилар бир ҳолатни узил-кесил исботлаб берганлар: Кристофор Колумб хеч қандай Янги Дунё ҳакида ҳатто ўйлаб ҳам кўрған эмас. У ҳаётининг охиригача, айтишларича, ўзининг Ҳиндистонга гарбий йўлни очганига қаттиқ ишонган.

Аммо яна шунга ҳам умид килиш мумкинки, ушбу нуктаи назарни тасдиқлаш учун келтириладиган бир қатор далил-исботлар орасида ҳар ҳолда хеч бўлмаганда «балки аслида...» деган шубҳа-гумонлар, фараз-у тахминлар учун ҳам жинтайгина жой топилиб қолар балки?

Эҳтимол у ўзининг янги китъани кашф этганини билгандир ҳам?

Балки у айнан шунга интилгандир?

Ким билсин, балки муаллиф томонидан баён этилган ҳикоят аслида ҳам деярли шундок кечгандир?

Ва ўзи бу ривоят ўша сиз билган Кристофор Колумб ҳакидамикан? Муаллиф Кристобални айнан ўтмишда яшаб ўтган ўша Кристофор Колумбнинг шахсан ўзи, бу бошка одам эмас, дея зътироф этаётгани хам йўк.

Сизнингча, факат Колумб ўзи учун мусибатли бўлган замонда тугилганми? Ўз даври учун бегона бўлган одамлар факат Кастилияда дунёга келганми? Наҳотки ўз мақсадларига эришиш учун ўзидан – ўзлигидан кечишга, айёрлик қилишга, вазиятта мослашишга, тадбир ишлатишга мажбур бўлгувчи одамлар факат тарихий даврларда яшаб ўтган деб ўйлайсиз?

Тўғри, биз ҳозирда бундай кишилар ҳакида жуда оз нарса билишимиз – айни ҳакиқат.

Иилномалар, тарихномалар, ривоятномалар нима учун одатда бундай кишилар ҳакидаги хотираларни саклаб қолмаслигини изоҳлаб бериш кийин эмас: улар ўzlари тарихга киришлари мумкин бўлган кунларгача етиб бора олмайдилар.

Аммо, муаллиф ўз хикоятини ушбу қайгули сатрлар билан яқунлар экан, ўзини ҳаётдан безгандар қаторига кўшишга асло шошилмайди. Аксинча, унинг юраги тарих соатларининг барқарор зарбалари билан баробар уради. Мозий соатининг фидирақчалари бетиним айланниб туради, унинг миллари тўхтовсиз равишда олға интилади. Сония милининг ҳар бир одими – ўз давридан илгарилаб кетган яна бир дарбадарнинг мақсад сари интилиши бўлса не ажаб...

# ҲИҚОЯЛАР



## ТОШ ЗИРХЛИ ОРОЛ

Энг биринчисини топган пайтида, Саймон буни ҳеч кимга айтмаганди. Уни түк кулранг комбинезонининг чўнтағига солиб қўйди ва кум устида географик хариталарни чизиб ўйнаётган болалар сафига қўшилишга ошиқди. Кечкурун эса, онаси салгина чалғиб турган пайтда у топилдиғини шоша-пиша ёстиғи остига яширди. Жэйн хайрли тун тилаб ўғлини ўпид қўйди ва хона эшигини ёпиб чикиб кетди. Деразадаги ёруғлик нури уйку келтирадиган түк кўк тусга кирган пайтда у тўшакка ўтириб олди ва дўмбоккина кўлчасига таяниб олганича ўз топилдиғини томоша қила бошлади: юмшоқ, аммо анча тараңг, қайишқоқ, лекин ичида ҳеч канака симлари йўқ, ранги ёркин, чиройли ва қандайдир ғалати хушбўй иси бор. Болакай бу нарсани яна бир марта ҳидлаб қўйди ва яна ўзини ўзгача ҳис қила бошлади. Бу ис унга ниманидир элас-элас эслатарди – аммо нималигини хечам хотирлай олмади. Беш ёшингда ўзи тушда кўрганинг билан ўнгда кўрганингни доим ҳам фарқлаб ололмайсан.

Эртаси куни ўша нарса бужмайиб, қоп-қорайиб кетди. Кейин эса бутунлай ёқимсиз ва шилимшик бўлиб колди. Саймон уни ташлаб юборди ва бошқасини излаб кетди.

Кумлюқда бирпас ўзича оёқ учida кум титиб ўйнаган бўлиб, ён-атрофга зийрак назар ташлади, тош терилган ўйин майдончасини кесиб ўтди ва пастки супага олиб борадиган тик зинапоя билан тубликка тушиб бора бошлади. Бу – болалар учун тақиқланган ҳудуд эди. Куёш ҳам аёвсизларча ҳаммаёкни киздира бошлади.

У икки тарафидан баланд деворлар кўтарилиган учбурчакли майдонда туради. Анави пастрок девор орқали у супага тушиб олади, наригиси эса жуда баланд, ҳатто деразалари ҳам йўқ. Учинчи томон автойўл бўйлаб чўзилиб кетган тик жарлик билан тугайди.

Ўзини ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, Саймон бирбирига бириккан икки девор бурчаги томон юрди. У ерда кичикрок тиркиш бўлиб, у тенги болалар бемалол эмаклаб ўтса бўлади.

... – Саймон, азизим, қўлингдаги нима? – сўради Жэйн, ҳаммаёги чанг, терлаб-шишиб уйга кириб келаётган ўғлини кўриб. Ҳозир айни тушлик маҳали эди.

– Им-м, ҳеч нарсамас, ойи, – гапни айлантиришга уринди бола. Аммо унинг хатти-ҳаракатлари сўзларининг тамомила акси эди, Жэйн унинг безовталигини кўриб, кулиб юборди: Саймон қўлини оркасига яширганича, хонасига ёнламасига кириб олишга ҳаракат киларди.

Она зингашиб, ўғлига тикилди, уларнинг юзлари бақамти келди.

– Қани ўғилгинам, – боласини аврашга уринди у, – ортингга яшириб турган нарсангни ойижонингга кўрсат-чи!

Бола истамайгина қўлини онаси томон чўзди ва кафтини очди.

Онаси унинг кафтидаги нарсадан кўзини узолмай, узок тикилиб колди.

– Сен буни қаердан топдинг? – нихоят сўради у ўғлидан. Аёлнинг ранги оқариб кетган, қанчалик ўзини бардам тутишга уринмасин, овози қалтираб чиқди ва буни Саймон сезиб қолмаганлигига каттик умид боғлади.

Саймон эса нихоятда онасидан уялиб турарди. У агар тақиқланған худудга кирганини айтса, онаси койиб беришидан чўчимоқда эди.

– Анави ердан, – боши билан ишора килди у.

– Тушунарли. Буни топиб олган жойингни ладажонингга кўрсатиб берасанми?

Саймон йиғлаб юборди.

– Ойижон, мендан жаҳлинигиз чиқмасин. Илтимос.

Онаси уни маҳкам бағрига босди.

– Сенга жаҳл қилаётганим йўқ, болажоним. Бу ҳакда бошқа ўйлама. – Саймоннинг ок-сарик соchlарига онанинг бир неча томчи кўз ёшлари тўкилди. – Бор, ювиниб ол, – деб буюорди у ўғлига ва Саймонни кўйиб юборди, боласи ўзининг кўз ёшларидан хўл бўлган ёнокларини кўрмаслиги учун дераза томонга ўгирилиб олди.

Она яна топилдиқка каради. У энди ўзининг кафтида эди ва бу кафтда худди дунё харитасидаги афсонавий ўйикдай бўлиб кўринарди. Унинг энг биришчи истаги бу нарсани ташлаб юбориш, уни чиқиндиҳонага улоктириш ва лаш-лушлар орасида йўқ килиб юбориш хоҳиши бўлди. Чунки бундай нарсани яширганлик учун ўлим хукми жорий этилган! Бу борада конун бешафқат. Жэйн бир карорга келиш масаласини Роберт келгунича колдириб туришни маъкул топиб, дераза ёнида ҳаракатсиз қотганича кўчага тикилиб турарди.

Уларнинг хонадонлари унчалик баландда ҳам эмасди – бор-йўғи 32-қаватда. Анча пастда кепггина автойўл худди тасмадай илон изи бўлиб кўринади. Унинг бир томони 24 қаторли йўналиши бўйлаб

Шотландиянинг шимолидан Ўрта дengiz соҳиллари томонга кўплаб машиналар ўқлай учиб боради. Куешнинг яркирок нурлари остида бу йўл юкоридаш худди Англияни кесиб ўтган биллур белбоғта ўхшаб кўринарди. У кўприк устидан дарёни кечиб ўтиб, Францияни икки бўлакка ажратади, айни шу ерда Скандинавия, Россия ва Испаниядан чўзилиб келган йўллар бир-бири билан туташиб кетади.

Жэйн ҳамма учун мажбурий бўлган қора ойнали кўзойнак тақиб олган бўлса-да, ташки ёруғлик ниҳоятда кучли туюларди. Бу ёруғлик, кўз илғар олисликларга кадар уй-жайлар, идоралар ва корхоналарнинг ойнаванд сатхларида шуълаланиб акс этади. Уларнинг орасида эса спорт-ўйин йўлаклари билан ва ҳозирча бўм-бўш бўлган, пушти ғишт тўшамалар терилган майдончалар билан ўзаро бир-бирига боғланган дўконлар қатори саф тортиб турибди. Ўйин майдончаларида улкан ялтирок кумховузлар кўзга ташланади. Кум зарралари ниҳоятда майда ва кумуширанг, кумховузлар эса силлиқ сопол кошинлар билан копланган.

Бу ҳудуд – орол мамлакат: у соҳилдан бу соҳилгача Англия ҳудуди. Ҳатто Уэлс ва Шотландиянинг тепаликлари ҳам ойна билан бетондан бунёд бўлган осмонўшар бинолар билан қопланган: квадратлар, бурчаклар ва кублар – булар барчаси Европа.

– Ойижон, сиз энди уни нима қиласиз?

Жэйн ўз хаёлларидан чалғиди, юзини буриб ёнида турган Саймонга каради.

– Биз уни жавонга кўйиб кўямиз. Даданг ишдан қайтганидан кейин уни кўради. – У гўё ўғли ғалати шаклдаги темир бўлагини ёки гаройиб рангли шиша бўлагини топиб олгани каби ўзини хотиржам тутишга ҳаракат килди. У қандай бўлмасин бир нарсани билиб олиши лозим эди.

Она стаканга сув тўлдирди ва унга бир кошик қуритилган сут кукунини солди. Саймон сутини ичиб бўлгач, худди шунчаки сўраёттандек, ўғлига мурожаат килди:

– Сен уни яна кимгadir кўрсатганимидинг, болажоним?

– Йўк-йўк. Бу менинг маҳфий сирим, – деди болакай ва бу нарсани каердан олгани билан онаси бошқа кизикмаётгани, фақат топилдикнинг ўзи ҳакида сўраётганидан қувониб, мамнун жилмайиб кўйди ва яна та-крорлади:

– Бу менинг сирим. – Кейин болаларча соддалик билан яна қўшиб кўйди: – Мен бупака нарсадан роппа-роса уч дона топдим.

Кўркuv ва даҳшатнинг зўридан шўрлик аёлнинг ошқозонига қаттиқ оғрик турди.

– Учта? Қолган иккитасини нима қилдинг, азизим? – Она шўрликнинг ҳатто иситмаси чиқиб кетди: боласи тушмагур тағин ўша

нарсан лифтдами, кумховузда ёки чўмилиш ҳовузчасида қолдирган бўлса-чи?

— Мен уларни ташлаб юбордим. Улар қандайдир ифлосланиб кетди. Уларни чикишда кувурга ташладим. Жуда ҳам кизик бўлди, — у бир оз жим қолиб, кейин сўзини давом эттириди. — Биринчиси аввалига қонкорайиб, кейин ириб гущди, кейингиси эса олдин сап-сариқ рангта кирди-да, сўнг куриб қолди. Бу ўзи қанақа нарса, ойижон?

— Билмадим, Саймон, балки буни даданг билар, — шоша-пиша жавоб берди она, ўғлига ўз ташвишини сездирмасликка уриниб. — Ютур, ҳавзага бориб чўмилиб кел. Аммо ёмғир ёғмасидан уйга етиб келгин, — тайинлади у болакайга. Ёз фаслининг жазирама ойларида Иклим вазирлигининг Ҳаво райони назоратчилари, ҳар куни соат 6 дан 8 га кадар икки соатлик сунъий жала ёғдириб, кўп чақиримлик тош тўшамаларни юваб, ҳавони тозалаб турардилар.

Саймон ўзининг кичкина сочикласини силкиттанича, хурсанд ҳолда уйдан югуриб чиқиб кетди. У сузишни жуда яхши кўрар ва кўпинча катталар учун курилган ҳовузда чўмилишга одатланганди.

Жэйн яна ўғлининг топилдигига қаради, Саймон гўдакларча беғуборлик билан уни авайлаб олиб келганди. Агар боласи ҳақиқатдан ҳам у ҳакла ҳеч кимга айтмаган бўлса, балки уларнинг оиласи жазодан кутулиб коларди.

У Саймоннинг отаси билан бўлган, аллақачон унугалиб кетган сұхбатни эслади. Бола гўдаклигидан аклии бўлиб улғаяр ва отасини шу кадар кўп саволларга кўмиб ташлардики, Роберт бундан бениҳоя фаҳрланиб юради.

— Дада сиз «гуллаш» деган сўзни айтувдингиз-ку, у нима дегани?

— Бу — қандайдир оддий, одатий нарса гўзал бир ҳолатга киради, дегани, — тушунтиради у ўғлига.

— Жудаям ғалати сўз экан, — Саймон бу жавобдан кониқмайди. — У нимадан пайдо бўлади?

Саймон доим сўзларнинг келиб чиқишини билишга кизиқади. Чунки Роберт бир куни унга баланд, кўпқаватли биноларнинг нима учун «осмонўпар» деб аталиши сабабини айтиб берганди: юз йиллар мукаддам бу иморатлар курилганида одамлар ҳақиқатан ҳам уларнинг тепаси осмонга тегиб туради деб хисоблашган.

Роберт баъзан жавоб берини ўрнига терс ўгирилиб оларди. Чунки у «бильмайман», дейишга мажбур бўлар, айнан мана шу сўздан у ҳазар киларди.

— Нима учун у оддий нарсалар ҳақида сўрамайди? Масалан, севги тўғрисида, — деб шикоят қылганди у бир куни хотинига. Улар — эр-хотин ўшанда роса кулишишганди. Ҳозир эса Жэйн ўша ҳазил-хузулларни эслади.

Роберт уйга ёмғирдан ивиган ва ҳориган ҳолда қайтди. У Фан вазирлигига кичик бир лавозимда ишларди. Бу дегани, у ойнаванд бинонинг энг юкори каватларидан бирида, ўттиз нафар ҳамкаслари билан бир хонада ишлайди. Кишининг жамиятдаги мавқеи қанчалик юкори кўтарилиб борса, иш жойи шунга яраша пастки қаватларга – салқин ва шинам хонага чўкиб боради.

Жэйн тўқ жигарранг, нўхатсимон доначани сув солингган стаканга ташлади. У пишиллаб, қаҳрабо ранги яхна ичимликка айланди. Роберт уни роҳатланиб ичаркан, юзини кўйлагининг енги билан артиб куритган бўлди.

Жэйн гапни айлантириб ўтиришнинг фойдаси йўклигини биларди – бу билан эрининг жигига тегади холос. Шу боис у ўғлининг топилдигини жавон устидан олди ва индамай эрига узатди.

– Буни Саймон топиб келиби.

– О, йўқ, йўқ... факат Саймон эмас, – деярли пичирлаб, гўлдиради у. – Қаердан? Қандай топибди?

– Билмадим. Буни сўраганим йўқ. – У вахимадан каттик асабийлашмоқда эди. – Үғилчамизни кўркитгим келмади.

Роберт ичимлигини тез-тез хўплай бошлади.

– Энди биз нима киласиз? – зўрга сўрай олди Жэйн, узок давом этган жимликини бузиб.

– Бу ҳақда яна бошқа бирор биларканми?

– Менимча йўқ. Ҳар ҳолда унинг ўзи ҳеч ким кўрмаганини айтди.

– Яхши... жуда соз. У ҳолда биз таваккал қилишимиз ва бунга ахамият бермай қўя қолишимиз керак. Мен яхшилаб ўйлаб кўришим лозим.

... Ҳовузда чўмилаётганларнинг ҳаммалари кетиб бўлишди. Фақат Саймон билан Сэмми Пройбэк икковлари қолишли.

– Сен балки мендан тезроқ ҳам сузарсан, – қаҳр билан деди Сэмми, Саймондан бир неча сония кечроқ сувдан чикиб келиб. Улар кимўзарга сузиб келган эдилар. – Аммо гаров боғлашаманки, сен анави жойга тушишга журъат этломайсан. – У ер остидаги айвончага олиб тушувчи зинапояга қўли билан муғомбирларча ишора қилди.

– У ерда юз марталаб бўлганман, – жавоб берди Саймон, ўзининг бу борада ҳам устун эканидан фахрланиб.

– Бир ўзинг тушолмайсан, демокчиман.

– Ҳой, мен бир ўзим борганман. Юз мартасида ҳам ёлғиз тушганман. – Саймон ўртоғининг ҳайрон қолганлигини кўриб сўзида давом этди: – Мен ўша ердан топиб олган нарсани сен, ҳатто тушингда ҳам кўрмагансан. Унинг нима экани эса – маҳфий сир. Ажаб бўлсин!

– Онкоч-а! У нима экан?

– Айтмайман.

– Ҳеч нарса топмагансан. Ҳеч қанақа яширин сириң ҳам йўқ.  
Ҳатто пастга ҳам тушган эмассан.

– Йўқ, тушганиман, бўлғанман ўша ерда.

– Саймон оёгини ерга уриб тапиллатиб ўртоғига жаҳл қилди.

– Агар ўша ёкка тушсанг, мен кўрган бўлардим. – Саймон иккилангани сайин Сэмми борган сари кўпроқ унинг жигига тегишга харакат кила бошлади. – Гаров ўйнаймиз, тушолмайсан!

Бу гап Саймоннинг ўғил болалик ғурурига каттиқ тегди...

... – Ҳеч тушунолмаяпман, бу нарса қандай зиён етказиши мумкин, айниқса миттигина болакайга? – Жэйннинг бунга ақли бовар килмасди.

– Конун нуктаи назаридан бу ҳолат онг остида мудраб ётган хотирапарни кўзгатиб қўйиши, одамларга мажбуран унуттирилган нарсаларни яна уларнинг ёдларига солиб қўйинши ва уларда норозилик кайфиятини уйғотиши мумкин, – деди Роберт.

– Лекин бу нарсани қачонлардир кўрган бўлишим мумкинлиги ё мумкинмаслигини, ҳатто ўзим эслолмайман-у, Саймон бунинг нималигипи қаёқдан билсин...

– Буни балки эслолмаслигинг мумкиндир, азизам Жэйн, – Роберт хотинининг нозик елкасидан астагина кучди. – Лекин унинг нима эканлигини англаб турибсан, шундаймасми?

– Ҳа, чамаси бунинг нима эканини биламан.

– Саймон эса билмайди. Ҳамма гап ана шунда. Илгариги ҳаёт ҳақида ҳеч нарса билмаган авлодни вояга етказиш...

– У дераза ортида сафланиб турган сон-саноқсиз биноларнинг файзсиз каторига ишора килди. – Манавилардан олдинги ҳаётни билмайдиган авлод.

У ўғлининг топилдигини стол устидан олди. – Бундай нарсаларнинг кўпайишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда, одамлар бу каби мўъжизаларни кўрсалар, албатта уларнинг қалблари ғалаёнга келади. Оқибатда улар ё телбага айланадилар ёки ҳозирги ҳаётга қарши исён бошлайдилар.

– Сен жуда ошириб юборяпсан. Шуни аник биламанки, бу нарсанинг унчалик зарари йўқ.

У хотинини яна елкасидан қучиб, ўзига қаратди.

– Галимни эшишт, Жэйн, узок вакт сувсиз қолган одамларнинг кўзига сароблар кўринади – фавворашар ва қўллар... Қачонлардир одамлар яхши билган ва кейинчалик маҳрум этилган, зўрлик билан уларнинг хотирапаридан чиқариб ташланган нарсалар агар яна уларнинг ёдларига тушса, бутун ахоли ўзини қандай тутиши мумкинлигини тасавв

вур эта оласанми? Мана шунинг учун ҳам Қонун пижоятда беаёв ва шафқатсиз. – Унинг овози титраб кетди.

– Мен ҳам шуни ўйлајпман. Аммо бу ҳақда фақатгина биз биламиз, десмак ётиғлиқ қозон ётиғлигича қолади, тўғрими? Шундайми, Роберт?

– Албатта, – иккиланиб жавоб берди у, – лекин бунинг учун ашёвий далилни йўқотиши керак. Бунинг учун мен ўша жойни кўрсатишга Саймонни мажбур этишим ва ҳамма ишни якунига стказишим шарт. Агар бу ишни ўз холига ташлаб қўйсанак, вактни ўтказиб юборишимиз мумкин. Айниқса, кечки ёмғирдан кейин ҳаммаси кеч бўлади.

– Биз бирга борамиз, – деди Жэйн. Кейин у кечки ионуштага уннай бошлади.

– Лекин шуни билиб қўй, – огохлантириди Роберт, – агар Саймон топилдигини бирорга айтиб қўйган бўлса, у ҳолда уйимизда гинтув ўтказишади...

... Кенг қора шим кийиб олган Пройбэкнинг улкан гавдаси зинапоянинг энг юқорисида худди минорадай бўлиб қаққайиб турарди.

– Хой, маймунвачча, у ерда нима киляпсан? – хиркирок овоз билан ўғлига кичқирди у.

– Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, – йиглашга тушди Сэмми. – Унинг ўзи мени стаклаб келди.

Деворлар орасидаги тор бурчакдан Саймон чикиб келди.

Пройбэк хонимнинг Жэйнга ва Робертга нисбаган ҳасади ва адовати шу пайтда янада авжланиб кетди. Роберт унинг эрига қараганда ақллироқ эди ва яхшироқ жойда ишларди. Унинг бу мавкеи уйининг пастрок қаватида яшаш ва бир неча кун кўпроқ таътил олиш хукукини берарди.

– Сен бола шошмай тур! Ҳали онангта айтиб, бир адабингни бердириб қўйай, – дея ўшкирди у ва ўғлини қўполлик билан юкорига караб судрай бошлади. Саймон эса кафтига ниманидир қисиб олганча настак деворга тирмашиб чиқа бошлади.

– Қўлингта нимани чанталлаб олгансан?.. – Аёл бунинг нималигини кўриши биланоқ қалтираб қолди. У қандай нарса эканлигини дарров англади. – Тезроқ юр, Сэмми, – вахимали чинкирди у, овозида эса сўз билан ифодалаб бўлмайдиган вахима ва даҳшат бор эди.

– Иккинчи марга мана шу иркит болага яқинлашганингни кўрмай! У Сэммини бағрига маҳкам босиб олганча каловланиб кета бошлади.

– Бу ҳақда дарҳол керакли жойга хабар бериб қўйишим керак, – дея мингирлаб борарди у. Энди унинг юрагидаги ғазаб ва нафрат ўрнини вахима ва даҳшат эгаллади.

... Роберт ўғлининг саволларига жўяли жавоб топиб бера олмаганидан каттиқ ўқинчда эди. Унинг эгаллаб турган лавозими, айтарлик

юкори бўлмаса-да, дўстлари орасида дунёкараши кенг инсон сифатида эътибор козонишинга имкон берарди.

– Дада, унинг хиди қандайдир ғаройиб экан, – деди унга Саймон.

– Бу ҳушбўйлик мени нималар ҳақидадир ўйлашга ундейди. Нималигини эса ҳеч билолмаяпман. – У ота-онасининг юзидағи ифодани кўрибок, уларни тинчлантиришга уринади. – Қандайдир ёқимли нарсалар хаёлимга келгандай туюлаверади.

– Ана, кўрдингми, – пичирлайди Роберт хотинига.

У боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

– Саймон, сен бу нарсани қаердан топганингни менга кўрсатишинг ва шундан сўнг бу ҳақда буткул унтишинг керак. Кейин эса бундан бўсн ҳеч қачон у ерга бормасликка ва у ерда ҳеч нарсага тегинмасликка чин ваъда беришини керак. Агар тасодифан қаердадир ниманидир топиб олсанг, бундан дархол бизни хабардор килишинг шарт. – Роберт уни эркалаб, мулоим оҳангда, лекин қатъий тарзда сўзларди.

– Хўп бўлади, дадажон, – самимий ваъда берди Саймон. – Бугун Пройбэк хоним бу нарсани кўриб колганида нима учундир роса ҳам жаҳли чикиб кетди. – Болакай эснай бошлади. Унинг уйкуси келиб колганди.

Жэйн стол остидан эрининг қўлинни қаттиқ кисиб кўйди.

– Йўқ, ким бўлса ҳам майли, факат Пройбэк хоним эмас.

– Сен буни ўша хотинга кўрсатдингми? – Савол оҳангি Робертнинг ўзи истаганидан кўра анча кескин чиқди.

Саймоннинг кўнгли қандайдир ёмонликни сезгандек бўлди.

Унинг настки лаби титрай бошлади. У тутила-тутила бор гапнинг ҳаммасини айтиб берди.

– Мен буни ҳатто Сэммига кўрсатишига ҳам улгурмагандим, – йиғлаб юборди у.

Ёмгир бошланди, томлар ва йўлларда томчиларниг тарак-туруки эшитиларди.

– Борақол, ўғлим, ётиб ухла – мулоимлик билан деди Роберт.

Бола аянчли киёфада хонадан чикиб кетди.

– Ҳаммаси тамом, Жэйн. – Роберт хотинига яқинлашди. – Бу ҳақда хозирок хабар берсак яхши бўларди.

– Агар биз худди... гўёки ҳеч нарса бўлмагандек... ўзимизни ҳеч нарсани билмайдиган каби тутсак-чи, – Жэйн хиқиллаб йиглашни бошлади. – Биз шунчаки қўшни хотин бизга ўчакишиб тухмат килди, деб айтамиз. У доим оиласизга ҳасад килиб келган-ку.

– Жонгинам, одамлар биргина нафрат туфайли бундай ишга қўл урмасликлари бизга ҳам, Қонунга ҳам яхши маълум. Бу нихоятда жиддий нарса. Аммо ўша аёл ҳозир кўркувдан талвасага тушиб қолган, худди

вахшиёна бир оғир жиноят ёхуд қотиллик ҳакида хабар берган каби, бу нарса ҳакида дарҳол керакли идораларни хабардор килишни ўзининг олий бурчи деб хисоблайди.

– Энди нима бўлади? – Ёмғирнинг шовкинидан Жэйннинг овози базур эшитиларди. – Уни олиб кетишмасмикан?..

– Шуниси аникки, – Роберт бир оз ўйланиб қолди, сўнг сўзида давом этди – энди ўғлимизнинг бу ерда колишига ва бошқа болаларга аралашишига рухсат этишмайди. Эҳтимол, уни киска вақтга олиб кетиб, унинг миясини... уни... балки муолажа килишар. Шунда ҳам унга раҳм-шафқат қилишса, албатта. Акс ҳолда у... у жамиятдан четлатилиб... қувғиндига айланади.

– У ҳолда биз ҳам у билан бирга кетамиз – уни қаерга жўнатишса, ўша ерга бориб, пешонамида борини кўрамиз, нима бўлсак, бирга бўламиз.

Ёмғир пардаси оргида улар пастда, уй олдидағи майдончада пушти рангла яттираб турган учар машина пасайиб келиб, астагина йўлкага кўнганини кўрдилар. Ундан тўрт киши тушди, уларнинг шарпаси ёмғирда жуда ёқимсиз, совук кўринди. Уларнинг оргидан бир аёлнинг қўпол гавдаси кўзга ташланди, бу албатта Пройбэк хоним экани аник эди. У бармоғи билан нукиб, буларнинг хонадони томонга кўлини чўзди. Роберт билан Жэйн ўғилларининг олдига киришди. У безовталик билан кўрпа остидан ота-онасига каради, кейин уларнинг жилмайиб турганларини кўриб, хотиржам бўлди. Жэйн меҳр билан ўғлининг пешонасидан ўпди.

– Дадажон, – чўчибгина деди у, – «маймун» нима дегани?

Жэйн алам ичида юзини ўғирди.

– Сенга буни эрталаб айтаман, – пиҷирлади Роберт ва аста энганиб, у ҳам ўғилласининг юзидан аста ўпди. Улар эшикни секингина ёпиб, хонани тарк этишди.

Эшик кўнгироги ёқимсиз жиринглади.

Роберт йўлак томонга ўғирилди.

– Биз энди ўзимизни ҳеч нарсадан хабарсиздай тута олмаймиз, Жэйн. Бу нарсани стол устига кўйиб кўй. Шундай қилганимиз маъкул. – У бир зумгина жим қолди. – Балки улар бизни кечиришар. – Шундай деб у эшик томон йўналди.

Шаҳарни тозалаш бўйича илмий-амалий фаолият – сунъий ёмғир тинмай ёғар, шаҳар устига жала бўлиб куйиларди. Сирти хукумат томонидан тошзирх билан копланган орол юзасида ҳеч қандай ўсимлик ўсимасди, шу боис бу жонбахш ёмғирнинг набототга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

Жэйн оғир қадамлар билан жавоннинг ёнига келди ва кўркувдан бутун вужуди калтираб, стол устига бир донагина узун ...майсани секингина кўйиб кўйди.

## МИТТИ АЙБДОР

«Чик-чик, чик-чик», – уйнинг биринчи қаватидаги қадимий соат тиним билмай пичирлайди.

Соат «чик-чик»и-ю, Ронни юрагининг «дук-дую»идан бошқа хеч қандай сас эшитилмайди.

Ү юкори қаватдаги ёткxонасида тик турғанича, миқ этмай тош қотган, озғин танаси күркuvдан «дағ-дағ» титрайди, пешанасидан эса муздай тер сув бўлиб оқади.

Роннига худди соат ҳам гапириб юборгандай туюлади:

«А-на, да-данг, ка-ра, да-данг!»

2056 йилнинг илиқ сентябрь оқшоми хонага майнингина оқиб ки-  
рарди. Ронни коронғи тушаётганидан кувониб кетди. У унсиз тун  
сукунатида эриб кетгиси келар, зулматга сингиб, қаҳрли овозлардан  
ва ғазабга тўла кўзлардан бир умрга олис-олисларга кетиб колишни  
истарди.

Бир пайт болакайнинг кўркuvдан катта-катта очилган кўзларида  
умид учқунлари пайдо бўлди. Балки бирор фалокат юз бериб қолар?  
Балки отаси кўчада бирор баҳтсиз ходисага йўлиқиб қолар. Эҳтимол...  
У лабини қаттиқ тишлиб, бошини сарак-сарак қилди. Йўқ. Дадаси  
унга қанчалик зулм килмасин, барибир отага ёмонлик тилаш катта  
гуноҳ...

Кўниш майдончасида вертолётнинг шовкини эшитилди. Ронни  
ваҳиманинг зўридан типирчилаб колди, юрак уриши тезлашиб кетди.  
Миттигина танасининг бутун мушаклари кўркuvдан таранг тортилган  
симга ўхшаб зириллай бошлади.

Пастда ғўнғир-ғўнғир овозлар ва оёқ товушлари эшитилди. Онаси  
ошхонада ошпазлик ускунасининг мурватини ўчириди. Унинг баланд  
пошнали пояфзали аста тақиллагани эшитилди. Вертолётнинг эшиги  
карсиллаб ёпилди. Уйнинг эшиги очилди.

Пастда, зинапоя майдончасида дадасининг мамнун овози эшитил-  
ди:

– Салом, азизам!

Ронни қоронғида, ётоқхонанинг ярим очик эшиги олдида ғужанак бўлиб олди.

«Илтимос, ойижоним, – унинг бутун фикр-хаёли зорланиб дод соларди, – менинг килган ишимни дадамга айтманг!»

Сокин, тушунарсиз шивирлаш эшитилади.

Бир пайт отасининг ғазабли овози гумбурлади:

– У нима қилди?

Яна шивирлаш.

– Мен бунга ишонолмайман. Сен хақиқатдан ҳам унинг шу ишни килганини кўрдингми?.. Минг лаънат!..

Ронни товуш чиқармасдан хонасининг эшигини ёпиб олди. «Нега ахир буни дадамга айтдингиз, ойижон? Нима учун унга айтиб бердингиз, ахир?»

– Ронни! – отаси уни чакирди.

Ронни нафасини ичига ютди. Унинг оёклари худди қуриган дараҳт шоҳлари каби заифлашиб, қимирашга ҳам мадори қолмади.

– Ронни! Буёққа туш!

\* \* \*

Ронни қўркув ичида ётоқхонасидан ўқдек отилиб чиқди. У дахлиздаги кумушранг доиранинг устига чиқди. Автомат-зинапоя визиллаган овоз чиқариб, пастки қаватга йўналди.

Чап томондаги деворда унинг кўз олдидан ойиси тўплаган қадимий расмлар – Рембрант, Ван-Гог, Сезан, Сальвардор Дали каби мусаввиrlар чизган сувратларнинг кўчирма нусхалари лишиллаб ўтди.

Расмлардаги киёфалар худди унинг устидан кулаётгандек туюлди. Ронни ўзини бамисоли яраланиб, пастга кулаётган заифгина қушчадек хис этарди.

Унинг кўзи ойисига ва дадасига тушди: икковлари уни кутиб туришарди.

Онасининг думалок кўзлари мунгли ва ташвишли. У ҳатто ўзининг калта киркилган тўқ жигарранг соchlарини тарамаган, бошка кунлари у отасининг келишиига доим пардоз қилиб оларди.

Отаси эса ўзининг маҳсус хизмат ходими эканлигини билдириб турвчи, эгнида худди куйиб қўйгандек ярашган ҳарбийча қоп-қора маҳсус кийимда, кора учкун сачратиб турган қисик кўзлари билан ўғлига гўё бошқа сайёрадан келган ваҳшатли маҳлук каби қаҳрли тикилиб турарди.

– Шу гап ростми, Ронни? – сўради отаси. – Сен ҳакиқатан ҳам... ҳакиқатан ҳам... КИТОБ ЎҚИДИНГМИ?

Ронни, нафаси томогига тиқилиб, базур оғир ютінди-да, бошини әгді.

— Ё, тангрим! – вахимали шивирлады отаси ва оғир «ух» торттагича ерга чүккалаб қолди. Сүңг Роннининг күлидан ушлаб, күзларига тикилди. У бир лаҳзада яна ўша Ронни билғап – меҳрибон ва ҳамдард дадага айланып көлгандек бўлди. – Менга ҳаммасини гапириб бер-чи, болам. Китобни касрдан олдинг? Ўқишиңи сенга ким ўргатди?

Ронни оёкларидағи титроқни босишга бесамар уринарди.

– Мен... Дада, агар тўғрисини айтсам, мени жазоламайсизми?

– Бу гап икковимизнинг ўртамиизда қолади, ўғлим. Ишимиизга бошқа бирор аралашмайди.

– Менга буни Кенни Дэвис ўргатди. У...

Отасининг кўли Роннининг митти панжасини қаттиқ кисди.

– Кенни Дэвис! – ижирғаниб тақрорлади у. – Ярамас бола! Дэвис-нинг отаси бир умр ипсиз ўтди. Ҳеч ким, ҳеч қачон унга бирорта иш тақлиф қилган эмас. Унинг ким эканини бутун шаҳар билади. У – Китоб ўқувчи!

Онаси олдинга томон қадам босди.

– Дэвид, сиз акл билан иш кўришга ваъда бергансиз. Жаҳл қилмасликка сўз бердингиз.

Отаси ғазаб билан минғирлади:

– Бўлти, бола. Давом эт.

– Ҳалиги... бир сафар мактабдан кейин Кенни менга бир нарса кўрсатмокчилигини айтди. У мени уйига олиб борди.

– Сен ўша ташландиқхонага бордингми? Сен ҳақиқатан ҳам...

– Азизим, – деди онаси, – ахир ваъда бердингиз-ку...

Ҳаммалари бир муддат жимиб қолишиди.

Ронни яна давом этди:

– У мени уйларига олиб борди. Мен унинг ладаси билан танишдим. Жаноб Дэвис жуда ажойиб киппи экан. У соқол қўйиб олган, расмлар ҳам чизар экан, у салқам беш юзта китоб йигиби.

Ҳаяжондан болапнинг овози чиқмай қолди.

– Давом эт! – қатъий буюрди отаси.

– Кейин мен... кейин жаноб Дэвис айтдики... агар ҳеч кимга билдири-масанг; мен сенга китоб ўқишиңи ўргатаман, деди. Шундан сўнг у менга ҳар куни мактабдан сўнг оз-оздан сабок ўргата бошлади. Эҳ, дадажон, китоб ўқиши шунакаям қизиқарли эканки! Китобларда ёзилган гаройиб хикояларни видеодан ҳам, магнитофон тасмасидан ҳам тополмайсиз.

– Бу қачондан бери давом этяпти?

– Икки йил бўлди.

Отаси ўриидан турди, муштини тугди. Унинг нигоҳи совуқ эди.

— Икки йил... — оғир хўрсинди у. — Мен ўғлимни яхши бола деб юардим, у эса икки йилдан бери... — Отаси аламли бош чайқаб қўйди. — Балки бунга ўзим айбдордирман. Балки бу шаҳарчага келмаганимиз мъқулмиди?.. Вашингтонда қолишимиз керак эди, келиб бекор қилибмиз...

— Дэвид, — дея худди ибодат килаётгандек жиддийлик билан сўз бошлади онаси, — ҳар ҳолда боламизнинг хотирасини ўчиритириб ташламассиз?

Отаси унга қовоғини солиб, қаттиқ тикилди. Кейин Роннига каради. Унинг овози сокин, аммо олисда гумбурлаган момақалдирок каби кўрқинчли эди.

— Билмадим, Эдит. Билмадим.

Отаси девор ўчоқ ёнидаги курсига яқинлашди, момиксимон юмшоқ пластика массаса курсига оҳиста чўкиб, чукур хўрсинди. Кейин оромкурсинг ёнбошидаги митти зўлдирчадек микрофонга қараб, нималарни дир секин пицирлади. Оромкурсидан сунъий темир кўл чиқиб, ўт олдирилган сигаретни унинг лабига кистирди.

— Кани, ўғлим, бу ёқка кел-чи.

Ронни отасининг ёнига келди ва унинг оёғи остидаги пастак курсичага ўтириди.

— Мен сенга чамаси, нималарни дир яхши тушунтирганга ўхшайман, Ронни. Сен бир умр ёш бола бўлиб қололмайсан. Бир кун келиб ўзинг ишлаб, пул топишингга тўғри келади. Олдингда факат иккита йўл турибди: сен ё худди мен каби ҳукумат идорасида хизмат киласан ёки бирор корхонада ишлашингга тўғри келади.

Ронни бош иргаб қўиди.

— Жапоб Дэвис эса ҳукуматда ҳам хизмат қўлмайди, хеч қанақа корхонада ҳам ишламайди.

— Ўша жаноб Дэвис деганинг — телба, — унинг сўзини бўлди отаси. — У таркидунёчи. Рисоладаги хеч бир оила уни ўз уйига киритмайди. У ўз озиқ-овқатини ўзи етиштиради, баъзан бошқаларнинг ҳам экин-тиқинини парваришлайди. Сендан эса менинг умидим катта. Мен сенинг ўз шахсий уйинг бўлишини ва одамлар сени хурмат қилишларини хоҳдайман.

Отаси сигаретни ютоқиб чека бошлади.

— Агар одамлар сенинг Китоб Ўқувчи эканингни билиб қолишса, хаётда хеч нарсага эриша олмайсан. Буни улар хеч қачон кечирмайдилар. Сен қанчалик тиришиб ҳаракат қилмагин, ҳакикат барибир юзага қалкиб чиқаверади. — Шу пайт уни йўтал тутиб қолди. — Биласанми,

агар бирор ишга жойлашған тақдиринің да ҳам, сенға керакли ҳар қандай хужжат тақиғатта бүләди. Улар сен учун Чекланған Фойдаланыш Учун, Ярим Махфий, Махфий, Мутлақо Махфий хужжаттар бүләди. Чунки улар ҳаммаси ёзма хужжаттар бүләди. Сен қаерда ишламагин, күлингта барыбір шундай қоғоз тушиши шубхасиз.

– Л-л-л-е-е-кин, нима учун улар махфий бўлиши керак?

– Чунки корхоналарнинг ракобатчилари бор, хукуматнинг эса хорижда душманлари йўқ эмас. Сенинг кўлингга тушиган хужжатда эса яширин куролнинг ёки янги технологиянинг таърифи берилган бўлиши ёки кейинги йиллар учун рекламалар, ҳатто... хўш... ракобатчини йўқ килиш режаси баён этилган бўлиши мумкин. Агар булардан бирортаси ошкор бўлиб колса, айrim гурухларнинг танқидий фикрлари, каршилик харакати, муҳолифлик кайфияти юзага келиши шубхасиз. Бу нарсалар ҳакида қанчалик кам одамлар билса, шунчалик яхши. Шу сабабли, биз ҳамма нарсани сир тутишимиз шарт.

Ронни қовоғини уйди.

– Ахир қоғозга ёзилған ёзувни кимдир барыбір ўқиши керак-ку, шундаймасми?

– Албатта, ўғлим. Корпорация ёки бўлим ўн минг кишидан биттасини ўқишига ёки ёзишга ўргатиши мумкин. Аммо бунинг учун одам ўзининг кобилияти ва корпорацияга садоқатли эканини исбот қилиб бериши лозим. Сен ўттиз беш ёки киркка кирганингда, раҳбарларинг ўқишини ўрганишингни истаб қолишлари мумкин. Аммо ёшлар ва болалар учун бу – тақиқлаб кўйилган фаолият. Ҳатто давлат бошлиғига ҳам, у эллик ёшга тўлганидан кейингина ўқишини ўрганишга рухсат этишган! – Отаси гавдасини тиклади. – Менга қара. Мен эндиғина ўттиз ёшга тўлдим, аммо менга Махфий материалларни элтиб беришга рухсат этишган. Чунки мен ўришни билмайман. Бир неча йилдан кейин эса, агар мен интизомли ишлаб юрсам, ўта Махфий хужжаттарни элтиб беришимга ҳам ижозат этишлари мумкин. Ким билисин, балки эллик ёшимида мен факат хужжат ташийдиган дастёр бўлиб қолмай, балки фармойиш берадиган лавозимга ҳам тайинланарман. Ана ўшанда, агар рухсат этишса, мен ҳам ўқишини ўрганаман. Мана буни ҳаётда тўғри йўлни топиш деб аташади.

Ронни ўтирган жойида безовта типирчилай бошлиди.

– Китоб Ўқувчи ҳеч бўлмаса, бирор ахамиятсизрок ишни ҳам эгаллаши мумкинмасми? Масалан, сартарошлиқ, сувкувур созловчи ёки...

– Сен шуниям тушунмайсанми? Саргарошлар ёки сувсозлар учун ускуналарни тайёрловчи корпорациялар, улар учун ўзлари устахона курадилар ва ишловчи одамларни ўзлари хизматта ёллайдилар. Сен

нингча улар Китоб Ўқувчини ишга олишарканми? Улар Китобхонни жосус, зааркунанда ёки кария Дэвис каби телба леб эълон килиб юбо-ришади.

— Жаноб Дэвис хеч қанақа телба эмас. У кария ҳам эмас. У сиз каби ёш, ҳам...

— Ронни!

Отасининг овози худди пичоқдек кескир ва совук декабрь ҳавосидек ёкимсиз эди.

Бу бешафқат овоздан худди бир нарса танасига келиб урилган-дек бўлди. Ронни ўриндикдан сирғалиб йикилди. У ерда ғужанак бўлиб олди, унинг беғубор юзида яна қўркув вахимаси пайдо бўлди.

— Менга кара, ўғлим, кандай килиб сен Китоб Ўқувчи бўлиб колдинг? Сенга ҳамма нарсани ўз ҳажмида кўрсатувчи уч ўлчамли видео олиб бердик, видеога иссик-совукни, ҳидни ва сезгиларниifo-далаб берувчи курилма ҳам ўрнаттирдим. Мактабингда ўзинг истаган мусикани тинглаш имкониятига эгасан. Ронни, агар одамлар менинг ўғлим Китоб Ўқувчи эканини билиб қолишиша, мен ўз ишимдан айрили-шим шубҳасиз эканини наҳотки тушунмасанг?!

— Ах-хир, дад-да...

Отаси сапчиб ўрнидан турди.

— Менга буни айтиш канчалик ёкимсиз бўлмасин, аммо Эдит, бу болани Онгни Ўзгартериш Муассасасига жунатмасак бўлмайди! Агар унинг миясидан хотирап яхшилаб ўчириб ташланса, балки бундай ахмокона фикрлардан фориғ бўлар.

Ронни йигисини босишга уринди.

— Йўқ, дада, менинг миямни ўзгартеришларига йўл қўйманг! Илти-мос, дадажон...

Отаси унинг тепасида баланд хайкалдек ҳаракатсиз туаркан, ўғлига ҳатто бир назар ташлаб ҳам қўймади.

— Улар сенинг миянгни бошига урармиди, факат сўнгги икки йил-даги хотирангни ўчириб ташлашади, холос.

Онаси лабининг бир чеккаси асабий титраб, деди:

— Дэвид, мен буни истамайман. Балки Роннини хусусий рухшуносда даволаттиармиз? Улар ҳозир мўъжизалар яратишяпти: пермигиноз, сунъий руҳий тўсиклар. Агар Роннининг миясига ишлов беришса, у яна олти яшар болага айланиб колади-ку. У мактабни ҳам яна қайтадан бошлишига тўғри келади.

Отаси яна оромкурсига келиб ўтириди. Энди унинг юрагидаги газаб ўрнини алам эгаллади.

– Эй, Худойим! Эдит, мен нима қилишният билолмай қолдим!

Кейин у худди миясига даҳшатли фикр келиб қолган одам каби талвасада атрофга безовта алантглай бошлади.

– Икки йиллик хотиранинг ўчириб ташланишини ҳеч қанақасига сир саклаб бўлмайди. Мен бўёгини ҳечам ўйлаб кўрмабман. Бу ахир менинг бутун обрў-эътиборимни чиппакка чикаради-ку!

Хонага яна жимжитлик чўкли, бу сукунатни фақаттинга қадимиј соатнинг «чиқ-чиқ»и бузиб турарди, холос. Хона худди чукур, совук дengизнинг тубига чўккани каби бир лахза тириклик аломати сезилмай қолди.

– Дэвид, – деди нихоят онаси жимликини бузиб.

– Нима?

– Фақат биргина чора бор. Биз Роннининг икки йиллик хотирасини ўчиртира олмаймиз. Буни сиз ўзингиз айтдингиз. Демак, уни яхши бир рухшуносга ёки руҳий-асаб шифокорига олиб боришимиш мумкин. Бир нечта муолажалардан сўнг...

Отаси унинг гапини бўлди:

– У онгсиз равишда бўлса ҳам барибир ўқишини унутмайди! Ҳатто сурункали гипноз ҳам вакти келиб ўз таъсирини йўқотади. Болани бир умр рухшуносга судраб юролмаймиз-ку, ахир! – У ўйчан ҳолда бармоқларини бир-бирига чирмаштириди. – Эдит, у кандай китобни ўқиётган эди?

Онасининг эти жимиrlашиб, бутун танаси титраб кетди.

– Унинг каравотида учта китоб бор эди. Уларнинг кайси бирини ўқиётганини мен билолмай қолдим.

Отаси инграб юборди.

– Учта китоб?! Сен уларни ёкиб ташлагандирсан?

– Йўқ, азизим, ҳали ёкканим йўқ.

– Нима учун?

– Билмасам... Ронни уларни жуда ҳам яхши кўради! Мен ўзимча ўйловдимки, балки бугун кечқурун, сиз у билан гаплашиб олганингиздан кейин...

– Ҳозирок китобларини буёкка олиб кел. Уша бемаъни нарсаларни ўтга ташлаш керак.

Онаси ошхонадаги қизил дараҳтдан ишланган жавон ёнига борди, ранги унникиб кетган учта китобни олди. У китобларни пастаккина узункурсига – отасининг оёклари остига кўйди.

Отаси биттасини ижирганибгина очди. У худди чирик жасадга беҳосдан тегиб кетгандек, жирканиб, лаблари кийшайиб кетди.

– Эски, – минғирлади у. – Титилиб кетибди. Жуда галати, а? Шундай масми? Бизнинг ҳаётимиз юз йилилар аввал йўқотилиб, унутиб юбо-

рилиши лозим бўлган увада нарсаларнинг касрнга қолиб, таназзулга учраяпти.

Унинг қаҳрли башараси янада тундлашиб кетди.

«Чик-чик, чик-чик», – қадимий соатлар тинмасдан вайсайди.

– Юз йил мукаддам, – тақрорлади у. Лаби кимтиниб, худди исканжадек қаттиқ кисилди. – Бунга сен айбдорсан, Эдит. Сен доимо осори атикаларни ёқтириб келгансан. – Манави ҳам бувингнинг бувисининг соати. Девор тўла қадимий суратлар. Сен Ронни учун йига бошлаган маркалар тўплами ҳам 1940-йиллардан чиқа бошлаган.

Онасининг ранги окариб кетди.

– Сўзларингизни тушунолмадим...

– Ронини кўхна буюмларга сен кизиктириб кўйгансан. Яхши уйда тарбия топаётган бола учун феъл-атвори шакланаётган даврда турли буюмлар хотиржамлик ва хавфсизликни англатади. Ронни туғилиши биланоқ эски нарсаларга кунишиб борди. Табиийки, у эски китобларга ҳам ишкибоз бўлиб қолган. Биз эса буни англашга калтафаҳмлик қилидик.

Онаси бўғик пицирлади:

– Бундан афсусдаман, Дэвид...

Отасининг кўзида қайноқ ғазаб чакнади.

– Афсус-надоматнинг ўзи етарли эмас! Бунинг нималарга олиб келганини тушунмаяпсан, чоғи? Ронни энди бутун ҳаётини қайтадан бошлишига тўғри келади.

– Йўқ, Дэвид, йўқ!

– Мен учун ҳам шу мавқеим билан чакалюқнинг онгига эга бўлган саккиз ёшли болага ота бўлиб қолиш осон эмас. Ўғлимиздан воз кечиб, уни Онгни Ўзгартириш Муассасасига топшириб юборишим керак. Муассасада унинг хотирасини буткул ўчириб ташлашганидан сўнг, ўша ерда ҳаётини янгитдан бошлайверади. У биз ҳакимизда хеч нарса билолмайди ва хеч качон бизга халал бермайди.

– Кераги йўқ, Дэвид! Мен бунга йўл кўймайман...

У хотинини қулочкашлаб уриб юборди. Гўёски хавода тўшонча қарсиллагандек бўлди.

Ота энди худди қоп-кора муздан йўнилган улкан, баҳайбат хайкалдек турарди. Унинг ўнг қўли яна бир зарбага тайёр ҳолатда кўтаришган.

Кейин қўл яна пастга тушди. Энди гўё унинг фикрлари бошқа ғоя, ўзга муаммолар билан банд эди.

Дэвид узункурсидан китобларнинг бирини олди.

– Эдит, – жаҳл билан сўради у, – Ронни айнан қайси китобни ўқиди? Ўша китобнинг номи нима?

– «Том Сой... Сойернинг сарғузаштлари», – жавоб берди хотини хикиллаган холда.

У иккинчи китобни ҳам қўлига олиб, кўзлари олазарак бўлиб, уни кўтарди:

– Буниси қандай номланган?

– «Тарзан маймунлар орасида» – онанинг овози хиркираб, базур эшитилди.

– Унинг муаллифи ким?

– Эдгар Райс Берроуз.

– Манави-чи?

– «Оз мамлакатининг сехргари».

– Бунисини ким ёзган?

– Фрэнк Баум.

У китобларни ерга улоқтириди. Бир оз ортига чекинди. Унинг юзида қайгу, нафрат ва ғазаб ҳудди никобдек алмашиниб турарди.

– Эдит! – Бу исм ҳудди оғзини кўйдираётгандек, талаффуз этиб бўлиши биланок ерга тупурди. – Демак, сен ўкишни билар экансан-да?

Она фарёдини зўрга ичига ютди. Унинг ёноклари ҳудди оҳакдай окариб кетган, кўз ёшлари унда аччик из колдирганди.

– Кечиринг, Дэвид. Мен буни ҳеч качон ҳеч кимга айтмагандим, ҳатто Роннинга ҳам. Сизга турмушга чикканимдан кейин битта ҳам китоб ўқиганим йўқ, ҳатто бирорта китобни кўрган ҳам эмасман. Ҳар доим яхши хотин бўлишига интилдим...

– Яхши хотин! – яна тупурди ота. Унинг афти шунақанги қўркинчли бўлиб кетдики, Ронни даҳшаттга тушиб, юзини ўгириб олди.

Онаси сўзида давом этди:

– Мен... Мен буни болалигимда ўрганганман. Ўшанда Роннининг ёшидаги кичкина қизалок эдим. Болаларнинг қанака бўлишларини биласиз-ку – беташвиш, кизиқувчан, тақиқланган нарсаларга интилувчи...

– Мени алдаб юрган экансан-да?! – қаҳрланиб деди эр. – Сен ўн йил давомида мени алдаб келдинг. Нима учун сен ўкишни билишни хоҳлагансан, Эдит? Нимага?

Она бир муддат жимиб қолди. У оғир-оғир нафас олар, аммо йиғлашни бас қилган эди, аста-секин тинчлана бошлади. Ронни бу гал унинг кўзларида ҳеч қанака қўркувни кўрмади.

– Мен ўкишни ўрганишни жуда ҳам хоҳлаган эдим, – деди у хотиржам ва мағрур бир оҳангда, – чунки Ронни айтганидек, бу роса-ям қизиқарли. Тўғри, видео чиройли – унда ҳар турли нарсаларни: рақкослар ва севишганларни, хиндуларни ва сайёрлараро саргу-

заштларни томоша килиш мумкин. Аммо баъзан кўнгил ўзгача бир нарсани истаб қолади. Гоҳида инсонларнинг нималарни ҳис этаёт-гандарини, нималар ҳакида ўй-хаёл суроётгандарини билгинг кела-ди. Худди нафис расмлар каби гўзал сўзлар, нозик иборалар ва ла-тиф фикрлар ҳам бор. Уларни эшитгач, кейин унутиб юбориш алам килади кишига. Баъзан ўша сўзларни ва ўй-фикрларни юракда ас-рагинг келади, чунки вакт ўтиб уларни худди ўзингнидек ҳис эта бошлайсан. Бу сўзлар хонада акс садо бериб жаранглар, кўхна соат-нинг чиқиллаши эса уларни шошмасдан битта-битта ютиб юборарди.

Эдит каддини тик туттанича туради, Китоб Ўкувчи эканлигидан энди орланмас эди. Ота эса шошмасдан, қайта-қайта ўз нигоҳини Рон-нига, унинг онасига, соатга қаратишдан тўхтамасди.

Кейин у тилга кирди:

— Кетинг.

Онаси тушунолмай, хайрон бокди.

— Кетинглар. Икковингиз ҳам. Юкларингизга кейинироқ бирорни жўнатарсиз. Мен энди сизларни бир дақиқа ҳам кўришни истамайман.

— Дэвид...

— Сизларга айтяпман – даф бўлинг!

Ронни билан онаси уйдан чиқишиди. Тун ниҳоятда коронғи, совук шамол кучайиб бормоқда эди. Онаси ўзининг юпка уй кўйлагида совуқдан қалтирай бошлади.

— Энди қаёққа борамиз, Ронни? Қаерга?

— Мен қаерга боришни биламан, ойи. Ҳар ҳолда ҳозирча ўша ерда яшаб туришимиз мумкин.

— Ҳозирча? – тақрорлади онаси. Унинг фикрлари ҳам муздек ҳавода яхлаб қолгандек эди.

Ронни уни совук, изгирин изиллаган кўчалардан бошлаб кетди. Шаҳар чироқлари ортда колди. Оёклари остида ўйдим-чукур лойга ботган қишлоқ йўли. Улар эвкалипт дараҳтзорлари орасидаги кичкина, кўримсизгина учча ёнига якинлашишиди. Уй деразалари чироқнинг илиқ, олтинранг шульасидан худди мулоим кўзлар каби дўстона бокиб тургандек туюлади. Шу захоти эшик очилиб, кичкина болакай уларнинг каршисига юрганича пешвоз чиқди.

— Салом, Кенни!

— Салом... Бу ким? Ойингми?

— Ҳа. Жаноб Дэвис уйдамилар?

— Албатта.

Шу пайт юзларини сокол коплаган ёшгина эркак, мулоим жил-майган кўйи оstonада пайдо бўлди.

---

## МУНДАРИЖА

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА ..... 3

### ҚИССАЛАР

Чэд Оливер. ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ ..... 6

Лев Вершинин. КИРОЛНИНГ ҚАЙТИШИ ..... 47

Олег Костман. ДОН КРИСТОБАЛНИНГ ҲАТОСИ ..... 162

### ХИКОЯЛАР

Ж. Рожсер Бейкер. ТОШ ЗИРХЛИ ОРОЛ ..... 196

Эмил Лудвиг. МИТТИ АЙБДОР ..... 205

Д71      **Дон** Кристобалнинг хатоси: киссалар ва ҳикоялар / рус тилидан тарж. А. Саъдулла. – Тошкент: О'zbekiston, 2012. – 216 б.

ISBN 978-9943-01-831-0

УДК: 821.512.133-3  
ББК 84(0)

*Адабий-бадший нашр*

«Жаҳон адабиёти» кутубхонаси

## **ДОН КРИСТОБАЛНИНГ ХАТОСИ**

Киссалар ва ҳикоялар

Мухаррир *Л. Игамова*

Рассом *Б. Зуфаров*

Бадиий мухаррир *Р. Зуфаров*

Техник мухаррир *Т. Харитонова*

Мусахих *Н. Абдураҳмонова*

Компьютерда саҳифаловчи *Л. Абкеримова*

Нашиёт лицензияси AI №158, 14.08.09.

Босишига рухсат этилди 15.08.2012.

Бичими 60×90<sup>1/16</sup>. Офсет көғози. «Times» гарнитурасида оғсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 11,34. Нашр табоғи 13,53.

Адади 3000 нұсха. Буюртма № 12-274.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий күчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)






4900.e



(2)



ISBN 978-9943-01-831-0

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-01-831-0.

9 789943 018310

«O'ZBEKISTON»